

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Oktabr – 2020



Anri de Tuluz-Lotrek.
"Navqiron Ruti "

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИИД
Наим КАРИМОВ
Иномжон МАЖИДОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал

<1997 йил июндан>
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир хайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

ННАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Вах, неча жисмимни... *(Рус ва инглиз тилларига А.Сендик ва Қ.Маъмуров).*3

НАСР

И.ШОУ. Тиланчи ва ўғри. Роман. *(Рус тилидан А.Файзулла тарж.).*8
 Э.М.РЕМАРК. Қарзга олинган умр. Роман. *(Рус тилидан Д.Собирова тарж.).*97

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

О, Танграм, азобинг учун сенга хамд. *(Француз тилидан А.Ҳайит тарж.).*80
 Махтумқулининг отаси. *(Туркман тилидан Б.Карим тарж.).*151

ЭССЕ

Ҳ.ҲЕССЕ. Бир иш туни. *(Рус тилидан Ҳумоюн тарж.).*180

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Қ.ҚУЛИЕВ. Зулфия ва унинг шеърияти. *(Рус тилидан А.Мўмин тарж.).*184
 Д.ОЧИЛОВА. Инглиз адабиётида шарқона мавзулар талқини.193

ТАРИҲДА БУ КУН

Д.РАЖАБ. Нобель Луизага насиб этди.199
 Муковамизда.202
 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



NAVOIY SAVOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ВАХ, НЕЧА ЖИСМИМНИ...

*Вах, неча жисмимни гамдин нотавон эткай фироқ,
Нотавон жисмимга ҳар дам қасди жон эткай фироқ.*

*Жисмим айлаб нотавон, жонимга қасд айлаб ниҳон
Қасд қилган жонни расвойи жаҳон эткай фироқ.*

*Жонни расво айлагандин сўнг қаноат қилмайин
Юз гаму андуҳ хадангига нишон эткай фироқ.*

*Эмдиким андуҳу меҳнат ўқиға қилди нишон,
Ҳар жароҳат узра юз доғи ниҳон эткай фироқ.*

*Эй кўнгул, солма ўзунгни дард ила мардона бўл,
Бизни, шоядким, бу янглиғ имтиҳон эткай фироқ.*

*Васлидин дам урмайин қилсақ фироқ ичра басар,
Шояд ўзин бизга бир кун меҳрибон эткай фироқ.*

*Куйди жоним васлида эл рашиқдин то етти ҳажр,
Васл мунғлуг жонима ўт солди то неткай фироқ.*

*Дўстдин истар ризо зинҳор они кўрмаким,
Васл қилгай комрон ё нотавон эткай фироқ.*

*Ич, Навоий, май бағир қонидегу бехуд йиқил,
Неча васл уммидидин бағрингни қон эткай фироқ.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 314-газал)

ЛУФАТ:

Фироқ – айрилиқ

Ниҳон – пинҳон, яширин

Хаданг – ўқ

Меҳнат – машаққат

Дам урмоқ – оғиз очмоқ, сўзламоқ

Басар қилмоқ – умр ўтказмоқ, яшамоқ

Мунглуғ – қайғули, ғамли

Комрон – бахтли, мақсадга эришган

Беҳуд – хушсиз

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Э воҳ, айрилик қачонгача жисмимни ғамдан заифу нотавон қилиб қўяди? Бу айрилик ҳар дам нотавон жисмимдаги жонимга қасд қилади.
2. Жисмимни нотавон этиб, жонимга яширинча қасд қилгани етмагандай, айрилик қасд қилган бу жонимни яна расвойи жаҳон ҳам қилмоқда.
3. Жонни расво қилганига ҳам қаноат қилмасдан, фироқ уни яна юзлаб ғам-ғусса ва андух ўқиға нишон қилмоқда.
4. Ғам-ғусса ва машаққат ўқларига нишон этганидан сўнг, ҳар бир жароҳатни яна юз марталаб куйдирмоқда.
5. Эй кўнгил, ўзингни бу дардга таслим қилма, мардона бўл. Шояд, фироқ бизни шу тариқа имтиҳон қилаётган бўлса.
6. Висолдан оғиз очмасдан, айрилик азобида умримизни ўтказсак, балки бирор кун фироқ бизга меҳрибон бўлиб қолар.
7. Висол чоғи одамларнинг рашкидан жоним куйди, сўнг фироқ етди. Висолки ғамгин жонимга бунча ўт солгач, фироқ энди нима қиларди?
8. Дўстнинг ризосини истаган киши учун висолдан бахтга эришиш ёки айриликдан нотавон бўлиш ҳеч қачон аҳамиятли эмас.
9. Эй Навоий, жигар қонидек қип-қизил майдан ичиб, беҳуд йиқил, Фироқ қачонгача висол умидида бағрингни қон этади?!

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ёшлик лирикаси маҳсули бўлиб, ғазалнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан олдин “Оққўюнли мухлислар девони”да ҳам учраши шоир уни йигитлик даврида яратганлигини кўрсатади. Маълумки, “Оққўюнли мухлислар девони” Навоийнинг 30 ёшгача бўлган шеърларини ўз ичига олади ва ундаги шеърларнинг аксарияти шоир Самарқандда яшаган даврида яратилган. Девонда “фироқ” радифи билан ёзилган 2 та ғазал мавжуд. Бу ҳол бевосита шоирнинг ўз она шахридан айриликда яшаганлиги билан боғлиқ мавзуга алоҳида эътибор қаратганлигидан дарак беради. Бошқача айтганда, ғазалда асосий урғу қаратилган фироқ мавзуси шоирнинг ёр-дўстлари, яқин кишилари билан бирга она-юртидан айрилик дамларини ҳам ўз ичига олади.

Ғазал айриликда юрак-бағри эзилган, жисми нотавон бўлган лирик қаҳрамоннинг ўтли нидоси билан бошланади:

*Ваҳ, неча жисмимни ғамдин нотавон эткай фироқ,
Нотавон жисмимга ҳар дам қасди жон эткай фироқ.*

Байтдан-байтга тадрижийлик ортиб боради. Фироқ лирик қаҳрамоннинг жонига қасд қилиб, бу жонни яна расвойи жаҳон этади, бунга ҳам қаноат этмасдан, расво бўлган жонни юзта ғаму андуҳ ўқиға нишон қилади, сўнг ушбу юз ўқдан пайдо бўлган жароҳатни яширин тарзда аста-секин куйдира бошлайди:

Жонни расво айлагандин сўнг қаноат қилмайин

Юз ғаму андуҳ хадангига нишон эткай фироқ.

Эмдиким андуҳу меҳнат ўқиға қилди нишон,

Ҳар жароҳат узра юз доғи ниҳон эткай фироқ.

Кўнгил бу азобларга дош беролмай, таслим бўлишга мойил...

Бешинчи байтда лирик қаҳрамон кўнгилга мурожаат қилиб, уни бу дарду аламларга енгилмасликка, ҳар қандай дардни мардонавор қабул қилишга чақирар экан, бу – фироқ орқали тақдирнинг имтиҳони эканлигини таъкидлайди:

Эй кўнгул, солма ўзунгни дард ила мардона бўл,

Бизни, шоядким, бу янглиз имтиҳон эткай фироқ.

Мақтаъдан аввалги байтда бу фикр ҳикмат даражасига кўтарилади:

Дўстдин истар ризо зинҳор ани кўрмаким,

Васл қилгай комрон ё нотавон эткай фироқ.

Байтдаги мазмунга кўра, дўстнинг ризосини истаган киши учун висолдан бахтга эришиш ёки айрилиқдан нотавон бўлиш аҳамиятсиздир.

Хўш, байтда келтирилган *дўст* ким? Аввалги шарҳларимизда ҳам таъкидланганидек, Алишер Навоий шеърларида тасвирланган ёр ёки дўст алоҳида объект эмас, балки бир қанча маъно қатламларини ўзида акс эттирувчи умумлашма образдир. Таҳлил қилаётганимиз ушбу байтда ҳам дўст образи айни пайтда ҳам она-юрт, ҳам Ҳусайн Бойқаро (ёки шоирнинг бошқа дўсту устозлари) орқали асл мақсад бўлган Яратганни ифода-лаб келмоқда. Ватанидан ёки яқинларидан айрилиқда яшаган шоир эртани-кечми унга қайтишига ишонади, фироқ унинг она-юртга, дўстларига бўлган муҳаббатини заррача пасайтира олмайди. Ва айни пайтда байтга Яратганнинг розилигига эришишни истаган банда Ундан келадиган ҳар қандай синовни, у хоҳ, висолдан келадиган бахт бўлсин, хоҳ айрилиқдан келадиган нотавонлик бўлсин, мамнуният билан кутиб олади, деган маъно ҳам сингдирилганлигини кўраимиз.

Мақтаъда шоир нидо санъати воситасида ўзига мурожаат қилиб, бағир қонидек май ичгилу, унинг таъсирида беҳуд бўл, зеро, фироқнинг бағирни қон қеладиган даражадаги азобидан фақат Унинг ишқи-ю васл умиди қутқара олади, деб таъкидлар экан, сўзлар такрорини *ташбиҳ* санъати билан уйғунлаштириб, байтнинг лисоний жозибасини орттиришга эришади.

*Ич, Навоий, май багир қонидегу беҳуд йиқил,
Неча васл уммидидин багрингни қон эткай фироқ.*

Ғазал рус тилига А.Сендик томонидан аслият ҳажмида (9 байт) таржима қилинган. Ғазалга хос қофияланиш тизими ва радиф (“разлука”)нинг сақланиши таржиманинг шаклий муваффақиятини таъминлаган. Айрим байтлар (8-, 9-байтлар)даги ноқисликларни ҳисобга олмаганда, мазмунда ҳам асл матнга анча яқинлашиш борлигини кузатиш мумкин.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Анатолий СЕНДИК

*Ах, долго ли будет терзать мое тело разлука?
Отнять, верно, жизнь у него захотела разлука.*

*Тело мое иссушив, сердце она обнажает,
Хочет свершить до конца черное дело разлука.*

*В дуру, которую водят в позорных колодцах,
Страдания стрелы пускает умело разлука.*

*Бессонно ведется стрельба по кровавой мишени,
Все раны мои растревожить сумела разлука.*

*Мужайся же, сердце, бежать от себя бесполезно,
Порою шадит тех, кто борется смело, разлука.*

*Быть может, коль вынести все униженья и муки,
Окончится, боль доведя до предела, разлука.*

*Ведь близость – и та пытку ревности применяет,
Так можно ль хотеть, чтобы нас пожалела разлука?*

*С разлукой приходит отчаянье или забвенье,
То угля черней, то белее мела разлука.*

*Так пей, Навои, пока разум тебя не покинет,
Надежды вино отравить не посмела разлука.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

WOW ... SEPARATION ...

*Wow, how long do separation, grief make my body so weak,
Each time to kill my weak body's soul, separation attempts.*

*Making my body weak, attempting secretly to kill my soul,
To shame the crushed soul to the world, separation attempts.*

*Even being not satisfied with ashamed soul to the world,
To make a target of a hundred griefs, separation attempts.*

*After making a target of grieving and of hardened arrows,
To burn each wound a hundred folds, separation attempts.*


*Hey soul, don't surrender to pains and grieves, be brave,
Maybe, this way to test us, separation makes attempts.*

*Not mentioning tryst, we spend life in torture of separation,
Perhaps, someday to be kind to us, separation does attempts.*

*My soul burnt for tryst till folk's jealousy caused separation,
If tryst burnt my sad soul, separation can't do worse attempts.*

*He who wants friend's consent, never agree with him, as,
Tryst makes you happy or be weak of separation attempts.*

*Navoi, drink wine like red liver blood till you lose sense,
Hoping for long trysts, to bleed soul separation attempts.*





NASR

Ирвин ШОУ

(1913 – 1984)

ТИЛАНЧИ ВА ЎҒРИ

Роман¹

*Рус тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси*

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Билли Эбботнинг ён дафтаридан 1969

НАТОда аралаш шахслар ҳақида кўп гапирилади: поляк немислари ҳақида, шарқий ва ғарбий немислар, фаластинликлар ва арманлар ҳақида; араб мамлакатларидаги яхудийлар ҳақида, туменлик ва ливиялик италянлар тўғрисида, жазоирлик французлар ҳақида. Келажакда, шубҳасиз, бундан ҳам кўпроқ гапиришади. Ўнгида ҳам, тушида ҳам уруш очишни ўйлайдиган ҳарбийлар нима ҳақида гапиришарди?

Менинг аралаш шахсларга мансублигим миямга урилиб қолди, зеро, уйдан узоқдаман, ватанда бахтли ва қувончли ҳаёт ҳақидаги хомхаёллар ва шубҳасиз, замон ва макон билан боғлиқ хотиралар ила йўғрилганман, жамиятга нисбатан мойиллик менга бегона (яъни Қўшма Штатлар армиясига нисбатан). Бу жамиятда сургунлик йилларим кечмоқда, ҳолбуки у мени кийинтиради ҳам, корнимни тўйдиради ҳам, шунингдек, ўз она ватанимда ғоят камтарона қобилиятим ва кибр-ҳаводан маҳрумлигим эвазига каттагина маош ҳам беради.

Менда меҳр дегандан ном-нишон йўқ, бу менинг ҳар қандай қабихликдан тоймаслигимни билдиради. Менинг Моникага бўлган муҳаббатим – жуда нари борганда вақтинчалик ҳол туйғусидир. Мисол учун, полковникнинг хизмат жойи ўзгаргудек бўлса, уни Греция ёки Гумда қарор топган қисмга кўчирадилар, у эса бу ерда ҳам теннис бўйича яхши шерик бўлишини хоҳлайди. Ёки менинг боришим ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган Вашингтонда юборилган буйруқ бўйича, ҳарбий бўлинмалар бошқа жойга кўчирилади, ёхуд, пировардида Мони-

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

кага бошқа мамлакатда маоши анча баланд ишни таклиф қилишади – шу билан ҳаммаси тамом бўлади.

Дарвоқе, бизнинг муносабатларимиз ўзидан-ўзи барбод бўлиши мумкин. Сўнги вақтларда Моника асабий бўлиб қолган. Менга дам-бадам ташланадиган одат чиқарди – бу яхшиликдан дарак бермайди. Фақат мутлақо сўқир худбингина бу ташланишлар мени йўқотиб қўйиш мумкинлиги ҳақидаги ғамгинликдан келиб чиққанига умид қилиши мумкин.

Борди-ю, биз Моника билан ажрашадиган бўлсак, мен полковникнинг хотини тўшагига кириб ётаман.

* * *

Ҳарбий либосдаги Билли Эббот Моника билан қўлтиқлашиб Брюс-сель марказидаги Гранд-Плас ресторанидан чиқиб келди, бу ерда улар ҳозиргина шоҳона овқатланишди. Биллининг кайфияти аъло даражада эди. Тўғри, яхшигина ҳақ тўлашга ҳам тўғри келди – барча йўл китобларда бу ресторан энг яхшилардан бири деб тилга олинарди – аммо бугунги кечлик учун кетган пулга ачинмаса бўларди. Бунинг устига полковник билан жуфтликда у бортда олтмиш доллар ютиб олди. Полковник теннисни ўлгудай яхши кўради, ҳар куни бир соатдан мўлроқ теннис ўйнашга ҳаракат қиларди ва Уэст-Пойнт битирувчисига муносиб тарзда ютказишни ҳуш кўрмасди.

Полковник Биллининг ўйинини кўрган эди, унда Билли бор-йўғи капрал эди ва унинг ўйин усули унга жуда маъқул келганди. Билли шу қадар совуққонлик ва айёрлик билан ҳаракат қилардики, зарбаси анча кучли бўлган рақибни “ер тишлатарди”. Бундан ташқари, ҳаракатчан Билли жуфт ўйинда майдоннинг тўртдан уч қисмини назорат қила оларди, қирқ етти яшар полковникка эса худди шундай шерик керак эди. Шу боис Билли энди капрал эмас, боиси катта сержант бўлгани ва гаражга эгалиги туфайли сержантлик маошига дурустгина устама тайин қилинганди. Бу устама гоҳо инсофли зобитлардан хизматдан ташқари ишларга машиналар тўғрилаб бергани учун тўланадиган чойчақалардан ва армия ёқилғисини хуфия тарзда арзон гаров сотишдан тушадиган мунтазам даромадлардан ташкил топганди. Полковник Биллини тез-тез кечки овқатга таклиф қилиб турарди. Ўзининг айтишига кўра, у, полковник, аскарлар нима ҳақида ўйлашини билишни хоҳларди. Полковникнинг хотини эса Биллини айникса ҳарбийча либосда зобитлардан асло кам бўлмаган мафтункор йигит деб биларди. Полковникнинг хотини ҳам теннисни севарди ва бир ажойиб кунда полковникни бир-икки ойга бирон ёққа топширик билан жўнатиб юборганларида Билли билан яшарди.

Армия, албатта, илгариги армия эмасди, иқроор бўлиб ўйларди полковник гоҳо, аммо замон билан ҳамқадам бўлиб юрмаса тагин бўлмайди. Токи командирлар ичида Биллининг суянчиғи полковник бор экан, уни Вьетнамга жўнатишларидан хавотир олмаса бўлди.

Аввалбошданок Вашингтондан Рудольф амакининг саъй-ҳаракатлари билан душман тўпларининг тинкани қуритувчи гумбур-гумбуридан жон сақлаб қолганини Билли биларди ва қачон бўлмасин унга ўз миннатдорлигимни изҳор этаман, деб ўзига-ўзи ваъда бериб қўйганди. Айнан унинг чўнтагида амакиси юборган минг долларли чек билан хат ётибди. Онаси-

дан Билли иложи бўлган ҳаммасини сиқиб олди, шу боис амакисининг бойлигидан хабар топган Моника Биллини ундан пул сўрашга мажбур қилди. Унга пул нима учун зарурлигини тушунтирар экан, қизалоқ бир нарса деёлмади, аммо Билли бундай “деёлмаслик”ларга аллақачонок ўрганиб қолганди. У Мониканинг Мюнхендаги оиласи ҳақида ҳам, унинг ўн саккиз ёшида нима учун Дублиндаги Тринити-коллежида ўқиши кераклиги ҳақидаги фикрни миясига қуйиб олгани борасида ҳам ҳеч нарса билмасди. У тез-тез қандайдир сирли учрашувларга кетиб қоларди, аммо бирга қолган вақтларда ғоят жонсарак ва саришта бўлар эди. Шаҳар марказидаги унинг шинам хонадонига кўчиб ўтишида Моника шундай шарт қўйди: агар у, Моника, нафақат бугун бир окшом, балки бир ҳафтага ғойиб бўлганда ҳам ундан қаерда эдинг, деб сўрамасин. НАТОдаги делегациялар аъзоларида шундай кенгашлар ва музокаралар бўлар эдики, улар ҳақида бировга айтиш асло мумкин эмасди.

Аммо гап Биллининг ўзига дахлдор бўлмаган пайтларда унинг ҳар нарсага қизиқсиниб ижикилайдиган одати йўқлигида эди.

Мониканинг сочлари тим қора бўлиб, доим тўзиб турарди, оёқларига паст пошналар туфли кияр, чулқилари таранг тортилган бўларди, гўё атайлаб хунук кўринишга ҳаракат қилгандай, бироқ у жилмайганда чехраси гул-гул очилиб кетарди. Лекин унинг сарв қомати олдида бу майда-чуйда камчилигу ютуқлар бир пулга қиммат эди. Шунчаки қомат эмас, айнан сарв қомати Билли учун бошқача аҳамият касб этарди, чунки бир юз олтмиш саккиз сантиметр бўйли ва нозик қад-қоматли бу одам баланд бўйли аёллардан бир дунё нуқсон топишга қодир эди.

Агар бугун ундан армиядан кейин нима иш қилмоқчисан, деб сўрашгудек бўлса, у, эҳтимол, ҳарбий хизматни давом эттирмоқчиман, деб жавоб берган бўларди. Моника уни тез-тез орияти йўқлигидан койирди. У эса чиройли жилмайиб, икром бўларди: йўқ нарсани йўқ дейдилар-да. Унинг бу жилмайиши ғамгин кўзлари билан биргаликда ҳаддан ташқари ортиб кетарди, зеро, қалбини ғам босган ҳар қандай одам барибир ҳам бутунлай бўлмаса-да, лоақал биров кўнглини чоғлаш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилади. Аммо Билли бу жилмайишни сунистеъмол қилмасди – у ўз каддини яхши биларди.

Бугун Моникани айнан ана шундай сирли учрашувлардан бири кутиб турарди.

Ресторандан чиқиб улар прожекторлар ёғдусида заррин деворлар ва уйларнинг дераза қалқонлари чарақлаган майдонга маҳлиё бўлиб, тўхтаб қолишди.

– Ётиб ухла, мени кутма, – деди жувон. – Мен кеч қайтаман, балки тонггача қолиб кетарман ҳам.

– Бу аҳволда яқинда ҳезалак бўлиб қоламан-ку, – шикоятмуз деди Билли.

– Бўпти, кўнглинг ўксимай қўя қолсин! – эътироз билдирди Моника. Тринити-коллежи ва НАТОдаги бир неча йиллик ишдан кейин у инглизчада гапиришни шунақанги қойиллатиб қўярдики, инглиз ва америкаликлар уни ватандош деб билишарди.

У жувоннинг лабидан авайлабгина ўпиб, таксига ўтиришини кузатиб турди. Моника гўё қўчада эмас, узунликка сакрайдиган секторга тургандек машинага сакраб чиқди. Билли унинг ғайрати ичига сигмаётганига

яна бир карра тан берди. У Мониканинг ҳайдовчисига айтган манзилни яна илғаёлмай қолди. Ҳар гал жувонни таксига ўтказаетганида унинг қаёққа бораётганини сира билолмади-да.

Елка учириб, қаҳвахонага йўл олди. Уйга боришига ҳали эрта, бу окшомда бошқа бировни кўришга ҳуши йўқ эди.

Қаҳвахонада у пиво буюрди, чўнтагидан амакисининг чекли хатини олди. Том Жордахнинг ўлими ҳақидаги таъзиянома ва Рудольф хотинининг яланғоч ҳолдаги лаънати фотосурати босилган “Тайм” журналига Биллининг кўзи тушгандан кейин, ўз-ўзидан равшанки, Билли бу фоторасм тўғрисида оғиз очмади ва Рудольфга чуқур таъзия билдирди, холос. Амакиси Рудольф барча оилавий янгиликларни ипидан-игнасигача баён этарди. Унинг ёлғизланиб қолгани ва нима билан шуғулланишини билолмаётгани сезилиб турарди. Хотини билан ажрашгани ва амакиси укаси Уэслини Индианаполисдан олиб кетгани тўғрисида онаси хафа бўлиб, аммо босиқлик билан ёзарди. Уэслининг онаси кўча фоҳишаси сифатида полицияда рўйхатда туриши тўғрисида чурқ этмас, аммо Гретхен дунёга жар солаётганини айтарди. Гретхеннинг хабарлари аёвсиз ва ўғитнамо бўларди. Армияга боргани учун ўғлини кечиролмаётганди, у қамокқа тушишини хоҳларди – шундагина у чинакам оналик азоби қанақа бўлишини хис этармиди. Ҳар ким ҳар нарсани ёктиради, кўнглидан ўтказарди Билли маънос ҳолда. Унга, масалан, қирқ етти яшар полковник билан теннис ўйнаш ва тамаддунли Брюсселда ақлли, қад-қомати келишган, бир неча чет тилини биладиган ва холисанлилло айтганда, севимли Fraulein¹ билан яшаш ёқади.

Пул сўраб амакисига ёзилган хат нафис, ёқимли ва мунгли иборалардан тузилган бўларди. Билли қартада ютқазиб қўйганига шаъма қиларди, машинасини уриб олгани-ю, энди янгисини олиши кераклиги ҳақида сўзларди. Бугун эрталаб олинган жавобга қараганда, амакиси Рудольф жиянининг мусибатларини тўғри тушунибди, гарчанд пулни қарзга бераётганини яширмаган бўлса-да.

Моника эртанги тонгга нақд пул тайёрлаб қўйишни илтимос қилганди, шунинг учун ҳали банкка ҳам бориши керак. Қизик, у пулни нима қиларкин-а?

Моникага пул нима учун кераклигини у эрталаб билди. Саҳарда уйга келиб, у Биллини уйғотди, унга қаҳва дамлаб берди ва тушунтириб айтдики, пул ўқ-дори ва қурол-яроғ омборидаги бир сержантга керак, у Моникага алоқадор одамларни қўйиб юборди ва лом-мим демади – улар армия юк машинасида бўлишади, юк машинани Билли ўз гаражидан беради ва улар қўлларидан келганча автомат, граната ва патронларни олишга йўл қўйиб беришади. Биллининг ўзи бу ишга бош қўшмайди, у фақат тўлдирилган йўл варақаси бўлган юк машинасини тунда гараждан олиб чиқишга ҳамда ярим йўлни бирга босиб ўтишига тўғри келади. У ерда АҚШ ҳарбий полицияси лейтенанти либосидаги бир одам кутиб турган бўлади. Юк машинаси тонггача гаражга қайтиб келади. Бу гапларнинг ҳаммасини жувон хотиржам сўзлаб берди. Билли эса индамай қаҳва ҳўплар ва гиёҳвандликдан у батамом жинни бўлиб қолибди деб ўйларди ичида. Нотаниш бир шоирнинг ижодига бағишланган Тринити-коллежи семинаридагига ўхшаб, бир хил оҳангда Моника унга айт-

¹ Қиз (нем.).

дики, мен сени гараж бошлиғи лавозимида эканинг боис жазманликка танлаган эдим, ҳолбуки ўшандан буён у Биллисиз туролмайдиган бўлиб қолганди.

– Курол сизларга нимага керак? – бироз сукутдан сўнг сўради Билли хиёл қалтираган овозда.

– Буни айтишга ҳаққим йўқ, жонгинам, – жавоб берди жувон унинг қўлини мулойимгина силаб. – Сен ўзинг ҳам билмаганинг маъқул буни.

– Сен террорчисан, – деди Билли тусмоллаб.

– Начора, бу таъриф ҳали бошқаларидан ёмон эмас, – елка қисди жувон. – Шахсан мен ўзимни адолат учун курашчи, зулм душмани ёки шунчаки энг оддий, ҳаёт эзиб ташлаган, мафкуравий ишловга маҳкум инсоннинг химоячиси дегим келади. Қайси бири сенга маъқул – ўзинг биласан.

– Ҳозирок НАТОга бориб, у ерда сен тўғрингда ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берсам-чи? Сизларнинг шайтоний ишларингизни қилсам-чи? – Мўъжазгина ўчоқбошида, яланғоч баданга халат ташлаб олиб, совуқдан дийдираб, портлашлар ва қотилликларни муҳокама қилиш қанчалик аҳмоқлик.

– Мен ундай қилмаган бўлардим, жоним, – жилмайди жувон. – Биринчидан, сенга ҳеч қачон ишонишмайди. Мана айтасан, сенга кетишим ҳақида маълум қилганман ва сен мендан шу тариха қасос олмоқчи бўлдинг дейман. Бундан ташқари, шерикларимдан бир нечтаси ифлосликда ном чиқарган каллакесарлардан...

– Сен мени қўрқитмоқчи бўлаяпсан, – деди Билли.

– Буни қандай атасанг атайвер.

Жувоннинг нигоҳига қараб билдики, у хазиллашмаяпти. Биллининг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Дарвоқе, у ҳеч қачон ўзини ботир деб билмаган ва умрида муштлашувда иштирок этмаганди.

– Агар шундай қиладиган бўлсам, фақат бир марта бўлади, – деди Билли, хотиржам гапиришга ҳаракат қилиб, – шу билан биз ҳеч қачон қайта кўришмаймиз.

– Билганингни қил, – ўшандай текис оҳангда жавоб берди Моника.

– Нима қарорга келганимни тушда айтаман, – деди Билли мана шу олти соат ичида Моника ва унинг шерикларидан, уларнинг телбанамо режаларидан кутулиб қолиш, Америкага учиб кетиш, Парижда ё Лондонда яшириниб олиш ҳақида титраб-қакшаб хаёл сурганча.

– Начора, банклар тушдан кейин ҳам очик бўлади, – рози бўлди Моника. – Вақтимиз етарли. Аммо сенинг хавфсизлигингни ўйлаб огоҳлантираман: ортингдан кузатишади.

– Қанақа одамсан ўзи? – овозини кўтариб деди Билли.

– Агар сен бундай енгилтабиат, беғам ва манман бўлмаганингда, – жавоб берди жувон аввалгидек равон оҳангда, – мен билан шунча вақт яшаб, бу ҳақда сўрашингга ҳожат қолмасди.

– Одам ўлдиришни хохламасликдаги енгилтабиатлик ва манманлик қанақа бўлишини тушунолмадим, – қайириб ташлади Билли жувоннинг гапларидан дили оғриб. – Нимангга бурнингни кўтарасан?

– Ҳар куни эрталаб сен аскар либосини киясан, – деди Моника. – Шундай либосни кийган сенинг ёшингдаги минглаб йигитларни ҳар куни ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган юз минглаб енгилтабиатлар дейман. – Ғазабдан жувоннинг кўз олди коронғилашиб кетди.

– Сен шуни тўхтатиб кўрмоқчимисан? – овозини кўтариб деди Билли.
– Сенинг ва бир ховуч шерик-терорчиларингнинг қўлидан шу иш келармикан?

– Биз ҳаракат қилаяпмиз. Биз жуда кўп ишлар қилишга уринаяпмиз, жумладан, буни ҳам. Ҳеч бўлмаганда, ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш қиламиз. Сен нима қилмоқчисан? – мийиғида жилмайди жувон. – Теннис ўйнаяпсанми? Бу ишлар ўтиб кетгунча-я? Сени хурмат қиладиган сўнгги одам ер юзидан супуриб ташлангунча-я? Сен этикларини ялайдиган одамлар ер куррасини портлатиб юборишга келишиб олгунча кўл қовуштириб қараб ўтираверасанми? Бутун дунё кунпаякун бўлганда, сен ўлаётиб, булар барчаси тайёрлангунча еганинг, ичганинг, аёллар билан ётганингга гердаясанми? Уйғон! Сени чувалчангдек судралиб юришингни талаб қиладиган қонун борми?!

– Булар бари куруқ гаплар, – баланд келиб деди Билли. – Сизлар-чи, нима қила оласизлар? Исроил самолётини олиб қочаяпсиз, элчихонада ойналарни синдирасиз, кўча полициячиларига ўқ узасизлар, хўш, шу билан дунёни сақлаб қола оласизларми?

– Бу ерда исроилликларнинг нима дахли бор? Бизда, бизнинг гуруҳда бу борада ҳар кимнинг ўз фикри бор, шу боис ўзингнинг яҳудий шерикларинг... менинг ҳам яҳудий шерикларим учун ташвиш қилмасанг бўлади.

– Раҳмат, – киноя билан таъзим қилди Билли, – яҳудийларга нисбатан соф немисча хайрихоҳлик учун раҳмат.

– Ярамас! – жувон унга тарсаки тушириш учун ҳаракат қилган эди, бироқ Билли унинг қўлидан ушлаб қолди.

– Бу қилиғингни бас қил! – таҳдид билан деди Билли. – Автоматни бир амалларсан балки, аммо сендан боксчи чиқмайди. Мени уришларига йўл қўймайман. Сен бўлсанг бўкириб, дўқ-пўписа қиласан, манглайимдан ўқ ейишимни ёки қолган умримни қамоқхонада ўтказишимни талаб қиласан, аммо барибир ҳам жўяли бир гап айтганингча йўқ. – Кўркувни йиғиштириб, Билли хужумга ўтди. – Борди-ю, сизларга ёрдам беришга қарор қилганимда ҳам зинҳор кўрққанимдан ва пул учун эмас. Бўпти, келишайлик. Сен ҳақсан: мен чувалчангдай судралиб юришимни талаб қиладиган қонун йўқ. Сен мени ишонтиролмадинг, лекин мен сизлар биланман. Энди эса ўтир, қўлларинг ва дўқ-пўписаларингни чўнтагингга солиб қўй ва типирчиламасдан, ҳаммасини яхшилаб тушунтир. Қандай бўлса, шундайича айт, фақат олиб қочма. Тушундингми?

– Қўлимни қўйиб юбор, – қовоғини уйиб деди Моника.

Билли уни қўйиб юборди. Жувон унга нафрат билан қараб турарди. Кейин бирдан хандон отиб кулиб юборди.

– Биласанми, Билли, тўғриси айтсам, ажойиб фикрлайсан. Кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсан. Менимча, биз яна қаҳва дамлашимизга тўғри келади. Сен ҳам совқотгансан. Бориб, кийиниб ол, свитерни эгнингга ил, нонушта устида йигирманчи асрда тирик бўлмоқнинг ажойиблиги ҳақида гап сотамиз.

Кийинар экан, ётоқ бўлмасида Биллини тағин титроқ боса бошлади. Аммо бадани қақшаб турганига қарамай у ўзида бир ғаройиб кўтаринкиликни ҳис қилмоқда эди. Биринчи марта у чекинмади, тойилиб кетмади, оғмади. Гап эса ҳаёт ва мамот устида кетарди – бу аниқ. Моника билан ҳазиллашиб бўлмайди. Рўзномаларда ҳар куни самолёт-

ларнинг олиб қочилиши, бомбалар портлатилиши, сиёсий арбобларнинг ўлдирилиши, оммавий хунрезликлар ҳақида ёзадилар ва булар бари қўшни ёзув столида ўтирган, сен билан битта автобусда кетаётган, тўшагингга кириб ётадиган, сен билан бирга овқатланадиган одамлар миясидан чиқади ва улар амалга оширади. Биллининг омади чопгани шундаки, Моника ҳам шулар сирасидан эди, Билли эса бунга тирнокча шубҳа билдирмасди. Жувон унинг кўнглини қаттиқ оғритди, ҳақорат қилди. Бир тийинга қиммат одам эканлигини билиш – бу бир гап, бу нарсани сен фахрланиб юрган, боз устига сен уни севган ва севгисига ишонганинг – аёл оғзидан эшитиш бутунлай бошқача гап!

Сухбат сўнгидаги аёлнинг кулгиси ҳурмат бажо келтириш бўлиб, Билли бу ҳурматни миннатдорлик билан қабул қилди. Энди Мониканинг кўзида у муносиб рақибга айланганди, у шунга яраша муомала қилиши лозим бўлади. Шу пайтгача Билли дунёни қайта тузиб чиқишга ҳаракат қилмай келаётганди ва унда илиққина ҳарбий кунжак топиб олганидан хурсанд эди. Энди уни бу ердан тортиб чиқаришди ва шунга қараб иш тутишга тўғри келарди. У хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар уни нимагадир тортиб чиқаришди. У ҳам бутун ҳаёти тубдан ўзгарганини дарҳол англади.

Падарига минг лаънат бундай ҳаётнинг!

* * *

У яна ўчоқбошига кириб келганида қахва тайёр бўлган эди. Моника туфлисини ечиб, ўчоқбошида фақат чулкида юрар экан, сочлари тўзиган ҳозирги ҳолатда эрига нонушта тайёрлаш учун тўшакдан ҳозиргина туриб келган уй бекасининг ўзига айланган эди. Ўчоқбошида террор ҳақида гаплашиш, ёниб турган плита ёнида қон тўкиш ҳақида мулоҳаза юритиш, костреул ва товоқлар жангир-жунгири остида қурбонни танлаш ғалати эмасми? Билли қайсидир Белгия фермасидан ундириб олинган, юзаси қирилган ёғоч столга келиб ўтирди ва Моника унга қахва сузди. Қахвани жувон қойилмақом қилиб дамларди – бу ҳар қандай Hansfranga¹га хос фазилат эди. Билли маза қилиб биринчи қултумни ютди. Жувон ўзига қахва сузди, мамнун жилмайиб қўйди. Хавфли топшириқларни бажариш учун юк машинаси олиш мумкин бўлган гараж эгаси ўларок, уни Моникага жазман қилиб танлашлари сабабини тушунтирган аёл бирмунча вақтга ғойиб бўлди, холос. Мана бу салқин тонгнинг ўн дақиқасига, дилидан ўтказди Билли қайноқ қахвадан хўплар экан.

– Хўш, нимадан бошлаймиз биз? – сўради Билли ва соатига қараб қўйди. – Шошилмасак бўлмайди. Мен ишга боришим керак.

– Бошидан бошлаймиз, – жавоб берди жувон. – Дунёда содир бўлаётган воқеалардан. Дунёда эса ҳаммаси оёғи осмондан. Қаёққа қарама, фашистлар...

– Америкада ҳамми?.. – сўради Билли. – Қўйсанг-чи, Моника.

– Америкада улар ҳозирча яширинча ҳаракат қилишмаяпти, – гижиниб жавоб берди Моника. – Юқорига қалқиб чиқишмаяпти. Уларни ким қурол, пул билан таъминлаяпти, яширинишларига ёрдам бераяпти? Вашингтон-

¹ Уй бекаси (нем.).

лик, нью-йорклик, техаслик бойлар. Дарвоке, борди-ю, сен тинч-тотув ҳаётингни асраётган бўлсанг, бизнинг гаплашадиган гапларимиз йўқ.

– Худди китобдан ўқиб бераётгандай гапирасан-а?

– Нима қилибди? – хайрон бўлди жувон. – Бунинг нимаси ёмон? Умуман, китоб ўқиш ғоят фойдали, сен ҳам ул-бул нарсаларни мутолаа қилсанг, зарари бўлмасди. Борди-ю, ўз жонажон ватанингни деб жон куйдираётган бўлсанг, мен сени суюнтиришим мумкин: Америкада биз ҳозир ҳаракат қилмаяпмиз – бизнинг гуруҳимиз, ҳар қалай. Бошқалар учун мен жавоб бермайман. Бомбалар ҳамма жойда портляпти, Америкада улар янада кўпроқ портлайди, мени айтди дерсан. Америка – бу пирамиданинг асоси ва шу боисдан ҳам у бизнинг бош нишонимиз. Унинг қанчалик осон емирилишини кўрганингда, кўзларингга ишонмайсан, ахир у кум устига барпо этилган – ёлғон, ахлоқсизлик, ўғирланган бойлик, асорат асосига қурилган, унинг тагида эса ҳеч нарса йўқ, бўшлик!

– Яна иқтибосми? – кинояомуз кулди Билли. – Балки кутубхонадан китобни олиб, ўқигани менга бериб турарсан?

– Шундай қилиб, бизнинг вазифамиз, – давом этди Моника, унинг киноясига парво қилмай, – буни бутун дунёга кўрсатиб қўйиш.

– Сизлар қанақа ҳаракат қилмоқчисизлар? Мияси айниган гангстерларнинг кучи биланми?

– Бу сўзни қўллашингни ман этаман сенга, – вишиллади жувон.

– Қандай хоҳласанг, шундай айтавер. Бандитлар. Ёлланма қотиллар.

– Биз устига-устак ҳужум қилаверамиз. Ҳукуматнинг ташвиши ортгандан-ортади, ўзига эшитилмай қолади ва охир-оқибатда кўркувга тушади. Кўркув эса хато устига хато қилишга олиб келади ва оқибатлари сотат-басоат мудҳиш тус олаверади. Мурватни жонҳолатда буришга ҳаракат қиладилар, сўнг ҳалокатли ён беришга ўтадилар, янги жангларга ташланадилар ва одамлар ҳукуматнинг ҳалокати яқинлигини англаб, қайта олишувларга киришади, деворда янги ёриқлар пайдо бўлади.

– Балки пластинкани ўзгартирарсан? – деди Билли.

– Аввал банк бошқармасининг президентини ўлдиришади, – жазавага тушиб нутқ ирод қиларди жувон, – кейин элчини ўлдиришади, мамлакатни иш ташлаш қарахт қилиб қўяди, пул кадрсизланади. Навбатдаги зарба қаёқдан бўлишини ҳеч ким билмайди, аммо албатта, янги зарба йўлланишини ҳамма билади. Шунда мурватни шунақанги маҳкам қилиб бурай бошлайдиларки, ҳамма нарса ҳавога учади. Бунга қўшин-пўшин бас келмай қолади. Фақат ғояга сўзсиз ишонувчи бир ҳовучгина одамлар қолади...

– Сенга ўхшаганми? – сўради Билли.

– Ҳа, нима бўпти? – дағдаға билан жавоб берди жувон.

– Кейин-чи, галабаларингдан кейин нима бўлади? – сўради йигит. – Россия тантана қиладими? Шунга эришасизларми?

– Россияга ҳам навбат келади, – жавоб берди Моника. – Наҳотки сен мени шунақа аҳмоқ деб ўйлаётган бўлсанг?

– Унда, айт, нимага эришасизлар?

– Ер куррасини захарлашдан тўхтайдилар, биз кирилиб кетмаймиз, на аскарлар, на жосуслар бўлади, ичига атом бомбалари ортилган бомбардиончи самолётлар ҳавога кўтарилмайди, сотқин сиёсатдонлар бўлмайди, пул

деб бир-бирларини ўлдирмайдилар... Одамлар азоб чекаятти ва мен уларнинг азоб чекишига нима мажбур қилаётганини билишларини истайман.

– Тушунарли, – деди Билли. – Ҳаммаси ажойиб, энди эса амалий ишга ўтамиз. Фараз қилайлик, мен сизларга юк машинасини бердим, сизлар гранаталар, бомбалар, автоматлар топдингиз. Хўш, бу нарсаларни сиз айнан нимага ишлатмоқчисизлар?

– Аниғими? – жавоб берди жувон, – биз бу ердаги битта банкнинг барча ойналарини чил-чил қилмоқчимиз ва бир немис ҳакамини асфалософилинга жўнатмоқчимиз, у Европадаги энг катта чўчка ҳисобланади. Бундан ортиқ сенга ҳеч нарса айтолмайман. Сенинг хавфсизлигингни ўйлаб айтмайман.

– Менинг хавфсизлигимни деб сен кўп нарсага тайёрлигингни кўриб турибман, – истехзо ила таъзим қилди Билли. – Онам, полковник ва шахсан ўзим томонимдан сенга миннатдорлик билдираман...

– Валақлаганча масхаралашни бас қил, – унинг гапини бўлди жувон.

– Сенинг гапларинг-чи, меҳрибон террорчи қизалок, юрагимга нак наштадай санчилмоқда, – жавобан деди йигит ўзини курашга чоғлаш мақсадида.

– Мен ҳали ҳеч кимни ўлдирганим йўқ, – деди Моника. – Ўлдириш ниятим ҳам йўқ. Менинг бошқа мажбуриятларим бор. Виждонинг қийналмаслиги учун шуни айтиб қўймоқчиманки, бу ерда, Бельгияда, биз курбонларсиз иш тутамиз. Ҳаракатларимиз ғирт рамзий маънога эга. Биз шунчаки уларнинг тинчини бузиш, кўрkitиб қўйишни истаймиз, холос.

– Бу – Бельгияда, – деди Билли. – Бошқа жойларда-чи?

– Бу ёғи билан ишинг бўлмасин, – жавоб берди жувон. – Буларни билишингга ҳожат йўқ. Кейинчалик, фикрларимизга қўшилсанг ва ҳаракатларимизда янада фаолроқ иштирок этсанг, ўқиш курсини ўтайсан ва муҳокамаларимизда нажоткор бўласан. Ҳозир эса сендан бир нарса талаб этилади: банкка борасан, амакинг берган чек бўйича пулни оласан ва Худо ярлакаган бир оқшомда уч-тўрт соатга юк машинасини бериб турасан. Жин урсин, – бирдан ғазабга минди жувон, – бу ерда сен учун янги нарсанинг ўзи йўқ-ку? Яхшигина порахўр эканингни кошки билмасам. Битта сержантлик маошинг билан тирикчилик қилолмаслигинг тайин. Ёқилғи сотиб пул топасан...

– Эҳ, Худойим, Моника, – хайрон бўлди Билли. – Наҳотки сен майдакаш туллак билан мендан сўраётган нарса ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини билмасанг?

– Биламан, – жавоб берди Моника. Биринчиси – ифлос ва бемаъни машғулот, иккинчиси – асил машғулот. Сен қандайдир хаёлпарастлик дунёсида яшаяпсан. Сен ўзинг ўзингга ёқмай кетаяпсан, менга ўз оиланг – онанг, отанг, амакинг ҳақида, кимлар билан ишлаётганларинг ҳақида сўзлаб берганларингга қараганда, сен ҳаммаларини биракай ёмон кўрасан. Рад этма, илтимос. – У йигитни гапиртирмаслик учун қўлини кўтарди. – Худди кўзингга тасма боғлаб қўйилгандай. Шу пайтгача бирон марта ҳам ҳеч ким башарангга қараб олишингни талаб этмаган, ўзингни тутиб ол, атрофингдагиларга разм сол демаган. Шунинг учун ҳозир мен сендан шуни талаб қилаяпман.

– Айни вақтда агар сизларга қўшилмасам, мени катта кўнгилсизликлар кутишига шаъма ҳам қилаяпсан, шундайми? – деди Билли.

– Худди шундай, оғайничалиш, – жавоб берди жувон. – Токи ишда экансан, шулар устида ақл юрит.

– Албатта, – Билли ўрнидан турди. – Мен борай.

– Тушга яқин олдинга кираман, – ваъда берди жувон.

– Мен ҳам тушуниб турибман, – мийиғида жилмайди Билли ва чиқиб кетди.

Куннинг биринчи ярми худди тумандагидай ўтди. Йўл варақалари, қоидалар, ёрликлар, орденларни текширар экан, Билли кетма-кет қарорлар қабул қилар, уларни ҳар томонлама фикр тарозисидан ўтказар, рад этар, яна эътироф этар, яхшилаб ўйлаб кўриб, тағин рад этарди. Полковникка кўнғирок қилиш, унга ҳамма гапни очиб-сочиш, маслаҳат, ёрдам олиш учун уч марта телефонга ёпишди, аммо ўша заҳоти гўшакни жойига кўйди. У самолётлар жадвалини кўриб чиқди, банкка боришга, тоғасининг чеки билан пул олишга ва тунги рейс билан Нью-Йоркка учиб кетишга жазм қилди. Вашингтонда у Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ)га боради, қанақа аҳволга тушиб қолганини тушунтиради ва ҳаяжонли нигоҳлар билан Моникани панжара ортига ўтказди. Ҳаяжонланармикан? Балки қотилликда, яширин кураш олиб боришда, ҳукуматларни тўнтаришда тажриба орттирган МБР ходимлари уни табриклашар? Ёки кўрқоклиги учун кўнгиллилар ёмон кўришар? Ҳаммадан ҳам ёмони – иккиёқлама жосусга айлантиришар, Брюсселга кайтишга буйруқ беришар, Моника аъзо бўлган тўдага келиб кўшилар ва фаолияти-ю, ҳаракатлари ҳақида ҳар ҳафта маълумот бериб борар? Ҳатто бугун эрталаб у, виждонан айтганда, уни севмаслигига ишонмаётганди. Севадими? Севиш ўзи нима дегани? Аёлларнинг кўпчилиги билан унинг кўнгли ёзилмасди. Одатда, аёл билан яқинлашгандан кейин у шарт ўрнидан туриб, уйига шошиларди. Моника билан ҳеч ундай бўлмасди. У ҳеч қачон бошқа аёл билан бундай лаззатланмасди ва уларнинг оғуши тунда ҳар қанча қайноқ бўлмасин, у кундуз куни ҳам ўшандай ҳирс ила Моника билан тўшакка ётиш имконини қидирарди.

У ўлишни истамайди. Моника билан ажрашишни истамаганини билган каби у буни ҳам биларди. Туш вақти унинг қатли тўғрисида буйруқ беришга қодир аёл билан тунда ётишга журъати етиши ҳақидаги фикрда қандайдир кўзғатувчи, чуқур ҳаяжонга солувчи нарса бор эди.

Борди-ю, у Моникага: “Мен сизлар биланман”, деб айтса, унинг ҳаёти нимага айланади? Иккиёқлама яшашига тўғри келадими? Полковник билан теннис ўйнайдими? Яқин орада эшитилувчи портлаш овозини деб ўйнайдими? Амакиси Рудольфнинг банки ёнидан ўтганида, унинг бўсағасига эрталаб эшик очилишида портлайдиган бомбани билдирмай кўйиб келадими? Мамлакатдан-мамлакатга шошувчи акидапарстлар билан танишадими? Тарих дарсликлариди улар ҳақида, эҳтимол қаҳрамонлардек ёзарлар, аммо ҳозирча улар заҳар ва шимарилган қўллари билан одамларни ўлдирмоқда; улар ўзларининг сиридан уни воқиф қилади ва унинг бўйи атиги бир юз олтмиш саккиз сантиметр эканини унутишга ёрдам беради.

У бирибир ҳам полковникка кўнғирок қилмади, чек бўйича пул олинди, юк машинаси борасида келишмади ва тайёрагоҳга бормади.

Бутун тонгни у қандайдир қарахтликда ўтказди ва полковник унга кўнғирок қилиб, беш яримда ўйинга келишини таклиф этганида, Билли: “Хўп бўлади, сэр, албатта келаман”, деди, ҳолбуки бу вақтга келиб у ўлиб кетиши мумкинлигини яхши англаб турарди.

* * *

Гараждан чикиб қараса, Моника уни дарвоза олдида кутиб турибди. Бу гал у обдон тараниб олганди ва бундан Билли хурсанд бўлиб кетди, чунки ҳамма уларга қараб, бир-бирига имо қокиб кўярди – аммо бошликка хурмат юзасидан улар кулгиларини яширар эди, – рост-да, кўл остидагилар унинг аллақандай ислиқи билан илакишиб колганини билиши унга ёқмасди.

– Хўш? – сўради Моника.

– Кетдик овқатлангани, – жавоб ўрнига деди Билли.

У жувонни қиммат ресторанга олиб борди, бу ерга унинг хизматдошлари келиши амримахол эди, ҳатто Америка ошхонасидаги овқат уларнинг кўнглига урган бўлса ҳам. У ердаги столларда оҳори кетмаган дастурхонлар ёзиғлик, гуллар кўйиғлик, официантлари хушёр, дунёнинг кунпаякун бўлиши, бадният фитнесчилар, емирилаётган пирамидаларга ишора қилинмайдиган жойда ёйилиброк ўтирар эди. У ҳар иккаласига овқат буюрди. Моника бўлса ҳеч қанақа овқат-повқат егим йўқ, деб баҳона қилди, ҳатто менюни кўлига олмади. Унинг менюга қарамаслиги сабабини билган Билли ўзича ғазаб билан мийиғида кулиб кўйди. Таомлар номларини ўқиш учун у шишалари қалин кўзойнагини тақишига тўғри келади, Моника эса жамоатчилик жойда устига-устак кўзойнак кўндириб кўришдан уяларди. Бироқ овқат келгач, у Биллига қараганда кўпроқ иштаҳа билан тушира кетди. Қизик, нега у шу пайтгача семириб кетмаган экан?

Тушлик вақтида улар паст овозда ва хотиржам тусда об-ҳаво, эргаси кунни очиладиган анжуман (бу анжуманда Моника таржимон бўлиб иштирок этиши керак), Биллининг полковник билан портда учрашуви, Брюсселга келаётган ва Моника уни кўришни истаётган театр ҳақида суҳбатлашдилар. Уларнинг эрталабки суҳбати борасида бир оғиз ҳам сўз айтилмади ва қаҳва келгандагина жувон сўради:

– Хўш, қандай қарорга келдинг?

– Ҳеч қандай, – жавоб берди Билли. Шинам рестораннынг ичи иликқина эмас, балки иссиқ ҳам эди, бироқ Биллини яна қалтирок босди. – Эрталаб чекни амакимга қайтариб юбордим.

– Ахир, бу қарор бўлмай, нима? – совуқ жилмайди Моника.

– Маълум даражада шундай, – унинг гапини тасдиқлайди йигит. У ёлғонлаётганди. Чек унинг ҳамёнида ётарди. У бир оғиз ҳам ҳалигидай гап айтмоқчи эмас эди. Худди унинг бошидаги тугмача босилгандек сўзлар ўз-ўзидан отилиб чиқарди. Аммо энди бу сўзларни ўзи айтиб турар экан, у англадики, ростакам чекни амакисига қайтариб юборади, ташақкур айтади ва молиявий аҳволим қутилмаганда яхшиланиб кетди ҳамда айни дамда ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмасман, деб айтади. Рудольфга бошқа вақтда, ҳақиқатан ҳам пул унга жуда зарур бўлганида мурожаат қилиши осонроқ бўлади.

– Майли, – хотиржам оҳангда деди жувон. – Қўрқаётгандирсан-да, пулларим куйиб кетади деб, мен буни тушунаман. – У елка қисиб кўйди. – Бу унчалик муҳим эмас. Пулни бошқа жойдан топамиз. Юк машинаси нима бўлди?

– Бу иш билан ҳали шуғулланганим йўқ.

– Ихтиёрингда ҳали куннинг иккинчи ярми турибди.
 – Бир қарорга келганимча йўқ.
 – Ҳечкиси йўқ, – деди жувон. – Ўзингни ҳеч нима бўлмаганга сол, вас-салом.

– Мен бундай қилишни ҳам истамайман, – деди Билли. – Бир тўхтамга келишим учун мен аввал ҳаммасини ўйлаб кўришим керак. Борди-ю, дўстларинг мени ўлдирмоқчи бўлса, – қўшимча қилди у ғазаб билан, аммо овозини кўтармай, чунки кўлида қаҳвали човгумни ушлаб, улар томон официант келмоқда эди, – уларга айт, мен қуролланган бўламан. – У бир гал тўппонча билан машқ қилишига тўғри келиб қолганди. Ўшанда тўппончани қисмларга ёйиш ва йиғишни ўрганиб олганди, аммо нишонга қараб ўқ узишда жуда оз очко олди. Карролдаги отишма¹ – фақат брүсселча Карролда! – ўйлади Билли. У ерда ким ўйнаган эди? Жон Уейнми? Қизик, менинг ўрнимда Жон бўлганида қандай йўл тутарди? У кулиб юборди.

– Нега куласан? – жаҳли чиқди Мониканинг.

– Бир эски фильм эсимга тушди, – жавоб берди йигит.

– Ҳа, марҳамат, – деди Моника французчалаб, кўлида кумуш човгум кўтарганча тик оёқда кутиб турган официантга. Официант уларнинг пиёлаларига тўлдириб қаҳва қуйди.

– Тўппончани уйда қолдира қол, – лабини буриб кулимсиради жувон, официант кетгач. – Ҳеч ким сени отмоқчи бўлаётгани йўқ. Сен битта патронга арзимаёсан.

– Мактовингдан мамнунман, – таъзим қилди йигит.

– Қизик, сенга ҳеч нарса таъсир қиладими ўзи? Бирон нарсадан таассурот ҳосил қиласанми?

– Кейинги учрашувимизда сенга бутун бир рўйхатни келтириб бераман. Агар учрашиш насиб қилса.

– Насиб қилади, – деди жувон.

– Хонадонни қачон тарк этасан? – сўради Билли.

Жувон унга ҳайрат тўла кўзлари билан қаради. Бу унинг ҳақиқий ҳайрати эдими ё жўрттага шундай қилдими, Билли билолмади.

– Тарк этиш ниятим йўқ. Сен кетишимни хоҳлайсанми?

– Билмадим, – жавоб берди йигит. – Аммо бугунги суҳбатдан кейин...

– Кел, бирмунча вақтгача суҳбатимизни эсдан чиқарайлик, – деди жувон. – Сен билан яшаш менга ёқади. Баъзилар эҳтимол, бошқача ўйлар, аммо мен бунга ишонаман. Сен билан бирга бўлиш менга ёқади. Бошқа эркаклар билан унақа бўлмайман, ҳатто ҳаммаслақларим билан ҳам, биз бир нарсани яхши биламиз: тўшакда фақат эркак эмас, аёл ҳам ҳузурланиши керак. Сени, жонгинам, бир бечора қизнинг дуоларига жавоб ўрнида Худонинг ўзи менга юборди – очик гапирганим учун узр. Бундан ташқари, сен мени илтифот билан олиб борадиган ресторанлардаги овқатлар менга ёқади. Шу боис... – У сигарета тутатди. У сигаретани бир-бирига улаб чекарди ва хонадондаги барча кулдонлар доим тўла бўларди. Бундан Билли жиғибийрон бўларди, чунки Биллининг ўзи чекмас ва чекувчилар орасида ўлим ортиб бораётгани тўғрисидаги маълумотларга мутлақо жиддий муносабатда бўларди. Аммо мудом ҳибсни кутиб яшов-

¹ 1881 йил 26 октябрда Американинг Тунгетоун (Аризона) шаҳрида бўлган отишмага ишора (тарж.).

чи террорчи аёл олтмиш ёшида ўпка саратонидан ўлиши мумкинлиги ташвиш ортирармиди?

– Шунинг учун, – давом этди жувон, тутунни бурнидан чиқариб, – мен ўз умримни чегаралайман. Хўш, айт-чи, мен ақлли аёлманми?

У мени нақ қийма-қийма қилиб ташлайди, дилидан ўтказди Билли.

– Бас қил, – тўнғиллаб берди йигит.

– Бунақа қовоғингни солиб қарама, азизим, – деди Моника. – Эсингда бўлсин, ҳар ким ўз қобилиятига яраша яшайди. Дарвоқе, куннинг иккинчи ярмида бўшман. Сен бир-икки соат вақтингни ажрата оласанми?

– Бўлмаса-чи. – У аллақачоноқ келиш, кетиш ва вақтинчалик четга чиқиб туришлар жадвалини мукамал тарзда тузиб чиққан эди.

– Жуда соз. – Жувон унинг кўлини силади. – Уйга бориб тўшакка ағанаймиз.

Билли ўзининг тутуруқсизлиги, пулни стол устига ташлашдаги кўроклиги, ресторандан викор билан қаддини кўтариб чиқиб кетишдаги олифтагарчилиги учун ўзини лаънатлаб:

– Мен ўн дақиқага гаражга бориб келишим керак. Уйда кўришамиз, – деди.

– Интизорлик билан кутаман, – жилмайди Моника, бавар-ирланд юзандомли жувоннинг мовий кўзлари чакнаб кетди.

2

Билли Эбботнинг ён дафтаридан

1969

Яқин вақт ичида ҳеч нарса ёзмайман.

Моника борасида сукут сақлаганим маъқул.

Қаёққа қараманг, хуфиялар. Ҳар лаҳзада “талончилар” деб ном чиқарган одамлар ташланиб қолиши мумкин. Брюсселда бу оддий ҳол.

Моника жодугар сингари ёвуз аёл.

Мен уни севаман. Аммо у менга ишонмайди.

* * *

Сидни Олтшелер “Тайм” – “Лайф” осмонўпар биноларининг юқори қаватларидан биридаги кабинетида турар ва кўшни бинолардаги чирокларни томоша қиларди. Унинг кайфияти тушкун эди, чунки шанбада ҳам, якшанбада ҳам тер тўкишга тўғри келарди.

Эшик аста тақиллади, котиба кириб келди.

– Сизни Уэсли Жордах деган киши кўрмоқчи.

– Жордах? – тумшайди Олтшелер. – Ҳеч қанақа Жордахни билмайман. Айтинг, мен бандман, менга хат ёзиб кирита қолсин.

Котиба энди чиқиб кетай деганди у ниманидир эслаб қолди.

– Шошмай туринг, – деди у. – Беш ё олти ой бурун биз қотиллик ҳақида бир мақола чоп этгандик. Жордах исми шарифли бир одамни ўлдиришганди. Айтинг, кирсин. Тэтчер таҳрир қилинган мақолани олиб келгунича ўн беш дақиқа бўш вақтим бор. Жордах ҳақидаги бу воқеада

фойдаланиш мумкин бўлган қандайдир давом учраб қолар? – У дераза тарафга ўгирилди ва эртанги дам олиш кунда ёнмайдиган чироқларга қараганча яна олдинда турган машаққатли уик-энд ҳақида паришон хаёл сура кетди.

Эшик яна тақиллади ва котиба эндиликда ўзига тор келиб қолган костюмидаги бир йигитчани ичкарига киритиб юборди.

– Кираверинг, кираверинг, – таклиф қилди Олтшелер, столга жойлашар экан. Стол олдида яна битта стул бор эди, у йигитчага шу стулни кўрсатди.

– Менга хизмат борми? – сўради котиба.

– Керак бўлсангиз, чақираман. – У ўн олти-ўн етти ёшлардаги, аммо ёшига қараганда барваста кўрунувчи йигитга қараб қўйди. Озгин юзлари истарали эди. Спорт билан шуғулланиши шундок кўриниб турарди.

– Хўш, хизмат, мистер Жордах? – қувноқ оҳангда сўради у.

Йигитча унга “Тайм”дан йиртиб олинган саҳифани узатди.

– Сизлар отам тўғрисида мақола эълон қилибсизлар, – деди у паст, тиниқ овозда.

– Ҳа, эсимда, – Олтшелер сукут сақлади. – Отангиз ким бўлган эди? Мэрми?

– Йўқ, – жавоб берди йигитча.

– Исмингиз нима эди, йигитча?

– Уэсли.

– Қотилни топишдими?

– Йўқ. – Уэсли жим бўлиб қолди, кейин қўшиб қўйди: – Яъни, расман топишмади.

– Мен ҳам шундай ўйлагандим. Матбуотда бошқа ҳеч нарса босилмаганди.

– Хуллас, мен мана шу мақолани ёзган одамни кўрмоқчи эдим. Мен пастда шундай дегандим, аммо улар қаёққадир кўнғироқ қилишди-да, уни Хаббел деган одам ёзганлигини ва у ҳалигача Францияда яшашини аниқлашди. Шу боис “Тайм”дан сотиб олдим ва сизнинг исми шарифингизни кўрдим.

– Тушунарли, – такрорлади Олтшелер. – Мистер Хаббел сизга нима учун керак бўлиб қолди? Сизнингча, мақолада сиз учун ҳақоратомуз бирон гап борми ёки хатолик ўтибдими?

– Йўқ. Гап бутунлай бошқа ёқда.

– Ёки, сизнингча, билишингиз лозим бўлган бирон гап-сўз бўлиб ўтдими ўшандан буён?

– Йўқ, шунчаки мистер Хаббел билан гаплашмоқчиман, токи отам ҳақида, унинг оиласи ҳақида сўрамоқчиман. Бу ҳақда мақолада анча гаплар ёзилган.

– Тушунарли. Аммо мистер Хаббел сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Буларнинг ҳаммаси шу ерда ёзилган эди. Хужжатларини бизнинг архивимиздан қидириб топишганди.

– Мен отамни яхши билмасдим, – давом этди Уэсли. – Мен кичкиналигимда кетиб қолган, фақат икки йилгина аввал учрашгандик. Мен у ҳақда кўпроқ билмоқчи эдим.

– Мен сизни тушунаман, Уэсли, – мулоқимлик билан деди Олтшелер.

– Мақолада мен билганимдан кўра кўпроқ нарсалар бор экан. Мен отам ҳаётлигида турли вақтларда учрашган одамларнинг рўйхатини тузиб қўйганман ва булар ичида “Тайм” ҳам бор – бор гап шу.

– Тушунарли. – Олтшелер кўнғирок чалди, ўша заҳоти котиба кириб келди. – Мисс Прентис, Жордах ҳақидаги мақола учун ҳужжатларни тайёрлаган одамни аниқлаб берсангиз. Менимча, янглишмасам, у мисс Ларкин эди. Йигитчани унинг олдига олиб боринг. Айтинг, мистер Жордахга ёрдам беришни жуда хоҳлайман. – У ўрнидан турди. – Узр, аммо қиладиган ишларим ҳам талайгина. Келганингиз учун раҳмат, Уэсли. Омад сизга ёр бўлсин.

– Ташаккур сизга, сэр. – Уэсли ўрнидан турди-да, котиба билан измаиз чиқиб кетди.

Олтшелер яна дераза ёнига келди. Босиқ ва ғамгин йигит, ўйлади у. Борди-ю, унинг отасини ўлдиришса ва қотил кимлигини аниқ билса, у нима қилган бўларди? У бакалавр даражасини олган Йел университетида бундай муаммолар муҳокама қилинмасди.

Мисс Ларкин деразаси йўқ, кундуз-чироқли мўъжазгина хонани эгаллаганди. У бўйи унча баланд бўлмаган, кўзойнакли жувон бўлиб, одмирок кийинган эди. То мисс Прентис йигитнинг келиш мақсадини билгунга қадар, мисс Ларкин Уэслига хуркканнамо қараганча бошини қимирлатиб турди.

– Мана бу ерга ўтиринг, мистер Жордах, – деди жувон, – мен архивга тушиб чиқаман. Мен қавлаштириб топган ҳамма ҳужжатларни бемалол ўқиб чиқишингиз мумкин. – У гапиришга гапирди-ю, бироқ кейин тил тишлаб қолди. Ахир рўпарасида отаси ўлдирилган ўғил турган паллада “қавлаштириб” дейишга бало бормиди? Унга кўрсатишдан олдин архив ҳужжатларини яна бир қарра назардан ўтказиш керак-ку. Бу воқеа устида қандай ишлаганини жувон жуда яхши эсларди, – асосан, шунинг учунки, булар ҳаммаси ўз ҳаётидан жуда-жуда фарқ қиларди. Жувон ҳеч қачон Ривьерада бўлмаган – умуман, у Америкадан ҳеч қаёққа чиқмаган, – аммо коллежда ўқиб юрган кезларда кўп ўқир ва Франциянинг жануби унинг тасаввурига узлуксиз ишқий можаролар ва фожиалар рўй бериб турадиган жой сифатида муҳрланиб қолганди: Скотт Фияральд у ерда Ложувард қирғоғидаги Олмос йўли бўйлаб зиёфатлардан боши чиқмаган, жўшқин Дик Дайвер қуёш нурларида жимирлаган қумлоқ соҳилда диконглаб юрган, олдинда эса уларни турли фалокату ҳалокатлар кутиб турган. Жувон ҳатто адабиёт қўлланмаси бўйича қайдларни ҳам сақлаб қўйганди, худди адабий жуғрофия билан шуғулланадиган бир ажойиб кун келишини олдиндан билгандек эди.

У ўша ерда бўлган ва шунча нарсаларни бошдан ўтказган, энди эса тор костюмда унинг олдида турган йигитчага қараб қўйди ва жувон бу гапларнинг бари ҳақида унга нималар маълумлигини сўраб билмоқчи бўлди.

– Қаҳва ичиб ўтирарсиз? – сўради у.

– Раҳмат, мэм, йўқ, – жавоб берди Уэсли.

– Журналнинг янги сонини ўқиб туринг бўлмаса.

– Раҳмат, мен уни сотиб олдим.

– Мен ҳозир қайтаман, – қувноқ оҳангда деди жувон. Бечора бола, ўйлади у хонадан чиқар экан. Келишган экан. Эгнидаги костюмининг бир

холдалиги ҳам билинмайди. Жувон хаёлпарастроқ бўлиб, шеърият шайдоси эди. Худди илк фотосуратлардаги ёш Йетега ўхшаб, у ҳозир бошдан-оёқ коп-қора бўлиб кўринарди.

Архив ҳужжатлари жилдини қўлларида кўтарганча у қайтиб келганида Уэсли букчайиб, захира ўриндиғидаги футболчилардай тирсақларини тиззаларига тираб ва қўл панжаларини осилтириб ўтирарди.

– Ҳаммаси шу ерда, – деди жувон жонланиб. У яланғоч Жин Жордахнинг суратини қолдирсаммикан ёки олиб кўйсаммикан, деб узоқ ўйлади. Фотосурат журналда чиқиб бўлган, бола уни албатта кўрган.

– Бемалол кўраверинг, – деди жувон. – Менинг бошқа ишларим бор... – У бир уюм қийқимларни кўрсатди. – Лекин менга халақит бермайсиз.

Йигитчанинг ўз олдида бўлгани унга хуш ёқмоқда эди. Кўнгли сув ичади, ҳар қалай.

Очишга журъат қилолмай Уэсли жилдга қаради, мисс Ларкин эса иши билан банд эди – нималарнидир қирқар, ёзар эди. Ора-сира у йигитга қараб-қараб кўярди. Охири Уэсли буни пайқаб қолди, жувоннинг дили хуфтон бўлди. Ҳечкиси йўқ, ўйлади жувон, ўзини оқлашга баҳона излаб, қизларнинг қарашларига ўргансин-да, ахир. Улар бунинг ортидан подапода бўлиб чопади ҳали.

Уэсли жилддан биринчи фотосуратни суғурди. Жувон бу унинг боксчи трусисидаги отасининг фотосурати эканини кўрди. Отаси зарба беришга шайланиб, совук қараб турарди. Бу ерда у жуда ёш экан, тахминан менинг ёшимда, дилидан ўтказди Уэсли. Кўкраги ва қўлларидаги ҳар битта мушаги дирк-дирк сакрар эди. Рақиблари, ҳойнаҳой, ундан ўлгудек кўрққан бўлсалар керак.

Мисс Ларкин ҳам мана шу фотосуратга эътибор қаратди. Чиройли боксчи унга безори бўлиб кўринди – иложи борича ундан нарироқ бўлиш керак. У ўқимишли эркакларни хуш кўрарди. Йигитча ҳамма нарсани унутиб, фотосуратга тикилиб қолгани ва мисс Ларкин уни бемалол кўздан кечира бошлади. У отасига қош-кўзини олгандай ўхшаш эди, фақат бунда безориликдан ном-нишон йўқ. У ўн тўққиз ёшларда бўлса керак, уни пастдаги барга таклиф қилса бўлади. Бизнинг пайтларда ўн тўққиз яшар йигит – кап-катта эркак дегани. Унинг ўзи энди йигирма тўртга кирган, ёшдаги фарқ айтарли катта эмас.

Фотосурат “Ринг” деган журналдан қирқиб олинган бўлиб, унча катта бўлмаган мақола ёзилганди: “Том Жордах, иккинчи ўрта вазндаги келажакли порлоқ боксчи, ўн тўрт олишувда ғалаба қозонган, шулардан саккизтаси – нокаут билан. Лондонга бормоқда, у ерда ўрта вазнда Англия чемпиони унвонига даъвогар Сэммин Уэлсга қарши Альберт-холлда бокс тушади. Жордахнинг менежери Артур Шульцнинг айтишича, яна уч-тўрт олишувдан кейин ўз категориясида Томмига бас келадигани топилмайдиган”.

Фотосуратга кистириғлик варақда машинкада бундай гаплар ёзилганди: “Лондондаги беллашув нокаут билан тугади. Уч ҳафтадан кейин Парижда Рене Бади билан курашади. Еттинчи раундда нокаут. Шундан кейин маълумотлар изчил эмас, анча ёмон бокс тушади. Невада штатидан лас-вегаслик Фредди Куэйлс учун спарринг-шерик қилиб ёлланган. Куэйлс – ўрта вазнда чемпионлик унвонига асосий даъвогар. Куэйлс ва Жордах ўртасидаги баҳс. Лас-вегаслик репортёр хабар қилдики, миш-

мишларга қараганда, меҳмонхона бўлмасида Куэйлснинг хотини туфайли муштлашув бўлган, уни кейинчалик Голливудда сўзсиз ролларни ўйновчи артист билган эди. Қаттиқ жароҳатланган Куэйлсни касалхонада кўрган гувоҳ топилди. Куэйлс ўзини тиклай олмади, рингни ташлади. Ҳозир Колорадо штатининг Денвер шаҳрида спорт буюмлари дўконида сотувчи бўлиб ишламоқда. Т.Жордах Лас-Вегасдан ғойиб бўлди. Автомобиль ўғирлашда айбланиб, уни ҳибсга олишга ордер берилган. Шундан буён у ҳеч қаерда кўринмаяпти”.

Шунақа гаплар бир неча сатрдан иборат бутун бир саҳифада баён этилган. Якун эса бори-йўғи олти сўздагина ўз ифодасини топган: “Шундан буён у ҳеч қаерда кўринмаяпти”. Кўринганида қандок – фақат Антибда, алам билан ўйлади Уэсли. У ручка учини чиқарди-да, бир варақ қоғозга ёзиб қўйди: “Артур Шульц, Фредди Куэйлс”.

Кейин яна отасининг фотосуратини кўздан кечиришга тутинди: ўнг кўли олдинга чўзилган, чап кўли эса иягини тўсиб турибди, елкалари баланд кўтарилган, ёш чехрасида шиддаткор ифода акс этган, яна тўрт ё беш олишув – ва у енгилмас боксчига айланарди. Шундан кейин ҳеч қаерда кўринмай кетарди.

Уэсли мисс Ларкинга қаради.

– Агар у ҳозир бу ерга мана шундай ҳолда кириб келганида, мен уни танимаган бўлардим. – У мийиғида қулди. – Яхшиямки, мана бундай елкадор одам болалар учун жисмоний жазолаш тарафдори бўлиб қолмайди.

Мисс Ларкин Уэслининг мушакдор танаси-ю, отасининг жанжалкашлик одати билан фахрланарди, у Уэслининг ҳозирги ёшидан бироз каттарок эди.

– Агар шу фотосуратни олмоқчи бўлсангиз, – деди жувон, – ғижимланиб кетмаслиги учун мен сизга каттарок хатжилд бераман.

– Ростданми? – ишонқирамай деди Уэсли. – Уни олсам бўладими?

– Албатта.

– Бу жуда зўр иш бўлди-ку! – суюниб кетди йигит. – Менда эса унинг фотосурати йўқ. Уч-тўртта бор эди, лекин булар анча кейинги суратлар... Унда у бошқача кўриняпти. Йўқ, у келишган киши эди, – шошиб қўшимча қилди у, гўё мисс Лариннинг у отасини ёмон кўрар экан-да ёки отаси хўппасемиз бир чолга айланиб қолгандир-да, деган хаёлга боришидан кўкқандек. – Фақат бошқачарок эди. Кўпроқ юзида ўзгариш бўлганди. Ахир одам бир умр навнихол бўлиб қолмайди-ку.

– Бўлмаса-чи, – тасдиқлади мисс Ларкин. У ҳар куни эрта билан кўрка-кўрка кўзлари атрофида ажин қидириб ойнага қарарди.

Уэсли яна жилдга шўнғиди ва ундан мисс Ларкин тўплаган оила аъзоларининг таржимаи ҳол маълумотларини суғуриб олди.

У ёзилганларга тезгина кўз югуртириб чикди. Ҳаммаси маълум гаплар: амакисининг илк муваффақияти ва коллеждаги жанжал, аммасининг икки бор турмушга чиқиши, отасининг тез ўсиши борасидаги умумий тавсифлар. Бир сатрини у икки қайта ўқиди: “Ўттиз беш ёшида корчалонликни тарк этганида Рудольф Жордах кўпмиллионли бойлик эгаси бўлган эди”. Кўпмиллионли! Лоақал бир миллионни ишлаб топиш учун унинг отаси неча марта рингга чиқишига, неча мавсум Ўрта ер денгизи бўйлаб сузишга тўғри келмаган?

У столда ўтирган сулувгина кўзойнакли қизга қизиксиниб қараб қўйди. Тақдир тақозоси билан айнан шу қиз унинг оиласи тарихини ўрганишига тўғри келганди. Қизик, агар у ундан Жордахлар ҳақидаги фикрини сўрагудек бўлса, қиз нима деб жавоб бераркин? Қиз Рудольф тақдири бечора бир йигитчанинг қандай миллионер бўлгани тўғрисидаги соф америкача қисмат деб ёзармиди. Қизик, унинг отаси ҳақида ҳам қиз бир бечора йигитчанинг омади юз ўтиргани ҳақидаги соф америкача қисмат деб айтармикан?

Уэсли пишқириб, сал бўлмаса кулиб юбораёзди.

– Бор-йўқ хужжатлари шу. Ҳаммаси шу жилдда, – унга кўзини кўтариб қаради мисс Ларкин. – Афсуски, жуда ҳам кўп эмас.

– Йўқ-йўқ, ҳаммаси жуда яхши, – ишонтириб деди Уэсли. Дилбаргина ёш аёл уни ношукурликда айблашини истамасди. У жилдни аёлга узатди ва ўрнидан турди. – Сизга катта раҳмат. Энди мен борай.

Мисс Ларкин ҳам ўрнидан турди. У бир нима айтмоқчи бўлгандек йигитга ғалати қараб турарди.

– Мен ҳам бугунги ишларимни қилиб бўлдим ҳисоб, – деди аёл. – Балки бирга барга кирармиз? – у бамисоли ўтинч билан илтимос қилар, фақат йигит нима гаплигини тушунмаётгандек эди. – Салдан кейин бир киши билан учрашишим керак... – Аёлнинг ёлғонлаётганини билиб турарди. – Унгача бир соат вақтим бор... қаяққа ҳам борардим.

– Мени барга қўйишмайди, – жавоб берди Уэсли. – Ҳали ўн саккизга кирмаганман.

– Ростданми? – қип-қизариб кетди аёл. – Ундай бўлса ташрифингиз учун раҳмат. Агар яна бу ерга йўлингиз тушиб қолса, қаерда ўтиришимни биласиз. Борди-ю, бирон ёрдамим керак бўлиб қолса...

– Раҳмат, мэм, – деди йигит.

Аёл уни кўзлари билан кузатиб қўйди. Пиджаги торлигидан йигитнинг елкасини таранг тортиб турарди. “Ҳали ўн саккизга ҳам кирмаган, – хаёлан деди у. – Нималар деяпман мен тентак!”

У бирмунча вақт столда сочилиб ётган қоғозларга тикилиб ўтирди. Унга нимадир бўлгандек ёки қандайдир ғалати иш рўй берадигандек туюлмоқда эди. У мақолани қайта ўқиб чиқди. Қотиллик, бой ака, зиёли сингил, муштлашувга аралашиб қолган боксчи ўлдирилган, қотил топилмаган. Чиройлигина ўғил, она сути оғзидан кетмаган болакай, қарашлари ғалати, қайғули, нимага эришади – қасосгами?

Аёл эр-хотин ажрашган оилада ўсган ва ўзига жуда ўхшаб кетадиган ёлғиз, боши ўйдан чиқмайдиган қиз ҳақида, унинг ўқитувчини севиб қолгани ҳақида, биринчи муҳаббат ҳақида, чоққина вилоят шаҳарчасидан Нью-Йоркка кўчиб келгани ҳақида роман ёзарди. Энди у ўз ижоди ҳақида нафрат билан ўйларди. Булар ҳаммаси минг марталаб ёзилгандир.

Мана шу боланинг қисмати-чи, роман бўлмай, нима? Дарвоқе, газетадаги бир мақола Теодор Драйзернинг кўнглида “Америка фожиаси” романини ёзиш фикрини туғдирган. На французлар оиласида, на унинг танишлари орасида ҳеч ким ўлдирилмаган, аммо, барибир, у буюк асар ёзган. Атиги бир неча дақиқа олдин хонада қисмати оғир, – бу унинг афтандомидан ҳам шундоқ кўриниб турибди – афсус-надоматлар юкидан эзилган чиройли йигитча ўтирарди. Қасос олиш учун тотли сукунат аро куч йиғмоқда, ўйларди аёл. Америка болакайи никоби остидаги Ҳамлет.

Қасос олса нима қилибди? Қасос – энг қадимги адабий анъаналардан бири. Биров юзингга урса, сен иккинчи юзингни тут, дейилган Библияда, аммо шу китобнинг ўзида қонга-қон, жонга-жон деб ҳам айтилган. Унинг отаси, – ашаддий ирланд. Ирландияда улар шу пайтгача нималар қилганини ўқиганда инглизлар шаънига даҳшатли лаънатлар айтганди, аммо уларнинг ётоқ бўлмаларида қизнинг ёшлик йилларида Парнеллнинг расми осифлиқ турарди.

Баданимизда қон юргани каби, ўйларда ёзувчи аёл, қасос ўти юрагимизда яшайди. Йигирманчи асрда бунинг учун ҳаддан ташқари инсоф билан иш тутаётгандек бўлиб кўринишни ёқтирамыз, бироқ бутун умр нацистларни қидириб ўтган веналик одам кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. Аёлнинг отаси уни Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги қаҳрамони деб атаганди.

Афсус, болакайнинг манзилини сўраш эсига келмагани чакки бўлдида. Уни қидириб топарди, ўрганарди, ўз романида унинг бутун қаҳразаби-ю, ёшликка хос зўрликларини тасвирлаган бўларди. Албатта, бу тошбағирлик, дер эди у ўзига-ўзи, аммо сен ёзувчимисан ёки ёзувчи эмасмисан – ҳамма гап шунда. Борди-ю, болакай боши айланиб бу ерга келиб қолгудек бўлса, ундан ҳамма-ҳаммасини билиб олишга, албатта, ҳаракат қилади.

Мисс Ларкин хум топиб олган гадодек шодликдан терисига сиғмай кетди, вужудини ҳаяжон чулғади. У барча қоғозларни авайлаб тахлади ва жилдга жойлади, сўнг уни ўз жойига қўйгани архивга кириб кетди.

Кейин эса уйга келгач, у ёзган романининг олтмиш саҳифасини оловга ирғитишни бетоқатлик билан кута бошлади.

3

Эшик кўнғироғи чалинганда Рудольф пианино олдида ўтириб, “Оромбахш кун” мусикасини топишга ҳаракат қиларди. Пальто ва шляпасини кийишга улгурган миссис Бэртон эшикни очгани борди. У одатда кунни Рудольфларникида ўтказар, кечга яқин ўз оиласини боқиш учун уйига, Гарлемга йўл олар эди. Ўчоқбоши томондан Иниднинг кулгиси янгради – у ерда қизалоқ энагаси билан овқатланарди. Рудольф ҳеч кимни кутмаётганди, шу боисдан қўшиқни хиргойи қисмидан давом этди. Яхшиямки, уйда пианино бор экан. Инидни аллалаётиб янги энага паст овозда қўшиқ хиргойи қилганида, уни эшитган Рудольфнинг миясига соз сотиб олиш фикри келди. Энага оз-моз фортепиано чалишни биламан деб айтганди ва Рудольф агар уйларида жонли мусика янграб турса, бу Инид учун қони фойда бўлади, деган қарорга келди. Балки қизда қобилият бордир, агар ёнида қуй чалишни биладиган одам бўлса, нур устига нур бўлар эди. Бироқ бир неча кундан кейин унинг ўзи пианино биқинига келиб ўтирдида, қўшиғи учун қуй чала бошлади. У чалғиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланар, энди мусикадан сабоқ олишга астойдил бел боғлаганди.

Кулоғига миссис Бэртоннинг қадам товушлари чалинди.

– Мистер Жордах, бир йигит келди, у сизнинг жиянингизман деяпти. Қўйиб юбораврайми? Ўртача катталиқдаги, эшик оғасисиз иморатнинг юқориги иккала қаватини эгаллаган янги хонадонга кўчиб ўтгандан буён

миссис Бэртон ўғри ва талончилардан кўрқиб, эшикни доим занжирлаб кўяр эди.

Рудольф ўрнидан турди.

– Бориб қарай-чи, – деди у. Бир ҳафта бурун Брюсселдан келган хатда Билли Америкага келиши ҳақида ҳеч нарса ёзмаганди. Хатнинг ёзилишига қараганда жияни у қадар аҳмоқ йигитга ўхшамайди: азбаройи қариндошлиги учун меҳри тошганида Рудольф унга у сўраган минг доллар пулни юборган эди. Нима, Биллининг иш жойида бирон кўнгилсизлик рўй бериб, қочиб келдимикан? Унда пул унга нега зарур бўлиб қолганини тушунса бўлади. Уэслига келсак, қарийб тўққиз ой бўлдики, Ниццадан кетганидан буён сувга чўккан тошдек жим.

Миссис Бэртон унга эргашиб даҳлизга чиқиб келди. Қия очик эшикдан нимқоронғи майдончада турган Уэсли кўринди.

– Ҳаммаси жойида, миссис Бэртон, – деди Рудольф ва эшикни очди. – Киравер, Уэсли. – У жиянига қўлини узатди, Уэсли эса бироз тарадудланди-да, унинг қўлини сиқиб кўйди.

– Менда бошқа хизматингиз йўқми? – сўради миссис Бэртон.

– Раҳмат, йўқ.

– Унда мен кетдим. Яхши қолинг, мистер Жордах.

– Яхши боринг, миссис Бэртон. – Аёл кетди ва Рудольф эшикни ёпди. Уэсли индамай турарди – болаликдаги отасининг куйиб кўйгандек ўзи: ўшандай озгин, рангпар ва ифодасиз чехра, хуркак ва тешиб юборгудек кўзлар. У Грас камокхонасидан чиққандаги костюмида эди, энди бу костюми унга тор келиб қолганди. Ўшандан буён Уэсли ҳатто бироз бўйга тортган, елкалари кенгайгандек эди. Соқолини обдан қиртишлабди, мамнуният билан ўйлади Рудольф.

– Сени кўрганимдан хурсандман, – деди Рудольф, улар меҳмонхона бўлмасига ўтишгач. – Бирон нима ичасанми?

– Озгина пиво, иложи бўлса, – жавоб берди Уэсли.

– Ўз уйинг деб билавер. – Рудольф энага билан Инид бирга овқатланаётган ўчоқ бошига йўл олди. Қирқ ёшлардаги йирик гавдали ва семиз энага қизалокни ҳайратомиз даражада мулоимлик билан йўлга соларди.

– Инид, бизникига амакинг Уэсли келди, – деди Рудольф музлаткичдан бир шиша пиво оларкан. У қизалокни Уэсли билан кўришган меҳмонхона бўлмасига чақирмоқчи бўлди, кейин бунга арзимайди деган қарорга келди. Қолаверса, Уэслининг нимага келгани ҳали номаълум. Балки шу ерда бўладигандек, у қандайдир руҳий кечинмаларга ёки тушкунликка дуч келгандир? Унда Инидни кўриб дарди яна янгиланиши мумкин. У қизининг бошидан ўпиб кўйди, шиша ва стаканни олди ва меҳмонхонага қайтди. Уэсли амакиси колдирган жойда оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига солиб ҳамон тик турар эди. Рудольф унга пиводан куйди.

– Раҳмат, – ташаккур билдирди Уэсли, – Ўзингиз-чи, бирон нима ичмайсизми?

– Мен кечки овқат пайтида мусаллас ичаман. Ҳой, ўтирсанг-чи бундоқ.

Уэсли амакиси ўтиргунча кутиб турди, шундан кейингина унга қарама-қарши томондаги стулга чўкди-да, ютоқиб ича бошлади.

– Хўш, ахволларинг қалай? – сўради Рудольф. – Нью-Йоркка қандай шамол учирди?

– Мен сизни эски манзил бўйича қидириб борган эдим, – деди Уэсли, унинг саволини жавобсиз қолдириб. – Эшиқбон сизни қаерга кўчиб ўтганингизни айтгиси келмади. Жиянингиз эканимга ишонмади. Кейин кутубхона дафтарчамни кўрсатдим. – Гўё Рудольф жиянидан беркиниш учун атайлаб тўрт маҳалла нарига кўчиб ўтгандек, овозида хафалик сезилиб турарди.

– Сен хатимни олмадингми? – сўради Рудольф. – Шу хонадонга кўчиб ўтишим билан сенга янги манзилимни хабар қилгандим.

– Ҳеч қанақа хат-пат олмадим, – бошини чайқади Уэсли. – Йўк, сэр, битта ҳам хат олмадим.

– Шу жумладан, хатда айтган эдимки, мерос борасидаги масала ижобий ҳал бўлади, сенга...

– Ҳеч нарса олганим йўк. – Уэсли яна бир стакан пивони сипқорди.

– Сенинг почтангга бир бало бўлиб қолганми ўзи? – Рудольф босик гапиришга ҳаракат қилди.

– Ҳойнаҳой, онажоним, мени хатни олишим шарт эмас деб билгандирда. Мен шундай деб ўйлайман.

– Овқатланганмисан?

– Йўк.

– Хатда нималар ёзганимни овқатланаётиб айтиб бераман.

– Мен пул ҳақида гаплашиш учун йўловчи машиналарда Индианаполистан Нью-Йоркка келганим йўк, Руд амаки, – деди паст овозда Уэсли.

– Мен... билгинки, мен шунчаки меҳмон бўлиб келдим.

– Нью-Йоркдалигингни онанг билладими?

Уэсли бошини чайқади.

– Йўк. Онам билан камдан-кам гаплашамиз.

– Ишқилиб уйдан қочиб келмадингми?

– Йўк, ҳозир пасха таътили. Мен машғулотлар бошланишига етиб келаман деб қоғозга ёзиб қолдиргандим.

– Худога шукур, – куруқкина деди Рудольф. – Ўқишларинг яхшими?

– Бир нав. Французчада ҳаммадан яхшиман. – У мийиғида кулиб кўйди. – Болалар бемалол сўкадиган бўлиб қолишди.

– Бу уларга бир кун келиб аскотади, – жилмайди Рудольф. Сўнг жиддийлашиб сўради: – Нега йўловчи машиналарда келдинг?

– Пулим йўқлигидан, – жавоб берди Уэсли.

– Онанг ҳар ой сени боқиш учун каттагина пул олади, – деди Рудольф.

– Нима бўлганда ҳам Нью-Йоркка йилига бир марта бориш чиптасига бу пул бемалол етиб ортади.

– У менга бир чақа ҳам бермайди, – деди Уэсли. – Лекин ҳеч кимдан шикоят қилмайман. Мактабда дарс тугагач, ишляпман. Ўзимга етади.

– Шунақами? – ўсмоқчилади Рудольф. – Шундан бошқа костюм-шиминг йўқми?

– Костюм? Йўк, лекин бир нечта свитерим ва жинси шимим бор, мактабга ва ишга кийиб борадиган кийимларим ҳам бор. Қишда эса менга мистер Крейлер ўғлининг эски ёмғирпўшини беради – у аскар ва ҳозир Вьетнамда жанг қиляпти, – хуллас, совқотиб қолмайман.

– Барибир ҳам онангга хат ёзишга тўғри келади, – деди Рудольф. – Сенинг пулингга ўзига ишлатишга нима ҳаққи бор унинг?

– Шовкин кўтаришнинг кераги йўқ, Руди амаки, – деди Уэсли ва стаканни аста столга қўйди. – Бусиз ҳам орамизда гаплар етарли. Онамнинг айтишича, агар мен у ва мистер Крейлер билан ҳақиқий насронийлар сингари черковга бориб турсам, ҳамма пулни тийин-тийинигача менга берар экан.

– Тушунарли, – деди Рудольф. – Ана энди масала сал ойдинлашгандек бўлаяпти.

– Яна ўша масалами, а? – Уэсли яна мийиғида кулди. – Индианаполисдаги ҳақиқий испан инквизицияси!

– Бир нарса ичиб олмасам бўлмайди, – деди Рудольф. У ўрнидан туриб, бар олдига борди ва ўзига-ўзи мартини тайёрлади. – Пиводан яна ичасанми?

– Раҳмат, – Уэсли ўрнидан турди ва стаканни Рудольфга узатди.

– Инид билан кўришасанми? У ўчокбоши хонада. – У Уэслининг тардудланаётганини пайқади. – Онаси бу ерда йўқ. Ажрашганимизни сенга хатда ёзгандим-ку. – У асабий тарзда бошини сараклатди. – Ёки сен бу хатни ҳам олмадингми?

– Йўқ.

– Жин урсин! Энди сенга талаб қилиб олинадиган жойга ёзаман. Наҳотки сенга ҳеч ким хат ёзмаётгани ўзингни ҳайратга солмаса?

– Шуни ҳеч ўйламабман.

– Ўзинг-чи, Куёнча ёки Кейтга бирон хат ёздингми?

– Икки марта ёздим, – жавоб берди Уэсли. – Аммо жавоб олмадим, шундан кейин бошқа ёзмай қўйдим. Улар ҳақида бирор нарса биласизми?

– Албатта, – жавоб берди Рудольф. Ҳар ойда Дуайер унга “Клотильда” сарф-харажатлари ҳақида ҳисобот юбориб турар эди. У ўз-ўзидан маълумки, кемани Рудольф сотиб олганидан хабардор эди. Суд фармойишига кўра, яхтага нарх қўйилганди – унинг кимматини юз минг доллар деб баҳолашган эди.

Демак, Дуайер янглишмаганди. Аммо биронта ҳам харидор бу нархга лоақал яқин келадиган пул билан мурожаат қилмади. Дуайер уни қишга Сен-тропезга олиб борди ва причал ёнига қўйиб қўйди. – Уларда ҳаммаси жойида. Кейт сенга ука туғиб берди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бир конли ука.

– Бечора болакай! – хўрсинди Уэсли, барибир ҳам бироз хурсанд бўлди. Ҳаёт давом этаяпти, дилидан ўтказди Рудольф.

– Кейтга хат ёзсангиз, – деди Уэсли, – айтинг, мен бир амаллаб Англияга уни кўргани бораман. Демак, бутун оиламиздан фақат менинг отамгина биттадан кўп фарзанд кўрган. У эса менга бешта болам бўлишини хоҳлайман, дерди. Биласизми, бола катта қилишда жуда устаси фаранг бўлган у. – Уэсли хижолат ичида қўлларида ушлаб турган стаканни айлантириб қўйди. – Мен мақтанишни суймайман, Руди амаки, лекин ўзингиз бир каранг, отам мени не қўйга солиб қўйди. Мен, албатта, ҳозир ҳам ҳеч ким эмасман, аммо у мени то ҳарбий мактабдан чиқариб олмагунча ғирт жинни бўлганман.

– Ҳа, ҳозир сени жинни деб бўлмайди.

– Энг асосийси, – деди Уэсли, – мен ўзимни жинни деб ҳис қилмайман. Бу эса яхши.

– Яхши бўлганда қандок.

– Модомики болалардан сўз очдикми – мен бирров Инидни кўрсам бўладими?

– Албатта, – суюниб кетди Рудольф.

– У ҳали ҳам бижилдоқми?

– Ҳа, – жавоб берди Рудольф ва уни ўчоқбоши хонага бошлади.

Аммо бу гал Инид тортиниб индамади, шу боис Уэсли:

– Салом, Инид! Мен сенинг амакинг Уэсли бўламан. Танидингми? деди.

Инид унга бефарқ қараб турди-да, юзини ўгириб олди.

– Энди кеч, – энага ўзини оқлаганнамо шошиб гапирди. – Бу вақтда у ўжарлик қила бошлайди.

– Мен эртага эрталаб бирровга кириб ўтарман, – деди Уэсли. Чоққина ўчоқбоши хонада унинг эркалаганга хос босиқ овози гумбурлаб чиқди ва Инид кўллари билан қулоқларини беркитиб олди.

– Мисс, ўзингизни тўғри тутинг, – деб унга танбех берди энага.

– Аслида мен ҳаддан ортиқ қаттиқ гапирган бўлсам керак, – айбдорларча деди Уэсли, Рудольф билан юзма-юз меҳмонхонага кираркан. – Кемада иложинг йўқ – ҳам шамолнинг, ҳам денгизнинг шовқинига чидашингга тўғри келади.

Меҳмонлар бўлмасида Рудольф ўзига яна мартини қуйди, унга бир бўлак лимон сиқди ва бирдан юрагига қувонч тўлди – уникага Уэсли меҳмон бўлиб келибди. Ва Инид билан кўришишни хоҳлабди. Ким биларди, бир кун келиб биз яна ягона оилага айланармиз. Менинг деярли шахсий ҳаётим йўқ, ғамгин ўйлади Рудольф ва ўзига-ўзи ачиниб кетди. Ўз оиласини тутмаса бўлмайди. У ёлғиз, никоҳ ришталари билан боғланган эмас. Жанна воқеаси қайтмас бўлиб ўтиб кетди ва қарийб эсидан чиқаёзди, қизи қаттиқ назорат остида, бунинг устига у шундай ёшдаки, унинг тимсолида бор-йўғи бир жажжи кўғирчокни кўриб турарди, шу боис у жиянлари билан мулоқот қила бошлади дегунча, улар унга шунчалик керак бўлиб қолардиларки, Рудольфнинг уларга кераклиги бунинг олдида ҳеч гап эмас. Майли, бўладиган ишнинг бўлгани яхши, дейдилар-ку.

– Қай сабаб билан Нью-Йоркка келиб қолган бўлмагин, – деди амакиси кўтаринки руҳда ва табрик маъносида стаканни кўтарди, – сени кўрганимдан беҳад хурсандман.

– Раҳмат. – Бироз хижолат ичида Уэсли ҳам ўз стаканини кўтарди.

– Энди барларда муштлашмасан деб умид қиламан, – жилмайди Рудольф.

– Хотирингиз жам бўлсин, амаки, – вазмин оҳангда деди Уэсли. – Мен буни ташладим. Лекин хумор қилиб туради, бу рост. Бизнинг мактабимизда қора танли болалар кўп, улар оқ танли болалар билан тез-тез муштлашиб туришади, оқ танли болалар эса қора танлилар билан. Мени, ҳойнаҳой, кўрқоқ деб ўйлашса керак. Ўйлашса ундан нарига – чидайман. Мен яхшигина сабоқ олдим. Кейин, отам мени ҳарбий мактабдан чиқариб олганда, унга энди ҳеч қачон муштлашмайман деб ваъда бердим. Бу ваъдамни бир марта буздим ҳам. Бунинг устига нозик жойда. – Уэсли стаканга маънос термилди: хозир у улғайганга ўхшаб кетди. – Бор-йўғи бир марта. Айтишади-ку, ўқловсиз милтиқ ҳам бир йилда бир марта отилиб туради, деб. Отамнинг хотирасига мен ваъдамнинг устидан чиқишим ке-

рак, бу ҳали... – У жим бўлиб қолди, тишларини қисди. Болакай хўнграб юборади, деб Рудольф тараддудланиб қолди.

– Албатта, ваъданга туришинг керак, – шошиб деди у. Ҳа-я, қаерга кўчгансан?

– Ёш насронийлар ассоциацияси ётоқхонасига. Ёмон жой эмас экан.

– Менга кара, – деди Рудольф, – эртага эрталаб мен Инидни Монтакка, онасининг олдига олиб кетаман, якшанба куни бир ўзим қайтаман. Мен билан юрмайсанми, денгиз ҳавосида дам олардинг? – Уэслининг кўзи бежоланганини кўриб у жимиб қолди.

– Раҳмат, – ташаккур билдирди Уэсли. – Жон деб борар эдим, аммо бу гал иложим йўқ. Мен Индианаполисга қайтиб кетишим керак.

– Сенинг овоз беришинг шарт эмас. Сенга самолётга пул бераман. – “Керак бўлган нарса ўрнига одамларга пул таклиф қилишни қачон бас қиламан?” – ғазаб билан дилидан ўтказди Рудольф.

– Овора бўлманг, – эътироз билдирди Уэсли, – Нафсиламрини айтганда, овоз бериш менга ёқади. Қанақа одамларни кўрмайсан у ерда!

– Ўзинг биласан, – хафа бўлиб деди Рудольф, Жин билан кўришишни истамагани ва барча воқеаларни яна қайта дилидан кечиришни хоҳламагани учун у йигитчадан домангир бўлолмасди. – Аммо тунаб қолмоқчи бўлсанг, – кўшимча қилди у, – мен сенга диванга жой қилиб беришим мумкин. Сенга ҳеч ким халақит бермайди. Долларга эмас, қариндошига меҳмоннавозлик дейдилар бунди.

– Раҳмат, – миннатдорона деди Уэсли амакисини хафа қилиб қўймасликка ҳаракат қилиб, – ётоқхонада яхшигина жойлашиб олдим.

– Бундан кейин Нью-Йоркка келмоқчи бўлсанг, олдиндан маълум қил. Яқин атрофда жудаям қулай отеллар бор, бемалол оёғингни узатиб ётасан. Театрдами ё бирон жойгами борсак... – У гапини тугатмади. Тагин бу болакай менга хушомад қилаяпти деб ўйламасмикин...

– Албатта, – ночор рози бўлди Уэсли. – Келаси сафар. Бу галча, Руди амаки, мен сиз билан отам ҳақида гаплашмоқчиман. – У Рудольфга синовчан тикилди. – Мен отамни яқиндан билмайман, бунинг имкони бўлмаган. Мен уни ёшлигимда кўрганман, балки ҳозир ҳам ёш боладирман, лекин мен унинг қанақа одам бўлганини билгим келади... Нима ҳақда гапираётганимни тушунаёпсизми?

– Ҳа-да.

– Мен отам ҳаётлик вақтида турли даврларда уни билган одамларнинг рўйхатини туздим, Гретхен аммам билан сиз шу рўйхатни бошидасизлар. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да.

– Ҳа, албатта. Бошқача бўлиши мумкин эмас. – Рудольф унга берилиши мумкин бўлган саволлардан, мана бу калондимоғ, катта занг йигитчага берилиши лозим бўлган жавоблардан ҳам кўркмоқда эди.

– Биз у билан танишганимизда, – давом этди Уэсли, – унга қахрамон, сал бўлмаса авлиёга қарагандек қарагандим, чунки у менга, Кейтга ва Дуайерга шундай муносабатда бўлган, ҳар биримиздан керак бўлган нарсани ола бошлаган, овозини бир парда ҳам кўтармаганди, нима бўлишига қарамай ўзини ҳаммадан юқори тутар эди. Лекин у ҳар доим ҳам шунақа эмасди. Мен унга ёш боланинг кўзи билан қарардим. Мен уни астойдил тушунишни истадим. Ўзимнинг икболим учун шундай қилардим. Бу ўзимни тушунишимга ёрдам берарди. Мен қандай

бўлмоқчиман, хаётда нима қилишим керак. Кечиринг мени, калавамни йўқотиб кўйдим. – У асабий тарзда кенг елкаларини учириб кўйди.

– Сен ҳақиқатга жуда яқинсан, – қувноқ жавоб қилди Рудольф. – Мен сенга ҳаммасини айтиб бераман... эсимда нима қолган бўлса, ҳаммасини. Аммо ҳаммасидан олдин, бориб овқатланиб олишимиз лозим.

– Яхши таомдан қайтган номард, – ўрнидан турар экан, кулимсираб рози бўлди Уэсли. – Йўлда бўлганимда дуч келганига шукур қиламан, уйда эса ўзлари боқишади мени... – У афтани бужмайтирди. – Онамининг билгани кўкат. Лекин мен олмахон эмасман-ку, Руди амаки, – жилмайди у, – мен сизни бой деб кўп эшитаман. Балки менга бифштекс олиб берар-сиз?

– Бунга, ҳарҳолда, пулим етади, – кулди Рудольф. – Нима бўлганда ҳам йилда бир неча марта шундай дабдабазлик қилишга ҳаддим сиғади. Шошмай тур, мен Инид билан хайрлашиб олай, пиджагимни эгнимга илай.

Рудольф девор шкафдан пиджагини олаётганда телефон жириглаб қолди. У гўшакни кўтарди.

– Алло!

– Руди... – Грехеннинг овозини эшитди у. – Кечлик овқатни қаерда емоқчисан? – Жаҳли чиққанда у хар доим ўзига етгунича кескин ва чўрткесар бўлиб қоларди. Улар анчадан бери гаплашишмаган эди ва Рудольф унинг жума куни кечкурун кўнғироқ қилишига кунда одатланмаганди.

– Биласанми... – Рудольф нима дейишини билмай қолди. – Меникида қутилмаган мехмон бор, Уэсли. У Индианаполистан йўл машинада келган. Мен уни овқатлантиргани олиб кетаётгандим. Биз билан бирга борасанми?

– У сен билан бирон нарса тўғрисида гаплашмоқчимми? – ҳафсаласи пир бўлиб сўради Гретхен.

– Йўқ, ундай эмас. Ҳарҳолда, билишимча, ҳеч қанақа сирли суҳбат бўладиган эмас.

– Сизларга халакит бермай дегандим-да...

– Бунақа гапириш сенга ярашмайди, Гретхен. Балки сен ўзинг мен билан бирор нарса тўғрисида гаплашмоқчидирсан? – ўтган сафар улар билан овқатланишганида Гретхеннинг қаттиқ жаҳли чиққан ва бу у қўл остида ишлаётган, бир кунда ўн марта тусланиб турадиган Голливуд режиссёри туфайли эканини билдириб кўйганди. Оти нимайди унинг? Кинселла. Эванс Кинселла. Димоғдор голливуд итваччаси. Факат бир мартагина Гретхен эркакдан ёлчиган эди, Худо шуни ҳам кўп кўрди. Гретхен, эҳтимол мана шу Кинселла туфайли кўнғироқ қилаётгандир, аммо борди-ю, дилидаги дардини тўкмай туролмаётган бўлса, буни кейин ҳам, Уэслини улар ётоқхонагача кузатиб кўйгандан сўнг гаплашсалар ҳам бўлаверади.

– Кўнғироқ қилгандим, – деди Гретхен, – бугун кечкурун қиладиган ишим йўқ. Шеригим мени алдади. Бир хиллик жонига текканидан. – У маъюс кулиб кўйди. – Шунда қариндошларим борлиги эсимга тушиб қолди. Қиладиган эрмагинг қолмаганидан кейин қариндошлар билан кўришиш ҳам яхши-да. Уэсли қанақа?

– Дуруст, – жавоб берди Рудольф. – Ўсган. Шунга яраша жиддий ҳам. Ҳатто рисоладагидан кўпроқ жиддий.

– Бирон нима бўптими? – сўради Гретхен.

– Сен билан мендагидан кўра энгилроқ, – қувноқ жавоб берди ака.

– Менинг пайдо бўлишимга нима деди у?

– Зўр, деди. Унинг айтишича, у кўрмоқчи бўлганлар рўйхатида биз иккаламиз биринчилар қаторида эканмиз.

– Бу нима дегани? – ташвишланиб сўради Гретхен.

– Кечликдан кейин ҳаммасини айтиб бераман. Болакайнинг бифштекс егиси келибди. – Рудольф синглисига ресторан номини айтиб, гўшакни қўйди-да, пастга тушди. Уэсли меҳмонхона бўлмасининг ўртасида турганча атрофга аланглаб кўз соларди.

– Биласизми, – деди у мийиғида кулиб, – ҳақиқий насронийнинг уйи шунақа бўлиши керак.

* * *

Ресторан йўлида Рудольф жиянининг отасига қуйиб қўйгандай ўхшашлигини пайқади: букик елкаси ўшандай таҳдид ила учиб-учиб турарди. Болалигида Рудольф укаси Томни атайлаб шунақа юради деб ўйларди: ҳамма рўпараларида ташланишга тайёр йирткич турибди-ю, эҳтиёт бўлиш кераклигини билиб қўйсин. Йиллар ўтиб, Рудольф унинг бундай юриши ўзини ҳимоя қилиш эканини тушуниб етди. Укаси гўё мен билан ишлари бўлмасин, ўзимни-ўзим эплайман демоқчи бўларкан.

Гретхеннинг ҳам ресторанга келишини билиб Уэсли суюниб кетди:

– Ана бу зўр бўлди! Аммамдай одам бор эканми, аёлларнинг тиллоси. Бизлар айлангириб юрадиган хонимчалар ҳам одамми. Биз бўлсак уларни деб пулларимизни созуриб юборамиз... – У калака қилиб бошини чайқади. – Улар кечаси-ю, кундузи ярим яланғоч бўлиб олиб сандирақлайдиларда... ҳаммани оёғининг учи билан кўрсатмоқчи бўлишади. – Икки стакан пиводан сўнг у чулдираб қолди. – Биласизларми, менинг бир нарсага сира ақлим етмайди: баъзи аёллар қўлларини совуқ сувга урмайди-ю, аммо димоғлари осмонда.

– Улар тошойна олдида машқ қилишади, – деди Рудольф.

– Тошойна олдида машқ қилишади! – қаҳ-қаҳ уриб кулди Уэсли. – Зўр гап бўлди. – Гретхен аммам-чи, ишлайдилар, шундайми?

– Ишлаганда қандок, – жавоб берди Рудольф.

– Менимча, ҳамма гап мана шунда. Ишламаган одам – бир замбил ахлат. Бу гапим учун кечирим сўрайман, – бирдан ўзига келиб деди Уэсли.

– Ҳечқиси йўқ.

– Отам бундан ҳам ўтиб тушарди, – деди у. – Баъзиларнинг оғзи шунақанги шалоқ бўладика, эшитиб ерга кириб кетасан. У бунақаларни ёмон кўрарди. У айтардики, қаттиқ-куруқ гаплар бошқа, уят гаплар – бутунлай бошқа деб.

– У тўғри айтган экан. – Қизик, ўйлади сўкишларга бўлган болаларча нафрати сўнмаган ва ўз оғзини зимдан кузатиб юрадиган Рудольф, мен ҳам шунақа оғзи шалоқ одамлар сирасига кирманми?

– Биласизми, – давом этди Уэсли. – Синглингиз ҳақида Куёнчанинг фикри жуда ҳам юқори. У менга Рудольф амаки унга уйланиб олсалар яхши бўларди, деди.

– Унда маълум қийинчиликлар келиб чикқан бўларди, – эътироз билдириб деди Рудольф, – чунки биз ака-сингилмиз, мен эса Миср фиръавни эмасман.

– У нима дегани? – тушунмади Уэсли.

– Қадимги Мисрда фиръавнларда сингилларига уйланиш одати бўлган.

– Энди тушундим, – иқрор бўлди Уэсли. – Биласизми, илмдан унчалик хабарим йўқ.

– Сен ҳали ёшсан.

– Э-ҳа-а, – чўзиб деди Уэсли, ўзининг ёшлиги устида ўйланиб.

Йўқ, болакайнинг келажагига умид қилса бўлади, энди эса Крейлерлар бу истеъдодни илдизи билан йўқотиш ҳуқуқини қўлга киритишган. Ахир бу ғирт жиноят-ку! Эртага Жани Хитдан – у ва хотини улар билан Ментакка боради, – болани уларнинг қўлидан тортиб олишнинг бирон-бир йўли борми, деб яна сўрашга тўғри келади.

– Айтганча, таълим ҳақида, – деди Рудольф, – коллежга кирмоқчимисан?

– Ойим бу пулни шамолга совуриш деяпти, – елкаларини қисди Уэсли.

– Мен кўп ўқийман, аммо мактабдаги дарсликларини эмас. Мени мормонлар қизиқтириб қолди. Ҳойнаҳой, нима учун онам ва мистер Крейлер бунақа бўлишгани сабабини билишим учундир, улар мормонларми ёки ўзларини шунақа кўрсатмоқчими? – у кинояли кулиб кўйди. – Мен уларни палид одамлар деб биламан, диндан эса ўзларига нуқул ифлос нарсаларни юктириб олишган. Аммо, – кўшимча қилди у жиддий оҳангда, – дин – жуда ажойиб нарса. Аслида мормонлар ботир одамлар бўлган, улар бутун Кўшма Штатларга қарши борганлар, ярим мамлакатни кесиб ўтиб, саҳрода жойлашиб олишган ва чўлни бўстонга айлантиришган. Аммо уларнинг хотинлари! Ўзимнинг онамга қараб туриб, ўлай агар, ҳеч тушунмайман, одамлар нега уйланадилар ўзи? Ўн дақиқа гапларини эшитиб турсанг – бутун ҳаётидан қўнглинг совуб кетади. Умуман, уйланиш... – У ковоғини солди. – Бизнинг оиламиз, масалан, сиз ажрашдингиз. Гретен аммам ажрашди, менинг отам ҳам... Бу ерда бир гап борми ўзи, а?

– Биринчи бўлиб сен сўрамаяпсан, – деди Рудольф. – Балки ҳозир замон шунақадир. Биз ўзгараяпмиз, бир-биримизга мослашишга, киришиб кетишга ҳаракат қиляпмиз, аммо ҳеч нарса чиқмаяпти. Эҳтимол, биз бунга ҳали тайёр эмасдирмиз.

– Мактабимизда бир қиз бор, – ковоғини уйди Уэсли, – чиройлиқкина, мендан каттарок. Биз... шу, машинанинг орқа ўриндиғида аҳмоқлик қилиб кўйдик, уйларида, ота-оналари йўқ пайтда... Икки марта... У энди тўй ҳақида оғиз очиб қолди. Кўриб турибман, у менга маҳкам ёпишиб олган. Шунданми у билан учрашмай кўйдим. Сиз яна уйланаяпсизми? – Шундай дея у худди тўй қўнғироқлари овози қулоғига чалиниб қоладигандек Рудольфга синовчан тикилиб қолди.

– Бир нима дейиш қийин, – жавоб берди Рудольф. – Ҳозирча ҳаракатим йўқ.

– Кулгили нарса, денг, – томдан тараша тушгандек деди Уэсли; никоҳ тўйи ҳақидаги суҳбат унинг қўнглига ўтиришмаётгандек эди ва у мавзуни тезроқ ўзгартиришга қарор қилди. – Мен Худога ишонишни истайман, – жиддий давом этди у. – Буларнинг барчасини кимдир яратган-ку, тўғрими? Биз бу ерга қандай келиб қолдик, нима билан машғулмиз,

хаммаси қандай рўй бераяпти – масалан, биз нафас олиб турган ҳаво, биз ичадиган сув, ейдиган овқатлар қаердан келиб қолган? Сўнгги ойларда мен Инжилни бошдан-оёқ ўқиб чиқдим. У ерда жавоблар йўқ – ҳар қалай мен уларни тополмадим.

Жондан азиз жияним, дегиси келди Рудольфнинг, амакинг ўн олти ёшга кирганида, у ҳам жавоб истаб Инжилни ўқиб чиққан эди. У ҳам ҳеч нарса тополмаган.

– Нимага ишониш керак? – сўради Уэсли. – Мана бу мормонларнинг айтишича, бу мис лаппакчаларини Жозефер Смит топиб ҳеч кимга кўрсатмаган экан. Сиз шунга ишонасизми? Наҳотки одамлар шунақа бўлмағур нарсаларга ишонаверса?

– Бу ҳам майли, гўё Мусо пайғамбар Синай тоғидан тушиб келганмиш ва яна айтишларича, ўзи билан Худо томонидан тошга ўйиб ёзилган ўнта муқаддас қонидани олиб тушганмиш, – деди Рудольф жиянининг ўзидан Худога ишонасизми деб сўраб қолмаганидан хурсанд бўлиб. – Кўп йиллар давомида одамлар бу афсоналарга ишониб келган.

– Сиз-чи, ишонасизми?

– Йўқ.

– Мактабда ҳам бизга шундай нарсаларни ўргатишадими, кулгинг кистайди. Масалан, оқ танлилар билан қора танлилар ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ деб соатлаб жағ уришади, аммо эшикни очиб чиқиб, бир маҳалла нарини бориб кўр – бу гапларни бари пучак экани кўринади-қўяди. Францияда бошқача бўлган. Ёки Францияда мен ўзим бошқача бўлгандирман. Гарчи сўзлашда қийналсам ҳам Францияда қувноқ яшардим. Индианаполисда эса... – У елка учуриб қўйди. – Назаримда, ўқитувчиларнинг кўпчилиги учига чиққан суллох. Болалар дарсда қичқиради, чайнаётган қоғозини думолоқ қилиб отади, ҳатто пичок ўқталади ҳам, ўқитувчилар фақат уларни бости-бости қилишни билади, холос. Агар коллежда ҳам шунақа бўлса, унда уларни ҳам Худо... – У амакисига саволнамо қаради. – Коллеж ҳақида нима дея оласиз? Борайми у ёққа?

– Кейинчалик сенинг нима қилмоқчи эканингга боғлиқ бу, – эҳтиёткорлик билан жавоб берди Рудольф жиянининг соддадилларча сўзамоллигидан ва катталар оламига сотилмаслигидан таъсирланиб.

– Буни мен қаёқдан билай? – деди Уэсли. – Яъни, нимани ишташимни биламан-у, аммо ҳозирча буни ҳеч кимга айтишни истамайман. – Унинг гап оҳанги бирдан совуқлашди.

– Масалан, – давом этди Рудольф бу ўзгаришга парво қилмай. – Сен денгиз ҳақида у-бу нарсаларни биласан. У сенга ёқади-ку, тўғрими?

– Ёқар эди, – маъюсланиб жавоб берди Уэсли.

– Сен савдо флотига боришинг мумкин.

– Қуёнча у ерда ит ётиш, мирза туриш дейди.

– Сафсата. Наҳотки “Клотильда”да Қуёнчанинг ҳоли ит ётиш, мирза туриш бўлган бўлса?

– Йўқ.

– Борди-ю, яхши кемада зобит бўлиб хизмат қилсанг ёки кема дарғаси бўлсанг, ҳечам ит ётиш, мирза туриш бўлмайди...

– Шуни айтинг.

– Бу ерда, Нью-Йоркда савдо флоти билим юрти бор. Уни тугатишинг хамонок зобитлик унвонини оласан.

– Тушунарли, – ўйчан жавоб берди Уэсли. – Балки бу ишни яхшилаб ўйлаб кўриш маъкулдир.

– Мен унгача маълумотномаларни тўғрилайман, – деди Рудольф, – билганларимни сенга ёзиб юбораман. Фақат эсингда бўлсин: энди хатни сенга сўраб олинадиган жойга ёзаман.

* * *

Гретхенни кутиб, Рудольф мартинидан отиб олди ва энди Уэсли билан мерос ҳақида гаплашиб олишнинг айни мавриди деган қарорга келди.

– Адвокатларга барча солиқ ва гонорарларни тўлаб бўлгандан кейин, – деди Рудольф, – тақсимот қилиниши лозим бўлган юз минг доллардан ортиқроқ пул қолиши керак. – У бу пулларни “Клотильда” учун тўлаганини Уэсли ва Кейт билишлари шарт эмасди. – Учдан бир улуш Кейтнинг ўзига қолади, яна бир улуш – ўз боласига васийлик сифатида унинг ўзига берилади... – То мурасага келгунча адвокатлар ўзаро қанча вақтгача баҳслашиб юришгани ҳақида у чурқ этмади. Уэслининг онаси сифатида Тереза мерос маъмури этиб тайинланиши учун Крейлерлар жонларини бериб кураш олиб борарди. Уларнинг даъволари қандайдир қонуний кучга эга эди, чунки Кейт – Англияда муқим яшайдиган Британия фуқароси бўлган. Терезага фоҳишабозлик учун у икки марта судланганини ва шу асосда Хит унга қарши иш қўзғатиши мумкинлигини ва хатто Уэслининг туққан онаси бўлган тақдирда ҳам – ахлоқ нуқтаи назаридан – болага васий бўлишга йўл қўймаслигини эслатишга тўғри келди. Албатта, Рудольф Уэслининг юрагини яраламаслик учун бунга зинҳор йўл қўя олмасди, аммо барибир ҳам дўқ-пўписалар иш берди. Крейлерлар таслим бўлди ва Рудольфнинг мерос маъмуриликка рози бўлиши; энди у ҳар ойда харажат қилинган цент ҳақидаги дилтешар саволларнинг узун рўйхатига жавоб беришига тўғри келарди. Бундан ташқари, Крейлерлар уни Уэслининг манфаатларини ҳимоя қилиш чоғида билибми ё билмайми йўл қўйган хатолари учун судга берамиз деб дам-бадам дўқ урар эди. Том қандай боши айланиб бу жодугарга уйланиб қолган экан-а?

– Тахминан учдан бири қолади... – Рудольф жимиб қолди. – Уэсли, гапимни эшитаяпсанми?

– Бўлмаса-чи, – жавобан деди Уэсли. Устида буғи чиқиб турган қовурилган гўшт бўлаги бор лаганни кўтариб официант ўтиб кетди ва Уэсли унинг ортидан оч кўзлари билан ютинганча қараб қолди. У тўғрида одамлар нималар демасин, ўйлади Рудольф, уни эркатой деб бўлмасди.

– Айтсам, – давом этди Рудольф. – Сенга тахминан ўттиз уч минг доллар қолади, уни банкка қўйишга тўғри келади. Бу суммадан чиқадиган фоизлар йилига бир минг тўққиз юз долларни ташкил этади, уларни онанг сени боқишга сарфлаши керак. Сен ўн саккиз ёшга тўлганинда асосий маблағнинг эгасига айланасан ва уни истаган нарсангга сарфлашинг мумкин. Маслаҳатим: унга тегма. Фоизлар олдингидай кичик бўлади, аммо уларни, агар бундан кейин ўқишни хоҳласанг, коллеждаги ўқишингга тўлашинг мумкин. Тушундингми?

Боланинг хаёли яна аллақаёқларда эди. У кундуз терисидан манто кийган, фракдаги икки кориндор мўйсафид ҳамроҳлигида пайдо бўлган ялтироқ малла сочли аёлга очиқ-ошкора сукланиб қараб қолганди. Бу ресторан энг устаси фаранг мафиозларники эканини, уларнинг маъшуқалари ресторан ошхонасига рақобатчи бўлишга тайёрлигини Рудольф биларди.

– Уэсли, – жаҳли чиқиб деди Рудольф, – мен пуллар тўғрисида гапираяпман!

– Биладан, – айбдорларча жавоб берди Уэсли. – Лекин бу ерда хаёлингни ўғирлайдиган нарса кўриниб қолди-да!

– Бунинг учун ҳам пул керак, Уэсли, – деди Рудольф. Жияни пулнинг қадрини яхшилаб билиб олиши керак. – Йилига бир минг тўққиз юз доллар сен учун катта пул бўлмаслиги мумкин, аммо мен сенинг ёшингда бўлганимда... – У агар жумлани охирига етказса, панд-насихатга ўтиб кетишини англади. – Бўпти, кўявер у ёғини, ҳаммаси тўғрисида хатда ёзиб юбораман ўзим.

Шу аснода танобийга Гретхен кириб келди. Рудольф унга қўлини силкитди ва Гретхен уларнинг столига яқинлашди, иккала эркак ўрнидан турди. Гретхен лабларининг учи билан акасининг юзидан ўпиб қўйди, Уэслини эса кучоқлаб, чўлпиллатиб ўпди.

– Сени кўрганимдан ғоят хурсандман, – деди у. Гретхеннинг овози титраб чиққандан Рудольф хайрон қолди. Гретхенни болакай билан ёнма-ён кўриб ва унинг номаълум ҳаяжон ила кўришганча жияни юзига тикилиб қараётганини пайқаб, бирдан синглисига ачиниб кетди. Хойнахой, кўлдан бой берган, ундан юз ўгирган ва турли важ-карсонлар билан Брюсселда уни бориб кўролмаган ўз ўғли эсига тушиб кетгандир. – Кўринишинга гап йўқ, – қўшимча қилди Гретхен болани кучоғидан қўйиб юбормай. – Янги костюминг бўлганида янаям яхши бўларди.

Амаки-жиян кулиб юбордилар.

– Агар якшанбагача Нью-Йоркда қолсанг, – давом этди Гретхен, ниҳоят, болани бағридан бўшатиб ўтирар экан, – сен билан “Сакс”га тушардик, қарардик, сенбоп бирон нарса чиқиб қолармиди.

– Афсуски, мен эртага жўнаб кетаман, – жавоб берди Уэсли.

– Наҳотки, атиги бир кунгинага келган бўлсанг? – ишонқирамай деди Гретхен.

– Унинг ишлари бор, – гап қотди Рудольф. Гретхеннинг ғазабли дийдиёсини тинглашга унинг тоқати йўқ эди; албатта, Уэслига қарашли пулларга нисбатан Крейлерлар қанақанги шартларни қўйганини билса, Гретхеннинг фиғони фалакка чиқиши тайин эди. – Қани, келинлар, овқат буюрайлик, мен ўлгудай очман.

Овқат устида Уэсли отаси ҳақида суриштира кетди.

– Мен Руди амакимга айтдим, – дея гап бошлади у, катта гўшт бўлагини еб бўлгач, – аслида отам қанақа бўлганини нима учун билишни хоҳлайман, у-бу нарсага кераклиги учун. Унинг ўзи менга кўп нарсаларни айтди, Қуёнча эса қўшимча қилди... Аммо ҳозирча умумий тасаввурга эга эмасман. Отам ўсмирлик вақтида ундан ҳамма қўрқинини ва ёмон кўришини айтиб берганди, кейин эса сал каттароқ бўлгач, турли бало-баттарларга аралашиб қолган экан... Уни атрофидагилар қанча ёмон кўрса, у ҳам уларни шунчалик ёмон кўраркан... Жумладан, сиз ва амаким Рудини ҳам... – У ковоғини уйиб, аввал Гретхенга, кейин эса

Рудольфга қараб кўйди. – Бироқ сиз бизникига келганингизда, унда нафратдан асар ҳам қолмаган. У... мен сизга бунга айтишим керак, у сизни яхши кўрган. У менга айтгани, деярли бутун умри давомида бахтсиз бўлган, кейин эса – унинг ўзи шундай деганди – душманларни унутишни... бахтли бўлишни ўрганган. Мен ҳам шундайин бахтли бўлишни ўрганмоқчиман. – Кўзёши тўкишдан ор қилмай, болакай пиқ-пиқ йиғлар ва айна вақтда худди бир неча ҳафтадан буён туз тотмагандек очкўзлик билан бифштеснинг катта-катта бўлақларини пайдарпай туширар эди.

– Ҳамма гап Рудида, – аста деди Гретхен, санчки ва пичокни столга кўяётиб. – Агар кўнглимдагиларни гапириб олсам, хафа бўлмайсан-а, Руди?

– Бемалол. Нима демоқчи бўлсанг, деявер. Агар бирон жойда хато гапирсанг, тўғрилаб тураман. – Отаси қандай қилиб ва қачон бахтли бўлишни ўрганганини у жиянига бирон бошқа вақтда айтиб беради. Рудольф укасидан яшириб, Том Бостондаги адвокатга дўк уриб олган беш минг долларни унинг ишига тикиб юборган кун тўғрисида гапириб беради. Номусга тажовузда айбланиб қўлга олишган Томни камокдан чиқариб олиш учун отасига тўлашга тўғри келган “лаънати пуллар”ни у қайтиб берганди. У юз долларлик қоғоз пулларни отелдаги каравотга улоқтирган ва Рудольфга: “Мен исқирт қариндошларимга қарзимни узмоқчиман... бор-йўқ гап шу. Уларни хожатхонага ташлайсизларми, хотинларга совурасизларми, хайрия ишларига сарфлайсизларми, билганингизни қилинг. Мен пулларни қайтариб олмайман”, – деганди. Мана шу беш минг уддабуронлик билан муомала қилиш туфайли олтмиш минг долларга айланди – холбуки ўша йиллари Рудольф Томнинг қаердалигини, ўликми, тирикми, билмасди, – ва охир-оқибатда пуллар Томга “Клотильда” деб атаган матоҳни сотиб олишга асқотди. “Отангни, – дейди вақт-соати билан у Уэслига, – жиноят, омад ва пул бахтли қилди, ва буларнинг барчасидан фойдаланиб қолишга унинг фаҳм-фаросати етар эди”. Албатта, бу Уэслига асқотиши амримаҳол. Болакайда жиноятга тирноқча мойиллик йўқ, омад дегани эса ҳозирча ундан саккиз чақирим наридан четлаб ўтаяпти, пулга эса у ғоят бепарво эди.

– Бизнинг оиламизда, – гапни илиб кетди Гретхен, – ёқимтойи Руди эди. Шу боис ота-оналаримиздаги бор меҳр-муҳаббат фақат Рудига қарашли эди. Мен уни бунга лойиқ эмас демоқчимасман: айнан у дўконда ойимизга қарашар эди, мактабда энг юқори баҳоларни у оларди, спорт жамоасида у биринчилардан эди, Руди университетга ўқишга кириши керак эди, бунга ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ҳамма совғаларни фақат у оларди, бир ёққа бормоқчи бўлса, янги дазмолланган кўйлақни муҳайё қилишарди, қимматбаҳо трубани оркестрда чаласан деб унга олиб беришарди. Хуллас, ой туғса ҳам унга, кун туғса ҳам унга. Том иккимиз билан муносабатга келганда... – У елка учириб кўйди. – Бизлар ҳисобда йўқ эдик. Менинг университетга киришимми? Тушингни сувга айт! Мактабни битиришим биланок мени ишга юборишди ва деярли бутун маошимни оилага келтириб беришим керак эди. Рудольф севган қиз билан учрашувга бормоқчи бўлса, ойим унинг чўнтагига харж пули солиб кўярди. Мен бир қиз билан танишганимда эса ойим мени суюқоёқ деб атаганди. Том эса... Ота-онамиз яккаш битта гапни айтишарди – у қамалиб кетади. У билан гаплаш-

ганларида – бу ишни улар камдан-кам ҳолларда қилишарди, – шунда ҳам гаплашишмасди, бўкиришарди. У ҳам қасдма-қасдига сўзларди: “Ростдан ҳам шунақа бўлишимни хоҳлайсизларми – бўламан ҳам”. Тўғриси айтсам, мен ундан ҳатто кўрқардим. Унинг ўзини тутолмаслигидан кўрқардим. Мен ундан ўзимни олиб қочардим. Кўчада ошналаримдан битта-яримтаси билан келаётган бўлса, уни кўриб, кўрмаганга олар эдим. У шахардан гумдон бўлганида мен ҳатто суюнган эдим. Кўп йилларгача у эсимдан чиқиб кетганди. Ноҳақлигимни энди-энди тушунаяпман. Биз иккаламиз бир ёқадан бош чиқаришимиз, бошқаларга қарши бир жон, бир тан бўлиб курашишимиз керак эди. Аммо у пайтларда мен ёшлигимга бориб, кўрқар эдим, у мени ўз йўлига тортиб кетади деб ўйлаган эдим. Мен ҳам ўзимга етгунча бино кўйганлардан эдим – тўғри, Рудичалик эмас, – ва мен Томни безори ва жоҳил дердим. Мен Нью-Йоркка келдим, бирмунча вақт сахнада ўйнадим, кейин журналларга нарсалар ёзиб юрдим ва мудом у мени топиб олади-да, барча дўстларимдан жудо бўламан, деган ўйда ич-этимни ердим. Бир куни Руди мени Томнинг уйига олиб борганда, сенинг онанг ва ўзингдан даҳшатга тушдим. Улар менга ўзга оламлардан келган келгиндиларга ўхшаб кўринди. Уларнинг қариндошларим эканидан уялиб кетдим. Балки, бу гапларимни эшитиш сенга эриш туюлаётгандир, Уэсли...

– Ҳа, ёқимли эмас, – бош ирғади Уэсли, – Лекин ўзим сиздан сўрадим. Менга эртақлар керак эмас...

– Бахтли болалигимиз ҳақидаги ҳикоя билан, Руди, сени хафа қилиб қўймадимми ишқилиб? – унга томон бурилди Гретхен.

– Йўқ, – деб жавоб берди Руди. – “Ҳақиқат ҳамиша гўзал...” – қолганини ўзинг биласан. Мен овсар ва мағрур эдим, – давом этди у, эски яраларини тирнаб, – сен, Уэсли, хойнаҳой, буни тушуниб олгандирсан. Ҳарҳолда шундай деб билсанг, мен сендан хафа бўлмайман. Отангни бундай дейишига сира кўзим етмаган бўларди. Мен нимаики қилган бўлсам, у ўйлаб туриб ҳаммасини бориб турган кўзбўямачилик деб атаган бўларди. Зеро, буларни мен ўзим учун эмас, балки бошқаларда, асосан бообрў ва амалдор одамларда таассурот пайдо қилиш учун қилардим. Энди, орқага бурилиб қараб, мен ўзимни овсар ва мағрур деб атаяпман, аммо ота-оналаримиз тўрға тушган балиқдай типирчилаётган оламдан ситилиб чиқиб олиш учун ўзимни худди шундай тутган эдим. – У ғамгин жилмайди. – Энг кулгили жойи шундаки, мен ҳақиқатан ҳам ситилиб чиқиб олган эдим.

– Сиз ўзингизни аямас экансиз, Руди амаки, – паст овозда деди Уэсли. – Нима учун сиз ҳаётда бирон нарса учун ўзингизни ақалли бир марта мактаб қўймайсиз? Отамнинг айтишича, сиз унинг ҳаётини сақлаб қолган экансиз.

– Ростданми? – хайрон бўлди Рудольф. – У менга бу ҳақда бир марта ҳам айтмаганди.

– У одамларни юз-кўзига мактаб бўлмайди дерди, – жавобан деди Уэсли. – Мени ҳам сирасини айтганда, камдан-кам мактарди... – У оппоқ, текис тишларини кўрсатиб илжайди. Табассум унинг озгин, ўйчан чехрасини ўзгартириб юборди – у болаларча маъсум ва очик тусга кирди. Жилмайиш унга фойдали, ўйлади Рудольф. – Қуёнчани ҳам ва ҳатто Кейтни ҳам ҳадеб мактайвермасди... Аммо Кейтни, у, албатта, пиширган овқатлари учун мактарди, лекин уни макташдан кўра кўпроқ у билан

ҳазилмачоқ ўйнарди, чунки Кейт инглиз эди-да. Баъзан пайқардим, ҳатто дастлабки паллаларда, уни энди-энди билаётганимда, гўё отамни ҳеч ким кўрмаётгандек, устидан ғам тоғи босиб тушгандек, бир ўзи ўйланиб турарларди. Аммо унинг ҳаётини сақлаб қолганингизни, рост, айтган эди.

– Мен фақат унинг ўз пулини ўзига қайтиб берганим, – жавобан деди Рудольф. – Отанг ёшлигида қандай қилиб ва нима учун бунақа бўлганини амманг сенга тушунтиришга ҳаракат қилганини англагандирсан?

– Англадим, – жавоб берди Уэсли.

– Булар ҳаммаси тўғри, – давом этди Рудольф, – ва айни вақтда ҳаммаси эмас. Мен ўзимни оқлаш учун икки оғиз сўз айтмоқчиман. Оилада тўнғич ўғил бўлиб туғилганим учун мен айбдор эмасман. Отам жохил, қайсар эди, ўтмиши ҳам даҳшатли бўлган – буниг учун у айбдор эмасди. Онамиз жиззаки, ўзининг “зодагонлар”дан келиб чиқиши билан мақтанадиган савдойинамо аёл бўлганига ҳам мен айбдор эмасман. Гертхеннинг кўнгиладан ва қоқвош бўлганига ҳам мен айбдор эмасман... Кечир мени, – Гретхенга мурожаат қилди у. – Буларнинг барини сен билан икковимиз учун эмас, Уэсли учун айтаяпман.

– Тушуниб турибман, – жавоб берди Гретхен юзини деярли кўринмайдиган даражада ликобча устига эргаштирганча.

– Пировард-окибатда, – давом этди Рудольф, – биз учовлон битта қонни мерос қилиб олдик ва бир хил тарбия топдик. Ҳозиргина Гретхен сенинг отангдан кўрққанини айтди. Аслида аммангни кўрқитган отанг эмас, балки унинг ботинида кўрган нарса, зеро, худди ўша нарсани у ўз ботинида ҳам кўрганди. У шундай қочишга ҳаракат қилган эди. Мен эса унинг ботинида отамизни, бераҳм, жирканч машғулотга жонини берган, қашшоқликда ўлиб кетишдан ўлгудай кўрққан отамизни кўрган эдим, у бундай имконият билан юзма-юз қолмаслик учунгина ўз жонига суикасд қилишни афзал билди. Мен ҳам қочишга ҳаракат қилганим. Фақат пуллар ва ҳашаматга пешвоз чиқиш учун, холос.

Уэсли тушунганнамо бош ирғади.

– Балки, Крейлерларнинг ўғли ҳозир Вьетнамда экани яхшидир ҳам. Акс ҳолда у билан ҳар куни кечки овқатни бирга тановул қилишимизга тўғри келарди ва шунда...

– Сенинг отанггача ҳам оилаларда бизникдан ёмонроқ кенжа ўғиллар бўлган, – давом этди Рудольф. – Аммо улар қўллари теккан нарсаларни бошига етишга ҳаракат қилишмаган. Буни айтмоқчи ҳам эмас эдим, Уэсли, аммо онамизни дафн этишгунича, отанг ўзи табиатан худбин эканига қаттиқ ишонардим. Ҳаётдаги унинг асосий қувончи ҳам – йўқ қилиш, бузиш, бошига етиш эди, шу жумладан, ўзининг ҳам.

– Охир-окибат шундай бўлди ҳам, – алам билан деди Уэсли.

– Қандаги тунда у қилган иш, – деди Рудольф, – мақтовга лойик. Унинг нуқтаи назарида шундай. Виждонан айтганда, менинг нуқтаи назаримдан ҳам. Буни ёдингда тут.

– Эсдан чиқармасликка ҳаракат қиламан, – жавоб берди Уэсли. – Фақат, менимча, ўшанда у нимани қилган бўлса, ҳаммаси сувга уриб кетди. Ҳеч кимга керак эмас.

– Ҳар ҳолда, – хўрсинди Рудольф, – сенга қўлимдан келганча ҳаммасини гапириб беришга ҳаракат қилдим, алдам-қалдамчилик бўлгани йўқ. Қувноқ дамларни бошқа пайтга қолдира турамиз. Сен ҳам чарча-

гансан, ҳойнаҳой. Гаплашишга арзийдиган кишилар рўйхатини сенга ёзиб жўнатаман, улар сенга биздан кўра кўпроқ ёрдам беришади. Энди овқатингни охиригача еб ол, мен сени ётоқхонагача элтиб қўяман.

– Кераги йўк, – кескин рад этди Уэсли. – Мен паркни кесиб ўтмоқчиман.

– Ҳозир кечкурун, Нью-Йоркда ҳеч ким паркда бир ўзи юрмайди, – эътироз билдирди Гретхен.

– Мен эса юраман. – Уэсли амакисига совуқ қараб қўйди.

Эй Худойим-ей, ўйлади Рудольф, боланинг бифштексдаги сўнги лукмани тушираётганига қараб, қуйиб қуйгандай отасининг ўзи! Афандомини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ўзинг мадад бер, Парвардигор!

4

Рудольф, Инид ва энага тонг офтоби нурига кўмилган йўлакда турар ва Жонни Хит билан хотинини кутар эди; Хитлар ҳам Монтатка боришлари ва Рудольф билан Инидни ўзларининг “линкольн-континентал”ларига ўтказиб олиб кетишлари керак эди. Энаганинг оёқчалари ёнида жомадон турарди. У бутун бир ҳафтага уйига, Нью-Жерсига кетмоқчи эди. Қизиқ, нима қилишни билмай ўйлади Рудольф, нима учун ҳеч бир энага ишлаётган штатида яшамайди?

Кеча кечкурун Уэсли билан хайрлашиб, Рудольф Гретхенни уйгача кузатиб қўйди. У синглисига у ва Хит билан бирга боришни таклиф қилди. Гертхен кўзларини катта очди ва Рудольф қачонлардир унинг Хит билан дон олишганини эслади.

– Гувоҳларсиз собиқ хотининг билан энди учрашолмайсанми? – сўради Гретхен.

У илгари бу тўғрида ўйлаб ўтирмасди, аммо энди Гретхеннинг бу сўзларидан кейин англадики, унинг айтган гапида ҳақиқат бор. Жин бир гал тўладан келган уқаловчи хотин билан биргаликда униқига келган эди. Ринодаёқ у бу хотинни ўзига шерик қилиб олганди. Гарчи Жин ҳатто Инид билан ўйнаганда ҳам мутлақо хушёр, оғир-вазмин ва камсукум бўлса-да, учрашув кўнгилдагидай бўлмаганди. У Монтегда ўзига уй олганини ва у ерда камтарона истиқомат қилаётганини айтди. Мексикада у узоқ қолмади. У ернинг иқлими ичкиликбозларбоп экан, бу унга тўғри келмасди. У энди бир култур ҳам ичмаётган ва ҳатто фотография билан бошқатдан машғул бўлмоқда эди. Тўғри, ҳозирча журналларга мурожаат қилгани йўк. Суратни ўзи учун оларди. Қўллари ҳам ортиқ қалтирамай қолган. Уқаловчи хотиннинг муттасил келиб туришини эсдан чиқарса, Жин яна у ўйлаган ва узоқ вақтгача севиб келган аёл бўлади-қолади – қувноқ ва ёш, сочлари ялтироқ, гулдай нафис чехра, энди Рудольф ажрашишга рози бўлиб, тўғри қилдими ё нотўғрими, ўзи билмаётганди. Унинг Жинга раҳми келиб кетди, аммо ўзига ҳам ичи ачиди. Шу боис уч-тўрт кун бурун Жин бир неча кунга Инидни юборишни илтимос қилганида, у йўқ деёлмади.

У Инид учун эмас, ўзи учун қўрқарди, Жиннинг сўзича, океаннинг ноқулай шовқинига тўла шинам уйчада жувон билан юзма-юз қолишдан қўрқаётганди. Жин унга меҳмонларга мўлжалланган битта хонани эгаллаши мумкинлигини айтган эди, аммо Рудольф ўзига энг яқиндаги отелдан жой топди. Ўйлаб туриб, Хитларни ҳам таклиф қилишга аҳд қилди. У жимжит уйда гуриллаган камин олдида, фақат тўлқинлар шовқини

эшитилиб турган гўшада ўтказилган оқшом ҳафсалани пир қилиб, уйга кетгилари келиб қолишларидан кўрқаётганди. Йўқ, ўтганни кавлаштириш на ҳожат. Хитларнинг пайдо бўлишига ҳам, Гретхен масаласининг кўтарилишига ҳам сабаб шу-ку.

– Йўқ, гувоҳнинг менга кераги йўқ, – жавоб берди Рудольф. – Бизнинг Жонни билан гаплашадиган гапларимиз бор, унинг идорасига боришга эса оёғим тортмаяпти.

– Тушунарли, – бир ишониб, бир ишонмай жавобан деди Гретхен ва суҳбат мавзусини ўзгартирди. – Уэсли сенга ёқдими?

– Мияли бола, – деди Рудольф. – Ўз хаддини билиб гапиради, хатто бундан ҳам ақллироқ... Бундан кейин нима бўлиши эса ўн саккизга киргунча у онаси ва унинг эри қилиқларига бардош бериш-бермаслигига боғлиқ.

– Унинг хушрўйлигига гап йўқ, пайқадингми буни? – сўради Гретхен.

– Бу ёғига эътибор қилмабман.

– Бунақа чехраларни кинога олишни яхши кўришади, – деди Гретхен. – Яноқ суяклари чиққан, ёқимли табассум, қувноқ нигоҳ айни вақтда катта ахлоқий кучга эга одам тасавурина келтириб чиқаради.

– Сен, афтидан, мендан кўра синчковроқ экансан, – дея олди Рудольф.

– Ёки кўпроқ кўнгилчанроқман, – жилмайди Гретхен.

– Кўнгирак қилганинда шундай туюлгандики, гўё менда муҳим гапинг бордай, – эслади Рудольф. – Бирон кор-хол бўлдимми?

– Ҳар доимгидай бир иш. – Гретхен яна жилмайди. – Қайтиб келганиндан кейин гаплашармиз.

Уй олдида у сингисини ўпиб қўйди ва Гретхен эшикбон кўриқлайдиган, чароғон вестибюлга кириб кетгунча кутиб турди – гап йўқ: сарвқомат, дуркун, ўзига ишонган жувон. Аммо ҳар доим эмас, ўйлади Рудольф. Ҳар доим эмас.

* * *

“Линкольн-интерконтинентал” етиб келди, Жонни Хит рулда, хотини Илейн унинг ёнида ўтирарди. Хайрлашаётиб, энага Инидни ўпиб қўйди.

Илейн Хит машинадан тушди, Иниднинг орқа ўриндиқда жойлашуви-га қарашиб юборди ва ўзи унинг ёнидан жой олди. Илейн баланд бўйли аёл эди, сочлари саришталик билан турмакланган, кўзлари тик ва оқилона боқарди. Уолл-стритдаги энг омадли идора хўжайинларидан биронтасининг рафиқаси бўлишга муносиб аёл. Хитларнинг фарзанди йўқ эди.

Рудольф Жоннининг ёнига ўтирди. Инид жомадонини кўтариб олган энагага қўл силкиди ва улар кўзгалдилар.

– Қани, Монток бурни томон олға! – хитоб қилди Жонни. – Бир дунё балиқ тутамиз-да, кирғоқда баликхўрлик қиламиз.

Унинг юзи дум-думалок, руль устига ташлаб олган қўллари оппок ва дўмбок, йирик-йирик катакли спорт пиджаги тагидаги коринчаси аллақачон дўппайиб қолганди. У машинани усталик билан ва тез ҳайдарди. Бошқа ҳайдовчилар унга йўл бўшатишга мажбур бўларди, бу бошқа адвокатлар директорлар кенгаши ёки сўз машваратидаги миш-мишларда унинг қийин-кистовлари олдида таслим бўлганига ўхшаб кетарди. Рудольф энди Жонни билан кам кўришади. Хит уйланганидан кейин улар нима учундир ажрашиб кетишди ва ҳар гал учрашиб қолганда

– учрашувлар оралиғи бир неча ойларга чўзилиб кетарди – Рудольф, мен ҳам шунақа кўринсам керак, хойнаҳой, дерди ўзига-ўзи.

Орқада Инид шўх-шўх сайрарди. Илейн унинг кулоғига нимадир деб шивирлаган эди, жавобига кизалоқ кулиб юборди. Бир қарашда шундай туюлгандики, гўё Илейн гўдаккинани дафъатан кучоклаб олишга журъат этмаётгандек, гўё кизалоқ унинг чиройли нафис жунли костюм-часини ғижимлаб ёки ифлос қилиб қўядигандек эди. Рудольф қайрилиб қараб, кўрсаки, Инид Илейннинг кунт билан турмакланган сочини титиб юбормоқда, Илейн эса завкланиб кулмоқда эди. Афтига қараб, бир нарса деёлмайсан, йўлдан кўз олмай ўйлади Рудольф. Улар Гранборо кўпригидан кетиб борар эдилар – дарё ёқалаб баҳорнинг чарақлаган қуёши нурлари остида Нью-Йорк чўзилиб кетганди: осмонўпар бинолар, тутун буруксиётган мўрилар. Мана шундай дақиқаларда афсонавий тусда савлат тўкиб турган бу улкан шаҳарга қараб туриб, Рудольф худди болаликдагидек ўзининг нью-йорклик эканидан яна бир карра қониқиш ва ғурур хис этди.

Пастда сув юзасида унча катта бўлмаган яхта оқим билан олишар эди. Балки мен ҳам, деб ўйлади у, шу ёзда “Клотильда”да Италия қирғоқларига борарман. Лоақал шунда бир фойдаси тегсин. Улар илгари ҳам Порто-финога боришганди, аммо оёқлари у ергача етмайди-да. Ўтганни кавлаштиришнинг асло ҳожати йўқ. Жоннини икки ҳафтага оиласидан нари бўлишига кўндираман, соатига ўн икки узель тезликда сузамиз ва Лагурия қирғоғидаги биронта қахвахонада офтобдан терлаган графиндан маҳаллий мусаллас ичамиз. Муддатидан олдин чолга айланиш яхшимас-да. *Fantasia Haliana*¹.

– Жонни, – деди у ўзига келиб, – мен билан нима ҳақда гаплашмоқчи эдинг?

– Менинг бир мижозим бор, – деди Жонни. – Ўзи, жойинг жаннатдан бўлгур, ўлиб кетган, аммо унинг мероси ҳақидаги масала бир ёқлик бўлгани йўқ. – Жонни, ичида кинояли кулди Рудольф, шаҳарнинг барча дафн бюроларидан кўра мархумлардан кўпроқ ишлаб топади. Эҳ, бу адвокатлар-а! – Меросхўрлар, одатдагидек, бир-бирларини итдай ғажиган, – қўшимча қилди Жонни, – аммо бу билан сени ҳайратга солиб бўлмайди.

– Мен бундай ишларнинг пирига айланиб кетганман, – жавобан деди Рудольф.

– Судни четлаб ўтиш учун, – давом этди Жонни, – мулкнинг бир қисмини дурустгина нархда сотишга келишилган. Невадада данғиллама бир ховли бор. У ерда солиқ осмонда, буни ўзинг биласан.

– Ҳа, биламан, – деди Рудольф.

– Нью-Йоркда сенинг қиладиган ишинг йўғ-у, – давом этди Жонни, – башарангга қараб бўлмайди, нимадандир хафасан. Кун бўйи нима ишлар қилиб юрасан ўзи, ҳеч тушунмайман, жин урсин!

– Пианино чаламан, – жавобан деди Рудольф.

– Ҳамманинг кўз олдида тугаяпсан, – давом этди Жонни. – Ҳеч қаякка бормайсан. Биронта ҳам оқшомги ўйин-кулгиларда қорангни кўрсатмайсан.

– Невадада оқшомги ўйин-кулгилар қанақа?

¹ Италиянча хаёлпарастлик (*итал.*).

– У ерда ўйин-кулги деса ўзларини томдан ташлашади, – уни ишонтиришга ҳаракат қилди Жонни. – Миллионерлар бодроқдай потирлайди – энг гуркираган штаблардан бири эмасми. Менинг ҳазил қилмаётганимга ишонишинг учун сен билан улушдош бўлишга тайёрман – устама пул тикаман, хўжалик ишлари билан шуғулланадиган одамларни топаман. Мени жуда Худодан беҳабар одам экан деб ўйлама, менга бир жой керак, токи вақти-вақти билан яширинишимга имкон бўлсин. Аввал ғарбда солиқларни тўлашим ҳам осон кечарди. Ҳовлини кўзим билан кўрганимча йўк, аммо ҳужжатларини қўлим билан ушлаганман. Ҳовлига гап йўк – мустаҳкам. Борди-ю, мияни ишлатиб туриб, унга нимадир қўймоқчи бўлсанг, у бундан ҳам мустаҳкам бўлади. Уйнинг ўзи бир жаҳон – сал у ёқ-бу ёғини таъмирлаб олсанг, уй эмас, шоҳ саройига айланади. Болалар учун ҳам бундай жойни излаб тополмайсан: ҳавоси тоза, “гиёҳвандлик” сўзини тилга олмайди ҳеч ким, яна яқин шаҳар юз мил нарида. Сиёсат билан у ерда ишончли одамлар шуғулланади, хуллас ўзингга хон, ўзингга бек бўлиб яшайсан, у ерда ўзингни жаннатдагидай ҳис этасан. Читон ҳақида улар ҳеч нарса билмайди. “Тайм”даги аҳмоқона мақолага қарамай, умуман, ўша гаплар ҳамманинг аллақачон эсидан чиқиб кетган. Ўн йилдан кейин сенатор бўласан. Гапимни эшитаяпсанми, Руди?

– Эшитаяпман. – Аслида сўнгги гаплар унинг кулоғига чала-чулпа кирганди. Жонни, бу болалар учун зўр жой, деганида у қизиқиб қолган эди. У Иниднинг ғамини ейиши керак, албатта, аммо яна Уэсли ва Билли ҳам бор. Минг қилса ҳам эт билан тирноқдай яқин жигарлар. Уларни ҳам ўйлаш керак. Билли – кўними йўк бола, мактабдалигида ҳам сурбетгина, ор-номусни билмайдиган масҳарабоз, яккамохов эди. Уэсли эса, хукман олиб қараганда, бирон-бир истеъдоди билан ажралиб турмасди, тақдир унга ато этган маълумоти эса ҳаётда бирон-бир мавқени эгаллашида асқотиши даргумон эди. Қурғоқчилик, тошқинлар, ернинг ориқланиши билан асрий курашлар бўлиб турадиган, машиналар ва ходимларни бошқариш ва сотув бозорига эга бўлиш учун замонавий ранчога иккаласига иш топилади. Борди-ю, улар бир ёқадан бош чиқариб иш олиб борса, улардан кўнглини тўк тутса бўлади. Вақти-соати келиб уларнинг ўзлари ҳам фарзандли бўлади. Унинг ўзи ҳам, дарвоқе, уйланиши керак, уйланса нима қипти? – фарзандли бўлиши мумкин, – орзуга айб йўк, – овоз чиқариб деди у.

– Нима? – ҳайрон бўлиб сўради Жонни.

– Ҳеч нима. Ўзим, шундай. Ўзимни болаларим ва невараларим даврасида тасаввур қилгандим.

– Тараққиётдан узилиб қоламан деб ўйлама, – деди Жонни, Рудольфнинг жавобини ҳазилга йўйиб. – Ранчода учиш-қўниш майдончаси бор. Хоҳласанг, самолёт сотиб оласан.

– Америкача орзу, – деди Рудольф. – Хусусий учиш-қўниш майдончалари бор.

– Бунинг нимаси ёмон? – жаҳли чикди Жоннининг. – Киши қудратли бўлишни хоҳласа, бунинг нимаси ёмон? Самолётга ўтирдинг, қарабанки, бир соатдан кейин Риnodасан ёки Сан-Францискодасан. Бундан қулайи бормикан. Бу жўшқин янги фаолиятга киришиб кетиш демак...

– Ўйлаб кўраман, – жавоб берди Рудольф.

– Биласанми нима? Кел, иккаламиз келаси ҳафтада у ёкка учамиз-да, ўша жойни бориб кўрамиз, – таклиф қилди Жонни. – Карнайчидан бир пуф, менга эса, бундан ташқари, мана шу лаънати идорада кўринмаслигинг учун узрли сабаб пайдо бўлади. Гарчи ранчо бир пулга қиммат бўлса ҳам, бир шамоллаб келганимиз қолади. Пианинони ҳам олволсанг бўлади.

Қандай ақлли гаплар, ўйлади Рудольф. У Жонни унинг ишини ташлашини аҳмокона ўжарлик ва қарилик балосининг эрта келиши деб билишини англаб етганди. Жонни дам олишга фақат ўйнагани чиқади. Буларнинг бари юзага қалқиб чиқди, биргаликда хирмон-хирмон пул топди, бир-бирига ҳеч қачон панд бермасди, бир-бирини битта сўзданоқ тушунди ва Рудольфни ҳаракатга келтиришни Жонни ўз бурчи деб биледи.

– Майли, – рози бўлди Рудольф. – Мен умр бўйи чўлда от йўртириб ўтишни орзу қилардим.

– Бу чўл эмас, – ғижинди Жонни. – Бу ранчо. У тоғ этагида жойлашган. Унинг худудидан сой оқиб ўтади, унда фореель ғиж-ғиж.

– Шу ҳафтада ўтиб кўя қолайлик, – деди Рудольф. – Икки кунгинага, унгача Инид Жиннинг олдида бўлади. Бора оласанми?

– Чиптани мен оламан, – жавоб берди Жонни.

Улар Лонг-Айленднинг сўнгсиз қабрлари ёнидан ўтиб борардилар, нью-йоркликлар авлоддан-авлодга ўзларининг яқин қариндошларини шу ерга кўяди. Рудольф кўзларини юмди ва Неваданинг кумуш ўлка адирлари ва тоғлари ҳақидаги орзуларга берилди.

* * *

Одатда Гретхен монтажхонада шанба кунларида ишлашни яхши кўрарди, бу куни улар иккови – у ва ёрдамчиси Ида Коэндан бошқа ҳеч ким бўлмас, жимлик ҳукм сурарди. Аммо бугун Ида кўрдик, Гретхеннинг кайфияти жудаям бузук. У тўхтовсиз плёнкани айлантлар, қайчи билан шарақлатиб қирқар, ниманидир хуштакда хиргойи қилар ёки алам билан хўрсинарди. Эрталабдан Гретхенни нега таъби тирриклигини Ида биларди. Уларнинг режиссёри Эванс Кинселла яна эски нарсага ёпишиб олди: кўнглига тўғри келган нарсани суратга олар, майдончага ширакайф холда чиқиб келар ва актёрларнинг кулгисига қоларди, бундан мақсад – у Гретхенни оширган плёнкалар уюми орасидан пичокка илингудек бир нарсалар чиқиб қолишига умидвор эди. Жумада ҳам Ида монтажхонада эди, ўшанда Кинселла кўнғирок қилиб, Гертхен билан ваъдалашгандай ресторанга бора олмаслигини айтган эди.

Дугонасидан жонини ҳам аямайдиган Иди Кинселлани шунақанги ёмон кўрардики, у хотин-қизлар хуррияти ҳаракатинигина шундай ёмон кўрарди: у барча йиғилишларда сидқидилдан иштирок этар ва унчалик маъноли бўлмаса-да, уларга оташин нутқ билан мурожаат қилар эди. Уни ҳаётда жонидан тўйдириб юборувчи на эри, на жазмани бўлган, қирқ беш ёшлардаги хунуккина Ида соҳибжамол Гретхен ўзининг эркаклар томонидан хўрланишига ўзи сабабчи деб биларди. Ида Гретхенни ўзи билан иккита йиғилишга боришга кўндирди, аммо нотикларнинг жазвага тушиб ирод қилган нутқлари ўша заҳотиёқ жонига тегди ва: “Энди фақат баррикадага чиқарганларингга келаман, унгача бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин”, – деди-да, кетди-қолди.

“Аммо бизга айнан сенга ўхшаган аёллар керак”, – деди ёлбориб Ида.
 “Эҳтимол, – жавобан деди Гретхен. – Лекин менга уларнинг кераги йўк”.

Тарвузи қўлтиғидан тушиб, Ида аламли хўрсинди – бу кечириб бўлмас сиёсий беғамлик, деганди ўшанда Гретхенга.

Гретхенни ўша куни эрталаб у ишлатган фильм сифатигина ташвишга солмаганди. Бир неча кун муқаддам Кинселла унга ўқиб, фикрини айтишни илтимос қилиб, унинг олдига навбатдаги сценарийни ташлади. Ёш муаллифнинг номи уларнинг ҳар икковига ҳам ҳеч нарсани англамади, аммо унинг адабий агенти Кинселлани матн билан танишиб чиқишига ундади.

Гретхен сценарийни ўқиб чиқди-ю, ҳайратдан ёқа ушлади, бу хабарни жума куни унга кўнғироқ қилган Кинселлага етказди. “Ёқа ушладим? – такрор сўради режиссёр. – Менга эса одатдаги бир замбил ахлатдай туюлди. Уни котибанга бер, қайтариб юборсин”. Шундай деди-да, пиджакни устига илди. Тунги соат иккигача Гретхен сценарийни қайта ўқиб чиқди. Уни бир эркак киши ёзганди, аммо ҳикоя ишчилар муҳитидан чиққан бир серғайрат аёл тилидан айтилганди: аёл ҳаётдан бутунлай умидини узган одамлар ўртасидаги бир миттигина овлоқ шаҳарчада яшарди, бироқ тенгқурлари орасидан биргина у ақли ва жасорати туфайли отилиб чиқади-да, ўзи хоҳлаганидек ҳаёт кечира бошлайди.

Гретхен бу сценарийдан кейинги вақтларда пайдо бўлган фильмлар оқимига жон киритиб юборадиган фильм яшаш мумкинлигига амин бўлди. Охири яхшилик билан тугайдиган, экранда узоқ вақтгача сакланиб қоладиган голливудча эртақларга қарама-қарши ўлароқ бу фильмлар мақсадсиз ва ўй-хаёлсиз, гоҳо қисмат ўзига қарши бош кўтарадиган, аммо кейин яна умидсизликка берилиб, ҳаётдан бутунлай кўнгли совиган одамлар ҳақидаги фильмлар бўлиб, уларни томоша қилган кино ишқибози ўзини осидан ҳам тоймайди. Агар сохта чучук ҳаётгиллик билан суғорилган эски Голливуд фильмлари бошдан-оёқ ёлғондан иборат экан, деб мулоҳаза қиларди ўзича Гретхен, бугунги бефарқ мотамсароликлар улардан ҳам ўтиб тушар экан-да? Қаҳрамонлар ҳар куни пайдо бўлади. Борди-ю, ўз синфи билан туғилмаса, демак, улар шу синфсиз ўлмас ҳам экан-да?

Сценарийни ўқиб чиқиб, Гретхен дастлабки таассурот уни алдамаганига ишонч ҳосил қилди. Борди-ю, Кинселла эски ашуласини айтиб, олдингидай ишласа, у қойилмақом фильм чиқаради – бунга Гретхеннинг кўзи етиб турибди. У тунги соат икки яримда режиссёрга кўнғироқ қилди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Булар бари монтаж столидаги плёнка ғилдирагига ўхшаб миясида чириллаб айлангани-айланган эди, бу орада у сўнги ҳафтада Кинселла олган бир даҳмаза тасмани кавлаштириб ўтирди.

Тўсатдан у аппаратни ўчирди.

– Ида, сен менга битта яхшилик қил.

Сценарий узун боғичли катта сумкада ётарди, Гретхен уни ҳар доим студияга кўтариб борарди. У сценарийни олди-да, Идага узатди.

– Мен бир-икки соатга музейга бориб келаман, – деди у. – Сен мана бу лаш-лушларингни бир четга йиғиштириб қўй-да, сценарийни ўқиб чиқ.

Мен қайтиб келгач, икковимиз тушлик қиламиз – ҳеч кимни бирга олмай-миз, сценарий сенга ёқдим-йўқми, ўшанда айтасан.

Ида иккиланганча Гретхенга қараб қўйди, аммо сценарийни олди. Гретхен ҳеч қачон иш куни ўртасида кетмас эди. Жуда нари борганда у бир финжон қаҳва ичарди, холос.

– Бўпти, – рози бўлди Ида ва кўзойнагини бурни устига қўндириб, худди портлаб кетадигандек, сценарийга хавотир билан қараб қўйди.

Гретхен пальтосини эгнига илди ва пастга тушиб, уларнинг студияси жойлашган Еттинчи авенюда гувиллаган одамлар гирдобига қўшилиб кетди. У марказга тезда етиб борди ва Замоनावий санъат музейига кирди, бундан кўзлаган бирдан-бир мақсади чинакам санъат асарларини кўздан кечириб, асабини тинчлантириб олиш эди. Аммо музейдан чиқиб келганида у ҳамон ўша-ўша асабий ҳолда эди. Энди Пикассо, Ренуар ва Генри Мурларнинг асарларини томоша қилгандан кейин у яна монтаж столига қайтиб боришни хаёлига ҳам келтиролмасди. Шу боис студияга қўнғирок қилди ва Идага сени ресторанда ўзим кутиб оламан деди.

– У ёқ-бу ёғингга бўёқ суриб, иштонни тарангрок тортиб кий, – аёвсиз буйруқ берарди Гретхен. – Бу француз таомлари тайёрланадиган мухташам ресторан. Сени мен меҳмон қиламан, чунки бошимга бир иш тушиб турибди.

Идани кутиб, у бир пештахта олдида турганча виски ичди. Одатда у кундузи ичмасди, аммо пировард-оқибатда, бу қонун билан ман этилгани йўқ-ку. Бундан ташқари, бугун шанба бўлса.

Гретхенни пештахта олдида кўриб, Ида хушёр тортди:

– Нима ичаяпсан?

– Виски.

– Демак, бошингга иш тушгани рост экан-да?

Ида уни замонавий тафаккурнинг пешволаридан бири, аммо кундалик ҳаётда ўша-ўша сипо аёл деб биларди.

– Илтимос, иккита виски, – деди Гретхен барменга.

– Ўзинг биласан-ку, ичсам, ишлагим келмай қолади, – деди Ида.

– Бугунги ишинг тугаган, – деди Гретхен. – Менинг ҳам. Аёлларни қора терга тушиб меҳнат қилишга мажбурлашади деб айюханнос солганлардан бири ўзинг эмасмидинг? Айниқса, шанба кунларида. Мамлакатимизда йигирма соатлик иш ҳафтаси жорий қилиш керак деган-чи?

– Бундоқ олиб қараганда, ҳа, – эҳтиёткорона иқроор бўлди Ида, унинг олдида бармен қўйиб кетган стаканга ошқора жирканиш билан қараб кўяркан. – Шахсан мен кўпроқ ишлашни афзал биламан.

– Аммо бугун эмас, – катъий оҳангда деди Гретхен. У метрдетелни¹ чақирди. – Икки кишилик дастурхон тузанг, илтимос. Стаканларимизни ҳам ўша ёққа олиб ўтишсин. – Улуғвор ҳаракат билан у пештахтага икки доллар қўйди.

– Учта виски учун нега шунча пул бердинг? – шивирлаб деди Ида, улар метрдетел ортидан ресторан тўрига йўл олишар экан.

– Чойчақасига бўлади, – жавоб берди Гретхен, – бизни эркаклар билан тенг кўраяпти.

Метрдетел уларни ошхона ёнидаги бир столга ўтказди.

¹ Ресторандаги бош официант.

– Кўраяпсанми... – Ида залга кўз югуртириб чикди. – Ресторан деярли бўм-бўш, у эса бизни ошхона ёнига ўтказди. Биз эркаксиз бўлганимиз учунгина шундай қилди.

– Яхшиси, вискини ич, – маслаҳатомуз деди Гретхен. – Биз улардан нариги дунёда ўчимизни оламиз.

Ида бир кулгум ютди-да, афтини бужмайтирди.

– Буюрар экансан, – деди у. – Бир ширин нарса буюрмайсанми?

– Баррикадаларда ширин нарса беришмайди, – жавоб берди Гретхен. – Ана энди гапир, сценарий сенга ёқдими-йўқми?

Иданинг чехраси очилди. Фильмдаги зўр олинган сахнани кўриб ва китобдаги кўнгли хоҳлаган саҳифани ўқиб, у астойдил суюнмоқда эди.

– Сценарийга гап йўқ, – деди у. – Биласанми, ундан ажойиб фильм чиқади!

– Ҳамма бало шундаки, ҳеч ким уни кино қилишни истамаётганди, – деди Гретхен. – Менимча, бу сценарийни кўпларга кўрсатишган ва бизнинг нобакор Эванс Кинселла агентнинг сўнгги умиди эди.

– Эванс уни ўқиб чиққанми?

– Ҳа, – жавоб берди Гретхен. – Бир замбил ахлат деганди. Қайтариб юбориш учун сценарийни котибага беришни буюрди.

– Ифвогарлик! – ўзини тутиб туролмади Ида. – Тағин таниқли одам эмиш! Ҳозирги фильм қанчага тушар экан?

– Уч ярим миллионга.

– Фақат кинодамас, умуман, бутун дунёда аҳвол чатокка ўхшайди, – деди Ида. – Бунақа иблисга уч ярим миллионни шундоқ бериб кўяверишса, кейин у кўнглига келганини қилмайдими?

– Сўнгги уч йил ичида у иккита ғоят шов-шувли фильм қилгани ҳам бор гап, – эътироз билдирди Гретхен.

– Тасодиф, – деди Ида. – Бахтли тасодиф.

– Фақат тасодифга йўйиб ҳам бўлмайди, – яна эътироз билдирди Гретхен. – Гоҳ-гоҳ унинг ижодида шунақа парвозлар бўлиб туради.

– Лекин улар уч ярим миллионга арзирмикан? – Таслим бўлгиси келмасди Иданинг. – Нега унга пахта кўйиб қолдинг, тушунмадим. Унинг сенга қилган муомаласига қарамайсанми?

– Кўяверсанг-чи! – деди Гретхен ўзини бепарволикка солиб. – Озгина азоб-укубатдан ҳеч бир аёл зиён кўрган эмас.

– Баъзи гапларингдан одам жинни бўлиб қолай дейди, ўлай агар, – лабини тишлади Ида.

Уларнинг ёнида қўлида ёндафтар ва қалам тутган официант пайдо бўлди.

– Кел, таом буюрайлик, – таклиф қилди Гретхен. У таомномага бирров кўз югуртирди. – Уларда сариёгда ковурилган ўрдак бор экан. Ўрдаклар катта-катта экан, биттаси икки кишига етади. Оламизми?

– Оламиз, – рози бўлди Ида. – Ҳолбуки, сариёғни кўнглим кўтармайди. Ҳаммасини ўзинг ейишинг мумкин.

Гретхен ўрдак ва бир шиша “Пуйи фюме” буюрди.

– Икковимизга бир шиша кўп-ку! – кайфи учиб деди Ида. – Мен ичсам ярим қадах ичаман.

– Бир шиша, – такрорлади Гретхен официантга, Идага эътибор бермай.

– Ўзинг ичасан, – огоҳлантирди уни Ида.

– Яхши, – жавоб берди Гретхен. – Мен жиддий қарорга келишим керак, кайфим бўлмаса, бундай қарорлар мияга келмаслиги аниқ.

– Бугун кўзларинг бежо қараяпти негадир, – деди Ида.

– Нима деб ўйлаган эдинг?! – Гретхен иккинчи қадахни бир кўтаришда ичиб юборди.

– Нима қилаяпсан ўзи? – ташвишланиб сўради Ида. – Эсингни йиғ. Аччиқ қилганинг майли-ю, қанча вискини ичиб юбординг-а...

– Тўғри, жаҳлим чикқан, – тасдиқлади унинг гапини Гретхен. – Аммо вискидан кўп ичганим йўқ, мусалласдан эса, агар сен ёрдамга келмасанг, бутун бир шишасини кўрдим демайман. Кейин эса... – У жим бўлиб қолди.

– Нима кейин?

– Кейин нима – билмайман, – жавоб берди Гретхен ва кулиб юборди. Унинг кулгиси шу қадар ғалати чикдики, Иданинг шак-шубҳаси қолмади: Гретхен маст бўлиб қолган. – Кейин мен Эванс Кинселла билан гаплашаман. Агар уни тополсам, лекин топишга эса кўзим етмайди.

– Хўш, унга нима дейсан? – Иданинг кўнгли ғашланди.

– Аввалига бир-икки оғиз сўзлайман – аччиы бўлса-да, бор ҳақиқатни айтаман.

– Ақлингни ебсан! – Овозини баландлатди Ида. – Бир-бирларингга қанақа муомала қилсаларинг майли, аммо билиб қўй: у сенинг раҳбаринг.

– Ида, сенга ҳеч қачон бошлиқларни жонингдан ортиқ хурмат қиласан, деб айтишмаганми?

– Жонимдан ҳам, жинимдан ҳам ўргилиб кетмайдими ўша бошлиқлар, – дили оғриди Иданинг.

– Нега ундай дейсан? Ахир хўжайинингга хушомад қиласанми – қиласан, етти букилиб салом берасанми – берасан...

– Жуда унчалик бўлмаса ҳам, бошлиқларни хурмат қилишим тўғри. Кел, мени бир четга қўя турайлик. Унга нима демокчисан, бу ёғидан гапир.

– Биз ишлаётган фильм – бир чақага қиммат. Аммо бу фақат бошланиши бўлади, – жавоб берди Гертхен.

– Илтимос, Гретхен... – Худди қалтис йўлдан қайтариб қолмоқчидай Ида унга қўлини чўзди.

– Кимдир узук олиб берса бўлармиди, – деди Гретхен. – Қўлларинг чиройли экан, узук унга кўз қўйгандай ярашади. Агар анови ярамас Кинселлани топа олмасак, унда, балки куннинг қолган қисмини узук қидиришга сарфлаймиз.

Ида безовталаниб атрофга аланглади. Ресторан деярли одамга тўлганди ва уларнинг ёнгинасида икки эркак ўтирарди.

– Гапингни эшитиб қолишлари мумкин.

– Эшитса эшитаверсин, – елка учирди Гретхен. – Ақлли гаплар ҳаммага фойдали.

Стол ёнида тагин официант пайдо бўлди ва чакқонлик билан ўрдакни бўлаклади. Мусаллас музли челақчага солиб қўйилганди.

– Менга ёғсизи, – деди Ида. – Ҳаммасини мана бу хонимга қўя қолинг.

Гретхен официантнинг ўрдакни тенг иккига чакқон бўлишига қараб турди.

– Гаров боғлайман, у иш вақтида ҳаргиз ичмайди, – деди Гретхен. – Кинселлага орқаворатдан мағзава ағдаришларини ҳамма билади.

– Жим, – тўхтатди уни Ида ва ўзининг ғалати дугонаси учун кечирим сўрагандай официантга кулиб кўйди.

– Ичасизми? – сўради Гертхен официантдан.

– Йўқ, хоним, – жавоб берди официант. – Аммо агар совға қилгудек бўлсангиз, бунисига йўқ демасдим, – мийиғида кулди у.

– Эрталаб сизга бир шиша мусаллас ваъда бераман, – деди Гретхен.

– Гретхен, – деди Ида. – Сенга нима бўлаяпти ўзи?

– Мен исён кўтардим. – У ўрдакдан татиб кўрди, хузур билан чапиллатиб кўйди ва оғзини тўлдириб мусалласдан ичди.

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, – деди Ида, кичкина бўлакчани чимдиб узиб оларкан, – мен жиллакурса шанба ёки якшанбада бундай қилмасдим.

– Исёни қолдириб бўламайди. Хонадонимизнинг шиори шунақа, – деди Гретхен. – Айниқса, дам олиш кунларида. Душанба куни эрталаб исён кўтариш осон бўлмайди. Бунга камида бир ҳафта тайёргарлик кўрилиши керак.

– Кинселла сени ҳеч қачон кечирмайди, – деди Ида.

– Кириш қисмидан кейин, – давом этди Гретхен, Иданинг гапига эътибор бермай, – биз тўғридан-тўғри операга ўтамиз. Унга айтаман, у пишираётган мана бу даҳмаза устида ишлашга фақат у билан ётиб туриш учунгина розиман.

– Гретхен, – ўпқаланганнамо деди Ида, – ахир уни севаман деб ўз оғзинг билан айтмаганмидинг? – Бу қариқизга севги қандайдир ғалати нарса бўлиб кўринарди.

– Бир вақтлар севардим, – икром бўлди Гретхен.

– Ғазабдан тарс ёрилса керак ўзиям.

– Менга худди шуниси керак, – деди Гретхен. – Кейин эса унга ҳаммасини айтаман, у агентга қайтариб юбормоқчи бўлган сценарийни ўқиб чиқдим дейман ва менимча, бу антиқа, жиддий асарлигини айтаман, худди сенга ўхшаганларнинг жони дейман. Бироқ айти пайтда у мен ёнида бирга яшаётган ягона режиссёр бўлгани боис каминадан пулни аямайдиган ўша одам башарасига қараб очиғини айтаман: борди-ю, Худо она қорнида ато этган ақлу фаросати ҳали ҳам сақланиб қолган бўлса, у эртагаёқ бу сценарийни сотиб олади – лоақал бунини мен илтимос қилганим вазидан бўлса ҳам.

– Унинг кўнмаслигини ўзинг биласан-ку, – деди Ида.

– Эҳтимол.

– Унда сен нима қиласан? Йиғлаб, тавба-тазарру қиласанми?

Гретхен Идага таажжуб билан қараб кўйди. Ида ҳазилни тушунмасди. Демак, бу гап уни бежиз ҳаяжонга солган эмас.

– Ида, жонгинам, – меҳрибонлик билан деди Гретхен, – бекорга асаблашаверма. Ахир у билан мен кўришаман-ку!

– Сенинг бошинг балога қолишини истамайман-да, ахир, – жавоб берди Ида.

– Бошга тушгани кўз кўрар – ҳозир айти шунақа пайт. Агар у кўнмаса, сен нима қиласан деб сўрадинг-а?

– У кўнмаса-чи?

– Мен унга ҳозироқ гуруҳингдан кетаман дейман.

– Шартноманг-чи, нима бўлади? – таажжубланиб деди Ида.

– Мени судга беришсин. Сўнг у билан бир ёстикқа бош кўйиб ётишим-ни талаб қилсин.

– Сен кетсанг, мен ҳам кетишимни биласан, – деди Ида ва унинг овози титраб чиқди.

– Урушда, – жиддий оҳангда деди Гретхен, – гоҳо аскарларни курбон беришади.

– Аммо урушда шундай бўлади, – эътироз билдирди Ида, – бу эса бор-йўғи фильм-ку, бунақалари сон-мингта.

– Худди шундай, – деди Гретхен. – Мен сон-мингта бўлган фильмлар устида фақат уларнинг яшашини истамайман. – У Иданинг маъсум қора кўзлари жикқа ёшга тўлганини ва ана-мана хўнграб юборишга тайёрлигини кўрди. – Менинг ишларим деб сен азият чекмаслигинг керак, Ида, – деди у. – Мен билан кетишинг асло шарт эмас.

– Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз, – деди Ида.

– Бўпти, – рози бўлди Гертхен. – Демак, ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп. Энди эса ўрдакка қара. Сен ҳеч нарса емадинг. Сенга ёқмаяптими, ё?

– Жуда... ёқаяпти, – ўксиниб деди Ида.

Бирмунча вақтгача улар жимгина овқатланишди. Гретхен ўзига мусаллас куйди. Иданинг бамисоли гўдаклардай дўмбоқ ва юмшоқ юзи буришганидан Гретхен англадики, у йиғидан ўзини базўр тутиб турибди. У Идани ўзининг муаммолари билан ташвишга солганидан ичида пушаймон бўлди. Аммо Гретхен Иданинг одамшавандалигини ва кўнгли тозалигини билар эди, шу боис берган баҳосидан киз рози бўлиши керак, деб ўйлади. Бусиз Гретхен ҳеч қачон Кинселлага қарши боришга таваккал қила олмасди. Эванс Кинселла эса оғир кунларни бошидан кечиришга тўғри келади, қовоғини уйиб мулоҳаза юритарди жувон. Башартики, Кинселла уйда бўлса, албатта.

Ниҳоят, Ида тилга кирди.

– Менимча, – деди у кўрқа-писа, – сал бошқача йўл тутилса ҳам бўларди. Сен очикчасига ҳаракат қилишинг шарт эмас-ку, шундай эмасми?

– Шунга айт. Бироқ яширинча ҳаракат қилиш ҳам, афсуски, қўлимдан келмайди.

– Кўйсанг-чи, – мийиғида кулди Ида. – Аммо нима бўлганда ҳам бу гал сен гапимга қулоқ соласан. Унинг ўла қолса ҳам рози бўлмаслигини ҳар икковимиз ҳам биламиз. Айниқса, сен у билан даҳанаки жангга киришиб кетганингдан кейин.

– Буни қаердан биласан? – ҳазил ва шубҳа аралаш сўради Гретхен. – Менга билдирмасдан аҳди паймон қилиб юрган бўлманглар.

Ида хандон отиб кулиб юборди.

– Қанақасига! – деди у. – Ахир у бошқа диндан-ку.

Энди иккаласи ҳам кулиб юборди. Кейин Иданинг чехраси жиддийлашди.

– Мен бир нарсани таклиф қиламан: фильм монтажини тугат.

– Эй, Худойим!

– Жим! Аввал эшит. Мен сенга қулоқ солар эдим, тўғрими?

– Қулоқ солганда қандоқ, – маъқуллади Гретхен.

– У билан сценарий ҳақида гаплашма. Ўзингни шундай тутгинки, гўё бу нарса мутлақо эсингдан чиқиб кетгандек.

– Лекин мен унутганим йўқ. Сценарий тушимга кирадиган бўлиб қолган. Мен ҳатто кадрларни бирин-кетин кўриб тураман...

– Мен, “ўзингни унутганга сол”, дедим, – аччиғи чикди Иданинг. – Сенга пул бериб турадиган битта-яримта одам топ-да, сценарийни ўзинг сотиб ол.

– Хўп, пулни топдим ҳам дейлик, – деди Гретхен, бечора Рудини эслаб. Хўш, кейин-чи?

– Кейин эса, – тантанавор тусда деди Ида, – уни ўзинг кўй.

• Гретхен ўзини ўриндиқ суянчиғига ташлади. Идадан ҳар нарса кутса бўларди-ку, аммо бунақасини кутмаганди.

– Худойим! – деди у. – Миянгга нималар келиб-кетмайди-я!

– Нима қилибди? – кизишиб сўради Ида, овқатни бутунлай унутиб. – Эски вақтларда кўплаб режиссёрлар монтажхонадан чиққан.

– Бу отам замонида бўлган, – эътироз билдирди Гретхен. – Кейин, уларнинг бари эркаклар эди.

– Ўзинг биласан, мен бунақа гапларни ёқтирмайман, – ўкинган оҳангда деди Ида.

– Кечир. Оғзимдан чиқиб кетди. Аммо, Ида, йигирма бешта аёл режиссёрни санаб бер-чи.

– Илгарги вақтларда ҳатто армияда йигирма бешта аёл бўлмаган.

– Хотин-қизлар озодлиги ҳаракати йиғинларида Ида басма-басига бахслашишни ўрганган эди. – Сен бизнинг йиғинларга бормайсан, китоблар ўқимайсан. Аммо барча йиғинларда қатнашишингдан кўра, ўз фильмларинг билан бизга кўпроқ ёрдам бера олар эдинг. Борди-ю, бунга кўзинг етмаса, сенга бир гапни айтмай, режиссёрликда сен Эванс Кинселладан бир калла баландсан – у қачон бўлмасин, ҳеч нарсани тушунганми ё энди тушунадими?

– Ҳа, бунда мантиқ бор, – ўйчан маъқуллади Гретхен, – энди кўнглим жойига тушди ва дангал айта оламанки, бунда мантиқ бор.

– Бундай фильм анча арзонга тушади, – шошиб давом этди Ида. – Ихчам шаҳарча, асосан натура ва оддий айвон, халқ ҳам санжоб, кўпроқ ёшлар. Агар пуллик бўлган тақдирда ҳам бундай ролларга нодир актёрлар топа олмайсан. Пулларини кинога тикадиган одамларни биламан ва уларга мурожаат қилишим мумкин. Сен эса амакингдан илтимос қиласан...

Бечора Руди, яна ўйлади Гретхен.

– Эванс Кинселланинг биринчи фильми қанчага тушган эди?

– Бир юз йигирма беш мингга, – ўйламасдан жавоб берди Гретхен. Кинселла катта тижорат муваффақиятига эришгач, унинг биринчи фильми студияга сувтекинга тушган, деб мактаниб юрар ва айнан қанчага тушганини айтишни ҳеч қачон эсдан чиқармасди.

– Бир юз йигирма беш мингга, – такрорлади Ида. – Энди эса унга ҳозир уч ярим миллион беришяпти.

– Кино, кино-да, – деди Гретхен.

– Замонлар ўзгараяпти, бир юз йигирма беш мингга бугун кино қилолмайсан. Аммо етти юз эллик мингга, иймоним комилки, қилиш мумкин. Соатбай иш ҳақиға ишлашга кўплаб актёрлар рози, бош роллар иштирокчилари эса прокатдан тушган даромад фоизига жон-жон деб кўнишади. Унда қарийб барча пул суратга олишга кетади, сариқ чақа ҳам ортмайди.

– Азизим Ида, – деди Гретхен, – сен бамисоли киномагнатдай мулоҳаза қилаяпсан.

– Фақат сен менга бир нарсани ваъда қилишинг керак бўлади.

– Қанақа ваъда? – хушёр тортди Гретхен.

– Сен бугун ҳам, эртага ҳам Кинселлага кўнғироқ қилмайсан. Душанбагача ҳаммасини обдон ўйлаб ол.

– Бўпти, – рози бўлди Гретхен. – Мен қақшаткич зарбали жангга аллақачон шайман.

– Фильмимиз экранга чиққанида Кинселланинг башараси қандай тус олишини бир тасаввур қилиб кўр-а. Унга: “Қанақа тубан одам эканингни билдингми”, дея қулоғига айтгинг ҳам келмай қолади ҳали.

– Бўпти, ваъда бераман, – деди Гретхен. – Энди эса, кел, ширинликка энг тотли бир нарса буюрайлик. Кечгача маза қилиб юрамиз. “Ертут даласи” фильмини неча марта кўргансан?

– Тўрт марта.

– Мен ҳам тўрт марта кўрганман, – деди Гретхен. – Кел, бугун ишга бормайлик-да, ҳисобдаги тенглик учун “Ертут даласи”ни яна бир мартадан кўрайлик.

* * *

Ҳар доим якшанба куни кечга яқин бўлганидек, Хитлар ва Рудольф машиналарга тўла йўлдан уйга қайтмоқда. Жонни рудда ўтирарди, Илейн эри билан ёнма-ён. Рудольф эса орқа ўриндикда ўтирганча, Монтокда улар вақтни қандай ўтказганлари ҳақида хаёл сурарди. Яхши деса бўлади, хулоса қилиб деди у ичида. Жиннининг уйчаси ўзи айтгандай кўришиб тураркан. Уқаловчи аёл айниқса шод-хандон кўринарди, бунинг устига унинг ажойиб пазанда – қўли ширинлиги маълум бўлди. Жонни башорат қилганидек, улар қирғоқ ёқалаб яланғоч ирғишлашмади, аммо ҳаммалари биргаликда тўлқинлар зарбидан қаттиқлашган кумлоқ бўйлаб сув четида маза қилиб айланишди. Инид онасининг қўлидан ушлаб олганди. Ҳар иккови бири олиб, бири қўйиб кулар ва Рудольф Инидни онаси ёнида бўлса ва мўъжазгина шаҳардаги мактабга қатнаса яхши бўларди, дея кўнглидан ўтказмоқда эди – ҳар ҳолда Нью-Йорк кўчасидаги хабардан ҳоли бўлармиди. Қизи билан якшанба кунлари ва таътил вақтларида кўришиш мумкин-ку. Борди-ю, Жоннининг ақл бовар қилмас Невада режасига жиддийроқ қараладиган бўлса, қизини бориб кўриш унга анча қийин бўлади. Тўғри, бу ҳали эртага ё бир ҳафтадан кейин эмас, бир йилдан сўнг ҳам бўлиши даргумон иш.

Жинининг кўриниши тетик, ерга урсанг осмонга сапчийди. Уқаловчи аёл билан биргаликда у бир дунё бадантарбия машқларини бажарарди, кейин эса суратга туширишга мос нарсаларни қидириб қирғоқ бўлаб соатлаб кезинади. У мамнун, хиёл хаёлга чўмгандек кўринарди, кам гапирар ва юзи ширин уйқудан уйғонган боладай лўппи эди. У Хитларни қувноқ қарши олди ва овозидан икки кунни улар билан биргаликда ўтказишдан хурсанд эди. На у, на уқаловчи аёл у билан танҳоликда гаплашишга ҳаракат қилмади. Борди-ю, Жин қўшнилардан ўртоқ орттирган тақдирда ҳам, улардан ҳеч бири на шанба, на якшанбада қорасини кўрсатгани йўқ. Рудольф ундан охириги ишларингни кўрсат деб илтимос қилгудек бўлса,

қиз: “Ҳали хом, етилган эмас. Бир ойларда бўлиб қолар”, деб жавоб берарди.

Шаҳар томон шамолдай учиб бораётган ҳашамдор машинанинг орқа ўриндиғига жойлашиброқ ўтириб олиб, у ғамгин ҳолатда ҳаёл суриб, бу икки кун давомида Жин уларнинг биргаликдаги ҳаётлари давомидагидан кўра бироз қувончли кўринмоқда.

Столга мусаллас келтириб қўйишди, аммо ўткир ичимликлар йўқ эди. Жин шишаларга кўпда ҳавасманд эмасди, Рудольф ҳам Лорейннинг унга куткули қарашини сезмади.

“У ўзини қўлга олибди, афтидан”, деди Рудольф ўзича. Ўзи тўғрисида у бундай дея олмасди.

Улар шаҳарга ўша кўринишда кириб келишди; ғарбда, кун ботишдаги шафақлар узра осмонўпар бинолар арра тишини эсга соларди. Деразалардан аллақачон чироқ нурлари порларди, жимир-жимир қилган ўткир учли ёғдулар қалъа деворидаги шамдонларга ўхшарди. У мана шу кўринишдаги ва шу палладаги Нью-Йоркни севарди – улар юриб келатётган кўчаларда зоғ учмас, ҳаммаёқ топ-тоза ва шинам. Агар ҳар доим якшанба бўлса, ҳеч ким Нью-Йоркдан бир қадам ҳам жилмайди.

Машина унинг уйи олдида келиб тўхтаганида у Хитларни уйга таклиф қилди, бироқ шусиз ҳам зиёфатга кеч қолаяпмиз, деб Жонни унамади. Руди саёҳат учун Жоннига миннатдорлик билдирди ва эгилиб Илейннинг юзидан ўпди. Бирга ўтказилган икки кун ичида у Илейнга олдингидан кўра қаттиқроқ меҳр қўйиб қолганди.

– Сен бутун оқшом ўзинг қоласанми? – сўради Илейн.

– Ҳа.

– Унда қайтиб машинага ўтир, – таклиф қилди Илейн. – Биз билан коктейлхўрликка борасан, кейин эса “Жино”да кечлик қиламиз.

Рудольф улар билан кетишга йўқ демасди, аммо кўп нарсалар ҳақида ўйлаб олиши керак эди, бунинг учун эса ёлғиз қолиши керак. У ёқда, Монтокда унинг ғашига теккан нарса одамларнинг кўплиги эканини ошқора тан ололмасди. Чунки бу ўткинчи ҳол эди...

– Раҳмат, – ташаккур билдирди Рудольф, – аммо мен бир уюм хатларга жавоб ёзишим керак. Келинг, яхшиси шу ҳафта ичи биргаликда тушлик қилайлик. Учаламиз – бошқа ҳеч ким бўлмасин.

– Мен сенга эртароқ қўнғироқ қиламан, – огоҳлантирди Жонни. – Невадага чипта олганим заҳотиёк.

– Мен кун бўйи уйда бўламан, – ваъда берди Рудольф. Машина ўрнидан жилди; у уларнинг ортидан караб қоларкан, бу сўзлари учун ўзини бошлаб сўқди. Энди, хойнаҳой Хитлардан биттаси албатта: “У кун бўйи уйда бўларкан, чунки ўзини нима билан овутишни билмайди”, дейди.

Қўлларида жомадон билан у зинадан катта эшик томон кўтарила бошлади. Эшик тагин қулфланмаган экан. Пастдаги қўшнилари туфайлидир. Улар билан гаплашиб қўймаса бўлмайди. У нимқоронғи вестибюлга кириб келган ҳам эдики, қулоғига эркак кишининг овози чалинди.

– Жойингдан қимирлама, чурк этма. Тўппончам ўқланган.

Рудольфнинг орқа томонидаги эшик ёпилди.

– Қайси хонадонда турсан? – сўради ўша овоз.

У дарҳол жавоб бермади. Инид уйда бўлганида умуман жавоб бермасди. Хайриятки, у онасининг ёнида, бу ердан юз мил узоқда. Энагаси ҳам

Нью-Жерсида. Уйда ҳеч ким йўқ. Унинг қовурғаси остига нима биландир туртишди, бу тўппонча бўлса керак.

– Сенга савол беришди, – деди ҳалиги овоз.

Рудольф зинадан кўтарила бошлади. Иккинчи қаватдаги хонадон чироғи ёғдуси кўринмасди. Уйда ҳеч ким йўқ. “Якшанба оқшоми”, кўнглидан ўтказди у, зинапоялардан беихтиёр юриб бораркан, орқа томондан икки жуфт оёқнинг оғир товушини эшитгандек бўлди.

Титроқ қўллари билан у калитни олди-да, эшикни очди.

– Чирокни ёқ, – буюрди ўша овоз.

Рудольф ёқкични ҳадеганда топавермади. Даҳлиздаги чироқ ёнди ва Рудольф ўгирилиб қаради – унинг рўпарасида уни вестибюлда таъқиб қилган икки эркак турарди. Иккови ҳам қора танли, бири новча, бири ўрта бўйли, иккови ҳам башанг кийинган. Уларнинг озғин, қатъий чехраларидан нафрат ёғиларди. Гиёҳвандлар, ўйлади Рудольф. Баланд бўйлиси тўппончасини унга мўлжаллаб турарди.

– Меҳмонхонага ўт, – буйруқ берди баланд бўйлиси.

Улар Рудольфнинг ортидан меҳмонхона бўлмасига ўтишди, у ерда иккинчиси чирокни ёқди. Барча чироклар баравар порлади. Хона ичи саришта ва шинам, дераза дарпардалари тортиб қўйилганди. Энага кетишдан олдин ҳаммасини саранжом-саришта қилиб қўйганди. Камин устида соат қаттиқ чиқиллади. У вақт беш ярим бўлганини кўрсатиб турарди.

– Кармонни чўз-чи, – деди баланд бўйлиси, – фақат бенайранг.

Рудольф пиджагининг киссасидан кармонини чиқарди. Тўппончали киши кармонни унинг қўлидан юлқиб олди-да, уни шеригига ирғитди.

– Қара, нима бор экан, у ерда, – деди у.

Иккинчи киши кармон ичига қаради.

– Ўттиз доллар, – жавоб берди у пулни қўлида ушлаганча.

Тўппончали киши чапараста қилиб сўқинди.

Рудольф бир неча доллар ва йигирма беш центдан иккита тангани чиқарди. Энди иккинчиси қўлини узатиб, пулни унинг қўлидан юлқиб олди.

– Бу ерда ҳам кўп эмас, – деди у. – Бор-йўғи саккиз доллар. – Тангаларни у ерга ирғитди.

– Ўлгудай зикна экансан-ку, а?

– “Линкольн”да юрадилар-у, ёнларида атиги саккиз доллар бўлади! – деди тўппончали киши. – Тунаб кетишади деб қўрқасан-да, а, жаноб Рокфеллер?

– Кечирасизлар, менда ортиқча ҳеч нарса йўқ. Фақат кредит қоғозлари, холос. – Кредит қоғозлари ер билан битта бўлиб сочилди.

– Бизнинг идорамиз кредит қоғозларини қабул қилмайди, шундайми, Элрой?

– Афсуски, йўқ, – жавоб берди Элрой, ва ҳар иккови хириллаб қаҳ-қаҳ урди. Бу ҳодисалар бари Рудольфга унинг бошидан эмас, балки олис-олисларда қўрққанидан тош қотиб қолган одам бошидан ўтаётганга ўхшаб туюлмоқда эди.

– Пуллари қаерда? – сўради тўппончали баланд бўйли киши. – Сейфни оч!

– Мен уйимда сейф тутмайман, – жавоб берди Рудольф. – Сейфнинг ўзи йўқ менда.

– Айёрлигини қаранглар! – такроран деди баланд бўйлиси ва бўш қўли билан Рудольфнинг кўзига айлангириб солди. Орқага чайқалиб кетган Рудольф бир лаҳза кўзёшларидан ҳеч нарса кўрмай қолди. – Бу сенга ҳақиқатни гапиришинг учун сабоқ, мистер, – кўшимча қилди у.

– Ўзларинг қидиринглар, – бўш келмаётганди Рудольф.

– Охирги марта сўраяпман сендан – кўрсат, қаерда пуллар? – дўк урди бояги киши.

– Кечирасизлар, сизларга ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

Тўппончали киши оғир ва нотекис нафас олар, кўзлари у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қиларди.

– Нима дейсан, Элрой? – сўради у.

– Бошлаб тушир, – жавоб берди Элрой.

Тўппончали киши кўз очиб-юмгунча қуролни у кафтидан, бу кафтига олди-да, Рудольфнинг қаншарига туширди. Рудольф ерга кулади, у ўзини ҳавода аста сузиб кетаётгандек ҳис қилди. Бамисоли мўъжизавий тўшакдек, гилам уни бағрига олди. Яна бир неча сония ўтди ва узокдан ўша овоз қулоғига чалинди:

– Етар, Элрой! Сен ростданам бу малъунни ўлдирмоқчимисан?

* * *

У туш кўрмоқда эди. Ҳатто уйқудалик чоғида ҳам у кўраётганлари бор-йўғи туш эканини тушуниб ётарди. У соҳилда бўлиб, Инидни қидирарди. Тўлқинлар қутурарди. Негадир пляжнинг коқ ўртасида автобуслар турар, улардан одамлар чиқмоқда эди, одамлар нотаниш, улар Рудольфга эътибор қилмас, Рудольфнинг йўлида гоҳ пайдо бўлар, гоҳ кўздан йўқолар эди. У эса одамларни туртиб-суртиб қидирганча нукул: “Инид! Инид!” деб чақирарди. Бу бор-йўғи туш эканини билиб турса-да, бироқ кизини топа олмаслигини англаб, қаттиқ қийналарди. Жудолик туйғусига бардош бериш қийин эди.

Кейин у кўзларини очди. Чироклар ўша-ўша ёниб турар, унинг ўткир нури кўзига игнадай санчиларди. У ерда ётар, аъзойи бадани қақшар, боши лўқиллар, чови ачишиб, жони суғурилгандек бўлиб кетмоқда эди. Юзи ҳўл. У юзини қўли билан артган эди, қўлида қонни кўрди.

Хонанинг ичи дабдала эди. Ўриндик ва диван қопламалари майда-майда қилиб қийиб ташланган, гилам усти поролон увалалар билан қопланганди. Чил-чил бўлган соат камин олдида ётарди. Ёзув столи, шкаф ва буфетнинг барча тортмалари чиқариб ташланган, ичидаги нарсалар хона билан битта бўлиб сочилиб ётарди. Камин устидаги парчаларгина осилиб турарди. Ёғоч стуллар, журнал столчаси ва кичиккина тумбочка косов билан уриб мажақлаб ташланганди, косовнинг ўзи эса қандайдир эртакнамо шаклда букиб-буриб ташланганди. Буфетдаги шишалар деворга уриб синдирилган, чунки хонани виски хиди тутиб кетган бўлиб, бўлақлари ҳар ёқда сочилиб ётарди. Пианинонинг олд деворчаси диван ёнида ётарди, узилган торлар эса тўкилиб тушган ичаклардек клавиатура устида осилиб ва ўралиб ётарди. Қанча вақтдан буён ҳушсиз ётганини билиш учун у соатига қарашга ҳаракат қилди, бироқ соат қўлидан тушиб

кетди, унинг ўрнида панжасида узун кесик кўзга ташланар ва кесикдан қон сизарди.

У телефон олдига боришга ҳаракат қилиб эмаклади. Гўшакни тиргакдан кўтарди, кулоқ тутди. Ишляпти. Худога шукур. У Гретхеннинг телефон рақамини дарҳол эслолмади. Қийинчилик билан терди рақамларни. Узун-узун гудоклар кулоққа чалинди. У юзини гўшакка тираганча ерда ётарди. Ниҳоят, гўшакни кўтаришди ва у Гретхеннинг овозини эшитди.

– Алло!

– Гретхен, – деди Рудольф.

– Қаерда эдинг? – жаҳл билан сўради синглиси. – сенга соат бешда кўнғирок қилдим. Сен бир жойга бораман деб...

– Гретхен, – хириллаб такрорлади Рудольф. – Етиб кел. Дарҳол. Агар эшик кулфлог бўлса, полиция чақириб, эшикни бузиб киринглар. Мен... – У тагин ҳушидан кетаётганини ҳис қилди. У ортиқ гапиролмади. У ерда ётган кўйи Гретхеннинг: “Руди! Руди! Мени эшитаяпсанми, Руди?” – деган овозини эшитарди. Сўнг жимлик чўкди.

У ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб, яна ҳушидан кетди.

У касалхонада икки ҳафта ётди ва барибир ҳам Жонни Хит билан Невадага боролмади.

УЧИНЧИ ҚИСМ

1

У ўн етти долларга супермаркетдан миссис Уэрфем буюрган маҳсулотларни олиб келиб берди ва хоним уни бир пиёла қаҳвага таклиф қилди. Эри мистер Уэрфем мистер Крейлерга тегишли пиво заводиди ишлар ва бу ҳол ўйлади Уэсли, хойнахой, унинг кўз ўнгида ўзига тўк бека уни маҳсулотларини уйга элтиб бераётган ўн олти яшар йигитчани ажратиб турувчи чоҳни йўққа чиқарарди. У жон-жон деб рози бўлди – бу охирги қатнов эди, Крейлерларнинг уйида эса ҳеч қачон қаҳва ичилмасди.

Қаҳвадан кейин миссис Уэрфем хириллаганча йигитча ҳаддан ташқари хушрўй эканини пайкади ва унга тўшакда бирга ётишни таклиф қилди. Крейлерлар хонадонида фақат қаҳва тақиқланган эмасди, миссис Уэрфем эса малла сочларини дид билан турмаклаб, бўяб олардики, кўрганнинг ҳаваси келарди. Уэсли ҳам унинг таклифини дарров қабул қила қолди.

Қаҳвага гап йўқ эди, аммо ишқий ўйин ундан ўн чандон хузурбахш бўлди. Тўғри, у шошиб турганди, чунки олдинги ғилдираклари оралиғида маҳсулот қутиси жойлашган велосипед – дўконнинг мулки – кўчада қолганди. У ерда бола-бақралар ғужғон ўйнар, қўлга ниманики илинса, шу жумладан, велосипедни ҳам гумдон қилишга тайёр турарди, қути юзига катта-катта ҳарфлар билан дўкон номи ёзилганди.

Бу воқеа роса бир ой олдин рўй берганди. Ўшандан буён у миссис Уэрфемниқига ўнта буюртмани элтиб берди. Маҳсулотларни Уэрфемлар хонадонига элтиб бериш миссис Уэрфемнинг ҳаётий иштиёқи кучли ё кучсизлигига боғлиқ бўларди.

Бу гал Уэсли кийинаётганида миссис Уэрфем ҳалатда ўтирар ва хозиргина каттакон қаймоқли кулча егандай мамнун жилмаярди.

– Ҳа, тоғни урса толқон қилгудай йигитсан, – деди у хаяжонини босолмай. – Эримни бир қўлинг билан кўтариб уришингга кўзим етиб турибди.

– Миннатдорман сиздан, мэм, – жавоб берди Уэсли, свитерини тортиб. Сўнг кўнглидан мистер Уэрфемни бир қўлим билан кўтариб уришга менинг кўзим учиб тургани йўқ, деган ўй кечди.

– Мен ҳеч қачон бундай давом этишига йўл қўйиб қўймайман, – давом этди миссис Уэрфем. Ҳойнаҳой у Уэслининг ҳисобдан адашмаслигини унутган кўринади. – Аммо... – хоним хўрсинди. – Бу нарса киши ҳаётига қандайдир ранг киритади, тўғрими?

– Ҳа, мэм.

– Кейинги сафар, буюртмани олиб келганингда, унга ўзинг учун қандайдир кичикроқ совғача қўш – дудланган чўчка гўштлими ё шунга ўхшаган бир нарса. Уч билан бешнинг ўртасида ҳар доим уйда бўламан.

– Ҳа, мэм, – ноаниқроқ қилиб деди Уэсли. Энди миссис Уэрфем бошқа ҳеч нарса олмайди. – Мен борай. Велосипед кўчада қолувди.

– Биламан. Дудланган чўчка гўшти эсингдан чиқмасин-а?

– Хўп, мэм.

Велосипед кўчада бус-бутун турарди. Педалларни куч билан айлан-тирганча у почтага қараб учди. У ўзини-ўзи ёмон кўриб кетаётганди. Дудланган чўчка гўшти. Хоним уни бир бўлак дудланган чўчка гўштига сотиб олса бўлади деб биларди. Бу ёғи энди пасткашлик. У ҳамма нарса бошқача бўлиб кетадиган паллага етганини хис этди. Бундан буён у нима таклиф қилишса, учиб кетавермайди. Америкада сув билан ютгудек қизлар тўлиб-тошиб ётибди. Лоақал “Тайм”даги ҳалиги ёқимтой ва тортинчок қизни олайлик, майли, уни бокира ҳам демайлик. Тўғри келган суюкоёққа оғзининг суви келиб юради-қўядими? Индианаполистан олис-олисларда гаплашиш, кулишиш, отанг ва ўзинг ҳақингда ҳикоя қилиб бериш, севиш, фахрланиш мумкин бўлган бир қиз учраб қолар, ахир, жиллақурса ишқий ўйинлардан кейин тўшакдан чўчкадай ҳайдаб юбормайдиган бошқаси чиқиб қолар. Ҳозирча эса Худога шукур қилиб сабр қила турар.

Почтада уни иккита хат кутарди: бири – Қуёнчадан, иккинчиси – Рудольф амакисидан. Энди, амакисининг маслаҳати билан уйга эмас, талаб қилинган жойга ёза бошлашганидан буён почтага унинг ўзи борадиган, Қуёнча ва Кейтдан муттасил хат оладиган бўлиб қолганди. Уларнинг хатлари унинг Индианаполисдаги ҳаётига бирмунча умид бағишлагандек бўлганди. Ўқиб ўтирмасдан, хатни чўнтагига тикди, чунки дўкон бошқарувчиси мистер Сайтрон Уэсли беш дақиқача имиллади дегунча унга шубҳа билан қарай бошларди. Миссис Уэрфем эса уни аста-аста қуюшқонидан чиқариб юбормоқда эди. Мистер Сайтроннинг, деб ўйларди Уэсли, бошқарувчига маъсум жилмайиб қараганча, бошида секундомер бўлса керак. “Қассобга ёғ қайғу, эчкига жон қайғу”, – дерди унга отаси.

Дўкон ортидаги омборхонада у чўнтагидаги хатни чиқарди. Биринчи бўлиб у Қуёнчанинг хатини очди. Кескин, аниқ дастхат вазни камида икки юз фунт келадиган одам ёзгандек таассурот уйғотди.

“Қадрли Уэсли!

Авалло шуни айттайки, “Клотильда”ни бир юз ўн минг долларга сотдик. Сен ҳам, Кейт ҳам қўшимча улуш оласизлар. Бу билан табрик-

лайман. Энди сенга ошкора айтишим мумкинки, унинг ҳақиқий эгаси қоғозда ёзилгандек Жонни Хит эмас, балки амакинг Рудольф. Буни сир тутишга, хойнахой, ўзига яраша сабаби бўлса керак. Мен кемани умуман сота олмасак керак деб кўрқардим. Унинг номини ўзгартирайлик, деб амакингга кўп марта айтгандим, аммо у гапимни эшитишни ҳам истамасди. У ўзининг ахдидан қайтмади-қайтмади-да! Кемани немислар сотиб олди, жуда яхши одамлар экан; улар гап нимадалигини билишар экан. Афтидан, немислар иримчи эмас экан. Янги бека, “Клотильда”ни бир кўришдаёқ севиб қолдим, дейди. Улар мени кемага ўзингиз дарғалик қилинг дейишди, аммо рози бўлмадим. Бунга сабаблар оз эмасди, мен уларни сенга санаб ўтирмайман.

Сен-Тропезда мен бир америкаликлар оиласи билан танишиб қолдим – эр-хотин ва ўн бир ҳамда тўққиз яшарлик икки ўғли билан. Яхтасининг узунлиги 43 фут экан ва улар кемага сиз қарай қолинг, деб таклиф қилишди. Бутун жамоага – бир ўзим қарашим керак, аммо супуриб-сидиришда йигитлар ёрдам берамиз дейишди. Уларнинг онаси эса овқат пиширишга розиман, деди. Ота афтидан харитани яхши тушунса керак, кейин штурвални бошқаришда ҳам эпчил экан. Кўрамиз. Хуллас, мен саховатли кўхна Ўрта ер денгизида қоладиган бўлдим. Умид қиламанки, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Кемада икки болакайнинг бўлиши яна яхши.

Яқинда Кейтдан мактуб олдим. У уйдан унча олис бўлмаган бир қаҳвахонада бармен бўлиб ишга кирибди ва бутун бўш вақтини боласи билан ўтказар экан. Кейт боласига Томас деб исм қўйганидан яхши хабардорсан, Томас Жордах.

Сенинг Индианаполисда муштлашиб қолганинг чакки бўлибди-да. Аммо ўн саккизга кирганингдан кейин сен эркин қуш бўлишинг мумкин. Ўн саккизгача кўп қолгани йўқ, вақт эса тез югуради, шунинг учун чидаб тур, ўзингни ўтга-чўкка уриб, қилиқ кўрсатаверма.

Янги кеманинг номи “Долорес” – бекасининг шаънига – ва у Сен-Тропезда қайд этилган, шу боис олдингидай хат ёзавер; бандаргоҳ бошлиғи номига – у менга олиб келиб беради.

Мендаги янгиликлар шулар, ўртоқжон. Борди-ю, бошинг айланиб биз томонларга келиб қолсанг, мени кўргани кир.

Куёнча”.

Уэсли хатни текис қилиб буклади-да, уни хатжилдига қайта солди. У Куёнчадан Данович ҳақида бирон нарса эшитмадим, деб икки марта сўрашга улгурди, бироқ Куёнча бир оғиз ҳам жавоб беради. У фақат вақт жуда тез югуриб ўтаяпти, деб ёзибди. Балки Ўрта ер денгизида шундай бўлса, бордир, аммо бу ерда унақа эмас. Индианаполисда унга ҳеч нарса ёкмайди. Печдан янги чиққан ноннинг хуш бўйи, шифтлари ва турфа мева ва сабзавотларга тўла пештахталари баланд эски бозорнинг каттакон биносидан ташқари, албатта. У Антибдаги бандаргоҳ, бозорини эса соларди ва у имкон топди дегунча ўша ёкка дайдиб кетарди.

У амакисининг хатини очган эди, хатнинг ичидан йигирма долларлик иккита қоғоз пул ерга тушди. У пулларни олди-да, чўнтагига солди. У пул сўрамаганди зинҳор, аммо пул келганидан жуда миннатдор бўлди. Амакисини энг зарур пайтда барчага ёрдам берадиган одати бор эди. Қўлдан келганда бу ишни қилган яхши. Амакиси Рудольф эса, афтидан, шундай

қила олар эди. Бу томондан Уэсли кўнглини тўқ тутса бўлади. У хатни очди-да, ўқиди:

“Азизим Уэсли!

Саҳифанинг юкори қисмидаги манзилга эътибор қил – мен, ниҳоят, Нью-Йорк билан хайр-хуш қилдим. Менга хужум қилишганидан сўнг шаҳар камина учун торлик қилиб қолди ва мен ташвишлана бошладим – қаттиқ ташвишлана бошладим – Инидни нима қиламиз энди? Бу ерда, Бригхемптонда, Лонг-Айденда мен бир йилга уй ижара олдим. Кўплаб одамлар, асосан рассом, ёзувчи ва артистлар келиб турадиган ёз ойларини ҳисобга олмаганда бу ер сокин, мафтункор жой. Уйим пляждан унча узоқ эмас ва собиқ хотиним уйдан уловда ўн беш дақиқалик масофада. Инид бутун ҳафта унинг ёнида бўлади, шанба ва якшанбани эса меникида ўтказди, шундай бўлгач энагага на ҳожат? Қизалоқ шаҳардан ташқарида яшашни ёқтиради ва уни деб шу ерга кўчиб ўтганмиз. Икки марта пластик жарроҳликдан сўнг мен бутунлай соғайиб кетдим ва гарчанд, пляж бўйлаб югурганимда жароҳатлар туфайли димоғим ейилган эски пластинкадай хирилласа-да, умуман олганда ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Шифокорлар “хусндор бўлиш учун” яна бир жарроҳлик амали қилишни таклиф этишмоқда, аммо мен “инсоф сари барака” таомилига амал қилишни маъқул кўрдим. Гретхеннинг айтишича, бурним ялпоқлашиб сенинг отангга ўхшаб қолганмишман.

Гретхен, айтганча, ўзига янги иш топиб олган. Келаси ҳафтада у Кинселла фильмининг монтажини тугатади ва режиссура билан ўзи шуғулланмоқчи бўлаяпти: у ўзига жуда ҳам ёқадиган бир сценарийни танлаган. Уни ўқиб чиқдим ва менга ҳам ёқди. Гап шундаки, мен пуллариمنى қаергадир тиксам керак ва синглимнинг фильмига пул сарфлашга қарор қилдим, энди эса бу тадбирнинг амалий томони бўйича унга фойдали маслаҳатлар бермоқдаман. Келаси сафар унга кўзинг тушиб қолса, хушёрроқ бўл. Опажонинг қанийди, унинг фильмдаги бош роллардан бирини укажоним қотириб ўйнаб берса, деяпти. Хонадонимизда қарийб барча касбдаги одамлар бўлган, фақат кино юлдузлар бўлмаган, кино юлдузлар пайдо бўлиши Жордахлар обрўсига яхши таъсир кўрсатишига кўзим етмай турибди.

Отанг ҳақида сўзлаб бериши мумкин бўлган одамлар рўйхатини сенга юбормоқчи эдим. Афсуски, менга хужум қилишгани сабабидан кўтарилган тўс-тўполон туфайли шу ваъдамни эсдан чиқарибман. Ўшалардан бири, албатта, Жонни Хит, у хотини билан бирга “Клотильда”да сузган. Ўша вақтда сен яхтада бўлган-бўлмаганингни эслолмайман. Кейин Гудхартлар, улар ҳам сурункасига бир неча мавсум яхтани очиқ денгизга олиб чиққан. Мен уларнинг манзилларини алоҳида варақда қўшиб юбораман. Ўша олис йилларда Порт-Филипда сенинг ёшингдаги бир йигитча бўларди – энди у, табиийки, кап-катта киши бўлиб қолган, – унинг исми Клод Тинкер эди. У отангнинг бошидан ўтган баъзи саргузаштларда шерик бўлган. Тинкерлар хонадони, эшитишимча, ҳали-хануз Порт-Филипда. Кейин яна бир одам бор – Теодор Бойлан деган – хозир у, ҳойнаҳой, бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлса ҳам керак, – у ҳам бизнинг хонадонимиз билан узвий боғлиқ.

Уста боксчи сифатида мен отангни бор-йўғи бир марта кўрганман – у Виржил Уолтерс исмли қора танли йигит билан бокс тушганди, у ҳам,

хойнаҳой, баъзи нарсаларни эсласа керак. Отангнинг Шульц деган менежери бор эди, бир куни отанг билан телефонда гаплашмоқчи бўлганимда, мен бу Шульцни “Ринг” журнали орқали топган эдим.

Борди-ю, яна қандайдир исми шарифлари учрагудек бўлса, ўша заҳоти сенга ёзиб юбораман. Афсус, ёзда сен мени кўргани келолмадинг, аммо умид қиламанки, бу ишни вақти-соати билан уддалайсан.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан кичик бир совғани хатга илова қиламан. Борди-ю, бирдан сенга пул керак бўлиб қолса, ўша заҳоти менга хабар қил.

Сени кучоқлаб, Рудольф”.

Уэсли хатни буклади-да, уни қайта хатжилдга жойлади. Қуёнчанинг хатини ҳам шундай қилганди.

Иккала хатни Уэсли у билан озиқ-овқат элтишда бирга ишлаган қора танли йигитчага берди. Жиммида унинг отасининг бокс трусигида тушган фоторасми – бу трусикни унга “Тайм”даги ҳалиги аёл берган эди, – ва унга келган барча хатлар сақланарди, чунки ойиси кам деганда ҳафтасига икки марта унинг нарсаларини титкилаб чиқарди, – зора гуноҳга алоқадорми ёки шунга ўхшаган ножоиз ишлар ҳақида битта-яримта нишона топила қолса. Амакиси, Кейт ва Қуёнчадан келган хатлар бундай ҳолда она-бола ўртасига совуқчилик тушириш учун яхшигина далил бўла оларди, чунки она ўз боласини жонидан ортиқ севар ва бу билан оғиз кўпиртириб мактанар эди. Уэсли эса вақти-вақти билан барқ уриб турадиган она муҳаббатига бардош беролмасди. Она унинг икки юзидан чўлп-чўлп ўпар, “чақалоғим” деб эркалар, агар ўғлим соч-соқолини қирдириб юрса, дунёда бундан хушрўй йигит бўлмасди, борди-ю, черковга қатнаса, ундан ҳар икки дунёда рози бўлар эдим, дерди. Унинг учун эр-хотин ҳатто жонларини фидо қилишга тайёр эканини айтарди. Она бу гапларни жўрттага айтмаётганди – у ўғлини, яъни уни яхши кўришини Уэсли биларди ва у Уэслининг бахтли кўришни истарди. Фақат бахтни улар бошқача тушунарди. Онасининг уни жонидан ортиқ кўришидан Уэсли ўзини ноқулай сезар ва хижолат тортарди, ана шундай дамларда у алам билан Кейтни эсга оларди. Гарчи Жимми бу шаҳардаги унинг ягона дўсти бўлса-да, у унга на ўз онаси ҳақида, на мистер Крейлер ҳақида лом-мим демаганди.

У тушлик қилгани уйга боришни хоҳламасди, – биринчидан, шунинг учунки, овқат бемазадан-бемаза бўларди, иккинчидан эса, бусиз ҳам анча бефайз уй, мистер Крейлер ўғли Максинг Вьетнамда ҳалок бўлгани ҳақида “қорахат” олгандан кейин худди қабристонга ўхшаб қолганди. Ўғлининг жасадини ана-мана келтиришлари керак эди, бу паллани кутиш вақтни икки баравар чўзиб юборганди.

Уэсли Жиммини бирга овқатланишга таклиф этди.

– Бугун мен бир хотамтойлик қиламан, – деди у Жиммига. – Бой амаким менга пича ҳиммат кўрсатди.

Улар супермаркетдан сал наридаги бир мўъжазгина ресторанда овқатланишди, у ерда бир ярим долларга бир парча ковурилган гўшт беришарди ва пиво буюраётганингда “оғзингда нечта тишинг бор?” деб сўраб ўтиришмасди.

Жимми рок-муסיқа деса ўзини томдан ташларди, у гоҳ-гоҳ Уэслини меҳмонга таклиф қилар ва пианино жўрлигида унга кларнет чалиб берарди, пианинони унинг сингилларидан бири чалса, иккинчиси уларни

пиво билан сийлар эди. Жиммининг дўстона мухит ҳукм сурган, икки чиройли-чиройли қувнок қиз файз киритиб турган тангу тор уйи Индианаполисда Уэсли суйган яна бир гўша ҳисобланарди. Заводлари кўп, эрталабки ва кечқурунги соатларда кўчалари ишчилар оломонига тўла икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш бир хил уйлар ва ифлос кўчалар саф торган Индианаполис олдида Антиб жаннатни эсга соларди.

Уэсли Жимми ҳақида онасига сўзлаб ўтирмаганди. Онаси қора танлиларга ҳурмат кўзи билан қарарди, аммо ўз ҳаддиларини ҳам билишлари кераклигини уқдириб кўярди. Нима бўлганда ҳам мормонларда шу гап бор эди.

Овқатланиб бўлгач, Уэсли Жиммидан эртадан бошлаб миссис Уэрфемникига харидларини ўзинг олиб бор деб илтимос қилди, аммо сабабини айтмади. Жимми ҳам ижикилаб сўрамади. Жимми фойдасига ишлайдиган яна бир фазилати: у аҳмоқона саволлар бермасди.

Уэсли битта-битта юриб, уйи томон кетиб борарди. Уйда тилга чиқаришмайдиган қоида ҳукм суларди: борди-ю, у уйга соат тўққизга яқин қайтса, “қаерларда юрасан шундай бемаҳалда, ҳе, отанга ўхшамай ўл, пиёниста”, деган даҳмазаларни эшитмайди. Уйдаги чиркин мухит етмаганидай, айниқса, кеч окшомда кўтариладиган тўс-тўполонлар Уэслини шу қадар жонидан тўйдириб юборгандики, у анча вақтгача ухлолмай, ажриққа ағанаб чиқарди. У тез-тез қочиб кетиш ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолганди, аммо қирқига чидадим, қирқ бирига ҳам чидай, бир вақтлар отам анави аёлни бекорга севмагандир, дея шайтонга ҳай берарди.

У уйга кириб келганида мистер Крейлер кўлида ўғлининг фотосуратини ушлаганча ҳўнграб йиғлар эди. Фотосуратда Макс Крейлер аскар либосида эди. Озғин юзи ва мунгли кўзларидан гўё уни йигирма бир ёшга кирмасидан аввал ўлдиришларини билиб турганга ўхшарди. Она Уэслини йўлакда қарши олди. Мистер Крейлерга хабар беришди, шивирлаб деди кампир, Макснинг жасадини икки кундан кейин олиб келишар экан. Эри тушдан кейин дафн маросимига тайёргарлик кўриш билан банд бўлди.

– Унга қаттиқ гапирма, илтимос, – деди кампир. – У ўғлини ўлгудай севарди. Сени эртага соч-соқолингни киртишлаб олсин деди, мен билан дўконга тушар экансан – дафн маросимига сенга қора костюм-шим олишимиз керак экан.

– Сочим шусиз ҳам жойида, – эътироз билдирди Уэсли. – Соқолимни ҳам киртишламоқчи эмасман.

– Бундай пайтда, – шивирлаб давом этди она, – лоақал мархумнинг ҳурмати учун “ҳа” дейишинг керак.

– Ўсган сочим билан ҳам мархумга ҳурмат кўрсатишим мумкин.

– Онангни кўнгли учун ҳам, нахотки, шугина нарсани қилиш сенга оғир бўлса? – Шундай деб у ҳам йиғлай бошлади.

– Сочим ўзимга шундоқ ҳам ёқади. Сиздан ва анавидан бошқа, – у меҳмонхона бўлмаси томон ишора қилди, – ҳеч ким ундоқ қил, бундоқ қил деёлмайди менга.

– Бола деган ҳам шунақа қайсар ва тошбағир бўладими, – деди она кўз ёшларга баттар эрк бериб. – Нахотки ҳеч қачон бировга бўйин эгтинг келмаса?

– Эгаман, қачонки бунда бир маъно бўлса.

– Агар соқолингни қирдирмасанг, мистер Крейлер сенга янги костюм-шим олиб беришимга рухсат бермайди.

– Эскисида боравераман, Максга бунинг фарқи йўқ.

– Топган ҳазилинг курсин, – кампир тагин уввос тортиб юборди.

– Бировнинг устидан ҳазил қилиш хаёлимга ҳам келгани йўқ.

– Бу эски кийиминг ва тўзиган сочинг сени ёввойи ҳиндуларга ўхшатади. Черковда шарманда қилиб ўлдирасан-ку бизларни.

– Марҳамат, черковга бормаслигим мумкин. Қабристонга ҳам. Максни умримда кўрмаган бўлсам. Бунда қанақа маъно бор?

– Ойиси, – меҳмонхона бўлмасидан мистер Крейлер чақирди, – бир дақиқага қараб юбор.

– Ҳозир, жонгинам, – жавобан деди Тереза. У ғазаб билан Уэслига қаради-да, қулочкашлаб тарсаки тортиди.

Уэсли ҳеч нима демади, у бир жойда ҳайкалдай қотиб қолганди. Она меҳмонхона бўлмасига чиқиб кетди, Уэсли эса аста кўтарилиб, хонасига йўл олди.

Шу билан ҳаммаси тамом бўлди. Макс Крейлерни дафн этишаётганда, Уэсли уйма-уй буюртмаларни тарқатиб юрарди.

* * *

Капрал Хили ҳам Вьетнамда хизмат қилган, аммо мистер Крейлерни кўрмаганди – Индианаполисга келишда жасадга шу йигит ҳамроҳлик қилганди. Ўзи Кореядаги уруш ветерани бўлган мистер Крейлер қуролдош дўсти сифатида капралга меникида кўнинг деб илтимос қилди ва Уэсли у билан битта каравотда ётишига тўғри келди. Чунки меҳмонхона бўлмада мистер Крейлернинг турмушга чиққан қизи жойлашганди. Унинг исми Дорис бўлиб, Чикагодан келган эди. Муштдеккина, ёш жувон Дорис, Уэслининг фикрича, мистер Крейлерга жуда ўхшарди.

Хили ўрта бўйли, кўринишидан ғоят ёқимтой йигирма учлардаги йигит эди; унинг кўйлагига икки тасмали “қирмизи юрак” медали осилиб турарди, бу унинг иккита медаль билан мукофотланганидан гувоҳлик берарди. Корея уруши вақтида бор-йўғи Токиодан квартирмистер хизматида иш юритувчи бўлган мистер Крейлер Хилига кун бўйи қандай жанг қилгани ҳақида ҳикоя қиларди. Хили итоаткорона қулоқ солар экан, аслида бирон ёққа қочиб кетиш истаги йўқ эмаслигини айтди. Мистер Крейлер бир гал нафасини ростлаганида Хили унга бирпас айланиб келмоқчи эканини айтди ва Уэсли ҳам у билан бирга боришини илтимос қилди, чунки у адашиб қолиши мумкин эди-да. Мистер Крейлер аскарларга хос оҳангда: “Бўлмаса-чи, капрал, бемалол”, – деб жавоб берди. Тереза ҳам маъқуллаб бош ирғади. Йўлакдаги тўкнашувдан кейин у Уэслига чурк этиб оғиз очганича йўқ эди ва Уэсли уйдан чиқиб кетишига баҳона топиб бергани учун Хилидан миннатдор эди.

– Ана, холос! – деди Хили, улар кўчадан юриб кетишар экан. – Бу уйда хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. Анови сингилча, оти нимайди, ҳа, Дорис, қанақа қиз ўзи?

– Билмадим, – жавоб берди Уэсли. – Мен ўзим уни кеча биринчи марта кўрдим.

– У нукул менга кўзини қисади. Нима деб ўйлайсан, бу шунчакими ёки бирон маъноси борми?

– Мен қаёқдан билай?

– Бу қизлар кўринишидан оддийгина кўғирчоқларга ўхшайди, лекин озгина юрагига кириб борсанг, улар жудаям мафтункор бўлиб кетишади. Агар у билан юрсам, сен қаршилиқ қилмайсанми?

– Нега қаршилиқ қиларканман? Фақат эҳтиёт бўл. Она уйни содиқ итдай кўриқлайди.

– Бўпти, кўрамыз, бу ёғи қандоқ бўларкин, – деди Хили. У асли виргиниялик эди, аста, чўзиб-чўзиб гапирди. – Сизни мистер Крейлерингиз эса – бу қийин масала! Гапларини эшитиб, Токиода кунда ур-сур, муштлашув бўлган экан-да, деган хаёлга борасан, киши. Мен қандай яраланганимни айтганимда эса анграйиб қолди. Ҳар ҳолда камина бир нарсани яхши биламан: мен Америка легиони аъзолигига кириш ниятида эмасман. Мен жанг қилиб бўлдим ва энди бу ҳақда ҳам, бирон бошқа уруш ҳақида ҳам эшитишни истамайман. Сен билан икковимиз қаерда бир пивоҳўрлик қилсак бўларкан-а?

– Шу яқин атрофда бир жой бор. Ичгинг келаётганини сезиб турувдим-а.

– Жасадга ҳамроҳлик қилганимда, – дея шикоятга ўтди Хили, – одатда овқат беришади, озгина қувватга кириб олсин деб. Бу ерда эса, Худо ўзи кечирсин, лоақал бир пиёла қаҳва беришмади.

– Улар мормонлар-да.

– Уларнинг дини сал қурумсоқ эканми, – деди Хили. – Мен ҳам иложи топилганда, ҳар якшанба черковга бораман, лекин одамларнинг юзига оёқ босмайман. Нима бўлганда ҳам, Худо вискини, пивони, мусалласни яратиб қўйибди. Ҳатто қаҳва ва чойгача яратиб қўйибди-ку, бу ёғини сўрасанг. Хўш, уларнинг фикрича, булар бари нима учун яралган?

– Буни мистер Крейлердан сўра.

– Ҳа-а, – ҳасрат билан деди Хили чўзиб.

Улар Уэсли Жимми билан тушлик қилиб пиво ичадиган ресторандаги столда ўтирарди. Уэсли Хилига бу ер мижозлардан ўн саккизга кирган-кирмаганлигини ҳеч ким сўрамайдиган ягона жой эканини тушунтириб берди.

– Бўйинг катта одамларникидай, – деди Хили. – Гавдали бўлиш бир томондан яхши бўлса керак – ҳеч ким пишагингни пишт демайди. Мендақалар ундай эмас. Гавдаси ушоққа кун беришмайди.

– Топаман деса баҳонадан кўпи йўқ, – жавобан деди Уэсли, – бу гавданинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас.

– Гапинг тўғри, – эътироф этди Хили. – Мистер Крейлер ва онанг икковининг сенга қилча меҳри йўқлигини дарров сездим.

– Менга нима? – елка қисди Уэсли. – Уларни кулиб енгаман, бошқа иложи йўқ.

– Айтганча, нечага кирдинг ўзи?

– Ўн олтидаман.

– Кўринишингдан йигирмадан ошгандексан.

– Ҳудди шундан фойдаланаман.

– Ўн саккизга кирсанг-у, сени армияга чақириб қолишса, нима қилишни ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

– Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

– У ёқда бўлган ва сал бўлмаса мангуга қолиб кетай деган одамнинг маслаҳатига кирармидинг? – сўради Хилли. – Кўнглингга келганини қил-у, аммо чақирув масканига бора кўрма. Уруш – бу дилхушлик эмас, Уэсли.

– Унда нима қилишим керак?

– Нимани хоҳласанг шуни қил. Аммо сени армияга жўнатишларига имкон берма. У ёқда орзу-умидидан ҳам, иймон-диёнатидан ҳам айрилган қанчалаб одамлар юрибди. Уларни отиб ўлдирадилар, кўплари ми-нага учрайди, бедаво касаликка чалинади, тириклайин чаманзор ичида чирийди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, Уэсли, мен кўнгиллиларга қўшилиб кетдим. Жин урсин, қара, “кўнгилли” эмиш.

– Бир вақтлар отам айтарди, – деди Уэсли, – ҳеч бир урушга кўнгилли бўлиб борма, деб.

– Отанг билиб гапирган экан. Армия инсондаги ватанпарварлик ҳис-сини ўлдирар экан, ва мен ҳам, дўстим, ракиб муруввати билан ундан маҳрум бўлганим йўқ. Бу куйлар остидаги сўнгги баланд соз шеригим билан бирга Сан-Францискодаги тайёрагоҳдан тушганимизда янграган эди, ўшанда либосда ерга тушгандик. Биздан олдинда иккита чиройли қиз кетарди, биз қадамларимизни жадаллатдик, ва уларга етиб олгач, мен: “Қизлар, бугун оқшом нима қиласизлар?” деб сўрагандим. Улар тўхташди ва менга илонга қарагандай қараб қолишди. Улар бир оғиз га-пиришмади. Менга яқин турган қиз эса бемалол юзимга қараб тупурди! Биласанми, тупурди! Тупурди! Кейин улар ўгирилиб, йўлларида давом этишди. – Хили бошини чайқади. – Атиги ўн дақиқа аввал биз фронтдан уйга қайтиб келгандик, икковимизнинг ҳам кўкрагимизда яраланганлик медали – “Қирмизи юрак”. Бизни қандай кутиб олишди дейсанми? Ғолиб қахрамонлардек, ура! – У алам билан мийиғида кулди. – Бундай одамлар-ни деб, Уэсли, орканг билан чўкка ўтиришингга ҳожат йўқ. Бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўт, кўнглинг хоҳлаган ишни қил, аммо улар сендан ҳеч нарса ола билмасинлар. Йигитлар ундан кўра Европага қочиб кетган маъқул дейишади. Париж – биринчи рақамли нуқта. Борди-ю, элчихона-да рўйхатдан ўтишга тўғри келганида ҳам у ердан сени ҳайдаб юбори-шолмайди.

Саёҳат гулхани олдидаги гурунг, ўйлади Уэсли. Эски жанглар ва уйни кўмсаб, юракни эзиш, вассалом.

– Мен Европада бўлганман, – деди у. – Французчада анча яхши гапла-ша оламан.

– Сенинг ўрнингга бўлганимда узок имилламаган бўлардим. Туғилган кунингни ўн саккизинчи йилини, оғайни, қувнок Парижда кутиб ол, – деди Хили яна иккита пиво буюриб. Индианаполисгача у ҳамроҳлик қилиб келган тобут устидан черковда ҳам, қабристонда ҳам миллий байроқ олиб ташланмади. Бу байроқни мистер Крейлер олди ва тушлик пайтида уни ҳозир Уэсли турган Макснинг хонасига осиб қўяжagini айтди.

* * *

Улар қайтиб келишганида уйни қоронғилик чулғаб олганди – шунга ҳам раҳмат. Агар онаси ётмаган бўлганди эди, ўғлидан келаётган пиво ҳидини сезиб, яна хўнграб йиғлаб юборган ва жанжал кўтарган бўлар эди.

Улар жимгина тепага кўтарилдилар, энди кийимларини еча бошлашган эди ҳамки, эшик аста тақиллади, кейин эса очилди-да, Дорис кириб келди. У оёқяланг, тунги ҳарир кўйлақда бўлиб, ундан аъзойи бадани кўриниб турарди. Эшикни авайлаб ёпар экан, у жилмайди ва бармоғини лабига босди:

— Сизларнинг бу ёққа чиққанинглари эшитиб тургандим, сизлар билан, нима десамикин, яхшироқ танишиб олиш учун бирпас бирга ўтиргим келди, — деди қиз. — Сизларда сигарет-пигарет йўқми мабодо?

Уэсли унга қарамасликка ҳаракат қиларди, аммо барибир ҳам қизнинг дўмпайиб чиққан сийналарига ва кумдай оғир думбаларига кўзи тушмай қолмади. Агар мен шунақа бўлганимда, бу хилдаги либосда мана-ви тангу тор хона тугул бошқа ҳеч жойда ҳам кўринмаган бўлардим, кўнглидан ўтказди у. Бироқ оғзининг таноби қочган Хилининг кўзлари бошқача чақнаб кетди. У кўйлақларини ечишга улгуриб, белигача яланғоч ўтирарди. Унинг ҳам қадди-бастига гап йўқ, ичида ўйлади Уэсли.

— Марҳамат, жонгинам, — деди Хили виргин йигитига хос тарзда керилиб. — Чўнтагимда бутун бир пачкаси бор. — У ўрнидан туриб, кўйлаги ташлаб кўйилган стул олдига борди-да, унинг чўнтагидан сигарет ва гугуртни олди, кейин стулдан кўйлагини ола бошлади.

— Мен учун кийинишингизга ҳожат йўқ, — деди Дорис. У озғин елкаларини қийшанглатиб кўйди-да, Хилига маънодор жилмайди. — Мен эрли хотинман ва эркакларнинг кўринишини биламан.

Демак, кундузи Хилига кўзини қисганида у анавини ўйлаган экан-да, дилидан ўтказди Уэсли.

Хили виқор билан Дорисга гугуртни келтирди. У Уэслига ҳам чекишни таклиф қилди. Уэсли сигаретани ёқтирмасди, аммо барибир ҳам чекишга аҳд қилди — мистер Крейлернинг уйида тургани важдан шундай қилди.

— Эй Худойим, — деди Дорис, тутунни ичига тортиб ва уни ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқарар экан. — Мен яна тириклар салтанатидаман. Шўрлик Макс. Ўзи унақа кўзга яқин йигит эмас эди-ю, бир лахзали шону шараф қозониш учун уйига тириги эмас, ўлиги келиши пешонасига ёзилган экан-да. Ҳа-а, Максни қаҳрамон қилиб кўрсатиш учун епископ озмунча куйиб-пишмади ўзиям. — У хайрихоҳлик билан бош чайқади, кейин Уэслига тик қаради. — Сен анавилар айтганчалик ёмон одаммисан?

— Ғирт иблисман, — деди Уэсли.

— Гапингга ишонса бўлади. Гавдасини қара.

— Эрли хотинларнинг жонини олармишсан, шу гап ростми?

— Нима?

— Сенга бир маслаҳатим бор, чунки сен мард йигитсан: айтиб кўй, ўша миссис У.га, эрталаблари почта қутисидан хатларини унинг ўзи олсин, бу ишни эрим қилсин деб кутиб ўтирмасин.

— Нимани айтаяпсан? — сўради Уэсли, гарчи буни тушуниш қийин бўлмаса-да. Маҳаллий ғийбатчилар, хойнахой, миссис Уэрфемнинг уйи олдидаги кутили велосипедни аллақачон пайқаб қолишган ва бу ҳақда унинг онасига чакқан бўлишлари керак.

— Шаҳарда изғиб юрганингда, сен тўғрингда гапирмаган одам қолмайди, — деди Дорис. — Биринчидан, сен билан Макс бир-бирларингдан осмон билан ерча фарқ қиласизлар экан, тагин яхши томонига эмас, ёмон томонига.

– Бўлмаса-чи, – жавобан деди Уэсли.
 – Сенинг отанга келганда, онанг уни ер билан битта қилиб ташлайди, – давом этди Дорис. – Агар у айтган гапларнинг тенг ярми тўғри бўлганда ҳам отанг Худонинг бир балоси экан. Сен эса унинг изидан бораётган экансан, онангнинг айтишича, отанг Францияда ҳатто қўлга олинганмиш, мастлигида одам ўлдиришига сал қолган экан.

– Ўҳ-ў! – деди Хили. – Чакки эмас-ку, ошна.
 – Бу ёғини эшит, – давом этди Дорис, – сен ҳам отанга ўхшаб учи-га чикқан хотинбоз экансан. Лоақал манави исқирт миссис Уэрфемни олайлик, у сенга она қатори асли. Худо билсин сен яна қанчалаб уйларида бўласан ва қанчалаб уй бекаларини фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билангина таъминламайсан. – Жувон ҳингиллаб кулди ва ҳарир тунги кўйлак ичидан унинг сийналари диркиллаб кетди.

– Биласизми, миямга бир зўр фикр келиб қолди, – деди Уэсли. У тамаки тутунига тўла тангу тор хонада бўғилиб кетмоқдайди, яна бир ёнда кичик қилаётган ярим яланғоч бадгумон жувону, иккинчи томонда мийиғида кулиб турган аскар. – Икковларингнинг бир-бирингга айтадиган гапларинг борга ўхшаяпти...

– Қойил сенга, Уэсли, – деди Хили.
 – Уйкум келмаяпти, – деди Уэсли, – Очиқ ҳаводан тўйиб нафас олиб, бирон соатларда қайтаман, – дея анави иккаласини огоҳлантирди. Қайтганида уларнинг тўшакда бирга ётишларини кўргиси йўқ эди.

– Мен эса яна битта сигарета чекаман, – деди Дорис. – Негадир менинг ҳам уйкум келмаяпти.

– Менга ўхшаб, – жавоб берди Хили.
 Уэсли энди сигаретасини ўчиришга киришган ҳам эдики, бирдан эшик ланг очилди. Бўсағада юзлари тошдай қотган онаси турарди. Жимлик чўкиб, Тереза аввал ўғлига, кейин Хилига қаради ва нигоҳи Дорисга кадалди. Дорис ҳиринглаб кулди.

– Уэсли, – деди она, – мистер Хилининг ёки мистер Крейлер кизининг хулқи учун мен жавоб бермайман – у эрли хотин. Аммо сенинг хулқинг учун жавобгарман. – У хириллаб гапирарди. – Мен мистер Крейлерни уйғотиб ўтирмайман, шунинг учун сизлардан ўтиниб сўрайман: паст овозда гаплашинглар, шовқин солманглар. Сен эса, Уэсли, ортимдан юриб, мен билан пастга туш.

Кампирнинг бундай расмий тилда гапириши жазавадан ҳам баттар эди. У қоронғида онасига эргшиб пастга тушди. Эрталаб тобутга ёпилган байроқ столда ётарди. Кампиршо ўғли томон ўгирилиб, афтини бужмайтирди.

– Йўқ демасанг, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор, Уэсли, – гапира кетди у хириллаганча. – Бутун умрим давомида бунақа маразни кўрмаганман. Бу фоҳишани бу ёққа ким чақирди – сенми? У билан биринчи бўлиб ким ётмоқчи бўлди – сенми ёки анави аскарми? – азбаройи ғазабдан кампиршо оғзига келганини қайтармаётганди, – оғзидан боди кириб, шоди чикмоқда эди. – Тағин отасининг ўғли ва ватан учун жонини фидо қилган акаси ҳозиргина охиратга борган шундай бир тунда-я... Уйда нималар бўлаётганини мен мистер Крейлерга оқизмай-томизмай айтиб бераман, – у сени чавақлаб ташлайди.

– Мен ўзимни оқламоқчи эмасман, ойи, – деди Уэсли. – Мистер Крейлерга эса бориб айтишингиз мумкин, борди-ю, у менга қўлининг учини теккизадиган бўлса, мен уни ўлдираман.

Қаттиқ зарба егандай кампир орқага тисарилди.

– Тўғри эшитдимми? Сен уни “ўлдираман” дедингми, тўғрими?

– Тўғри.

– Сен ўзи асли-насли қотиллардансан. Сени аслида Франция турмасида чиритиб юборишим керак эди. Сенинг ҳақиқий жойинг ўша ерда.

– Ҳар нарсани валдирайверманг, – қайириб ташлади Уэсли. – Билиб қўйинг, мен турмадан чиқариб олишда сизнинг ҳеч қанақа алоқангиз йўқ. Бу амакимнинг иши.

– Барча оқибатларга ўша амакинг жавобгар бўлиб қўя қолсин, – кампир бутун гавдаси билан олдинга энгашиб олган, башараси бужмайиб кетганди. – Мен ўзимдан жоиз бўлган ҳаммасини қилдим, аммо омадим келмади. Шу бугундан бошлаб менинг уйимга қадам босмайсан. Зинҳор.

– Жуда яхши. Уйингизни елкаминг чуқури кўрсин.

– Айтиб қўяй, менинг адвокатим отангни пулидан сариқ чақа ҳам ололмаслигинг учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Сенинг ўтмишингдан хабар топгач, ҳакамни бутун бир мулкни қотилнинг қўлига топшириш мумкин эмаслигига кўндириш сира қийин бўлмайди. Йўқол, бу ердан қорангни ўчир, ўша фоҳиша-ю, ўғриларилинг олдига жўна. Отанг сенга “балли” дейиши турган гап, албатта.

– Шу пулларнинг тагида қолиб ўлиб кетинг!

– Бу онангга айтадиган охирги сўзингми? – сўради кампир намоёиш-қорона.

– Ҳа. Сўнгги сўзим.

Уэсли чиқиб кетди, онаси эса худди ҳозирок юрак хуружи тутиб қоладигандай оғир-оғир нафас олганча хона ўртасида туриб қолди. Эшикни тақиллатмасдан у ўз хонасига кириб борди. Дорис аллақачон ғойиб бўлганди. Хили баланд қилиб қаппайтирилган ёстикда ёнбошлаб ётарди. У чекарди, олдингидай қўйлаксиз бўлса-да, аммо шимда эди.

– Жин урсин, – деди у, – онанг бу ерга жуда ноқулай пайтда кириб келсами?

– Ҳа, – тўнғиллаб деди Уэсли, нарсаларини унча катта бўлмаган сумкага итқитар экан.

Хили ҳайрон бўлганча уни кузатиб турарди.

– Йўл бўлсин энди, ошна?

– Бошим оққан ёққа. Бу ердан қорамни ўчираман, – жавоб берди Уэсли. Турмадан чикқанидан буён у аста-секин янги исми шарифлар билан тўлдириб бораётган рўйхат жойида эканига ишонч ҳосил қилиш учун кармонига қараб қўйди. Онам билиб қолмасин деб у кармонни доим ўзи билан олиб юрарди.

– Зим-зиё тунда-я?

– Ҳозирок.

– Ҳа-а, мен сени тушунаман. Эрталаб нонуштада бу ердагилар бир қувонадиган бўлибди-да. – У кулиб қўйди. – Келаси сафар мени тобутга ҳамроҳ қилиб юборишса, барча оила аъзоларидан тўлиқ таржимаи ҳол талаб қиламан. Агар Александрияга йўлинг тушгудек бўлса, мени қидириб топ.

– Топаман, – деди Уэсли. Бирон муҳимроқ нарсани унутмадиммикин, дея у атрофга аланглаб чикди. Афтидан ҳаммаси жойида.

– Яхши қол, Хили.

– Яхши бор, ошна. – Хили сигарета кулини кокиб ташларди. – Париж ҳақида нималар айтганимни эсингдан чиқарма.

– Эсимда бўлади. – Кўчада совқотиб қолмаслик учун эски курткази тугмасини қадаб, у индамай хонадан чикди, қоп-қоронғи зинадан пастга тушди ва уй эшигини ёпди.

Шамол орақадан урарди. Сумказини елкасига осиб, кўчада кетиб бораркан, отасининг бир гапи эсига тушди, яъни унинг ҳаётидаги энг яхши кунлардан бири – бу онасини ёмон кўришдан тўхтаган куни бўлган. Лекин бу бирданига рўй бермаган, деган эди отаси унга. Менда ҳам бирданига бўлиб қолаётгани йўқ, ўйлади Уэсли.

Бир кундан кейин у Чикагода эди. Ўша куни тунда у Индианаполис чекказидаги тамаддихонада овқатланди, шунда бир юк машинаси ортидаги қизга Чикагога кетаётганини айтди. Чикагодан бошласа ҳам бўлади, ўйлади Уэсли ва ҳайдовчидан мени олиб кетмайсизми, деб сўради. Ҳайдовчи, олиб кетаман-у, бир шартим бор, деди. Унга кўра, Уэсли ҳайдовчининг Нью-Жерсидаги уйида қолган ўн етти яшар қийик қизи уни не кўргиликларга гирифтор этаётгани ҳақидаги достонини чидам билан эшитишга тўғри келди, шунга қарамай ҳаммаси кўнгилдагидай бўлди.

Ҳайдовчи уни Ригли-филддан сал берида тушириб қолдирди ва у рўйхатга назар ташлаб, Уильям Эбботнинг манзилини кўрди. Шу ердан бошлайман, ўйлади у ва шу манзил бўйлаб юриб кетди. Вақт тушга яқинлашиб қолганди, бироқ Эббот ҳамон пиджамада ва унниқиб кетган чўмилиш халатида сайр қилиб юрар эди. Унинг бир хонали хонадони шисшалар ва пластмасса қаҳва стаканчалари билан лиммо-лим эди; ёзув машинаси олдида газеталар ва ғижимлаб ташланган қоғозлар ётарди.

Томас Жордах ҳақида ўзини бошқалардан кўра кўпроқ биладигандай қилиб кўрсатган Уильям Эббот Уэслида айтарлик ёқимли таассурот пайдо қилолмади ва у иложи бориचा тезроқ кетишга ҳаракат қилди.

Кейинги икки кунда у супермаркетларда юриб иш топишга уриниб кўрди, аммо ҳеч жойда талабгор учрамади, бунинг устига ундан ҳамма жойда касаба уюшмаси дафтарчасини кўрсатишини сўрашди. Уэслининг пули тугай-тугай деб қолганди, ва у Чикагода менинг қиладиган ишим йўқ экан, деган қарорга келди. У амакисини огоҳлантириб телефон қилди, мен сизникига бораёпман, чунки борадиган бошқа жойим йўқ, деди.

Рудольф у билан телефонда қандайдир ғалати оҳангда, худди уларни тинглашаётганидан кўрққандек алпозда гаплашди.

– Ўзи нима гап? – сўради Уэсли. – Агар сизникига боришимни хоҳламасангиз, мен бормайман.

– Гап бунда эмас, – Рудольф озмунча ташвишланмаётганди. – Икки кун аввал бу ерга онанг кўнғироқ қилган эди, сени бу ердами, йўқми деб сўради. У сени ҳибсга олиш учун ордер олибди.

– Ни-ма?!

– Сени ҳибсга олиш учун, – такрорлади Рудольф. – У сени яшириб қўйган деб мендан гумонсираяпти.

– Ҳибсга дедингизми? Нима учун?

– Унинг айтишича, уйдан чиқиб кетаётиб, сен унинг хумчадаги бир юз эллик доллар пулини ўғирлаган эмишсан, хумча ошхонадаги плита устида турар ва рўзгор харажатларини шу хумчага солиб қўяркан. Сенинг кунингни кўрсатармиш. Сен ростданам шу пулни олганмисан?

– Олганимда яхшироқ бўлармиди, – алам билан деди Уэсли. Лаънати Хили, ўйлади у. Армияда пайтдан фойдаланиб қолишни ўрганган эканда. Ёки йўқ, ҳойнаҳой, бу суюқоёқ Дориснинг иши бўлса керак.

– У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам мен буларнинг барини бирёқлик қиламан, – хотиржам овозда деди Рудольф. – Аммо ҳозир бу ерга келмай турганинг маъкул. Сенга пул керакми? Қаердалигингни менга маълум қил, почтадан пул юбораман.

– Йўқ, шарт эмас, – хижолат тортиб деди Уэсли. – Агар Нью-Йоркка бориб қолсам, мен сизга кўнғироқ қиламан.

Рудольф бир нима деб оғиз очгунча Уэсли гўшакни илди.

Индианаполисдаги мана шу хумча етмай турувда менга, ўйлади у.

Шундан кейин у Нью-Йоркка жўнашга аҳд қилди. Нью-Йоркда Рудольфдан ташқари унинг яна танишлари бор эди. У “Тайм”даги ажойиб кизни эслади, у Уэслига агар сенга ёрдам керак бўлса менга айтавер, деганди. Уни “Тайм” журналидан суриштириш ҳеч кимнинг миясига келмайди.

Эртасига эрталаб у қайдасан Нью-Йорк дея йўлга тушди.

2

Чикагодан бўлган кўнғироқдан сўнг у амакиси билан икки ойга яқин гаплашишмади.

Нью-Йоркка келгач, ўша захотиёқ тахририятга, Эми Ларкиннинг олдида йўл олди. Йўлда ўтган кунлардан кейин у, ҳойнаҳой, ваҳимали кўринса керак, чунки у кириб келганида гўё киз устидан бир челак совук сув қуйиб юборишгандай “Вох!” деб юборди.

– Хўш, энди нима қилмоқчисан? – сўради киз, у ҳикоясини тугатгач.

– Сизга ўтган сафар ҳам бу ерда бўлганимда айтган эдим, – деди Уэсли, – анчадан бери отамни таниган одамларни қидириб топмоқчиман, аслида у қанақа одам бўлганини билмоқчиман, турли даврлардаги ҳар хил одамлар у ҳақда нималарни билади, – шунга қизиқаяпман. Мен уни уч яшарлигимгача биламан. – Уэсли энди на жудаям жўн, на жудаям жиддий бўлмаган оҳангда гапирарди. – Ва шунинг учун миямнинг бир чети доим бўм-бўш бўлади, аслида шу жойда отам бўлиши керак... мен қўлимдан келганича шу бўшлиқни тўлдирмоқчиман. Ҳойнаҳой, бу ғоят аҳмоқона туюлаётган бўлса керак.

– Йўқ, – эътироз билдирди киз, – ҳечам аҳмоқона эмас.

– Сизга айтгандим, менда одамларнинг рўйхати бор... – У чўнтагидан кармонини олди-да, исми шарифлар битилган, ҳилвираб қолган бир варақ қоғозни стол устига ташлади. – Журнал, эҳтимол, керакли ҳар қандай одамни қидириб топиб олар, – деди Уэсли, – борди-ю, булар сизга унчалик малол келмаса, эҳтимол, бўш вақтингизда...

– Бизлар сен ўйлаганчалик у қадар кучли одамлар эмасмиз, – йигитнинг юзидаги ўзгаришни пайқаб, киз жимиб қолди. – Айтмоқчиманки, сен ўйлаганчалик ҳаммасини миридан-сиригача билмаймиз, аммо одам-

ларни кидириб топишга қурбимиз етади. – Қиз унинг рўйхатига бирров кўз югуртирди. – Бунинг учун вақт керак, буларнинг ҳаммасини топиш- ку, кўлимдан келмас, аммо... Қиз унга кизиксиниб қараб қолди. – Сен Нью-Йоркда қоласанми ўзи?

– Ҳар қалай қоламан.

– Қаерда қоласан?

Йигит ўтирган жойида қимирлаб қўйди.

– Ҳозирча ҳеч ерга қўнганим йўқ. Мен ҳеч ёққа бормай, тўғри шу ерга келдим.

– Уэсли, – сўради мисс Ларкин, – сен менга тўғрисини айтишинг керак, қанча пулинг бор?

– Сизга барибир эмасми?

– Худди томорқадаги “кўрикчи”га ўхшайсан, – жавоб берди қиз, – овқат ейишингни кўриб, идишингнинг ранги ўчиб кетди. Айт, қанча пулинг бор?

– Қирк беш цент, – саросимага тушиб жилмайди у. – Жордахлар мулкининг меросхўриман. Албатта, – шошиб қўшимча қилди у. – Мен ҳар қандай вақтда онамга қўнғироқ қила оламан, у менга ёрдам беради, шунчаки, ҳозир ундан пул беринг, деб сўраёлмайман.

– Бу рўйхатни ўзимга олсам майлими? – сўради мисс Ларкин. – Сен, равшанки, менга бу одамлар кимлар ва уларни тахминан қаердан топиш мумкинлигини айтишингга тўғри келади...

– Марҳамат.

– Бунга бир неча ҳафта вақт кетиши мумкин.

– Мен шошаётганим йўқ.

– Шунча вақтгача қирк беш центга яшамоқчимисан? – жаҳл билан сўради Ларкин, худди Уэсли айбли бир иш қилиб қўйгандек.

– Бу ёғи бир гап бўлар, – жавоб берди у мужмал қилиб. – Униси бўл- маса, бошқаси.

– Аллақачон бир нима бўлиб бўлган десам, хафа бўлмайсанми? – Ни- магадир қиз қип-қизариб кетди.

– Нима бўлибди!

– Мен, – деди қиз тўсатдан баланд овозда. – Мен бўларимча бўлганман. Энди эса диккат билан эшит. Менинг ихчам икки хонам бор. Рисоладаги- дай диван ҳам бор, маза қилиб ухлашинг мумкин. Овқатни қойил қилиб пиширолмайман-у, аммо очингдан ўлмайсан...

– Бу менга тўғри келмайди.

– Нега тўғри келмас экан?

– Тўғри келмайди, вассалом, – Уэли яна саросималаниб жилмайди.

– Битта-яримта бошқа кийиминг борми?

– Битта тоза қўйлагим, бир жуфт пайпоғим ва ич кийимлардан бор. Мен уларни пастда, эшик оғасида қолдирдим.

Қиз жиддий бош ирғади.

– Тоза қўйлагинг бор экан, – такрорлади қиз. – Ўйлаб қарасам, рўйхатингдаги бу одамлар бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган...

– Тўғри. Отам ҳам бир жойда ўтирмаган.

– Сен бўлсанг бисотингда биргина қўйлагинг билан бутун Қўшма Штатлар бўйлаб кезиб чиқишга, бу одамларнинг уйларига бир-бир кириб чиқишга ҳамда уларга майда-чуйда саволлар беришга жазм қилдингми?

– Бу ёғини чуқурроқ ўйламабман, – деди Уэсли ҳимояланиб.

– Шу аҳволингда лоақал ит олдидан ўтиб ололганингда ҳам дўшпингни осмонга отишинг керак эди, – деди қиз. – Сени бу ерга қандай кўйиб юборишганига хайронман.

– Сўнгги бир неча кундан бери ойнага қараганим йўқ, – иқрор бўлди Уэсли.

– Сен билан нима қилмоқчи эканимни мен сенга ҳозир айтаман, – деди қиз ҳеч қачон бошидан кечирмаган ишонч ила. – Сен меникида кўнасан, мен сенга қарзга пул бериб тураман, ўзингга тузукроқ кийим сотиб оласан ва...

– Бу таклифингиз менга маъқул эмас.

– Маъқул бўлмадимиз, – деди Ларкин қаттиқ туриб. – Эшитдингми, “қарзга” дедим-а?

– Бу пуллари мен қачон ишлаб топаман ва умуман, ололаманми ҳали ё йўқ, Худо билади.

– Мен кутиб туришим мумкин.

Уэсли чуқур хўрсинди. Уни енгил нафас олишини қиз кўриб турарди.

– Сиз менга нега бунақа муомала қилаяпсиз, тушунмадим. Сиз мени қарийб билмайсиз-ку, ахир...

– Сенга шундай муомала қилаяпманми, демак, мен сени билар эканман. – Қиз ҳам хўрсинди. – Сен билан ҳалол муносабатда бўлмоқчиман ва шу боис сенга бир сирни айтаман. Мен умуман мурувват кўрсатиш ниятида бундай қилаётганим йўқ. Менда бошқа алоҳида сабаб бор. Худди шу тарзда муносабатда бўлишга ундайдиган ғирт шахсий худбинона сабабки, буни қанча тез билсанг, шунча яхши. Фақат бир илтимос – хафа бўлиш йўқ.

– Менга бошпана бериб, устимни бут қилган одамдан қанақасига хафа бўлай?

– Мен сенга ҳаммасини айтиб бераман. Ўтган гал кетганингда... Йўқ, яхшиси, энг бошидан бошлай қолай. Журналимизда ишлайдиган қарийб барча ходимлар каби мен ҳам ёзишни истайман. Менинг жанрим – роман деб биламан. Сени учратганимда романимнинг олтмиш бети ёзиб бўлинганди. Сен кетганингда эса уйга бордим-да, ҳаммасини йиртиб ташладим.

– Нега? Бунинг менга нима дахли бор?

– Бевосита дахли бор. Менинг барча қидирувларим ва сенинг ҳикоянгдан кейин билдимки, ғирт бемаъни нарсаларни ёзган эканман. Булар бари юзаки ва иккиламчи экан. Шунда мен отасини ўлдириб кетишган ёш йигитча ҳақида ёзишга аҳд қилдим...

– Чакки эмас, – мингиллаб деди Уэсли. Энди у қизга эҳтиётроқ бўлиб қарай бошлаганди.

– Мана шу ёш йигитча, – давом этди Ларкин, йигитнинг нигоҳига чап бериб ва кўзини ерга олиб, – буни ким қилганини, унинг отаси умрини нима учун ва қандай яшаганини билишни истайди... У отасини билмасди, чунки чақалоқлигида унинг ота-онаси ажрашиб кетишган ва отаси кетиб қолганди. Кўнглинг хотиржам бўлсин: котиллик Европада содир бўлади, мен Европа ҳақида ҳеч нарса билмайман, у ерда бир марта ҳам бўлмаганман. Аммо, умуман, сюжет сен ўйлаганчалик ҳалигидай...

– Тушунарли.

– Демак, энди сенга менинг асосий сабабим нимадан иборат экани аён.

– Ҳа, аён.

– Сен ёнимда бўлсанг, мен сенга ўргатиб тура оламан, шунингдек, барча одамларни топишда ёрдам бераман. Хуллас, буни ўзаро ёрдам сифатида қарамоқ мумкин. Ёки бу нарса сенга ёкмайдими?

– Ёқса керак, – елка қисди Уэсли. – Гарчи ўзимга қандайдир китоб қахрамони бўлиб кўрина олмасам-да.

– Сендан бу нарса талаб этилмайди ҳам, – деди мисс Ларкин. – Мен сени адабий образ деб қарайман ва сендан менга керак ва фойдаланишим мумкин бўлган нарсани оламан.

– Сизнинг шунча тер тўкиб қилган меҳнатингизни йўққа чиқарсам-чи?

– Бу унчалик катта таваккал эмас.

– Сизнинг китобингиз нима билан тугайди ўзи? – қизиқсиниб сўради Уэсли. – У қотилни топадими?

– Охир-оқибат топади.

– Шунда у нима қилади?

– У отаси учун ўч олади.

– Китобда ҳаммаси осон битади, тўғрими? – мийиғида кулиб қўйди Уэсли.

– Йўқ, бу осон битмайди.

– Хўш, ўша йигитча охири бориб-бориб нима бўлади?

Қиз яна хўрсинди.

– Уни ўлдирадилар.

Қизга қарамасдан Уэсли бефарқ ҳолда столни чертиб ўйнади.

– Маъно йўқ эмас, – деди у.

– Ахир бу ёзувчи ичидан чиқарган тўқима-ку.

– Тўқимангизга қойил қолиш керак!

– Агар сен ёзувчи билан иш тутгудек бўлсанг, – деди қиз жиддий оҳангда, – ёки ҳеч бўлмаганда ўзини ёзувчи деб билган одам билан иш тутсанг, сен бир нарсага тайёр туришинг керак бўлади, яъни қалбингнинг бир қисмини ўғирлашга уринишлари мумкин.

– Мен эса қалбим бор-йўқлигини билмайман ҳам, – жавобан деди Уэсли.

– Бу ҳақда гапиришни менга қўйиб бер, – деди қиз. – Менга қара, агар булар бари сенга ёқимсиз ва бемаъни туюлаётган бўлса, рози бўлишинг шарт эмас.

– Лекин сиз барибир бу китобни ёзасиз-ку?

– Ҳаракат қиламан.

– Унда фарқи йўқ, – Уэсли жилмайди. – Агар сизда ростданам қалб бўлганда эди, китобингизнинг қахрамони бўлиш учун унинг қайсидир қисмини қурбон берган бўлардим.

– Ана бу зўр гап бўлди, – деди қиз ишчан оҳангда, ҳолбуки унинг қўллари титрамоқда эди. Қиз сумкачасини кавлаштира кетди. – Мен ишга киришмоғим керак. Мана бу сенга “Блумингдейл” дўконига кредит варакачаси. У эллик тўққизинчи кўча ва Лексингтон-авеню муъолишида. – Шуларни гапираётиб қиз “Тайм” иш қоғозига нимадир ёзди. – Мана бу хатни варақа билан қўшиб кўрсатасан, шунга қараб улар сенга ундан фойдаланишга рухсат берганимни билиб олишади. Ўзингга бир жуфт кўйлак ва фланел шим ол. Харидларни уйимга олиб боришсин, токи бу менинг буюртмам экани аниқ бўлсин. Соат олтиларда қайтиб кел. Бун-

дай аҳволда юришинг мумкин эмас. Мен сени ўзимникига олиб кетаман. Дарвоқе, сенга автобусга пул керак-ку. – Қиз яна сумкачасини кавлашти-ра кетди ва унга қоғозу танга пулдан беш доллар берди.

– Раҳмат. Бир нарса эсингизда бўлсин: сиз менга берган ҳамма нарса – қарзга. Ўн саккизга тўлганимда мен ўттиз минг доллар оламан. – Йўқ, сиз ёзиб кўйинг. Беш доллар ва бугунги санани ёзинг.

Ларкин афтини бужмайтирди.

– Модомики, шуни хоҳлар экансан, марҳамат. – У ручка ва ён дафтарчани олди. Кейин стол устидаги дафтарчани унга томон сурди. – Кўнглинг тўлдими?

Уэсли ён дафтарчанинг очиқ саҳифасига жиддий қараб кўйди.

– Жойида.

Қиз ён дафтарчани қайта сумкачасига жойлади.

– Энди, адабий образ бўлгач, ўзимни қандайдир бошқача тутишим керакми? Гапларимни қандай гапиришимни кузатишим лозимдир? Балки мусибатга дучор бўлган дўндикчаларни қутқариб қолишим ёки бошқа бирон нима қилишим жоиз бўлар?

– Ўзингни хоҳлаганингдай тутишинг мумкин, – деди қиз Уэслининг хазиллашаётганини тушуниб, у хандон ташлаб кулди. – Фақат аслингдагидан ақллироқ кўринишга уринмасанг бўлгани.

* * *

Ҳозир у Порт-Филип томон кетиб бормоқда эди. Воқеалар урчилган жойдан бошлаш керак, деди Уэсли Элисга, қиз Теодор Бойланнинг ҳали тирик эканини ва аввалгидай Порт-Филипда истиқомат қилаётганини аниқлаб бўлганда. Отаси Уэслига Бойлан уларнинг оиласи билан алоқадор эканини, Порт-Филип эса Нью-Йоркдан бор-йўғи поездда икки соатли масофада эканини айтганди.

Энди Уэсли башанг кийиниб олганди: фланел шим, спорт пиджаги ва аъло русумли “Блумингдейл” жигарранг туфлисида эди. Элис қаттиқ туриб, соқолини қиртишлатди, сочини калта қилиб олдиртирмади-ю, сал у ёқ-бу ёғини текислатди. Уэсли Ларкиннинг Сентрал-паркдан унча узоқ бўлмаган шаҳарнинг ғарбий қисмидаги мўъжазгина гўшасида яшаётганидан қизнинг боши осмонда экани шундоқ кўриниб турарди. Қиз ёлғиз яшаш жонига текканини айтар эди, энди эса йигитнинг уйида яшаётгани учун у ишдан кейин уйга ошиқарди. Бирга бирон жойга бориш учун таниш йигитлар униқига киришганида Ларкин уни бир неча ҳафтага Ўрта Ғарбдан келган қайним деб таништирарди.

Унинг учун Элис керакли маълумотларни топгунича Уэсли маза қилиб шаҳар айланарди. У кўплаб киноларни кўрди, “Радик-Сити” ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида бўлди, ҳаёт қайнаб турувчи Бродвейдаги оломон ичига шўнғиди. Баъзида Элис уни театрга олиб борарди, бу йигитча кўз ўнгида янги дунёни очди: у илгари ҳеч қачон жонли, ҳақиқий театрни кўрмаганди.

Ларкин ўзининг хонасида машинкани чиқиллатиб ҳарф терганида Уэсли унга халақит бермасликка ҳаракат қиларди. Қиз ёзганларини ўқи деб ҳеч қачон таклиф этмасди, йигит ҳам ўз навбатида уни саволларга тутмасди. Гоҳо бирон журнални ўқиётиб, машинка чиқиллашига кулок

солар экан, уни ғалати бир ҳис чулғаб оларди – ахир ёнгинасида биров у ҳақида ёзаётибди-да, ёки ҳеч бўлмаганда унга жуда ўхшаб кетадиган одамни ўйлаётибди. Баъзида Элис хонадан чиқиб келарди-да, узок вақт унга жим қараб қоларди, гўё уни ўрганаётгандай, унинг фикрларини ўқишга ҳаракат қилаётгандай бўларди, кейин эса ўз хонасига қайтиб борарди-да, яна машинкага ўтирарди.

Улар ҳар гал театрдами ёки қаҳвахонадами боришганда Уэсли уни чиптага ёки кечликка сарфланган пулни ёзиб боришга ундарди.

* * *

Поезд Гудзон кўлтиғи ёқалаб шимол томон шовқин солиб учиб борарди. Ҳаво очик, кун кўёшли эди, дарё тип-тиник ва мусаффо кўринарди ва Уэсли ихчамгина яхтанг бўлса ва мана бу кенгликлардан юқорига қараб сузсанг, ям-яшил тик қояларни, уйкудаги шаҳарчаларни айланиб ўтсанг, тунда қирғокка ёндашиб, ерга тушсанг ва ердаги одамларнинг қандай яшаётганини томоша қилсанг, қандай маза бўларди деб ўй сурарди.

Оссининг шаҳарчасидаги Синг-Синг турмасининг кўримсиз, қоп-қора биносига кўзи тушди-ю, у ерда ётган одамлар билан яқинликни ҳис этиб, юраги бир тутам бўлди, улар панада туриб деразадан пастга, улуғвор ва эркин дарёга қараганча йилларни санайдилар. Мен ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон бундай аҳволга тушмайман. Ҳар нима бўлганда ҳам, деб ўйлади Уэсли.

Порт-Филипга етиб келгач, у станцияда такси тутди ва: “Бойланнинг кошонасига”, – деди. Моторни ўт олдираб экан, ҳайдовчи кўзгудан унга кизиксиниб қараб қўйди.

– Яқин ўн йилдирки, у ёқларга одам олиб бормаганман. У ерда ишламоқчимисан?

– Йўқ, – жавоб берди Уэсли. – Меҳмонга бораяпман.

Ҳайдовчи қандайдир ноаниқ товуш чиқарди. У йўталдими, ё бўлмаса “ҳм” деб қўйдими, айтиш кийин эди.

Улар шаҳардан чиқиб олгач, Уэсли деразага қаради. Шаҳарча хароб аҳволда эди, кўчалар ифлос, гўё шаҳарчага озгина бўлса ҳам файз кириштирининг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, аҳоли аллақачон ундан қўл силтаб қўйганга ўхшарди. Нима учундир шаҳарча паркдаги ўриндикда ухлаётган одамларни эсига солди, уларни салгина туртиб қўйсақ, ўша кишилар коллежни битирган ўқувчилар бўлиб чиқади.

Бойланнинг мулкига олиб кирадиган дарвоза синиб, ошиқ-мошиғидан чиқиб ётар эди, тепалик бўйлаб кошона томон олиб чиқувчи йўл ўйдимчукур бўлиб кетган, майсазорларни баланд йўсинлар коплаган, бута деворлар ғовлаб кетганди. Кошонанинг ўзи эса Уэслига Синг-Синг турмасининг кичрайтирилган нусхаси бўлиб кўринди.

– Бир дақиқа шошмай турасиз, – илтимос қилди Уэсли ҳайдовчидан таксидан чиқиб, у билан ҳисоб-китоб қилар экан. – Улар мени кўйишадими, йўқми, ҳали маълум эмас. – Уэсли катта эшикдаги қўнғироқ тугмачасини босди. Уйда ўлик сукунат ҳукмрон эди; у кутиб турди. Эшик олдида турганча у атрофга аланглади. Майсазордаги ўт-ўланлар нақ белдан келарди, ёввойи ток занглари боғ деворини чулғаб олганди.

Чамаси яна икки дақиқалар ўтди ва Уэсли такси томон қайтмоқчи бўлган эди ҳамки эшик очилди. Остонада фаррошларни сариқ нимчасини кийган букри чол қараб турарди.

– Хўш, хизмат?

– Мен мистер Бойлан билан гаплашмоқчи эдим, – жавоб берди Уэсли.

– Ким деб айтий?

– Мистер Жордах.

Уни яхшилаб кўриб олиш учун бутун гавдаси билан олдинга эгилиб, чол хушёрлик билан унга разм солди.

– Билай-чи, мистер Бойлан бўшми, – деди у ва эшикни ёпди.

Таксичи тоқатсизлик билан сигнал чалди.

– Ҳозир, ҳозир, бир дақиқа, – кичкирди Уэсли.

Кўп ўтмай эшик яна очилди.

– Мистер Бойлан ҳозир сизни қабул қилади.

Уэсли қўл силтаб таксичига жавоб берди ва машина шитоб билан жойидан кўзгалди-да, уй олдидаги ўйдим-чукурни босиб ўтганча шаҳарча томон елиб кетди.

Чол Уэслини узун, коп-қоронғи хонадан бошлаб кетди ва эшикни очди.

– Марҳамат, – деди у меҳмонни олдинга қўйиб юбораркан.

Уэсли катта ва кенг бир хонага кириб борди, бу хона қоронғи эди, чунки деразаларни оғир дарпардалар ёпиб турарди, ҳолбуки ажойиб қуёшли кун эди. Чукур чарм оромкурсида бир киши китоб ўқиб ўтирарди. Айвонга қараб очиладиган, қуёшнинг заиф нурлари тушиб турган деразалардан бири ёнидаги столча четида қўлларида қарта тутганча икки ёш аёл бири-бирига бақамти ўтирарди. Уэсли кириб келганида улар қизиқсиниб йигитга қараб қолди. Вақт тушга яқинлашиб қолганига қарамай, улар тунги қўйлақда бўлиб, устидан сербурма пенюар¹ ташлаб олгандилар.

Чарм оромкурсидаги киши аста ўрнидан турди ва китобини оромкурси ён суянчиғига авайлаб қўйди.

– Мистер Жордахмисиз? – унинг овози ингичка ва қуруқ эди.

– Ҳа, сэр.

– Жордах, – такрорлади киши. – Бу исми шариф менга маълум. – У қандайдир ёқимсиз хириглади. – Мен – Теодор Бойланман. Марҳамат, ўтиринг. – У ён суянчиқли ўзи ўтирган оромкурси қаршисида турган курсига ишора қилди. У кўришгани қўл чўзмади. Унинг сочи ялт-юлт қиларди – бўялгани аниқ, юзлари серажин, этлари тинмай учиб турарди, кирғийбурун ва кўзлари хира.

Мана бу иккала аёлнинг нигоҳларидан ўзини ноқулай сезганча Уэсли оромкурсига ўтирди ва кўнглидан улар билмагани яхши эди, деган ўй ўтди.

– Насл-насабинг ким сенинг? – сўради Бойлан, яна жойига ўтириб. – Тижоратчи шахзодамисан ёки учига чиққан каллакесармисан?

– Менинг отам – Томас Жордах.

– Эндиликда шўрлик мархум, – бош ирғаб деди Бойлан, бамисоли шундай бўлиши табиий ҳол эканига ишора қилгандек. – Ёруғ дунёда насибаси камроқ экан. Пешонасига шу битилган экан-да. Гўзал бир мамлакатда, – энди у дераза олдидаги аёлларга мурожаат қилди, – итдай ўлиб

¹ Енгил тунги қўйлақнинг бир тури.

кетди. – У Уэслига қараганча кўзларини ғазаб билан қисди. – Бу ерда сенга нима керак?

– Ҳалиги, – гап бошлади Уэсли, – менга отамни сиз яхши билишингизни айтишди.

– Жуда яхши билар эдим, – жавоб берди Бойлан, – аъло даражада билар эдим. – У яна дераза олдида турган аёлларга мурожаат қилди: – Бу йигитчанинг аммасини учратганимда, у ҳали бокира қиз эди. Мендан кетганда эса бокира эмасди. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а, унинг кўлини сўраб юрагимни бағишлаганимда, у мени рад этганди. – У Уэсли томонга ўтирилди. – Амманг сенга бу тўғрида айтганмиди?

– Йўк.

– Улар сенга кўп нарсаларни айтишмаган кўринади. Амманг ва амакинг, сенга айтсам, бу уйга жон-диллари билан келиб туришади. Ўшанда у қиличдай йигит эди. Менинг ўзим ҳам. – У яна хиринглади, – мен уларга кўп нарсаларни ўргатдим, улар у пайтда ёш ва оч-наҳор эдилар. Ўзларини дастлабки сабоқларини улар мана шу уйда олишганди. Кўп йиллардан бери чолни бирров кўриб кетиш уларнинг хаёлига ҳам келмади. Барибир ҳам, кўриб турганингдек, йигит, ёлғиз эмасман, ғамхўрларим бор... – У яна карта ўйинига берилиб кетган иккала аёл томонга қўл силтаб қўйди. – Ёш жонончалар, – кинояли илжайди у, – мана сенга бойликнинг кучи: ёшликни сотиб олса бўлади. Келишади ва икки-уч ой кўнглимни олиб ўйнаб-қулиб кетишади, уларни мен учун эски таниш жувоним танлайди – у Нью-Йоркдаги муассасалардан бирининг мудираси.

– Қўйсанг-чи, Тедди, – деди аёллардан бири, қартани чийлар экан.

– Қизлар, – деди Бойлан, – агар бирпасгина эркакларни холи қолдирсангиз, сизлардан ғоят миннатдор бўлур эдим.

– Кетдик, Элли, – деди ҳалиги аёл ўрнидан тураркан. Иккинчи аёл ҳам ўрнидан турди ва сонларини диркиллади, пошналар туфлилари билан паркет полни тақиллатганча эшик томон йўл олди.

– Ёлланма меҳнатнинг бир қатга афзаллиги бор, – деди Бойлан аёллар чиқиб, залнинг эшигини ёпганидан сўнг. – Ишлаётган одамлар сенга итоаткор бўлади. Қариб қолганимда эса бу фазилатни бошқа барча фазилатлардан афзал кўриб қоласан. Демак, йигитча, сени олийжаноб хонадонингиз илдизи қизиқтиради, шундайми?

– Гапнинг индаллосини айтсам, – деди Уэсли, – мени асосан отам қизиқтиради...

– Мен уни қилиқлари важдан яхши биламан, – унинг гапини бўлди Бойлан, – аммо Гретхен ва Рудольфни мен ундан анча яхшироқ биламан. Амакинг Рудольф болалик пайтидан Америкада кенг тарқалган касалликдан азият чекарди – уни фақат пул қизиқтирарди. Мен унга раҳбарлик қилмоқчи бўлдим, унга юқори мавқега етишиш, ҳаётдаги гўзалликни англаш йўлини кўрсатдим, аммо унинг қонида қудратли доирага иштиёқ жўшарди. Уни огоҳлантирдим, ўзингни абгор қилаяпсан дедим, аммо у дарди бедавога гирифтор бўлганди... – Бойлан ўрта бармоғи билан бошмалдоғини артди. – Муллажирингнинг товуши унга илоҳий мусикадай туюларди. Ўзи ишлаб топган бойликка қаноат қилмасдан у қатта пулларга ружу қўйди ва охир-оқибатда ўзини-ўзи абгор қилди. Унинг қисмати олдиндан маълум эди, мен уни огоҳлантирган эдим, аммо у фақат олтин арфа сурурига махлиё эди. – Чолнинг қулфи дили очилиб қулди, кейин

эса бироз тинчланиб, сал босиқ оҳангда давом этди: – Унда опасидаги асосий фазилатлардан бири етишмасди, – шукур қилиш. Бунинг учун у жуда қиммат тўлов тўлади, лекин мен унга ачинмайман.

– Илтимос, мистер Бойлан, – совуқ оҳангда деди Уэсли, – менинг бу ерга келганим...

– Гретхенга келсак, – давом этди Бойлан, гўё унинг сўзини эшитмагандек, – у шаҳарчамиздаги энг сулув қиз эди. Дашт ўртасидаги лоладек очилган эди. Тортинчоқлигини айтмайсанми, кўзлари ерда, камтар. Бошида шундай эди. Кейин эса йўқ. Егани олдида, емагани кетида бўлиб яшай оларди, хурмат қозонарди, саёҳатларга чиқарди. Мен унга хоҳлаган нарсани мухайё қилардим. Бир гал унга оч қизил кўйлак олиб бердим. Атрофга қизил шуълалар таратиб, у кўчага чиққанида, кўрганларнинг нафаси ичига тушиб кетди. У елка учирди. Таклифимни нафрат билан рад этди. У йигитларнинг юрагини куйдириб лаззатланмоқчи бўлди, ширин сўзларга учар, тўшакка ётишни хоҳларди. Агар уни кўрсанг, илтимос, мен айтган гапларни оқизмай-томизмай унга етказ.

Мараз, ўйлади Уэсли, маразларнинг маразиди, курук валақлашдан нарига ўтмайди. У мана шу телба чол олиб берган қизил кўйлакда хонага кириб келган аммаси Гретхеннинг қиёфасини миясидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилди.

– Менинг бу ерга келганим... – қайсарлик билан яна гап бошлади Уэсли. – Отамнинг...

– Сенинг отанг, – деди Бойлан нафрат билан, – жинойтчи ва тажовузкор ва унинг жойи панжара ортида бўлмоғи керак эди. У бу ерга опасининг ортидан жосуслик қилгани келарди. У тепалик устига хоч ўрнатди-да, уни ёндирди, чунки у бир келганида опасининг тепада менинг тўшагимда ётганини кўриб қолади, мен мана шу хонада қип-яланғоч ҳолда унга деб виски қуяётган эдим. Ёнаётган хоч! Мутаассиблик ва жаҳолат тимсоли! – Ўз уйи остонасида бундай ҳақорат қилинишни бошқатдан ҳис қилган Бойлан сўзларни тўқиб ташламоқда эди. Булар барчаси, албатта кўп йиллардан кейин маълум бўлди: унинг ҳамтовоғи бўлган боланинг исми шарифи Клод Тинкер эди ва унинг ҳозир шаҳарда яхшигина обрўси бор, – менинг уйимдаги бир зиёфат чоғида у менга ўзи айтган буни. Сенинг отанг, – Бойлан узун, кип-қизил бурнини жийирди, – вақтида қутулиб қолди – мен шундай деган бўлардим. Мен унинг ишларини кузатиб бордим. Худди кутганимдай, у ҳеч нарса қилолмади, ҳатто жон сақлаб қололмади.

Уэсли ўрнидан турди.

– Сиздан ғоят миннатдорман, мистер Бойлан, – деди у, бу одамга нисбатан даҳшат ва нафратни ҳис қилганча. – Ишим битди ҳисоб. Мен кетдим.

– Ихтиёрингиз, – бефарқ оҳангда деди Бойлан. – Чиқиб кетиш йўлини билсангиз керак. Мен сизни ҳақиқатни тикларсиз деб ўйлагандим. Бир вақтлар хаёлига дахл қилганлиги учунгина оғзидан она сути кетмаган жулдирвоқи билан пачакилашгани ёки ёлғон гапиргани кексалик қилман. – У китобни кўлига олди-да, яна мутолаага берилди.

Уэсли эса хонадан чиқиб, тез одимлар билан катта эшик томон йўл оларкан, ўйлади: отам бир хотинни эмас, мана бу Худонинг қарғиши теккан бутун ҳовлига ўт кўйиб, қулини кўкка совуриши керак эди. Мана бу итдан таркаган сассиқ чолни ҳам кўшиб.

У бир неча мил пиёда юриб ўтди ва поезд станциясига етиб борди.

Кечликни дастурхонга қўйиб, Элис унга мунтазир ўтирарди. У Уэслининг лаблари қимтилганини, ияги таранг тортилгани кўрди. Улар индамай овқатланишди. Унинг Порт-Филипга сафари қандай ўтгани хусусида киз чурқ этмади.

* * *

Элиснинг унга маълум қилишича, йигирманчи-ўттизинчи йилларда рингда Жо Агоса номи остида чиқадиган ва Бостоннинг барно йигити деб ном олган, кейин эса Томас Жордах уларда ишлаб юрганида спорт клубида мураббийлик қилган ўша Доминик Жозеф Агостино ҳали тирик экан ва илгариги жойида ишларкан.

Том Жордах Уэслига Доминик мен билан хушмуомала деганди, отасини клуб хонасида ўғирлик қилганликда айблашганда Доминик уни ишдан ҳайдамаган, хаттоки уни ҳаваскорлар рингида бокс тушишга ундаган эди. Шу боисдан, дерди Томас ўғлига, бокс билан шуғуллаганидан сира афсус чекмасди, хатто охири бориб-бориб шу туфайли дайдига айланиб кетгани ҳам парвосига келмасди. “Мен боксдан жуда-жуда хузурланардим, – дерди Томас ўғлига. – Боз устига бунинг учун пул ҳам беришарди. Ҳар ҳолда, дастлабки вақтларда. Отасининг гапига кўра, Доминикнинг бир ажойиб фазилати бор эди. Клубнинг у бокс тушадиган аъзолари билан бирон хонанинг оқсочи каби ширин муомалада бўлар эди. У ҳар доим уларни мақтар эди, уларда ҳаммаси яхши чиқаётганини, у санъат деб улуғлайдиган укувлари қандай ўсаётганини тушунтириб берарди. Айни дамда у дилдаги ниятини – қадимги клубнинг барча аъзолари, ҳашаматли хоналари ва кўхна Бостон зодагонларининг мойбўёқда ишланган портретлари – ҳамма-ҳаммасининг кулини кўкка совуриш хоҳишини сездирмасликни улдасидан чиқмоқда эди.

“Ўзини тута биладиган одам деб буни айтса бўлади, – дерди Томас тантанавор оҳангда, – у менга ҳам кўп нарсаларни ўргатди”.

Уэсли Ла Гардия тайёрагоҳидан Бостонга бориб қайтиш чиптасини олди – бориш-келишга ўттиз олти доллар, унга пул қарз берар экан, Элис ҳисобдан адашмаётганини текшириш учун у юритаётган ён дафтарчага шунини ёздириб қўйди. Агар у билан ёнма-ён ўтирган бир собиқ парашютчи бўлмаганида, парвоз жуда ёқимли ўтар эди. Тайёрагоҳдаги самолёт учини йўлига чиққанида унинг юзидан шов-шов тер оқа бошлаганди, азбаройи панжаларини қаттиқ сиққандан тирноқлари кафтига чуқур ботганди, улар ҳавога кўтарилганда, парашютчи Уэслига тинчлик бермади-бермади:

– Чап двигателнинг овозига кулоқ тутинг-а. Бу овоз менга ёқмаяпти, сўзсиз кулаб тушамиз, анави кабинада ўтирганларнинг эса парволари фалак.

Бирон нарса ҳақида қанча кўп билсанг, ўйлади Уэсли, бундан шунча кам лаззат оласан.

Самолёт кулаб тушмади ва у ерга кўниши биланоқ собиқ парашютчи терлашдан тўхтади, улар самолётдан чиққач эса бошқа йўловчилар қандай ҳолда бўлса, бу ҳам ўшандай кўринарди.

(Давоми келгуси сонда)



О, ТАНГРИМ, АЗОБИНГ УЧУН СЕНГА ҲАМД

Француз мумтоз шоири Шарл Бодлернинг
“Ёвузлик гуллари” китобидан намуналар¹.

Француз тилидан
Абдувоҳид ҲАЙИТ
таржимаси

ЎҚУВЧИГА

Гумроҳлик, баднафслик, гуноҳу хато,
Онгимиз забт этган, ўртар танамиз.
Виждон азобини битдек боқамиз,
Тиланчи қуртига бўлгандек гизо.

Тавбамиз заифдир, гуноҳлар саркаш,
Тўловлар тўлаб биз айбларга иқрор
Ва шодон наҳс йўлга кираркан такрор
Аминмиз ювар деб доғларни кўзёи.

Бош қўйсак ёвузлик ёстиги узра
Онгимиз аллалар ул Ҳермес – Шайтон,
Ирода маъданин эритиб чунон
Бугга айлантирар – кимёгар уста.

Кўгирчоқдек бизни бошқарар Иблис,
Нажасни кўрсатгай бизга у чаман.
Ҳар кун жаҳаннамга қараб бир қадам
Қуярмиз бадбўй тун аро қўрқувсиз.

Сўлгин фоҳишанинг сўлгин сийнасин
Тановул этгандек йўқсил зинокор
Хуфиёна лаззатга кўнгил беқарор,
Шаймиз бир норанждай сиқмоқлик учун.

Миямизда миллион қурт-қумурсқалар –
Иблис қавми гужгон ўйнар базм этиб.
Ҳар нафас Ажалнинг мавжлари этиб,
Домига тортади чун қасирғалар.

¹ Таржима, шарҳ ва аслият.

Ночор қисматимиз матосига гар
 Ҳали зўрлаш, ёқиш, заҳарлаш, ханжар
 Солмаган бўлса ўз нақшини агар
 Демак, журъатимиз етмас бир қадар.

Бироқ шу шоқоллар, қоплону итлар
 Маймунлар, чаёнлар, қузгун, илонлар
 Ўрмаловчи, наъра тортгувчи жондор –
 Иллатлар ҳайвонхонаси ичра бор. –

Бир махлуқ – энг жирканч, энг қабиҳ, манфур
 Унда бор на гайрат, на шавқ, шижоат,
 У қобил заминни этмоққа горат,
 Дунёни эслабон ютишига қодир. –

Бу махлуқ – Зерикши! Кўзи тўла мунг,
 Оғзида чилими, орзуси – сиртмоқ,
 Ўқувчи, сенга ҳам таниш у мутлоқ,
 – Эй, мендек мунофиқ ўқувчи, уним!

ШАРҲ

Шарл Бодлернинг ушбу шеъри унинг “Ёзувлик гуллари” (“Les fleurs du mal”) китобининг муқаддимаси, кейинги баъзи нашрларда бу шеър “Муқаддима” (“Préface”) деб ҳам номланган. Хўш, нега шоир тўпламга киритилган шеърларини – “ёвузлик гуллари” деб атаган? Бу исмдаги французча “mal” фақат “ёвузлик” эмас, “оғрик”, “азоб”, “ёмонлик” каби маъноларни ҳам билдиради. Арузда кўп маъноли сўзнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънолари кўзда тутилган ҳолда қўлланишига – “ийҳом санъати” дейилади. Шу каби Бодлер ҳам ўз китобини “Les fleurs du mal” деб номлар экан, менимча, “mal”нинг “азоб”, “оғрик” каби маъноларини ҳам кўзда тутган. Яъни, унинг шеърлари ёвузлик, оғрик, азоблардан ўсиб чиққан гуллар, туйғулар, у англаган ҳақиқатлардир.

*“Гумроҳлик, баднафслик, гуноҳу хато,
 Онгимиз забт этган, ўртар танамиз”.*

*(“La sottise, l’erreur, le péché, la lésine
 Occupent nos esprits et travaillent nos corps”).*

Шеърнинг биринчи сатри жамиятда урчиган иллатларни зикр этиш билан бошланади. Улар онгимизни бутунлай забт этган, танамизни эговлайди. Айни пайтда, бу иллатлар билан биз виждон азобини озиқлантирамыз, яъни қаердадир бундан виждонимиз ҳам қийналади, бу худди ўта қашшоқ тиланчининг танасидаги куртларини “боққанига” ўхшайди, дейди шоир (“Et nous alimentons nos aimables remords, Comme les mendiants nourrissent leur vermine”). Бошқачароқ айтганда, онгимизни иллатлар бутунлай забт этган, иккинчи томондан, бундан виждон ҳам қийналади.

Кейинги банд: “гуноҳларимиз ўжар ва қайсар, аммо тавбаларимиз ўта мўрт. Гуноҳларимизга иқрор бўлиб, сахийларча тўловлар тўлаймиз, аммо яна шодон кинғир йўлга кириб, бу доғларни кабиҳ кўз ёшларимиз ювиб кетади, деб ишонамиз”.

(Бу ерда насронийларнинг ибодатхонага бориб “гуноҳларини ювиши” удумига ҳам ишора бордай туюлади менга.) Бодлерни чуқурроқ тушуниш учун ўша давр воқелигига шоир кўзи билан қараш ҳам муҳим. XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция халқи икки инқилобни (1830, 1848) бошидан кечирган эди. Капитализм, индустриализация, ишлаб чиқариш биринчи планга чиққан бу даврда адабиёт, санъат аҳли вакилларининг бу жамиятда ўз ўринларини топишлари бир қадар қийинлашди. Фандаги ютуқлар инқилобий ўзгаришларга олиб келди, диний ақидалар, шу билан бирга, ахлоқ тушунчаси кучсизланди. Оила боқувчилари асосан эркаклар эди. Боқувчисиз аёллар турли тирикчилик йўллари танлашга мажбур эдилар. Буларнинг ҳаммаси жамиятда фоҳишабозлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Хуллас, “Европада бир шарпа кезиб юрган” давр эди.

Бундан ташқари, Бодлер ижодига кучли таъсир этган ички бир омил ҳам борки, уни бирламчи дейиш мумкин: 6 ёшида отаси вафот этгач, шоирнинг онаси иккинчи турмушга чиқади ва бу мурғак Шарл томонидан мархум отаси ва ўзига нисбатан кечириб бўлмас хиёнат, иккиюзламачилик сифатида қабул қилинади ва гарчи онаси ва ўгай ота унга нисбатан меҳрибон бўлишса-да, бир умр онасини кечирмайди. Шоир бир умр ана шу тамға билан яшайди ва воқеликни ана шу тамға призмаси орқали қабул қилади. Шу боис юқоридаги сатрларда гуноҳда собит, тавбаси заиф, тўловлар тўлаб, яна кинғир йўлга кириш ҳолатини мунофиклик, иккиюзламачилик сифатида мушоҳада этади. Шеърнинг давомини ўқиймиз:

*“Бош қўйсақ ёвузлик ёстиғи узра
Онгимиз аллалар ул Ҳермес – Шайтон,
Ирода маъданин эритиб чунон
Бугга айлантирар – кимёгар уста”.*

Унда “ёвузлик ёстиғи” (“l’oreiller du mal”), “Ҳермес – Шайтон” (“Satan Trismégiste”), “кимёгар олим” (“savant chimiste”) каби иборалар ишлатилган. Яъни, “уч қарра Улуғ” (“Trismégiste” – Ҳермеснинг сифати) Шайтон ёвузлик ёстиғи узра (бош қўйиб мудраётган) жодуланган ақлимизга узундан-узун алла айтмоқда”. Бу каби манзара, яъни ёстикка бош қўйиб мудраётган шахс боши устидаги Шайтон тасвирини Ғарбнинг мумтоз расомлари асарларида ҳам учратиш мумкин. Аммо бу ерда оддий Шайтон эмас, Бодлер Шайтонни Ҳермес Трисмегист (Hermès Trismégiste) рамзи орқали беряпти. Гап шундаки, қадимги юнонларнинг Худоси Ҳермес (римликларда: Меркурий) ал-кимё, сеҳр-жоду, илми нужум каби илмларнинг отаси ҳисобланган. Ал-кимё кейинчалик асосан Ислом оламида ривожланиб, алкимёгарларнинг олдиларига қўйган асосий мақсадлари: мис ва бошқа маъданларни энг олий навли маъдан – олтинга айлантиришдан иборат бўлган. Ислом олами алкимёгарлари, хусусан, “иксири аъзам” деган маъдан воситасида бунга эришиш мумкин деб ўйлаганлар. Ўрта асрларда бу тасаввурлар яна Ғарбга қайтиб, давом эттирилади. Ғарбда

бу илмларнинг асосчиси Ҳермес ва у Иблис орқали бу илмларни қўлга киритган, деган тасаввур бўлган. Яъни, шеърда Шайтон ал-кимё отаси Ҳермесга ўхшатиляпти. Бироқ кимёгар мисни олтинга айлантурса, Шайтон, аксинча, инсон фитрати олий маъдани бўлмиш – иродани (“volonté”) буғга айлантириб (“vaporigé”) қўкка совуради. Ирода устун қўлагандан кейин эса:

*“Қўғирчоқдек бизни бошқарар Иблис,
Нажасни кўрсатгай бизга у чаман.
Ҳар кун жаҳаннамга қараб бир қадам
Қуярмиз бадбўй тун аро кўрқувсиз”.*

Бодлер шеърларида мажоз (аллегория, киноя), ўхшатишлардан кенг фойдаланган. Шунингдек, у Ғарб мумтоз шеърлятида ўзигача шаклланган диний истилоҳлар, хусусан, Яратган, Иблис исмларини ушбу шеърда ҳам кўп ишлатади. Бироқ у уларни дин ёки бирор диний-фалсафий оқимни тарғиб этиш учун эмас, балки адабиёт ва санъатда ўзигача шаклланган бадий воситалар сифатида қўллайди. Бодлер “Санъат – санъат учун” деган қараш вакили эди. Шу боис Бодлер учун ниманидир тарғиб этиш эмас, балки ҳақиқий санъат асари яратиш бош мақсад бўлган, барча истилоҳу, рамзлар бунинг учун бир восита эди, холос. Шеърда у “биз” деб гапиради, бу билан у тилга олинган иллатлардан ўзи ҳам холи эмаслигини, аввало бу ўзининг истифори эканлигини таъкидлайди. Шеърнинг давомини ўқиймиз:

*“Сўлгин фоҳишанинг сўлгин сийнасин
Тановул этгандек йўқсил зинокор
Хуфиёна лаззатга кўнгил беқарор,
Шаймиз бир норанждай сиқмоқлик учун”.*

Яъни, “камбағал зинокор кўхна фоҳишанинг (“antique catin”) сўлгин сийнасини ўпиб, тановул этгани (“qui baise et mange”) каби биз йўл-йўлакай хуфиёна лаззатдан баҳраманд бўлиб, эскирган норанжнинг (“vieille orange”) сувини сиққандай сиқишга тайёрмиз”. Бу воқеликнинг яланғоч тасвири, реализм дейиш ҳам мумкин. Бундан олдинги бандда шоир “Иблис бизга нажасни чаман қилиб кўрсатади”, деган эди, бу эса шунга келтирилган далил.

1857 йили “Ёвузлик гуллари” китоби илк бор нашр этилгач, Франция Ички ишлар вазири тўпламдан олтига шеърни ахлоққа зид, деб олиб ташлашни талаб қилади. Бироқ шоирнинг мақсади ахлоқсизлик ёки ахлоқни тарғиб этиш эмас, балки воқеликни қандай бўлса шундай кўрсатиш, ҳақиқат юзига тик қараш. Воқеликни мушоҳада этар экан, ҳамма нарсада у мунофиқлик, яъни иккиюзламачиликни кўради, воқелик унинг тасвирида бемаънилик, мантиксизлик, абсурдга айланиб бораверади.

Навбатдаги бандда шоир ташқаридаги иллатлар илдизи аслида ичкарида, онгимизда эканлигини айтади:

*“Миямизда миллион қурт-қумурсқалар –
Иблис қавми гужсон ўйнар базм этиб.*

*Ҳар нафас Ажалнинг мавжлари етиб,
Домига тортади чун қасиргалар”.*

(Сўзма-сўз: “Миямизда миллион курт-кумурсақлардек носоғлом фикрлар ўрнашиб олиб, улар Иблис кавми сингари қий-чув кўтариб базм қилади. Ҳар нафас олганимизда ўпкамизга бўғиқ нолиш билан Ажал кириб кўзга кўринмас бир дарёдек домига тортади”.) Кейинги банд:

*“Ночор қисматимиз матосига гар
Ҳали зўрлаш, олов, заҳарлаш, ханжар
Солмаган бўлса ўз нақшини агар
Демак журъатимиз етмас бир қадар”.*

Бу ерда “аянчли қисмат” кашта тикиладиган “бўз мато”га (“le canevas banal”) ўхшатишган. Шоир айтмоқчики, агар ўша матога зўрлаш (хусусан, жинсий зўрлаш ҳам), заҳарлаш, ўтда ёкиш, ханжар санчиш каби қилмишлар ҳали ўз нақшини солмаган бўлса, бу фақат бизнинг бироз журъатсизлигимиздан, (аслида, уларнинг ҳаммаси фитратимизда бор).

Кейинги икки бандда иллатлар жирканч ҳайвонотхонада (“la ménagerie infâme de nos vices”) яшовчи ҳайвонларга ўхшатилади. Лекин бу ҳайвонлар ичида бир “нозик махлуқ” (“monstre délicat”) бор. У на шовкин солади, на бирор ҳаракат учун жаҳд қилади. Бу ҳайвоннинг исми – Зерикиш (“l’Ennui”). У шундай махлуқки, заминни иштиёқ билан ахлатга тўлдиришга мойил, эснаб туриб дунёни ямламай ютишга қодир. У эшафотни (ўлимни) орзу қилади, оғзида чилими (“Il rêve d’échafauds en fumant son houka”):

*Бу махлуқ – Зерикиш! Кўзи тўла мунг,
Оғзида чилими, орзуси – сиртмоқ,
Ўқувчи, сенга ҳам таниш у мутлоқ,
– Эй мендек мунофиқ ўқувчи, иним.*

Шоирга кўра, барча иллатлар ичида энг хунуги – бу зерикиш, унинг кўзлари ёшга тўла, ўлимни орзу қилади. Бу мантиксизликдан зерикиш, дунёдан маъно тополмасликдан зерикиш. Ниҳоят, сўнгги сатрларда шоир ўқувчига муружаат қилади:

*“Tu le connais, lecteur, ce monstre délicat,
– Hypocrite lecteur, – mon semblable, – mon frère!”*

(Сўзма-сўз:) “Ўқувчи, сен бу нозик махлуқни (зерикишни) яхши танийсан, – мунофиқ ўқувчи – менга ўхшаган, – эй, менинг иним”. Яъни шоир ўқувчини “мунофиқ” деб атайди, ортидан “менга ўхшаган” деб кўшиб кўяди, бу билан шоир ўқувчига бу мантиксиз дунёда сен ҳам менга ўхшаб зерикишни яхши танийсан, сен ҳам мен каби бу иллатлардан холи эмассан, сен ҳам мен каби мунофиксан, демокчи бўлган.

АСЛИЯТ:

AU LECTEUR

*La sottise, l'erreur, le péché, la lésine,
Occupent nos esprits et travaillent nos corps,
Et nous alimentons nos aimables remords,
Comme les mendiants nourrissent leur vermine.*

*Nos péchés sont têtus, nos repentirs sont lâches;
Nous nous faisons payer grassement nos aveux,
Et nous rentrons gaiement dans le chemin bourbeux,
Croyant par de vils pleurs laver toutes nos taches.*

*Sur l'oreiller du mal c'est Satan Trismégiste
Qui berce longuement notre esprit enchanté,
Et le riche métal de notre volonté
Est tout vaporisé par ce savant chimiste.*

*C'est le Diable qui tient les fils qui nous remuent !
Aux objets répugnants nous trouvons des appas;
Chaque jour vers l'Enfer nous descendons d'un pas,
Sans horreur, à travers des ténèbres qui puent.*

*Ainsi qu'un débauché pauvre qui baise et mange
Le sein martyrisé d'une antique catin,
Nous volons au passage un plaisir clandestin
Que nous pressons bien fort comme une vieille orange.*

*Dans nos cerveaux malsains, comme un million d'helminthes,
Grouille, chante et ripaille un peuple de Démons,
Et, quand nous respirons, la Mort dans nos poumons
S'engouffre, comme un fleuve, avec de sourdes plaintes.*

*Si le viol, le poison, le poignard, l'incendie
N'ont pas encore brodé de leurs plaisants dessins
Le canevas banal de nos piteux destins,
C'est que notre âme, hélas ! n'est pas assez hardie.*

*Mais parmi les chacals, les panthères, les lices,
Les singes, les scorpions, les vautours, les serpents,
Les monstres glapissants, hurlants, grognants, rampants
Dans la ménagerie infâme de nos vices*

*Il en est un plus laid, plus méchant, plus immonde !
Quoiqu'il ne pousse ni grands gestes ni grands cris,
Il ferait volontiers de la terre un débris
Et dans un bâillement avalerait le monde ;*

*C'est l'Ennui ! – l'oeil chargé d'un pleur involontaire,
Il rêve d'échafauds en fumant son houka.
Tu le connais, lecteur, ce monstre délicat,
– Hypocrite lecteur, – mon semblable, – mon frère!*

ИККИНЧИ ТАРЖИМА

“ЁВУЗЛИК ГУЛЛАРИ”

Биринчи бўлим: **ТУШКУНЛИК ВА ИДЕАЛ**

I. ШУКРОНА

*Қачонки низоми ила Тангрининг
Келганда шоир бу файзсиз дунёга
Шаккок сўзлар билан онаси унинг
Муштумин тугиб арз қилди Худога:*

*– Оҳ, бу касофатни боққандан кўра,
Тугсам бўлмасмиди заҳарли илон!
Лаънат ўша тунги оний лаззатга
Сийлаган мени шу ҳомила билан!*

*Аёллар ичидан танладинг мени,
Ношод эри ундан жиркансин, дебон,
Итқита билмасман бу зумрашани
Ишқий мактуб каби ўтга беомон.*

*Мени банди этган нафратинг йўллай
Қаҳрингинг лаънати асбоби узра
Яъни, бу ниҳолни шундай эзгилай
Чиқара билмасин куртак ҳам сира!*

*Англамай қисматга не битмиш Қадар
Нафрати кўпигин ютар у пургам –
Жинойткор она учун ҳозирлар
Жаҳаннам тубида абадий гулхан.*

*Ўқситилган гўдак ризқини албат
Қуёш берар, бошин силар малаклар.
Не ичса, туюлар унга бол, шарбат,
Не еса, жаннатий лаззат у топар.*

*Шамол-ла ўйнар у, булут – суҳбатдош,
Қуйлаб Хоч йўлига қўяркан қадам,
Зиёратда ҳамроҳ Рухуллоҳ кўзёш
Тўкар кўриб уни қушдай ҳур, шодон.*

У севган эл унга ҳадик-ла боқар,
Лек уни кўришса беозор, сокин,
Изларлар, қани, ким унга тош отар,
Синайдилар унда ваҳшийликларин.

Тупуриб, булгарлар улар сепиб кул –
Оғзидаги ризқи – нону шаробга,
У не тутса – топтар мунофиқ бу эл,
Ким унга эргашса, солар азобга.

Оламга жар солар унинг хотини:
“Бўлсин деб у ҳусним асири мудом
Кўҳна маъбудларнинг тутай касбини,
Улардек ўзимга берай зеб, оро;

Мушқу анбар, эту шароб этиб нўш,
Уни тиз чўктириб айласам тутқун,
Қалбини илоҳий завқдан этиб бўш,
Ошиқ бу юракни забт этсам бутқул.

Зериксам куфрона бу эрмаклардан
Нозик қўлларимни эғнига қўйиб,
Ҳарпияникидек тирноқларим-ла
Қалбигача кира билурман ўйиб.

Қушчадай кўксидан потирлаб турган
Қип-қизил юрагин олурман ёриб.
Ва нафсим итини этишчун хурсанд
Олдига отурман тупроққа қориб!”

Муҳташам Тахт кўкда кўриб кўзлари –
Шоир қўлларин ҳам чўзар кўк томон,
Ёвуз эл юзида газаб изларин
Соф ақли ёғдуси этади ниҳон:

– “О, Тангрим, азобинг учун сенга ҳамд,
Нопок қалбимизчун илоҳий малҳам,
У асли энг афзал, энг тоза неъмат,
Мардларга валоят этгувчи инъом!

Билурман, Шоирга жой этдинг тайин –
Валийлар сафидан ўрин олгай у,
Фаришталар хайли силсиласининг
Илоҳий базмида мангу қолгай у.

Билурман, азобинг – олий бир мақом,
Унда на йиқилиши, дўзах хавфи бор.
Тиканли гулчамбар – тожим – у билан
Безай – то бошда тож бўлсин барқарор”.

Кўҳна Палмиранинг бор ганжи бироқ,
 Ёқуту забаржад, дуру гавҳари
 Азоб-ла безалган бу тожга – порлоқ –
 Тенглаша олурму уларнинг бари.

Зеро, у ясалган азалий нурнинг
 Муқаддас ўчоги ёғдуларидан,
 Ки башар кўзлари хира ва нурсиз
 Бир ойна кабидир унинг олдида.

ШАРХ

Мазкур шеър таҳлилига ўтишдан олдин “Тушкунлик ва идеал” бўлими ҳақида тўхталмоқчиман. “Ёвузлик гуллари” китоби ўзига хос қурилишга эга. Бодлер учун рақамлар ҳам мистик аҳамиятга эга бўлган, шу боис ҳар бир шеър рим рақамлари билан рақамлаб чиқилган, 1857 йилги илк нашрда китобга шоир (муқаддимадан ташқари) роппа-роса 100 та шеър киритган (100 – бу шоир наздида тугаллик рамзи). “Ёвузлик гуллари”ни шунчаки шеърлар тўплами эмас, шоир илгари сурган ягона ғоя турли қирраларини очиб берувчи шеърлардан иборат яхлит асар, десак тўғрироқ бўлади. Китоб муқаддима, олти бўлимдан иборат, биринчи бўлим: “Spleen et idéal”, яъни “Тушкунлик ва идеал” деб номланади.

Аввало “spleen” ҳақида: бу сўз аслида французча эмас, инглизча бўлиб, биринчи маъноси – “қора ўт” ёки “талок”; иккинчи маъноси – “чуқур руҳий тушкунлик”, “меланхолия”. Чуқурроқ тадқиқ этилса, бу сўз аслида инглизча ҳам эмас, юнонча эканлиги ва эраимиздан олдин яшаб ўтган тиббиёт отаси Ҳиппократ уни қўллагани аён бўлади. Ҳиппократга кўра, ошқозон остида жойлашган бу аъзо ўзидан қора ўт, яъни қора суюқлик (савдо – тўрт хилдан бири) ишлаб чиқаради. Агар талок ҳаддан ташқари кўп суюқлик чиқарса, бу киши кайфиятига таъсир қилади ва чуқур руҳий тушкунлик, меланхолияга сабаб бўлади (Ҳозирги медицина қора ўт ва тушкунлик ўртасидаги боғлиқликни рад этади). Ҳиппократ асарларини таржима қилиш орқали бу тушунча Шарққа ҳам ўтган. Ибн Сино ва бошқа алломалар бу аъзо ва суюқликни арабча сўз билан “савдо” деб аташган. Арабча “савдо” (музаккар “асвад”) сўзи – “қора” деган маъно билдириб, қора ўт ва ундан ажраладиган суюқлик ҳам “савдо” (ءادوس) дейилган. Шунингдек, Ҳиппократнинг инсон кайфияти ҳақидаги назариясига кўра, “тушкунлик”, “меланхолия” ҳам ўтмишда “савдо” дейилган. “Савдо” – “сувайдо” (ءاديووس) шаклида ҳам ишлатилган ва “сувайдо” ҳам луғатда “қора ўт”, “меланхолия” маъноларини билдиради (Аммо бу сўзнинг “сотув” маъносидаги форсча “савдо”га алоқаси йўқ, улар шаклдош, холос). Машраб ёзади:

*“Тушди савдойи муҳаббат бошима,
 Ор этар мардум келурга қошима”.*

Жуда қаттиқ тушкунлик, депрессияга тушган кишига нисбатан “савдойи”, дейилади. Хуллас, бодлерона “spleen” ва тилимиздаги “савдо” аслида бир ўзакдан ўсиб чиққан ва бир маънога эга сўзлардир. Шу боис “spleen”ни ўзбекчага “савдо” деб ўгирса, аслиятга айнан мос

бўлар эди. Бироқ “савдо” бироз архаиклашгани боис, бугунги ўқувчига тушунарлироқ бўлиши учун, биз “spleen” ўрнида соф ўзбекча “тушкунлик” сўзини қўллаймиз.

“Идеал” (“idéal”) сўзи, маълумки, “идея” (яъни “ғоя”) ўзагидан ясалган. Қадимги юнон файласуфи Афлотунга кўра, бу дунё ҳақиқий дунё бўлмиш – “ғоялар олами”нинг акси, тажаллийсидир. Аслида, тасаввуфдаги ваҳдатул-вужуд таълимоти замирида ҳам, мутахассисларга кўра, Афлотуннинг издоши Плотин бир тизимга солган неоплатонизм таълимоти ғоялари ётади. Кўпгина қадимги ботиний (эзотерик) таълимотларга кўра, аввал “ғоя” (“logos”) мавжуд эди. Тасаввуфда ҳам Қуръони Каримнинг “Ё Син” сураси 82-оятига асосан Аллоҳ ниманики яратишни ирода этса, “бўл” деб айтиши ва унинг яралиши (“кун фа йакун” – “نَوْكَيْفَ نَكْ”), аввал “амр олами” мавжудлиги айтилади. “Амр олами” эса Афлотуннинг “ғоялар олами”га мувофиқ келади. Шунга кўра, Бодлер мистикасини тасаввуф билан ҳам солиштириб кўриш мумкин. Яъни, Бодлердаги “spleen” – “савдо”, “савдойилик”, “чуқур тушкунлик” тасаввуфдаги “жунун”га яқин, “idéal” – “ҳақиқат”. Бодлерда ҳам “идеал”га элтувчи восита – ишқ ва ҳоказо.

Асарда “Тушкунлик ва идеал” бўлими муҳим аҳамиятга эга, у китобнинг ҳажман учдан икки қисмини ташкил этади. Бу борадаги мулоҳазаларимизни кейинги шарҳларда ҳам давом эттираемиз. Энди эса мазкур бўлимдаги биринчи рақамли шеър – “Шукрона” (“Bénédictio”) таҳлилига ўтамиз (Ундан олдинги “Ўқувчига” (“Au lecteur”) шеъри муқаддима ўрнида бўлиб, рақамланмаган).

Шеърнинг қофияланиши: АБАБ, ВГВГ ва ҳоказо. (“Ўқувчига” шеъри қофияланиши: АББА, ВГТВ ...). Тўғри, кейинги даврларда француз шеърини қофиядан воз кечган, аммо Бодлергача шеърятда қофия, ҳижо, бадийлик санъатларига риоя қилинган.

*“Қачонки низоми ила Тангрининг
Келганда шоир бу файзсиз дунёга
Шаккок сўзлар билан онаси унинг
Муштумин тугиб арз қилди Худога”.*

Шеър қаҳрамони – Шоир. Биринчи сатрдаёқ унинг бу дунёга Яратганининг низоми билан (“par un décret des puissances suprêmes”) келганлиги таъкидланяпти. Яъни, унинг туғилиши ота ёки онасининг эмас, Яратганининг иродаси, режаси. Бироқ она ана шу қазойи илоҳийга шак келтиряпти. Бодлер онанинг Худога қарата айтган сўзларини – “шаккок сўзлар” (“blasphèmes”) деб атайти.

*– “Оҳ, бу касофатни боққандан кўра,
Тугсам бўлмасмиди заҳарли илон!
Лаънат ўша тунги оний лаззатга
Сийлаган мени шу ҳомила билан!”*

*Аёллар ичидан танладинг мени,
Ношод эри ундан жиркансин, дебон,
Итқита билмасман бу зумрашани
Ишқий мактуб каби ўтга беомон.*

*Мени банди этган нафратинг йўллай
 Қаҳрингнинг лаънати асбоби узра
 Яъни, бу ниҳолни шундай эзгилай
 Чиқара билмасин куртак ҳам сира!”*

Она ўз фарзандини “Яратган иродаси” эмас, “тунги оний лаззат” учун берилган жазо сифатида қабул қилади (“Maudite soit la nuit aux plaisirs éphémères Où mon ventre a conçu mon expiation”). Онанинг сўзларидан фарзанд туғилишидан унинг эри, яъни ота ҳам хурсанд эмасдай. Фарзандни ишқий мактуб (“un billet d’amour”) каби ўтга ташлашга ҳам журъат этолмайди. Айни пайтда, она бу ҳолати учун Яратган нафратини ҳам сезиб турибди, бироқ уни Яратганнинг нафрати эмас, эрининг ундан жирканиши кўпроқ ташвишга солади (“Pour être le dégoût de mon triste mari”). Агар фарзанд – унга берилган жазо, Яратганнинг қаҳри бўлса, Яратганнинг нафратини она Унинг қаҳри устига йўлламоқчи, яъни боладан воз кечмоқчи, уни бир ниҳолдай эзгилаб, куртак чиқаришига ҳам монелик қилмоқчи (“Qu’il ne poussa pousser ses boutons empestés!”).

Юқорида биз “Ёвузлик гуллари” яхлит бир асар эканлигини айтдик, шунга кўра, муқаддима бўлмиш “Ўқувчига” шеърида Бодлер иллатлар, зерикаш, бу дунёнинг мунофиқлиги ҳақида сўзласа, биринчи рақамли шеър – “Шукрона” шоирнинг туғилиши билан бошланади, яъни шоир шундай иллатларга кўмилган дунёга келди.

Шеърдаги она образининг яратилишида Бодлернинг ўз онаси билан муносабати ҳам қисман туртки бўлган бўлиши мумкин. Кўпроқ муҳтожлик сабаб шоирнинг ёш онаси илк бор турмушга чиққанида унинг отаси 60 ёшдан ошган эди. Шоир 6 ёшга кирганда отаси вафот этди. Бир йилдан кейин она генерал Ўпик (Aurick)ка иккинчи турмушга чиқди ва ҳақиқий муҳаббатини иккинчи турмушидан топди, унгача отадан етим қолган ўғилни бокиш ёлғиз она зиммасида эди. Эҳтимол, шу оғир паллада гўдакнинг ўксик қалбини ранжитган ҳодисалар бўлган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, табиатан таъсирчан шоирнинг гўдак қалби кичик нарсаларни ҳам ўшанда муболаға билан қабул қилган бўлиши табиий. Шеърнинг давомини ўқиймиз:

*“Англамай қисматга не битмиш Қадар
 Нафрати кўпигин ютар у нурғам –
 Жинояткор она учун ҳозирлар
 Жаҳаннам тубида абадий гулхан”.*

Мазкур бандда мистик оҳанг янада кучаяди, она образи шеърда “қазойи Қадарда битилган ёзувни тушунмайдиган” (“ne comprenant pas les desseins éternels”), худбинлик, нафс ботқоғига ботиб, қалби нафратга тўлган шахс рамзи. У бу билан жинояткор она, яъни ўзи учун Жаҳаннам тубида (“au fond de la Géhenne”) абадий гулхан ҳозирламоқда, деб ҳукм чиқаради шоир.

Лекин она барибир Яратган ҳукмини ўзгартиролмайди, яъни “ниҳолни эзгилаб” ташлолмайди:

*“Ўқситилган гўдак ризқини албат
Қуёш берар, бошин силар малаклар.
Не ичса, туюлар унга бол, шарбат,
Не еса, жаннатий лаззат у топар”.*

Гўдакка “кўринмас бир фаришта ғамхўрлик қилади” (“sous la tutelle invisible d’un Ange”), у Қуёшдан озикланади. Кейинги икки мисрада, аслиятда: “у нимаки ичса ёки нимаки еса, Олимп ўлмас худолари емак ва ичимликлари бўлмиш – амброзия ва нектар мазасини топади”, дейилган (Et dans tout ce qu’il boit et dans tout ce qu’il mange Retrouve l’ambroisie et le nectar vermeil).

*“Шамол-ла ўйнар у, булут – суҳбатдош,
Куйлаб Хоч йўлига қўяркан қадам,
Зиёратда ҳамроҳ Рухуллоҳ кўзёш
Тўкар кўриб уни қушдай ҳур, шодон”.*

Ушбу банд аслиятида: “хоч йўли” (“chemin de la croix”), “Рух” (“l’Esprit”), “зиёрат”, яъни “католик насронийларининг ҳаж сафари” (“pèlerinage”) каби диний иборалар ишлатилган ва мазкур бандни англаш учун уларни тушуниш муҳим. Католик насронийлари акидасига кўра, “хоч йўли” (“chemin de la croix”) деганда Исо алайҳиссаломнинг ўлими олдидан ўзи чормих этиладиган хочни ўз елкасида қатл майдонигача кўтариб ўтган йўл, масофа кўзда тутилади. Унинг бошига тиканли гулчамбар такиб қўйилади, йўл-йўлакай у уч марта йиқилади, бу ҳақда қуйида яна тўхталамиз. Исом оламида Исо а.с.ни “масих”, “рухуллоҳ” ҳам дейишади. Насронийлар учун Исо а.с.нинг ўлими олдидан бир ҳафта, етти кун давомида чексиз азобларга дучор этилиши – “Исо мусибатлари” (“Passion du Christ”, русча: “Страсти Христовы”) деб номланиб, насронийлар ўзларининг ҳаж сафарларида Қуддусдаги мазкур воқеалар содир этилган жойларни зиёрат қилишади. Шеърда ҳам ана шу воқеаларга ишора этиляпти. Шоир гўдак қалби бокиралигини кўрсатиш учун “у шамол билан ўйнайди, булут билан сўзлашади” каби тасвирлардан фойдаланади. “Хоч йўли” – бу мислсиз мусибат тимсоли. Гўдак қаршисида “хоч йўли”, яъни мислсиз мусибатлар йўли турибди. Ҳали дунёнинг иллатларини қалбига юқтирмаган, уни қандай азоблар кутаётганидан беҳабар гўдак шўх-шодон, куйлаб ана шу “хоч йўли” – мусибатлар йўлига илк қадамларини қўймоқда. Шоир гўдакнинг бу ҳолатини Исо алайҳиссаломнинг “хоч йўлига кириш” арафасидаги ҳолатига ўхшатапти. “Зиёрат” ҳам рамзий маънода, яъни Исо алайҳиссалом азобланган қадамжойларни зиёрат этиш эмас, балки ўша азобларнинг ўзини қайта бошдан кечириш, бевосита Исо мусибатларини зиёрат этиш. Бу зиёратда уни Рухуллоҳ (“l’Esprit”), насронийлар наздида Худо – Исо алайҳиссаломнинг ўзи кузатиб турибди, мусибатлар йўлига кираётган гўдакнинг ўрмон қушидай (“comme un oiseau des bois”) ҳур, хурсандлигини кўриб Рухуллоҳ ҳатто кўзига ёш олади (“pleure de le voir gai”).

Навбатдаги банд:

*“У севган эл унга ҳадик-ла боқар,
Лек уни кўришса беозор, сокин,*

*Изларлар, қани, ким унга тош отар,
Синайдилар унда ваҳшийликларин”.*

У ҳаммани севишга тайёр, аммо одамлар унга хадик, кўрқув билан қарашади, уни беозор, сокин кўришса, унга тухмат қилувчи одам кидиришади, ваҳшийликларини унда синаб кўришади. Бу манзара Исо а.с.нинг яхудийлар томонидан хурланиши тамсилдир.

*“Тупуриб, булгарлар улар сепиб кул –
Оғзидаги ризқи – нону шаробга,
У не тутса – топтар мунофиқ бу эл,
Ким унга эргашса, солар азобга”.*

Нон ва шароб (“le pain et le vin”), насронийларга кўра, Исо алайхиссалом чормих қилинишидан олдин истеъмол қилган охирги емак (Шу боис насронийларнинг диний маросимларида нон ва шароб истеъмол қилинади). Кўриниб турибдики, Бодлер ўз лирик қахрамони – Шоирни Исо алайхиссалом тимсолида яратишга ҳаракат қилган. Адабиётда Исо тимсолига мурожаат қилиш ҳолатини Ф.Достоевскийнинг “Телба” романидаги князь Мишкин сиймосида ҳам кўриш мумкин ёки Чингиз Айтматов “Қиёмат” романида пайғамбар Абдия тимсолида Авдий Каллистратов сиймосини яратади. Бу анъанани ҳам адабиётда Бодлер бошлаб берган дейиш мумкин.

Кейинги бандда яна бир салбий образ кириб келади: бу – шоирнинг аёли. Шоир туғилишдан таъна-дашномга учради, болалиги азоб билан ўтди, умри давомида одамлар унга маломат тошлари отиб келди, лекин у ғазабнок бу элни севди, буларнинг бари аслида Исо алайхиссалом босиб ўтган йўл, гўёки бу йўл лирик қахрамон – Шоир тақдирида қайтариляпти. Бу образ орқали Бодлер жамият ҳамон софликни қабул қилмаслигини кўрсатмоқчи. Мутлақ эзгулик суистеъмол қилинади. Шоирнинг хотини – кўпроқ баднафс, ўзига зеб берган дунё рамзи, дейиш ҳам мумкин:

*“Оламга жар солар унинг хотини:
Бўлсин деб у ҳусним асири мудом
Кўҳна маъбудларнинг тутай касбини,
Улардек ўзимга берай зеб, оро;”*

Мазкур бандда шоирнинг хотини: “кўҳна маъбудлар касбини тутиб, ўзимга оро берай” (“Je ferai le métier des idoles antiques...”), дейди. “Кўҳна маъбудлар”, деганда яккахудоликдан олдинги кўпхудолилик даври, кўлда ясалган бут ва санамлар кўзда тутилмоқда. Насронийликда ҳам бу даврга гўёки жоҳилия даври каби қаралади. Аёлнинг биргина муддаоси – ўзига зеб бериб, уни севган Шоир қалбини буткул забт этиш, унинг “илоҳий инъомлар устидан кулиш” (“Usurper en riant les hommages divins”):

*“Мушқу анбар, эту шароб этиб нўи,
Уни тиз чўктириб айласам тутқун,
Қалбини илоҳий завқдан этиб бўи,
Ошиқ бу юракни забт этсам буткул.*

*Зериксам куфрона бу эрмаклардан
Нозик қўлларимни эгнига қўйиб,
Ҳарпияникидек тирноқларим-ла
Қалбигача кира билурман ўйиб”.*

Ҳарпия (“harpie”) – қадимги юнон мифологиясидаги ярим аёл, ярим куш қиёфасидаги, яшин тезлигида пайдо бўлиб, болаларни ва одамларнинг жонини ўғирловчи даҳшатли махлук. Ўрта асрларда баднафслик, зикналик, нопоклик рамзи. Аёл ўзига зеб бериб, шоирнинг юрагини ром этишни “куфрона эрмаклар” (“farces impies,”) деб атайди. “Бу эрмаклардан зериксам, нозик ва кучли қўлларимни унинг эгнига қўйиб, Ҳарпияникидек ўткир тирноқларим билан кушчадай потирлаб турган юрагини суғуриб оламан ва нафсимнинг итига ташлайман”, дейди аёл:

*Қушчадай кўксидан потирлаб турган
Қип-қизил юрагин олурман ёриб
Ва нафсим итини этиши-чун хурсанд
Олдига отурман тупроққа қориб!”*

Китоб муқаддимаси бўлмиш “Ўқувчига” шеърида Бодлер иллатларга тўла бу дунёни зерикишдан иборат этиб тасвирлайди. Унда бирон-бир ёруғлик ҳақида гап йўқ. Аммо “Шукрона”да бир нур бор: бу Исо сифатлари билан сифатланган Шоир сиймоси. Бу билан у нур ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, тубанлик ва идеал ўртасидаги масофани ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. Дунё унинг оёғидан қанчалик тортишга, иллатлар ботқоғига ботиришга уринмасин, Шоир бу азобларга парво қилмайди, унинг кўзлари кўкдан фақат унга кўринаётган Муҳташам Тахтга тикилган, беихтиёр қўллари ҳам кўк томон чўзилади ва тиниқ идрокининг порлоқ ёғдуси дарғазаб элнинг барча кирдикорларини унинг кўзидан яширади:

*“Муҳташам Тахт кўкда кўриб кўзлари,
Шоир қўлларин ҳам чўзар кўк томон,
Ёвуз эл юзида газаб изларин
Соф ақли ёғдуси этади ниҳон:”*

Кейинги бандларни шеърнинг авжи дейиш мумкин. Шоирнинг Яратганга муножоти. У Тангрига унга берган азоби учун шукрона айтади. Изтироб бу кирланган қалбни соғломлаштирувчи малҳам, кучли қалб соҳибларини валийликка тайёрловчи энг афзал ва тоза восита (“prépare les forts aux saintes voluptés”):

*– “О, Тангрим, азобинг учун сенга ҳамд,
Нопок қалбимизчун илоҳий малҳам,
У асли энг афзал, энг тоза неъмат,
Мардларга валоят этгувчи инъом!*

*Билурман, Шоирга жой этдинг тайин –
Валийлар сафидан ўрин олгай у,*

*Фаришталар хайли силсиласининг
Илоҳий базмида мангу қолгай у”.*

Қуйидаги бандда эса Бодлер яна Исо алайҳиссаломнинг хоч йўлига ишора қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Исо хочни елкасида кўтариб бораркан, қатлгоҳга етгунча уч марта йиқилади, унинг бошига эса тиканли гулчамбар кийдиришади:

*“Билурман, азобинг – олий бир мақом,
Унда на йиқилиш, дўзах хавфи бор.
Тиканли гулчамбар – тожим – у билан
Безай – то бошда тож бўлсин барқарор”.*

Демак, Тангридан келган азобни Исонинг тиканли гулчамбари каби бошда тож ўрнида кўриш керак, бу тожни яна азоб, риёзат билан безаш лозим. Бу шундай тожки, агар кўҳна Палмира шахрининг барча қимматбаҳо тошларини йиғса ҳам, тиниқликда ва порлоқликда азобдан тўқилган бу гулчамбарга тенг кела олмайди:

*“Кўҳна Палмиранинг бор ганжи бироқ,
Ёқуту забаржад, дуру гавҳари
Азоб-ла безалган бу тожга – порлоқ –
Тенглаша олурму уларнинг бари”.*

Чунки у азалий илоҳий нурнинг муқаддас ўчоғидан сизиб чиққан шуълалардан ясалган:

*Зеро у ясалган азалий нурнинг
Муқаддас ўчоғи ёғдуларидан,
Ки башар кўзлари хира ва нурсиз
Бир ойна кабидир унинг олдида.*

Ўлимга маҳкум тирик жон кўзлари эса, ўзларининг бутун муҳташамликлари билан, бу илоҳий нур олдида хира ва нурсиз бир ойна кабидир холос (“Et dont les yeux mortels, dans leur splendeur entière, Ne sont que des miroirs obscurcis et plaintifs!”). Бодлер айтмоқчи бўлган бу фикрни агар тасаввуф тилига табдил этсак, кўкдаги Муҳташам Тахтни кўра олувчи, хира ва нурсиз башар кўзларидан фарқли бу кўзни – басират кўзи дейиш мумкин.

АСЛИЯТ:

I. BÉNÉDICTION

*Lorsque, par un décret des puissances suprêmes,
Le Poète apparaît en ce monde ennuyé,
Sa mère épouvantée et pleine de blasphèmes
Crispe ses poings vers Dieu qui la prend en pitié :*

– « Ah ! que n'ai-je mis bas tout un nœud de vipères,
Plutôt que de nourrir cette dérision !
Maudite soit la nuit aux plaisirs éphémères
Où mon ventre a conçu mon expiation !

Puisque tu m'as choisie entre toutes les femmes
Pour être le dégoût de mon triste mari,
Et que je ne puis pas rejeter dans les flammes,
Comme un billet d'amour, ce monstre rabougri,

Je ferai rejaillir ta haine qui m'accable
Sur l'instrument maudit de tes méchancetés,
Et je tordrai si bien cet arbre misérable
Qu'il ne pourra pousser ses boutons empestés ! »

Elle ravale ainsi l'écume de sa haine,
Et, ne comprenant pas les desseins éternels,
Elle-même prépare au fond de la Géhenne
Les bûchers consacrés aux crimes maternels.

Pourtant, sous la tutelle invisible d'un Ange,
L'Enfant déshérité s'enivre de soleil,
Et dans tout ce qu'il boit et dans tout ce qu'il mange
Retrouve l'ambrosie et le nectar vermeil.

Il joue avec le vent, cause avec le nuage,
Et s'enivre en chantant du chemin de la croix ;
Et l'Esprit qui le suit dans son pèlerinage
Pleure de le voir gai comme un oiseau des bois.

Tous ceux qu'il veut aimer l'observent avec crainte,
Ou bien, s'enhardissant de sa tranquillité,
Cherchent à qui saura lui tirer une plainte,
Et font sur lui l'essai de leur férocité.

Dans le pain et le vin destinés à sa bouche
Ils mêlent de la cendre avec d'impurs crachats ;
Avec hypocrisie ils jettent ce qu'il touche,
Et s'accusent d'avoir mis leurs pieds dans ses pas.

Sa femme va criant sur les places publiques :
« Puisqu'il me trouve belle et qu'il veut m'adorer,
Je ferai le métier des idoles antiques,
Et comme elles je veux me faire redorer ;

Et je me soulerai de nard, d'encens, de myrrhe,
De genuflexions, de viandes et de vins,
Pour savoir si je puis dans un cœur qui m'admire
Usurper en riant les hommages divins !

*Et quand je m'ennuierai de ces farces impies,
Je poserai sur lui ma frêle et forte main ;
Et mes ongles, pareils aux ongles des harpies,
Sauront jusqu'à son cœur se frayer un chemin.*

*Comme un tout jeune oiseau qui tremble et qui palpite,
J'arracherai ce cœur tout rouge de son sein,
Et, pour rassasier ma bête favorite,
Je le lui jeterai par terre avec dédain ! »*

*Vers le Ciel, où son œil voit un trône splendide,
Le Poète serein lève ses bras pieux,
Et les vastes éclairs de son esprit lucide
Lui dérobent l'aspect des peuples furieux :*

*– « Soyez béni, mon Dieu, qui donnez la souffrance
Comme un divin remède à nos impuretés,
Et comme la meilleure et la plus pure essence
Qui prépare les forts aux saintes voluptés !*

*Je sais que vous gardez une place au Poète
Dans les rangs bienheureux des saintes Légions,
Et que vous l'invitez à l'éternelle fête
Des Trônes, des Vertus, des Dominations.*

*Je sais que la douleur est la noblesse unique
Où ne mordront jamais la terre et les enfers,
Et qu'il faut pour tresser ma couronne mystique
Imposer tous les temps et tous les univers.*

*Mais les bijoux perdus de l'antique Palmyre,
Les métaux inconnus, les perles de la mer,
Montés par votre main, ne pourraient pas suffire
À ce beau diadème éblouissant et clair ;*

*Car il ne sera fait que de pure lumière,
Puisée au foyer saint des rayons primitifs,
Et dont les yeux mortels, dans leur splendeur entière,
Ne sont que des miroirs obscurcis et plaintifs!»*

Таржима ва шарҳлар муаллифи
Абдувоҳид ҲАЙИТ,
шоир, адабиётшунос,
филология фанлари номзоди



NASR



Эрих Мария РЕМАРК

(1898 – 1970)

ҚАРЗГА ОЛИНГАН УМР

Роман¹

*Рус тилидан
Дилфуза СОБИРОВА
таржимаси*

* * *

Клерфэ Лилианнинг жомадонларини келтирди.

– Кўйлақларингиз шунча узоқ муддат қандай яшадинг, тушунолмаймапман?

– Ўзимга янгиларини буюртирдим. Кўйлақлар муаммо эмас.

Лилиан ёлғон гапирди. У аслида эртага Баленсиаганинг ёнига бормокчи эди. Бунинг учун ўзига яраша сабаблар етарли деб ҳисобларди. Биринчидан, Венециядан қайтганини, у ерда ўлимга чап берганини нишонлаши лозим эди. Бундан ташқари пулни кўпроқ сарфлаб Клерфэнинг уйланиш ва Тулузада яшаб қолиш таклифига нисбатан эътирозини билдиришни истарди.

– Балки сенга бир неча кўйлақ совға қилишимга рухсат берарсан? – сўради Клефрэ. – Ҳозир мен ўзимни бойвачча десам ҳам бўлади.

– Менга тўй кўйлаги сотиб олмоқчимисан? Бўлажак тўйимиз учун?

– Йўқ, аксинча. Венецияга борганинг муносабати билан.

Лилиан кулиб юборди.

– Ундай бўлса менга кўйлақ совға қилишинг мумкин. Бугун окшом қаерга борамиз?

– Булон ўрмонида совуқ бўлса керак?

– Ўзимиз билан пальто оламиз. Бўлмаса анча салқин. Ўрмонни айлансак бўлади, у ҳозир айнан ям-яшил бўлган палла. Бензиндан кўпроқ олволгин. Катта шаҳар аҳолиси шунақа баҳорга ҳам қаноат қилаверади.

Окшомлари гулзорлар олди машиналарга тўлиб кетар, ҳар бир ойнадан муҳаббат байроғи ҳилпирарди. Лилиан қора юпка кўйлагини олди ва ойнадан ҳилпиратди.

– Яшасин муҳаббат! – деди у. – Беназир ва оддий, кичик ва катта! – қичқирди у. Кейин Клерфэга ўгирилиб сўради: – Яна қачон кетмоқчисан?

– Кетишим кераклигини қаердан билдинг? Спорт календарини кузатиб борапсанми?

– Йўқ. Бизда ким кимни ташлаб кетиши ҳеч қачон аниқ эмас-ку.

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.

– Ҳаммаси ўзгаради.
– Йил охиригача кетмайсанми?
– Ундан олдинроқ ҳам уйланишим мумкин.
– Кел, аввал учрашув ва айрилиқни нишонлайлик. Қаерга кетяпсан?
– Римга. Италия бўйлаб минг миллик пойга бўлади. Бир ҳафта қолди.
Мен билан боришинг мумкин эмас. Пойга шунақа нарса, юраверасан, юраверасан, ақлдан озгунча юрасан. Йўл қаерда, мотор қаерда ўзинг қаердалигингни ажратолмай қолгунингча юраверасан.

– Ғолиб бўласанми?
– “Милле Милия” италияликларнинг шох рақамлари. Очиғи, бир марта “Мерседес” фирмаси номидан чиққан Караччола ғолиб бўлганди, лекин асосан италияликлар ғолиб бўлишади. Торриани билан мен “Милли Милия”да учунчи жамоа бўлиб қатнашамиз. Ҳар эҳтимолга қарши агар бир кор-хол рўй берса биз пойгага тушамиз.

Лириан кийим танлай бошлади.

– Қайси кўйлагимни кийсам экан? – сўради у.

– Менинг хонамда қолганларидан бирини.

Лириан шкафни очди.

– Буними?

– Ҳа, у менга яхши таниш.

– Ахир уни сира кўрмагансан-ку.

– Сенинг эгнингда кўрмаганман, лекин менга барибир таниш у. Бу кўйлак бир неча тун хонамда осилиб турганди.

Лириан унга ўгирилди.

– Рост гапиряпсанми?

– Чин сўзим, – деди Клерфэ. – Кўйлақларингни илиб чиқиб, тезроқ ортингга қайтгин деб афсун ўқидим. Буни сендан ўрганганман. Яъни, сеҳр-жодудан тинчлантириш учун фойдаландим. Ахир аёллар севгилисини ташлаши мумкин, лекин ҳеч қачон либосидан воз кечмайди.

Лириан кўзгудан ўз кўзларига диққат билан тикилди.

– Демак, сен билан менинг шарпам бўлган?

– Йўқ, шарпанг эмас, сенинг илон пўстинг, сен ичидан чиқиб келардинг.

– Мен сен билан бошқа аёл бўлган деб тахмин қилгандим.

– Ҳаракат қилдим. Лекин сен мени афсунлаб кўйгансан. Бошқа аёлларга қаролмай қолганман, улар сенинг олдинда худди Дега раққосалари олдидаги бўялган қоғозга ўхшайди.

Лириан кулиб юборди.

– Наҳотки сен доим у чизадиган хунук семиз балет раққосаларини айтаётган бўлсанг?

– Йўқ. Мен Леваллининг уйидаги расмни айтяпман, оловли ракс тушаётган раққосани. Унинг юзи бир неча штрих билан чизилган, унга қараб ҳамма ўз орзусини кўриши мумкин.

Лириан лаб бўёғи ва қаламни жойига қўйди.

– Демак, доим бироз бўш жой қолдириш керак экан, расмни охиригача чизиш шартмас, бўлмаса хаёлотга ўрин қолмайди. Сен ҳам шундай деб ўйлайсанми?

– Ҳа, – деди Клерфэ. – Одам доим ўз орзусининг асирига айланади, бировникига эмас.

– Асирга айланасан ёки ўзингни буткул йўқотасан.

– Униси ҳам, буниси ҳам. Бу худди тушга ўхшайди, кўпинча тонг сахарда кўриладиган тушга. Гўёки тубсиз чуқурга тушиб кетаётгандек бўлаверасан. Бу ҳолат сенга танишми?

– Ҳа, таниш, – деди Лилиан. – Санаторийда ҳар куни шу тушни кўрардим. Ҳар гал чўчиб уйғонганимда назаримда тошдек пастга қулаётган бўлардим. Вино борми?

Клерфэ унга рюмка тутди. Лилиан унинг бўйнига қўл ташлади.

– Қанчалик ғалати бўлмасин, – деди у, – токи қулаётганингни эслар экансан, демак, ҳали ҳеч нима йўқотилмаган. Ҳаёт ақлга зид фикрларни яхши кўради шекилли, сенга ҳаммаси жойида бўлиб туюлган пайтда, кўпинча кулгили ҳолатга тушасан ва жар ёқасига келиб қоласан. Лекин ҳаммаси тугади деб ўйлаганингда ҳаёт сенга тухфаларини тақдим эта бошлайди. Сен бармоғингни ҳам қимирлатмайсан, омаднинг ўзи ортингдан кучукчадек югуриб юради.

Клерфэ унинг ёнига ўтирди.

– Буларни қаердан биласан?

– Шунчаки беҳуда гапларни гапиряпман. Қолаверса, бу ҳақиқатнинг ярми худди дунёдаги жамики нарсалар каби.

– Муҳаббат ҳамми?

– Муҳаббат ва ҳақиқат ўртасида қандай ўхшашлик бор?

– Муҳаббат ҳақиқатнинг акси эмасми?

– Йўқ, – деди Лилиан ўрнидан туриб. – Муҳаббатнинг акси – ўлим. Муҳаббатнинг аччиқ сеҳри бизга қисқа вақтга бўлса-да, ўлимни унутишимизга ёрдам беради. Шундай экан, оз бўлса-да, ўлим билан таниш бўлганлар муҳаббат билан ҳам таниш бўлишади. – Лилиан кўйлагини кийди. – Лекин бу ҳам ярим ҳақиқат. Ахир, ўлим билан таниш бўлиш мумкинми?

– Албатта, йўқ. Биз фақат у муҳаббатнинг эмас, ҳаётнинг тескариси эканини биламиз. Бор-йўғи шу. Лекин бу ҳам шубҳали тахмин.

Лилиан кулиб юборди. Клерфэ яна олдинги ҳолатига қайтганди.

– Биласанми нима хоҳлаяпман? – сўради Лилиан. – Бирйўла ўнта ҳаётни яшашни истаяпман.

Клерфэ унинг озгин елкаларини силади.

– Нега? Барибир, бу битта ҳаёт бўлади-ку Лилиан. Фақат сенинг шахсий ҳаётинг. Шахматчи бирваракайига ўнта рақибига қарши ўйнаганда ҳам у барибир битта – фақат ўзининг партиясини ўйнаётган бўлади-ку.

Улар дераза ёнида ўтиришар, Консьержи устида хира шафақ осилиб турарди.

– Дунёдаги ҳамма нарсани аралаштириб ташлашни истайман, – деди Лилиан. – Бугун эллик ёшлигимнинг бир соатини ёки бир кунини, кейин ўттиз ёшлигимнинг, ундан кейин эса саксон ёшлигимнинг бир кунини яшасам дейман.

Йилма-йил яшашни истамайман, ўзим истаган тартибдаги йилларда яшагим келади. Вақтнинг занжирига боғланиб яшашни истамайман.

– Менимча шундоқ ҳам тез-тез ўзгариб турасан... Қаерда овқатланамиз? Такси тўхтатайми?

“Жузеппе” да кетиш учун ҳаво анча салқин. Соч турмагингдан хавотир-даман, – қўшимча қилди Клефрэ қизнинг хайрон қараганини кўриб.

Лилиан эшикни ёпди. “У мени тушунмайди, – ўйлади у. – Мен ҳар қандай

сехр-жоду билан бўлса-да, мен ҳеч қачон яшай олмайдиган йилларимни ўлимнинг қўлидан юлиб олишни исташимни тушунмайди. Лекин мен ҳеч қачон эзма саксон ёшли кампирга айланмайман ёки ҳеч қачон қариётганини ҳис қилиб кўрқадиган аёл ҳолига ҳам тушмайман. Мени севганларнинг хотирасида доим ёшлигимча сақланиб қоламан. Бошқа мендан узокроқ яшайдиган ва ёшига ёш қўшиладиган аёлларнинг барчасидан устунлик томоним шу.

– Кимнинг устидан куляпсан? Меними? – сўради Клерфэ зинадан туша-туриб.

– Ўзимнинг, – деди Лилиан. – Фақат сабабини сўрама. Вақти келса ҳаммасини билиб оласан.

* * *

Икки соатлардан кейин Клефрэ уни қайтариб олиб келди.

– Бугунга етар, – деди у жилмайиб. – Энди ухлашинг керак.

Лилиан унга хайрон бўлиб тикилди:

– Ухлашим?

– Ҳа, дам олишинг лозим. Ахир ўзинг, шу кунларда тобим бўлмади, дединг-ку.

Лилиан у ҳазиллашмаяптими деб кўзларига тикилди.

– Ростдан шундай деб ўйлайсанми? – сўради у. – Бир ками менга кўринишинг ёмон, демаганинг қолувди.

Вестибюлда портъе кўринди, у тушунгандек жилмайиб қўйди.

– Бугун сизларга яна салями берайми? Балки икра ҳам истарсиз? Хўжайин буфетда икра қолдирган.

– Йўк, менга уйку дори керак, – деди Лилиан. – Хайрли тун, Клерфэ.

У қизни тўхтатди.

– Мени тушун, Лилиан. Мен ҳолатингга ортикча баҳо бериб, эргага чарчаб қолишингни истамайман.

– “Монтана”да бунчалик эҳтиёткор эмасдинг.

– У пайтда бир-икки кундан кейин кетаман ва сени қайтиб кўрмайман деб ўйлардим.

– Энди-чи?

– Энди эса бир неча соатни қурбон қилиб бўлса-да, сен билан иложи борича кўпроқ бирга бўлмоқчиман.

Лилиан кулиб юборди.

– Жуда пухта ўйлабсан! Хайрли тун!

Клерфэ унга диққат билан тикилди.

– Тепага қизил вино олиб чиқинг, – деди у портъега.

– Хўп бўлади, жаноб.

– Кетдик. – Клерфэ Лилианнинг қўлидан тутди. – Сени хонанггача кузатиб қўяман.

Лилиан бош чайқаб қўлини тортиб олди.

– Биласанми, ким охирги марта менга худди шунақа ишончли далил келтирганди. Бу Борис эди. Лекин уники ишонарлироқ чиққанди. Сен ҳақсан, Клерфэ. Сен ҳам вақтлироқ уйкуга ётганинг маъқул. Пойгадан олдин дам олишинг керак.

Клерфэ унга жаҳл билан қаради.

Портъе бутилка ва иккита рюмка кўтариб қайтиб келди.

– Винонинг кераги йўқ, – совуқкина деди Клерфэ.

– Йўқ, керак.

Бутилкани қўлтиғига қистирган Лилиан портъенинг кўлидан битта рюмкани олди.

– Яхши дам ол, Клерфэ. Ишқилиб бугун тушимизда бўшлиққа кулаётганимизни кўрмайлик! Илоҳим, тушингда Тулугани кўргин.

Лилиан унга рюмкани силтади ва зинадан кўтарила бошлади. Клерфэ у кўздан йўқолгунча қараб турди.

– Коньяк қуяйми, жаноб? – сўради портъе. – Балки кўпроқ куярман...

– Ўзингиз ичинг, – деди Клерфэ ва портъенинг чўнтагига пул қистирди.

Гранд Огюстен кўчасидаги кирғок бўйлаб юриб, “ла Перигордин” ресторанига етиб борди.

Ёруғ ойналардан кечиккан меҳмонлар ресторанинг асосий таоми бўлмиш чўғда пиширилган трюфелларни паққос туширишарди. Кекса эр-хотин таом ҳақини тўлашди, ёшгина севишганлар эса бир-бирларини ёниб-қуйиб алдашарди. Клерфэ йўлни кесиб ўтиб, аста-секин орқага ёпик сарроф дўконлари томонга юрди. “Борис, – ўйлади у алам билан. – Шу етмай турувди!” Шамол ўзи билан Сена ҳидини олиб келди. Худди нафас олаётгандек қалқиб турган сув юзида бир неча баржа қорайиб турарди. Уларнинг биридан гармониканинг ноласи тараларди.

Лилианнинг деразасидан нур жилваланар, лекин пардалари ёпик эди. Клерфэ пардалар ортидан кизнинг шарпасини сезиб турарди. Деразалар очиқ бўлса-да, Лилиан кўчага қарамасди. Клерфэ унинг қилиқлари ахлоқона эканини билса-да, ўзини тўхтата олмасди. У ўйлаган нарсасини гапирди. Улар ресторанда ўтиришган маҳали Лилиан жуда ҳоригандек кўринганди. Ҳатто юзи чўзилиб кетгандек туюлди. “Наҳотки бировдан хавотир олиш жиноят бўлса? Ҳозир у нима қилаяпти экан? Ухлашга тайёрланыптими? – ўйларди Клерфэ. – Лилиан мен ҳалиям шу ердалигимни билиб турибди, ахир Жузеппенинг мотор товушини эшитмади-ку”. Кейин у моторни ўт олдирди ва катта тезликда Розилик майдони томон учириб кетди.

* * *

Лилиан бутилкани каравот ёнига қўйди. У Жузеппенинг овозини эшитди. Кейин жомадондан сув ўтмайдиган ёпинғичини олиб, эгнига ташлади. Оқшом кўйлаги билан ёпинғич бироз ярашмагандек эди. Лекин кийимини алмаштиришни хоҳламади. У ҳали ухлашни истамасди. Шундоқ ҳам санаторийда меъеридан кўп ётган, етади. Лилиан пастга тушди, портъе шу заҳоти унинг ёнига югуриб келди:

– Такси чақиртирайми, хоним?

– Йўқ, керакмас.

У пиёда юриб Сен-Мишель хиёбонига етиб борди. У ерда турли тонфадаги эркаклар унга илтифот кўрсата бошлашди. У худди боткокқа ботгану барча пашшалар унга ёпирилгандек ҳис қиларди ўзини. Бир неча дақиқа ичида унга тилига эрк берганлар шивирлаб, эҳтиросдан сабоқ беришди, у ўз қулоғи билан эшитганларидан кўчадаги дайди итларнинг қўшилишини соф муҳаббат, дейиш мумкин эди.

Беҳаё сўзлар шовқинидан гангиб қолган Лилиан қаҳвахона олдидаги дуч келган ўринга ўтирди. Фоҳишалар унга ўқрайган нигоҳларини ташлашди, бу уларнинг худуди эди, бу ерга сўроқсиз қадам босганларни бурдалаб ташлашга тайёр туришарди. Лилиан ўтирган жой бирданига барчанинг эътиборини тортди. Номусли аёллар бундай пайтда бу ерда ёлғиз ўтиришмасди, айниқса, бу қаҳвахона ёнида. Ҳатто америкалик хонимлар ҳам бу ерга ўртоқлари билан келишарди.

Қаҳвахонада Лилиан кўплаб таклифлар олди, бир эркак унга беҳаё суратлар сотиб олишни, яна иккитаси уни ўз ҳимоясига олишни исташини билдирди, учтаси унга автомобилда бирга саёҳат қилишни таклиф қилишди. Бундан ташқари, унга арзон тақинчоқлар ва терьер кучукваччаларини сотиб олишни ҳам таъкидлашди. Лилиан совуққонликни йўқотмаган ҳолда официантга чойчақа узатди ва тезда шилқимларни чекинишга мажбур қилди. Шундан сўнг Лилиана ниҳоят бир рюмка винони тинчгина ичишга муваффақ бўлди.

Кўшни столдаги рангпар киши унинг суратини чиза бошлади, бир савдогар унга дуо ёзилган гиламчани тиқиштира бошлаганда, официант дарҳол уни нари ҳайдади. Бироздан сўнг Лилианнинг столига бир йигитча яқинлашиб, ўзини бечора шоир деб таништиради. Лилиан шундан кейин, бу ерда ортиқ ёлғиз қолиб бўлмаслигини тушунди, барибир тинчлик беришмайди. Сўнгра у шоирни бирга вино ичишга таклиф қилди.

Аммо шоир вино ўрнига бутерброд билан меҳмон қилишни ўтинди. Лилиан унга ростбиф буюрттирди. Йигитчанинг исми Жерар экан. Овқатланиб бўлгач, у қоғозга қараб иккита шеър ўқиб берди, яна иккитасини ёддан ўқиди. Бу ажал ва ўлим, ердаги ҳаётнинг қисқа ва бефойдалиги ҳақида ғамгин шеърлар эди. Лилианнинг кайфияти кўтарилди. Шоир қилтирик бўлса-да, иштаҳаси яхши эди. Лилиан ундан: “Яна битта ростбифни қорнингга жойлайсанми?” – деб сўради. Шоир бу иш унга чўт эмаслигини айтди ва Лилианнинг шеъриятни яхши тушунишини мақтади.

– Сиз инсон рўшнолик кўрмасдан яшашига ишонасизми, – деди Жерар, – Яшашдан нима наф? У яна иккита ростбифни паққос туширди ва унинг шеърлари янада ғамгинлашиб борарди. Кейин у ўз жонига суиқасд қилиш ҳақида фикр юрита бошлади. Ўзи истаган пайтда жонига қасд қилиши мумкинлигини айтди.

– Лекин бугун эмас, чунки бугун қорним тўйди, балки эртага жонимга қасд қиларман, – деди у.

Лилианнинг кулгиси келди. Озғинлигига қарамай Жерар кўринишидан соғлом эди. У ҳали бемалол яна эллик йил умр кўриши мумкин.

* * *

Клерфэ бир муддат Риц отели барида бўлди. Кейин Лилианга кўнғирок қилишга қарор қилди. Гўшакни портъе кўтарди.

– Хоним отелда эмас, – деди у Клерфэнинг овозини таниб.

– Қаерда у?

– Ярим соат олдин чиқиб кетди.

Клерфэ Лилиан бунча вақтли ўрнига ётмаслигини эслади.

– Ўзи билан жомадон олмадими? – Ҳар эҳтимолга қарши аниқлик кiritгиси келди.

– Йўк, жаноб, фақат эгнига ёпинғич кийди.

– Яхши, раҳмат.

“Ёпинғич, – ўйлади Клефрэ. – Ундан ҳар нарса кутиш мумкин, у енгил кийимда вокзалга бориши ва у ердан Волковнинг олдига жўнаши ҳам мумкин. Борис мендан кўра тузукрок.

Одам ҳақиқатдан севиб қолса, қанчалар бесўнақай беўхшов бўлиб қоларкан-а. Ўзига бўлган ишончи ҳам аллақарга йўқоларкан. Ўзини ёлғиз сезиб, мақталган тажрибаси ҳам худди буғдек ҳавога сингиб, ўзини муаллақдек ҳис қиларкан. Йўк, мен уни йўкотмаслигим керак”.

Отелдаги портъе Клерфэга Лилиан қайси томонга кетганини кўрсатди.

– Сена томонга эмас, жаноб, – деди у тинчлантирувчи оҳангда. – Ўннга. Балки яна бир шаҳар айлангиси келгандир, у тезда қайтади.

Клерфэ секин-аста юриб, Сен-Мишель хиёбони бўйлаб юриб кетди. Лилиан машина овозини эшитиши билан Жузеппени кўрди.

– Ўлим-чи? – сўради у ликопчадаги пишлокни паққос тушираётган Жерардан. – Агар ўлим ҳаётдан ҳам кўра маҳзунроқ бўлса, нима қилиш керак?

Жерар саволга савол билан жавоб берди:

– Ким билади дейсиз, балки ҳаёт бизга жазо сифатида бошқа бир дунёда қилган гуноҳимиз учун берилгандир. Балки ҳозирги ҳаётимизнинг ўзи дўзахдир – черковдагилар ўлимдан кейин дўзах азоби ҳақида гапириб адашишаётгандир.

– Улар жаннат роҳатини ҳам ваъда қилишади.

– Унда биз баримиз тубан кетган фаришталармиз ва барчамиз маълум муддат бу дунёда қамоқ азобини тортишимиз керакдир.

– Лекин хохишга кўра қамоқ муддатини қисқартириш мумкин-ку.

– Сиз суиқасд ҳақида гапиряписизми? – ҳаяжонланди Жерар. – Лекин одамлар бу ҳақда ўйлашни ҳам исташмайди. Биз ундан кўрқамиз. Ахир, суиқасд озод бўлиш дегани-ку. Агар ҳаёт ҳаёт эмас олов бўлганида, биз нима қила олардик. Гулхандан сакраб чиқардик. Тақдирнинг шўри-ғавғоси шундаки, биз...

Жузеппе иккинчи марта қаҳвахона ёнидан ўтиб кетди.

“Бизда қоладигани шу – Тақдирнинг шўри ғавғоси, – ўйлади Лилина. – Баъзида мана шунақа суҳбатлардан кейин, бу янада оҳанрабодек туюлади”.

У йўловчиларнинг юзига диққат билан тикилиб ўтаётган Клерфэни кузатиб турарди, Лилиан ундан ўн кадамча нарида ўтирган бўлса-да, уни кўрмасди.

– Агар барча истакларингиз амалга ошса тақдирдан яна нима тилардингиз? Энг катта орзуингиз нима ўзи? – сўради у Жерардан.

– Фақат амалга ошмайдиган нарсаларни орзу қиламан, – ўйлаб ўтирмай жавоб берди шоир.

Лилиан унга миннатдор боқди.

– Унда ҳеч нарса тиламасангиз ҳам бўларкан, – деди у. – Ҳамма нарсангиз бор экан.

– Ўзим учун ҳеч нарса сўрамайман, сиздек тингловчи бўлса бўлди менга! – тўнғиллади Жерар ва Лилианнинг расмини чизиб бўлиб, столга яқинлашган рассомни ҳайдаб солди. – Бир умрга. Сиз мени тушуняписиз!

– Расмни менга беринг, – деди Клефрэ хафа бўлиб бурилиб кетаётган рассомга.

У қаҳвахонага кириб Жерарга ёқтирмай тикилиб турарди.

– Йўқолинг бу ердан, – деди Жерар. – Кўрмаяпсизми, биз суҳбатлашяпмиз. Жин урсин, шундок ҳам бизга тинчлик беришмаяпти. Гарсон, яна икки рюмка перно! Кейин бу жанобни йўқотинг кўзимдан!

– Учта, – деди Клерфэ уларнинг ёнидан жой оларкан.

Рассом ҳамон унинг ёнида турар, Клерфэ унга пул узатди.

– Бу ер жуда ажойиб экан, – деди у Лилианга ўгирилиб. – Бу ерга илгарироқ келмаганимиздан афсусдаман.

– Эй, чақирилмаган меҳмон, сиз ким бўласиз? – сўради Жерар Клерфэни киз танишиш учун ҳар хил хийлаларга қўл ураётган қўшмачи, деб ўйлаб.

– Менми бўтам? Мен Сан Жермен де Пре жиннихонасининг директориман, бу хоним эса бизнинг беморларимиздан бири. Бугун унинг дам олиш куни. Ҳали бирор кор-хол рўй бермадими? Вақтида етиб келдимми ишқилиб? Гарсон бу ердан пичокни олиб қўй, вилкани ҳам. Эҳтиёт шарт...

Шоирни шубҳа ўраб олди.

– Ростданми? – шивирлади у. – Мен ҳар доим орзу қилардим...

– Қаттиқроқ гапираверишингиз мумкин, – унинг гапини бўлади Клерфэ. – Бемор ўз ҳолатидан мамнун. Чунки нима қилмасин жазоланмайди. У ҳеч бир қонунга бўйсунмайди, у нима иш қилса-да, ҳатто котилликка қўл урса-да, унга қонуннинг кучи етмайди, уни барибир оқлашади.

Лилиан кулиб юборди.

– Аслида ҳаммаси аксинча, – деди у Жерарга ўгирилиб. – Бу одам менинг собиқ эрим. У жиннихонадан қочган. Унинг дарди шундаки, мени жинни деб ҳисоблайди.

Шоирнинг ақли-хуши жойида, қолаверса, у француз эди. Ҳаммасини тушуниб чиройли жилмайганча ўрнидан турди.

– Айрим одамлар жуда кеч кетади, айримлар эса, аксинча жуда эрта, – деди у. Вақтида кетганга нима етсин... Зардўшт шундай деганди. Хоним эртага шу ерда сизни шеър кутади, уни официантга ташлаб кетаман.

* * *

– Келганинг яхши бўлди, – деди Лилиана. – Агар уйқуга ётганимда буларнинг барчасини кўролмасдим. Бу яшил рангни, исённинг ширин таъмини ва бу ботқоқни ҳис қилмасдим ҳамда ундаги хира пашшаларни ҳам кўрмасдим.

– Баъзида ортингдан кувиб ета олмайман, – ўйга ботганча деди Клерфэ. – Кечир мени. Бир ҳафта ичида шунчалар кўп ва тез ўзгарасанки, бу ўзгариш бошқа аёлларда бир йилда ҳам рўй бермайди. Сен худди йогнинг қўлидаги гулга ўхшайсан, бир неча дақиқа ичида ўсишга ҳам гуллашга ҳам улгуради...

“Сўлишга ҳам”, – ўйлади Лилиан.

– Мен шошяпман, Клерфэ, – деди у. – Кўп нарсани кўришга улгуришим керак.

Клерфэ унинг қўлини ўпди.

– Мен аҳмоқман. Кундан-кунга нодонлашиб боряпман.

– Ким ҳам ўзини донишманд деб биларди? Балки келажакда ақлироқ бўлармиз.

– Баъзида жуда ақлли бўлиб кетасан. Бу мени биров чўчитади.

– Мен эса қўркмайман. Булар шунчаки гап-ку. Ортиқ юришга кучинг қолмаганда сўз ўйини қила бошлайсан, кейин уларни унутворасан. Сўзлар худди фавворага ўхшайди, уларга бир муддат қулоқ соласан, кейин эса сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нарсаларни ҳам эшита бошлайсан.

Клефрэ атрофга аланглади. Бирдан унга, худди Лилиан иккаласи сукунат девори ичида ўтиргандек туюлди. Кўча шовқини эшитилмасди. Сукунат деворидан факат фавворанинг шилдирагани, шамол беланчагида тебранган барглар шитири эшитиларди.

“Бу сукунат тўфондан кучли, – ўйлади Клефрэ, – у бошида бўлганди охирида ҳам мавжуд, тўфоннинг ўзи сукунатдан туғилган”.

– Сени жонимдан ортиқ яхши кўраман, – деди Клерфэ.

Атроф жимжит. Ҳатто қаҳвахонада кўкқисдан бошланган жанжал ҳам бу сукунатни буза олмади. Кўз очиб-юмгунча аллакаердан полициячи пайдо бўлди. Бир неча жазоирликлар қўл силтаб бақирришар, қандайдир бир қиз қаҳвахонадаги ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлади, кўчада газета сотувчи болакайлар кичкириб ўтиб кетишди.

Фақат Клерфэ билан Лилиана жим ўтиришар, худди шиша скафандрга кириб нотаниш ва беҳаловат қўл тубига тушганга ўхшашарди. Улар ҳеч қандай тўғуни ҳис қилишмас, юраклари муҳаббатга лиммо-лим эди.

– Кетдик бу ердан, – деди Лилиан. – Хонамда бироз вино қолганди.

Кўйлак бу – маскарад костюмидан ҳам муҳимроқ нарса. Янги кийимда одам, бирдан сезилмаса-да, ўзгариб қолади. Янги либосни муносиб кийишни билганлар ундан ўзларига нимадир олишади, қанчалик ғалати туюлмасин, кўйлак ва одам бир-бирига таъсир этади. Бу маскарад кийиниш билан боғлиқ эмас. Кийимга мослашиш ва шу билан бирга ўзига хосликни йўқотмаслик ҳам мумкин. Буни тушунган одамни либослар ҳам асраб-авайлайди. Кийим баъзида одамга ҳар қандай руҳонийдан ҳам, садоқатсиз дўстлардан ҳам ва ҳатто севгилисидан ҳам кўра ижобий таъсир этади.

Лилиан буларнинг барини биларди. У ярашган шляпа бутун бошли қонундан кўра ишончли суянчиқ бўлиши мумкинлигини биларди. Агар кўйлак юпка матодан тикилган бўлса-да, ярашиб тушса шамолламаслик мумкинлигини ҳам биларди. Бу нарсалар Лилиан учун кимё қонунларидек исбот талаб қилмайдиган нарсалар эди. Бироқ Лилиан шу билан бирга оғир қайғуни бошдан кечираётганда кўйлақлар яхши дўст ёки ашаддий душман бўлиши мумкинлигини ҳам биларди, уларнинг ёрдамсиз аёллар ўзига ишончини йўқотиши, лекин улар ёрдам берганда аёллар кийин вазиятдан ҳам осон чиқиши мумкин эди. Булар шунчаки бемаза гап эмас, шунчаки арзимаган нарсалар ҳаёт учун муҳим ўрин тутиши мумкинлигини унутмаслик керак.

“Етарли билиминг бўлгани қандай яхши”, ўйлади Лилиан. Бу эришиши мумкин бўлган ягона илинж эди. У ҳаётини бошқа каттароқ ҳодиса билан бойитишга вақт қолмаган, ҳатто исён қилишга ҳам фурсат йўқ эди. Бир пайтлар ўзи орзу қилган исённи қилиб бўлди, энди эса ўзининг ҳақлигига шубҳа қилиб ўтирибди. Айни дамда ягона хулоса – тақдир билан ҳисоб-китоб қилиш қолганди.

Венецияда ўпкасидан қон кетиши Лилианнинг умрини нафақат кўп кунларга, балки ҳафталарга қисқартиргандек бўлди. Лекин у тушқунликка тушишни, шикоят қилишни, афсусланишни истамасди. Демак, энди яшашим учун кам пул сарфланар экан, шунинг учун ҳам ўзимга чиройли

кўйлақлар сотиб олишим керак, деб ўйларди. Бу кўйлақни у синчиклаб танлади. Аввалига у ўта башанг либос кийиб кўрди, лекин кейин сипогина кўйлақни танлади, бу барча кўйлақлари ичида энг оддийси эди. Энг башанг кўйлаги эса Клефрэ совға қилгани. Лилиан шу тарзда Тулузага нисбатан ўз эътирозини билдирганди.

Қиз буларнинг барчаси ўта заиф исёнлар эканини биларди. Лекин у энди одамлар ўз ҳаётини бироз қизиқарли қилиш учун уюштирадиган барча катта ва кичик фитналардан узоқда эдики, уларнинг фаркига ҳам бормасди.

Шу сабаб майда ҳийлаларга аралашшиш, улардан роҳатланиш учун оз эмас, кўп эмас, катта куч ва ғайрат керак, деб ўйларди Лилиан. Шу сабаб бошқаларга ҳийла-найранглар қанчалик роҳат бағишласа, унга кўйлақ сотиб олиш шунча завқ берарди. Шунинг учун ҳам Клерфэга ва ҳаётга бўлган муҳаббати унинг миясида чалкашиб кетганди. Лилиан бу туйғуларини ўйинчоқ қилиб ўйнарди. Гоҳ ҳавога ирғитар, гоҳ тутиб оларди, чунки улар ҳадемай чилпарчин бўлишини яхши биларди. Ҳаво шари ерга тушмагунча унда учиб мумкин, лекин шарни Тулузадаги шахсий уйига боғлаб қўйишнинг иложи йўқ.

* * *

Георг бешинчи авеньюсида айланиб юрган Лилиан виконт де Пестрни учратиб қолди. Унга кўзи тушган виконт ҳайратини яширмади:

– Кўринишингиздан жуда бахтлига ўхшайсиз! Севиб қолдингизми?

– Ҳа. Кўйлақларни.

– Тўғри қарор! – деди Пестр. – Қўрқув ва қийинчиликларсиз муҳаббат.

– Унақаси бўлмади.

– Йўқ, бўлади. Бу доим энг тўғри йўл бўлган. Яъни ягона, ўз-ўзига муҳаббатнинг асосий таркиби шу.

Лилиан кулиб юборди.

– Сиз шуни қўрқув ва машаққатсиз муҳаббат деб ҳисоблайсизми? Назаримда, сиз чўяндан ясалгансиз.

– Унақа эмас. Шунчаки мен ўн саккизинчи аср боласиман, жуда кеч туғилганман ва барча кеч туғилганларнинг тақдирига шерикман. Мени тушунишмайди. Истасангиз, бу ҳақда батафсил гапириб беришим мумкин.

– Шартмас. Лекин “Фукке” айвонида сиз билан бажонидил қаҳва ичаман.

– Яхши.

Уларни ботаётган қуёш нурлари тушиб турган дераза ёнига ўтқизишди.

– Қуёш нурлари остида ўтириш муҳаббатдан сўз очиш билан баробар. Сиз ҳали ҳам Сена бўйидаги кичик меҳмонхонада яшаяпсизми?

– Шунақа шекилли. Ўзим ҳам баъзида бунга шубҳаланиб қоламан. Тонгда деразани очганимда, ҳаёлимда Опера майдонининг ур-йиқит тўполони ўртасида ётгандек туюламан. Тунлари эса шундай туйғу бўладики, худди тинчгина қайикка ётиб, сузиб кетаётгандек бўламан. Оқим мени Сена бўйлаб пастга олиб кетаётгандек туюлади.

– Ҳаёлларингиз ғалати, – деди Пестр рюмкадаги шеррини ичаркан. – Балки қаҳва ўрнига вино ичарсиз?

– Йўқ. Соат неччи бўлди?

– Беш бўлди, – хайрон бўлди Пестр. – Сиз соатга қараб ичасизми?

– Фақат бугун шунақа, – Лилиан официантга ишора қилди. – Жаноб Ламбер, пойга ҳақида бирор гап эшитдингизми?

– Албатта. Римдан хабар келди. Бир неча соат олдин. Бутун Италия радиоприёмник ёнида ўтирибди, десак ҳам бўлади, қолганлар кўчага ёпирилиб чиқишган, – деди официант ҳаяжонланиб. – Ҳар дақиқада пойгага энг қудратли машиналар қўшилади. Жаноб Клерфэ жаноб Торриани билан бирга. Улар навбати билан тушишмас экан. Торриани унга механик сифатида ҳамроҳ бўлади. Чунки бу спорт машиналари пойгаси. Сизга радиоприёмник олиб келайми? Ёнимда бор.

– Олиб келинг.

– Сиз автомобиллар пойгасига қизиқасизми?

– Шу сафаргисига қизиқаяпман.

– Қанақа пойга ўзи?

– Брешиядаги минг миллик пойга.

Официант прототив радиоприёмник келтирди. У ашаддий ишқибоз бўлиб, бир неча соатдан буён пойга йўналишини кузатиб турарди.

– Машиналарни бирма-бир туширишяпти, бир неча дақиқа оралатиб алмаштиришяпти, – тушунтирди у Лилианга. – Энг тезюрарлари охирида тушади. Бу секундомерли пойга. Ҳозир Миландан олиб беришади. Соат бешда сўнгги янгиликлар хабар қилинади.

Ламбер радионинг кулоқларини бураб овозини созлади.

– Жаноб Ламбернинг приёмниги Франциядаги энг зўр приёмник, – деди Лилиан.

Радиодан ғийқиллаган овоз эшитилди. Милан радиостанцияси сиёсий янгиликларни ўқиб эшиттира бошлади. Диктор худди тезроқ спорт янгиликларига ўтиш учун шошаётгандек ўқирди.

– Энди Брешиядан тайёрланган эшитиришни эшитасиз, – деди у ниҳоят овози ўзгариб. – Пойгачиларнинг ярми йўлда. Бозор майдонида шунчалар кўп одам жамланганки, қимирлашнинг иложи йўқ.

Приёмникдан хириллагандек овоз чиқди. Кейин шовкин орасидан моторнинг ўкиргани эшитилди ва шу лаҳзадаёқ узоклашиб ўчди.

– Яна кимдир учиб ўтди, – ҳаяжонланиб шивирлади жаноб Ламбер. – Бу “Альфа” ёки “Феррари” бўлса керак!

Айвонга сукунат чўқди. Қизиқувчиларнинг айримлари уларнинг столига яқинлашди, айримлари бошини буриб, кулоқ сола бошлашди.

– Пойгада ким биринчи?

– Бу ҳақда гапиришга ҳали эрта, – деди жаноб Ламбер жиддий тарзда. – Энг қудратли машиналар пойгага энди тушади.

– Нечта машина иштирок этяпти? – сўради Пестр.

– Салкам беш юзта.

– Ё қудратингдан! – деди кимдир. – Қанча масофани босиб ўтишлари керак?

– Бир минг олти юз километрдан кўпроқ, жаноб. Ўртача тезликда бу ўн беш-ўн олти соат дегани. Балки ундан камроқдир. Лекин Италияда ёмғир ёғяпти. Брешияда эса кучли жала.

Эшиттириш тугади. Жаноб Ламбер приёмнигини ресторанга олиб кетди. Лилиан эса ўйга толиб, ўзини стулнинг суянчиғига ташлади. У қаршисида ёзги қаҳвахонани, бокаллардаги музларнинг шиқирлашини, фарфор идишларнинг овозини эшитиб, кўриб турар ва шу билан бирга, кўз ўнгида

бошқа манзара ҳам зоҳир бўлганди. Худди сувдаги медуза каби рангсиз, шаффофлик ортида Лилиан кулранг Бозор майдонини аниқ-тиниқ кўриб турарди, машиналар худди арвоҳдек бир-бирининг кетидан қувиб ўтиб бораётганини ҳам кўрди. Машиналар ичида икки кишининг ҳаёти учкундек милтиллаб турар, ўз ҳаётини хавфга қўйиш уларнинг асосий иштиёқи эди.

– Брешияда ёмғир ёғяпти, – такрорлади у. – Брешия қаерда жойлашган ўзи?

– Милан ва Веронанинг ўртасида, – жавоб берди Пестр. – Бугун сизни кечки овқатга таклиф қилсам, дегандим...

* * *

Ёмғир шиддати сабаб узилган гирляндлар ҳамма жойда осилиб ётарди. Хўл байроқлар шовкин солиб ходаларига урилар, жала забтига олганди. Худдики булутларда ҳам кўринмас машиналар пойга ўйнаётгандек эди.

Чакмоқ шовқини момақалдирок гулдираши билан навбатлаб гувилларди. Бозор майдонидаги машиналар шовқинини осмонда чакмоқ гулдираб такрорлаётгандек туюларди.

– Яна беш дақиқа қолди, – деди Торриани.

Клерфэ рулда эди. У ортиқча зўриқмаётганди.

Клерфэ ғолиб бўлиш имкони йўқлигини биларди, лекин шу билан бирга, бу каби мусобақаларда, айниқса, узоқ масофали пойгаларда ҳар хил кутилмаган ҳолатлар рўй беришини яхши биларди.

У Лилиан ва “Тарга Флорио” ҳақида ўйларди. Ўшанда у аввал Лилианни унутганди, кейин эса уни ёмон кўра бошлади, чунки айти пойга авжига чиққан пайти уни эслагани халақит берганди. Унга Лилиандан кўра пойга муҳимроқ эди ўшанда. Энди эса ҳаммаси ўзгарди. Клерфэ Лилианга ишонарди, лекин ўзининг ичидаги ишончсизлик сабабини билолмай, боши қотганди. “Мен ҳатто у Парижда қолган-қолмаганини ҳам билмайман”, ўйлади у. Эрталаб Лилиан билан телефонда гаплашганди, бироқ шундай бўлса-да, назарида, бу воқеа анча илгари рўй бергандек эди.

– Лилианга телеграмма йўлладингми? – сўради у.

– Ҳа, – деди Торриани. – Яна икки дақиқа қолди.

Клерфэ бош силкиди. Уларнинг олдида ҳеч ким йўқ эди. Энди куннинг қолган қисми ва туннинг ярмида дунёда унинг учун секундомер тутган ҳакамдан муҳимроқ одам бўлмайди. “Шундай бўлиши керак, – ўйлади Клерфэ. – Лекин акси бўлди. Торрианига рулни берсам бўларкан, лекин энди кеч”.

– Йигирма сония, – деди Торриани.

– Яратганга шукр!

Старт берувчи белги берди ва машина олдинга отилди. Одамлар унинг ортидан қийқириб қолишди.

– Клерфэ старт олди, – баланд овозда эълон қилди диктор. – Торриани унинг ёнида механик...

* * *

Лилиан отелга қайтди. У ҳарорати ошаётганини ҳис қилди, лекин бунга эътибор бермасликка қарор қилди. Энди унинг ҳарорати баъзида бир, баъ-

зида кўп даражада тез-тез ошиб турарди. Лилиан бу нимадан далолатлигини биларди. У кўзгуга тикилди. “Аммо оқшомлари кўринишим яхши”, ўйлади кинояли жилмайиб. У ўзи ўйлаб топган хийла ҳақида ўйлади. Ҳарорати ошганини ҳам у ўзининг фойдасига ўйлай бошлади. Иситмаси сабаб энди кўзлари ёлқинланиб, юзи қизаринқираб турарди.

Кўзгудан узоқлашаркан, бир йўла иккита телеграммага кўзи тушди. Наҳотки Клерфэ... Унинг юраги кўркувдан ҳапқириб кетди. Қисқа муддат ичида нима рўй берган бўлиши мумкин? Лилиан бир лаҳза бежирим тахланган қоғозчаларга тикилиб қолди. Кейин эҳтиёткорлик билан улардан бирини қўлига олди. Телеграмма Клерфэдан эди: “Ўн беш дақиқадан сўнг старт оламиз. Тошқин. Фламингом, илтимос, учиб кетма”.

Битта қоғозни кўйиб, иккинчисини олди. Кўркув ҳали ҳам тарк этмаганди, иккинчи телеграмма ҳам Клерфэдан эди. “Нега ундай қилапти? – ўйлади Лилиан. Наҳотки пойга пайтидаги ҳар қандай телеграмма юракка хавотир солишини тушунмаса?”

Лилиан оқшомга кўйлак танлаш учун шкафни очди. Шу пайт эшик тақиллади. Остонада портъе турарди.

– Сизга приёмник олиб келдим, хоним. Ҳеч бир қийинчиликсиз Милан ва Рим тўлқинларини тутишингиз мумкин.

Шундай дея у радионинг қулоғини буради.

– Мана яна битта телеграмма.

“Бугун яна нечта телеграмма юборади у? – ўйлади Лилиан. – Ундан кўра кўшни хонага изқувар кўйгани яхши эмасмиди?” Лилиан кўйлак танлади. У энг сўнгисини ўзи “венециялик” деб ном берган кўйлакни кийишга қарор қилди.

Шундан кейин телеграммани очди. Қоғозчада Клерфэга омад тиланганди. Қизик, бу телеграмма қаердан келиб қолди? Хона нимқоронғи эди, Лилиан яна бир бор имзога кўз ташлади. Унда “Хольман” деб ёзилганди. У бу исмга узоқ тикилиб қолди. Кейин юборилган манзилини кидирди. Телеграмма “Монтана” санаторийсидан йўлланганди.

Кейин қоғозни эҳтиётлаб столга қўйди. “Бугунги кун шарпаларга тегишли, – ўйлади у ўрнига ётауриб. – Клерфэ радиоприёмник кутисида, у машинасининг овози хонани тўлдиришини кутяпти. Камига энди бу телеграмма. Деразадан кўплаб сўзсиз чехралар тикилиб тургандек худди”.

Бу санаторийдан келган биринчи хабар эди. Лилиан у ерга хат ёзмасди. Ёзгиси келмасди. Чунки санаторийни бир умрга тарк этганди. Ҳеч қачон у ерга қайтиб бормаслигига ишончи комил эди. У ўзини очик денгиз устидан учиб ўтаётиб, бензини тугаган учувчидек хис қиларди. Шунинг учун ҳам, ортга қайрилмай йўлида давом этаётганди.

Лилиан анчагача ҳаракатсиз ўтирди. Кейин приёмникни ёқди. Римдан спорт янгиликларини олиб эшиттиришарди. Хонага тўфон бостириб киргандек бўлди, шовқин ичидан пойгачиларнинг овози эшитилар, кишлоклар ва шаҳарларнинг таниш ва нотаниш номлари эшитиларди.

Мантуя, Равенна, Болонья, Аквила соат ва сониялар тинмай эслатилиб турилар, диктор ютиб олинган ҳар бир дақиқани катта ҳаяжон билан эслатар, кейин у бузилган сув насослари ва қийшаган поршинлар, синган бензин қуйиш мосламалари ҳақида гапирди. Бу хабарларни худдики дунё микёсидаги фожиадек ўқирди.

Нимкоронғи хонага вақт, кетидан ҳар лаҳза ортидан қуваётган пойга шовқини киргандек бўлди. Аммо одамлар у ерда ҳаёт ортидан қувишмасди, улар ҳўл шоссе бўйлаб тезроқ бир-биридан ўзиш учун курашишарди. Улар бакираётган одамлар орасидан ўтиб, қайсидир манзилда биринчи бўлиб етиб бориш ва у ерни ҳам ўша лаҳзадаёқ тарк этиш учун курашишарди. Бу жазавали пойга бир неча соатдан буён узлуксиз давом этарди. Машиналар кўримсиз кишлокчалар ёнидан худди ортидан атом бомбаси қувиб келаётгандек, ўқдек учиб ўтишар, буларнинг барчаси беш юзта машинадан бир неча дақиқа олдинроқ ўша кўримсиз кишлокчанинг ёнидан ўтиш учун эди.

“Нега бу менга таъсир қилмайди? – ўйлади Лилиан. – Чунки пойга менинг юрагимни Италия йўлларини эгаллаган миллион одамлар юрагини забт этгани каби мафтун эта олмади. Нега? Ахир у бошқалардан кўра мени мафтун этиши керак эди-ку! Менинг шахсий ҳаётим пойгага ўхшамайдими?”

Ахир, унинг ўзи тақдирдан каттароқ улушни узиб олдинга интилмаганими, ва яна шарпанинг кетидан қувмаяптими?

“Флоренциядан гапираимиз”, тантанали эълон қилди радиодаги овоз. Лилиан яна соат ва лаҳзаларни пойгачилар фамилиясини, автомобиллар маркасини, мусобақа иштирокчиларининг ўртача тезлигини ва айрим пойгачиларнинг энг катта тезлиги ҳақидаги маълумотларни эшитди. Кейин шу овоз ғурурланиб эълон қилди: “Агар олдинда кетаётган машиналар тезликни камайтирмаса, улар Брешияга рекорд вақт ичида етиб боришади”.

Бу жумла Лилианга таъсир қилди. “Брешияга етиб боришади, – ўйлади у. – Ва яна ўша кичик, кўримсиз кишлокчада пайдо бўлишади, яна ўша гаражларни, қаҳвахоналарни ва дўкончаларни кўришади. Демак, ўлимга чап бериб, қочиб чиққан жойларига яна қайтиб боришади. Тонгда улар ўлгудек чарчаб, оёқдан қолиб, кир қоплаган юзлари худди никоб кийгандек ҳолатга келади, лекин барибир олдинга отилаверишади, худди ҳаётдаги энг муҳим нарса картага қўйилгандек олдинга интилаверишади. Улар охир - оқибат ўзлари чиқиб кетган кишлокчага барибир қайтиб боришади-ку. Брешиядан Брешиягача! Бундан ортиқ бемаъ依ликни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Табиат одамларга мўъжизаларни мўл-кўл қилиб тухфа қилган, у уларга ўпка ва юрак берган, ақл бовар қилмас кимёвий ускуна – жигар ва бўйрақларни берган, бош суяқларини оппоқ ва юмшоқ мия билан тўлдирган, буларнинг бари бутун коинот тизимидан ҳам кўра ҳайратланарли. Наҳотки, одамзод буларнинг барини Брешиядан Брешиягача бўлган масофани босиб ўтиш учун қурбон қилса?!” Ҳар бир одам “Брешиядан Брешиягача бўлган масофани босиб ўтади”. Наҳотки шундай бўлса? “Тулузадан Тулузагача”. Мағрурликдан мағрурликкача. “Мен-чи? – ўйлади у. – Мен интилаётган “Брешия қаерда?” У Хольманнинг телеграммасига тикилди. Йўқ, санаторийда эмас. У ерда Брешия ҳам Тулуза ҳам йўқ. У ерда ўлим ва ҳаёт ўртасидаги ҳар бир нафас учун сўзсиз ва тинимсиз кураш кечади. У ерда Брешия ҳам Тулуза ҳам бўлиши мумкинмас!”

Лилиан ўрнидан туриб хонани айлана бошлади. У кўйлақларини ушлаб кўрди, назарида, улардан кул ёғиларди. Кейин тортмадан чўтка ва тароқни олди-да, яна шу тезликда жойига қайтариб қўйди. Худди ойнадан мўралаган шарпа сингари кўнглига шубҳа ўралади. У тузатиб бўлмас ва даҳшатли хатога йўл қўймадимикан?

Лириан кийина бошлади. Телеграмма ҳамон столда ётарди. Чирок нури остида у хонадаги энг ёруғ нарсадек кўринарди. Вақти-вақти билан Лириан унга кўз ташлаб кўярди. Дераза ортидан сувнинг шалолагани кулоқка чалинарди. У ердан дарё ва баргларнинг хиди келарди.

“Тоғда ҳозир нима қилишаётган экан? – ўйлади Лириан ва хотираларга берилди. – Клерфэ машинаси чироклари ёруғида қоп-қоронғи Флоренция шоссеси бўйлаб учиб бораётган пайтда санаторийдагилар нималар қилишяпти экан?” Бир лаҳза иккиланиб тургач, у гўшакни олиб санаторий рақамларини айтди.

* * *

– Сиена, – деди Торриани. – Ёқилғи қуйиб, орқа ғилдиракларни алмаштириш керак.

– Тез орадами?

– Беш дақиқадан сўнг.

– Жин ургур, ёмғир!

Клерфэ кулди:

– У нафақат бизга, балки бошқаларга ҳам халақит беряпти. Хушёр тур, хизмат кўрсатиш пунктдан ўтиб кетмайлик.

Борган сари уйлар кўпайиб борарди. Фаралар уларни шовқин солаётган ёмғир орасидан суғуриб оларди гўё. Ҳамма жойда соябон тутган ва сув ўтказмайдиган ёмғирпўш кийган одамлар туришарди.

Оппок деворлар йилтиллаб ўтар, одамлар худди томчидек ҳар томонга сочиларди. Чайкалаётган соябонлар тўфонда чайқалган кўзиқоринларни эслатарди, олдинда кимнингдир машинаси у ёқдан-бу ёқка чайқаларди.

– Тўхта! – кичкирди Торриани.

Тормоз шу заҳоти ишга тушди ва машина бир силкиниб тўхтади.

– Сув беринг, орқа ғилдиракка қаранг, тезроқ! – кичкирди Клерфэ. Мотор ўчган бўлса-да, лекин Клерфэнинг кулоқлари остида унинг овози ҳамон гувилларди.

Кимдир унга бир кружка лимонад узатди, кимдир кўзойнагини алмаштирди.

– Қайси ўриндамиз? – сўради Торриани.

– Зўр кетяпсизлар! Ўн саккизинчи ўринда.

– Ёмон-ку, – деди Клерфэ. – Бошқалар-чи?

– Монти тўртинчи, Саккети олтинчи, Фриджеро еттинчи ўринда. Кантикичи кетди.

– Биринчи ўринда ким?

– Маркетти. У ҳаммани ўн дақиқа ортда қолдирди. Орқасидан Лотти, ундан уч дақиқа кейин кетяпти.

– Биз-чи?

– Сизлар ўн тўққиз дақиқа орқадасиз. Хавотирланманглар. Римга биринчи бўлиб етиб келган одам ҳеч қачон пойгада ғолиб бўлмаган. Бу кундек равшан.

Шу маҳал ердан чикқандек мураббий пайдо бўлди.

– Ҳа, Худонинг буюргани шу, – гапга аралашди у. – Ё, қудратли Тангрим! Ҳаммаси ўзингга аён! Маркетти биринчи бўлгани учун жазола! Бензона-сосида кичик туйнукча пайдо қилсанг бўлди, бошқа нарсанинг кераги йўқ.

Лоттини ҳам жазола, иккинчи бўлиш ҳам худди биринчи бўлишдек гуноҳ. Авлиё-ю анбиёлар ўзингиз қўлланг... – кўкка қараб дуо қила бошлади у.

– Бу ерга қандай келиб қолдингиз? – сўради Клерфэ. – Нега Брешияда эмассиз?

– Тайёр! – қичқирди механиклардан бири.

– Олиб кел.

– Мен у ерга... – мураббий гап бошлаганда унинг овозини мотор гувиллаши босиб кетди.

Машина олдинга отилиши билан одамлар тўрт тарафга тумтарақай бўлишди, улар ёпишиб турган шоссе яна Клерфэнинг кўз ўнгида ўз чигилларини бирма-бир оча бошлади.

“Ҳозир Лилиан нима қиляпти экан?” – ўйлади Клерфэ. Негалигини билмаса-да кейинги хизмат кўрсатиш пунктида мени телеграмма кутяпти, деб умид қиларди. Лекин одатда телеграммалар кечикади. Балки кейинги бекатда олар... Кейин фақат гулхан, тун, одамлар кўринди, моторнинг гувиллашидан уларнинг қичқириғини эшитмас, одамлар худди овозсиз фильмдагидек экранда шарпадек намоён бўлишарди. Мана шосседан бошқа ҳаммаси кўздан йўқолди, фақат шоссе худди илондек ерда тўлғонарди.

* * *

Алоқа тез уланди. Лилиан бир неча соатдан кейин улашса керак, деб ўйлаганди. Чунки, унинг назарида санаторий жуда узокда, худди бошқа сайёрада қолиб кетгандек туюларди, қолаверса, у француз телефон алоқаларини яхши биларди.

– “Монтана” санаторийси, эшитаман...

Лилиан бу овозни танишга уринди. Балки гўшакни олдингидек фрейлейн Хегер олгандир.

– Марҳамат қилиб жаноб Хольманни чақирсангиз, – юраги тез уриб кетгани ўзига ҳам сезилди.

– Бир дақиқа.

Лилиан алоқадаги гувиллаган овозга кулоқ тутди. Хольманни излаб топиб керак, деган хаёл ўтди миясидан. У соатига қаради, санаторийдагилар ҳозир овқатланишаётганди. “Намунча худди ўликни тирилтирмақчидек ҳаяжонланяпман”, – ўйлади у.

– Хольман эшитади. Ким гапиряпти?

Хольманнинг овозини бу қадар яқиндан эшитиб, чўчиб тушди.

– Лилианман, – шивирлади қиз.

– Ким?

– Лилиан Дюнкерк.

Хольман кулоқларига ишонмагандек жим бўлиб қолди.

– Лилиан, – деди кейин ишонқирамай. – Қаердасиз?

– Парижда. Телеграммангизни менга келтиришди... Уни Клерфэнинг отелидан олиб келишди, мен адашиб очиб қўйибман.

– Сиз Брешияда эмасмисиз?

– Йўқ, – деди у кўнгида оғриқ ҳис этиб. – Брешияда эмасман.

– Клерфэ боришингизни истамадими?

– Ҳа, истамади.

Агар у қаттиқ туриб олганида Клерфэ уни ўзи билан олиб кетиши мумкин эди, лекин қиз оёқ тираб туриб олмади. Шундан сўнг у Лилиандан кўпроқ ухлаш ва дам олиш, пойга ҳақида ўйламаслик ваъдасини олиб жўнади.

– Радио ёнида ўтирибман! – деди Хольман. – Сиз ҳам шундай шекилли?

– Ҳа, албатта.

– Клерфэ яхши кетяпти. Умуман олганда пойга энди бошланди. Клерфэни яхши биламан, доим пайт пойлайди. Бошқалар машинасига жабр қилаверсин. У ярим тундан олдин газни босмайди, балки ундан ҳам кечроқ... менимча ярим тунда бошлайди. Ўзингизга маълум, бу фақат секундомерга мўлжалланган пойга. Ҳеч бир пойгачи кимнинг ортидан кетаётганини билмайди. Айнан шу ҳаммасидан ҳам кўпроқ чарчатади. Пойгачилар фақат шохобчада қайси ўринда эканликларини билишади. Кўпинча бу янгилик ҳам эскирган бўлади. Бу кўр-кўрона пойга. Мени тушунапсизми, Лилиан?

– Ҳа, Хольман. Кўр-кўрона пойга. Ўзингизнинг ахволингиз қандай?

– Яхши. Тезлик даҳшат. Ўртача тезлик ҳозирча бир юз йигирма километр эди, балки ундан ҳам кўпроқдир. Кўпгина қудратли машиналар тўғри йўлга энди тушишяпти. Мен ўртача тезлик ҳақида гапиряпман, максимали ҳақида эмас!

– Ҳа, Хольман, тушунапман. Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?

– Жуда яхши. Анча яхши бўлиб қолдим, Лилиан. Қайси тўлқинни эшитяпсиз? Римга уланг. Ҳозир Рим Миландан кўра трассага яқинроқ.

– Римни эшитяпман. Ахволингиз яхшилигидан хурсандман.

– Ўзингиз қандайсиз, Лилиан?

– Яхши. Ҳа...

– Брешияга бормаганингиз яхшиликкадир, у ерда ёмғир ёғяпти, шамол ҳам кучли, лекин мен чидолмаган бўлардим, барибир борардим. Ахволингиз яхшими, Лилиан?

У нимани сўрамоқчилигини тушунди.

– Яхши, – деди қиз. – У ерда нима янгиликлар?

– Ҳар доимгидек. Охирги ойларда ҳеч нима ўзгармади.

“Нахотки бор-йўғи бир неча ой ўтган бўлса? – ўйлади Лилиан. – Менинг назаримда йиллар ўтгандек...”

– Ҳалиги у... – қиз бир лаҳза тутилди, лекин кўнглининг туб-тубидан фақат шу ҳақда сўраш учун кўнғироқ қилганини сезиб турарди.

– Борис яхши юрибдими?

– Ким?

– Борис.

– Борис Волковми? У умуман кўринмай қолган. Энди санаторийга қадам босмаяпти. Менимча яхши бўлса керак.

– Уни сира учратмадингизми?

– Бундан икки-уч ҳафта илгари бир учратгандим. У ўзининг овчаркаси билан сайр қилиб юрганди, эсингиздадир ити? Лекин биз гаплашмадик. Пастда шароит қанақа экан? Сиз тасаввур қилгандек эканми?

– Тахминан ўхшаш, – деди Лилиан. – Ҳаммаси ўзингизга, сиз қандай муносабатда бўлишингизга боғлиқ. Тоғда ҳали ҳам қор борми?

Хольман кулиб юборди.

– Аллақачон эриб кетган. Ҳамма нарса гуллаган. Лилиан... – у бирпас жим туриб кейин давом этди: – Бир неча ҳафтадан кейин менга жавоб беришаркан. Рост гапиряпман. Далай-Ламанинг ўзи айтди.

Лилиан унинг гапига ишонмади. Бир неча йил олдин унга ҳам шунақа ваъда беришганди.

– Унда жуда яхши, – деди у. – Унда пастда кўришарканмиз-да. Бу ҳақда Клерфэга айтайми?

– Айтмаганингиз маъқул, бунақа ишларда иримчиман. Мана... ҳозир спорт хабарларини узатишни бошлашади! Сиз ҳам эшитишингиз керак! Хайр, Лилиан!

– Кўришгунча, Хольман.

Лилиан Борис ҳақида яна бирор-бир хабар эшитишни истаса-да, лекин бошқа ҳеч нарса сўрамади. Бир лаҳза қора гўшакка тикилиб қолди, кейин секингина жойига илиб, ўйга толди. У бўлган-бўлмаган нарсалар ҳақида ўйлай туриб йиғлаётганини сезиб қолди. “Кўзёшларим худди Брешиядаги ёмғирдек куйиляпти, – ўйлади Лилиан ўрнидан тураркан. – Қандай аҳмоқман-а. Ҳаётда ҳамма нарса учун ҳақ тўлаш керак. Наҳотки ҳаммаси учун ҳақ тўлаб бўлдим деб ўйлаган бўлсам?”

* * *

– Бугунги кунда бахт сўзининг маъносини ҳаддан ортиқ бўрттириб юборишяпти, – деди виконт де Пестр. – Шундай замонлар бўлганки бу сўз умуман ишлатилмаган. У пайтлар уни “ҳаёт” сўзи билан алмаштиришмаган. Шу нуқтаи назар билан ҳинд, юнон, хитой адабиёти гуллаган даврни ўқинг. У даврларда одамлар моҳиятида бахт сўзи бўлган ҳиссиётлар билан эмас, балки ўзгармас, ёрқин ҳаётий туйғулар билан қизиқишган. Бу туйғулар йўқолса, инқироз бошланади, чалкашликлар, романтика, бахт кетидан аҳмоқона пойга бошланади, бу эса ҳаётни ҳис қилишни сунъийлаштиради.

Лилиан қулди.

– Ҳаётий туйғулар сунъий эмасми?

– У инсонга муносиброқ.

– Сиз инсон ҳаётий туйғуларсиз бахтли бўлиши мумкин эмас деб ўйлайсизми?

Пестр Лилианга ўйчан тикилди.

– Шундай деса ҳам бўлади. Лекин сиз бундан мустасносиз. Айнан шу хислатингиз мени ўзига ром қилади. Сизда униси ҳам, буниси ҳам бор. Лекин бунинг негизида чуқур умидсизлик ва тушкунлик бўлса керак. Бу ҳолатни ном билан аташ фойдасиз, худди тушкунлик нималигини аниқлашдек мушкул бу иш. Фақат битта нарса маълум. Бу туйғулар сил-силаси. Бу ҳолат кутбдаги майдонга ўхшайди, ёлғизлик рамзи, қайғу билмайдиган ёлғизлик. Қайғу ва исён аллақачон бир-бирини рад этган. Майда воқеалар энг катталари каби муҳим бўлиб қолган. Майда-чуйдалар кўпроқ эътибор тортяпти ҳозир.

– Мана яна ўн саккизинчи асрга яқинлашиб қолдик, – деди Лилиан киноя билан. – Ахир сиз ўзингизни у асрнинг энг сўнгги вакили, деб ҳисоблайсиз-ку, тўғрими?

– Энг сўнгги кадрловчиси.

– Наҳотки ўн саккизинчи асрда бахт ҳақида бошқа пайтларга қараганда кўпроқ гапирмаган бўлишса?

– Фақат оғир вазиятлардагина. У ҳақда орзу қилганда ёки гапирганда одамлар биздан кўра тежамлироқ бўлишган, бу сўзни кенг маънода тушунасиз.

– Гильотина амалда қўлланмагунча денг.

– Гильотина амалда қўлланмагунча ва “бахтли бўлиш ҳуқуқи” очилмагунча, – тасдиқлади Пестр. – Гильотинадан кочиби яшириниб бўлмайди.

– Лилиан винодан хўплади.

– Буларнинг бари сиз менга айтмоқчи бўлган таклифнинг узундан-узун муқаддимаси эмасми? Сизнинг маҳбубангиз бўлишимни истаяпсизми?

– Пестр жиддий тортди.

– Буни қандай деб аташ ихтиёрингиз. Мен сиз учун муҳтож бўлган шароитни яратмоқчиман. Ёки менинг назаримда сизга муносиб бўлган шароитни...

– Тошга муносиб гардиш денг?

– Ўта қимматбаҳо тошга муносиб гардиш.

– Мен эса чуқур тушқунликда бўлганим учун рози бўлишим керак, шундайми?

– Йўқ, сиз бошқаларга ўхшамаган тарзда ёлғиз ва ўта жасур бўлганингиз учун, хоним. Менинг мақтовларимни қабул қилинг. Қатъият кўрсатганим учун маъзур тутинг. Лекин сувдек тиниқ олмослар камдан-кам учрайди.

– Пестр рюмкасини столга қўйди.

– Италияда кечаётган пойганинг сўнгги хабарларини эшитишни истайсизми?

– Шу ердами? “Максима”дами?

– Нима бўпти? Альбер, бу ернинг соҳиби истаса шунақа истакларни ҳам бажара олади. Агар бу масала сиз билан боғлиқлигини билса, албатта, бажаради. Буни дарҳол тушунганман. Альбер одамларни фарқлашни билади.

“Максима”даги оркестр анъанага кўра аввал “Қувноқ бева”дан парча ижро этди. Официантлар столларнинг устини йиғиштиришди. Уларнинг ёнидан ўтиб кета-туриб Альбер Пестр ва Лилианга бир шиша коньяк олиб келишини буюрди. Лекин бутилкада чанг қатлами ҳам, Наполеон герби туширилган белги ҳам йўқ, аксинча, унда қўлда ёзилган кичкина ёрлик бор эди.

– Айтдим-ку, у одам танлашни билади деб, – такрорлади Пестр. – Бу коньякдан ичиб кўринг, албатта, барча анъаналарга амал қилган холда, яъни рюмкани иситиб, ифорини хидлаб, кейин бу мавзуда бироз гапирган холда. Бизни кузатишяпти.

– Лилиан рюмкани олиб бир кўтаришда бўшатди. Уни иситмади ҳам, хидини ҳам хидламади. Пестр кулди. Бурчакдан уларни кузатиб турган Альбернинг хиссиз юзида ҳам нимтабассум пайдо бўлди. Унинг ишорасини тушунган официант бир неча дақиқадан сўнг бир бутилка фрамбуаза келтирди ва кичикроқ рюмкаларга қўйди. Стол устини шу заҳоти мевали боғ хиди тутиб кетди.

– Малинали қадимий вино, – эъозлаб таърифлади Пестр.

– Лилиан эса агар шу винони унинг аслзодаларга хос виқорли юзига сепиб юборсам нима қиларкан, деб ўйлади. Эҳтимол буни ҳам тўғри тушуниб

Ўзининг такаббуруна ибораларидан бирини айтса керак. Лилиан ундан нафатланмасди, аксинча уни ёқтирарди, худди кучли бўлмаган уйқу дорисини ёқтиргани каби. У Пестрнинг гапларига диккат билан кулоқ тутарди. Чунки Пестр қарама-қарши ҳаёт тарзида яшайдиганлар вакили эди. У ҳаётга шайдо бўлиб, ўлимдан кўркиш хиссига нафис эхтиром кўрсатиш сирини биларди. Хавфли тоғ йўлларини боғ йўлакларига айлантира олганди. Лекин бу билан ҳеч нима ўзгармасди. Бир гал Лилиан шунга ўхшаш гапни эшитганди. Сицилияда Леваллининг вилласида эшитганди чоғи. Бундай яшаш учун кўп пул ва камрок юрак талаб этиларди. Бу тоифдаги одамлар Брешиядан Брешиягача боришмасди. Улар Брешияда ўтирганча ўзларини ўн саккизинчи асрда Версалда ўтиргандек тутишарди.

– Мен кетишим керак.

– Сиз бу гапни тез-тез такрорлайсиз, – эътибор берди Пестр. – Бу сизни янада бетакрор қилади. Бу сизнинг севимли иборангизми?

Лилиан унга қаради.

– Қолишни қанчалар исташимни билсангиз эди, – деди у секингина. – Мен қашшоқ ва ёлғиз бўлишга ҳам розиман, фақат қолсам бўлгани эди. Қолсам бўлгани! Бошқа ҳаммаси ёлғон ва чорасизликдан келиб чиққан жасорат.

* * *

Пестр Лилианни отелгача олиб бориб қўйди. Портъе ҳаяжонланганча унга пешвоз чиқди.

– Клерфэ йигирманчи ўринда! У олти рақибини ортда қолдирди. Диктор у тунда жуда яхши юраркан, деди.

– Бу ҳақиқат.

– Буни нишонлаш керак. Бир бокал шампан виноси хоҳлайсизми?

– Ҳеч қачон муддатидан олдин нишонламаслик керак. Пойгачилар иримчи бўлишади.

Лилиан қоронғи кичик холлда бироз ўтирди.

– Агар шундай давом этса, эртага эрталаб у яна Брешияда бўлади, – деди портъе.

– Буям тўғри, – деди Лилиан ўрнидан тураркан. – Бориб Сен-Мишель хиёбонида қахва ичаман.

Қахвахонада уни доимий мижоздек эъзозлаб кутиб олишди. Официант унга ғамхўрлик қилди. Жерар уни кутиб турарди, колаверса, бир тўда талабалар ҳам худди унинг фахрий қоровулидек атрофида саф тортишди.

Жерарнинг ўзига хослиги шунда эдики, у доим оч бўларди. Шоир қорнини тўйдиргунча Лилиан хаёл суриб ўтирди. У одам гавжум кўчани томоша қилишни, ҳаётнинг меҳр ва қаҳрга тўла кўзларини кузатишни яхши кўрарди. Охири кўринмайдиган одамлар оқимиға қараб, бу одамларнинг ҳаммасида ўлмас қалб борлиғига ишониш қийин эди. Кейин улар қаерга кетишади? Қалб ҳам танага ўхшаб чирийдими? Ёки бугунги оқшомдаги каби худди шарпадек умид ва қайғуга тўлган холда кезишардими? Балки ўрнида бошқа қалблар ўсиб чиқиши учун ўғит сифатида фойдаланмасликларини, чириб тамом бўлишга йўл қўймасликларини ўтиниб сўраб, айланиб юришар?

Ниҳоят, Жерарнинг қорни тўйди.

– Қизик, ҳайвонларга хос одат билан ўлган жониворларнинг этини қовуриб ейиш ёки ярим айниган сут маҳсулотлари инсон қалбининг шоирона торларини чертиб, улардан мадҳиялар яратишга ундаши ғалати, – деди Жерар. – Бу доим мени хайратга солади ва таскин беради.

Лилиан кулди.

– Брешиядан Брешиягача, – деди у.

– Бу қисқа ва лўнда иборани тушунмасам-да, баҳслашмайман, – Жерар қаҳвасини ичишда давом этди. – Ҳатто чуқур фалсафий ибора, деган бўлардим. Навбатдаги шеърий тўпламимни “Брешиядан Брешиягача!” деб номлайман. Бугун оқшом камгапсиз.

– Шунчаки гапирадиган гап йўқ.

Жерар тушунарли дегандек бош силкиди.

– Мен эса сиригиз нимада о, Сен-Мишель хиёбонининг нотаниш Клеопатраси деган бўлардим. Сизнинг сиригиз ўлим. Ҳайронман, мендек ажал куйчиси нега буни бир қарашда англамадим?

Лилиан яна кулди.

– Бу барча тирик жонларнинг сири.

– Сиз учун у кўпроқ аҳамиятга эга. Сиз ажални бошқалар рангли либосларни кийгандек кийиб юрасиз. Айнан у энг ҳаққоний жазман, унинг олдида бошқалар қийматини йўқотади. Сиз буни биласиз, лекин сизни тутиб қолмоқчи бўлган одамларни мушкул аҳволга солиш учун унутишга ҳаракат қиласиз. Ажалдан қочиб ҳаётга интиласиз.

– Ҳамма шундай қилади, фақат йоглардан бошқа.

– Ёлғон. Ўлим билан юзма-юз келмагунча ҳеч бир одам бу ишни қилмайди.

Фожиа ва кулгили томони шундаки, дунёдаги барча одам энг бадавлат корчалондан тортиб, энг камбағал шўрликкача ўзларини худди ўлмайдигандек, бир умр яшайдигандек тутишади. Агар биз доим ўлим ҳақлигини англаган ҳолда яшаганимизда эди, анчагина шафқатли ва марҳаматли бўлардик.

– Ва сабрсизроқ, кўрқокроқ ва чорасизроқ бўлардик, – кўшимча қилди Лилиан кулатуриб.

– Фаросатлироқ ва олижаноброқ...

– Худбинроқ...

– Ва холисроқ, чунки у дунёга ўзинг билан ҳеч нарса олиб кетолмайсан.

– Қисқаси, биз ҳозир қандай бўлган бўлсак, шундайлигимизча қолардик.

Жерар тирсагига таянди.

– Ҳамма, тибет донишмандларидан ва дунёга ёйилиб кетган барчанинг устидан куладиган девоналардан бошқа.

“Ҳамма” демоқчи бўлди Лилиан, лекин индамади. У ҳеч нарса унутилмайдиган санаторийни эслади, тўғри, у ерда ҳам ўлимни назар-писанд қилишмасди, лекин буни шунчаки кун ўтказиш учун эмас, балки ўлим ҳақлигини англаган ҳолда қилишарди, у ерда ўз кўркувларини енгишга муваффақ бўлишганди.

– Беморлардан бошқа, – деди Жерар. – Лекин соғайганига уч кун бўлмай улар ҳам касаллик вақтида ичган қасамларини унутишади.

Тўсатдан у Лилианга тикилиб қолди.

– Балки сиз ҳам бемордирсиз?

- Йўк, – деди Лилиан. – Қизик, одамлар окшом тушиши билан бемаъни гапларни валдирай бошлашади-я. Энди мен кетишим керак.
- Сиз доим шундай дейсиз, лекин доим кейин қайтиб келасиз. Лилиан унга миннатдор тикилди.
- Тўғрими? Бунақа нарсаларни фақат шоирлар билиши қизик.
- Улар ҳам ҳеч нарсани билишмайди. Шунчаки умид қилишади, холос.

* * *

Гранд Огюстон соҳили бўйлаб Вольтер майдонигача пиёда юриб борган Лилиан ортга қайтиб тор кўчаларга ўзини урди. У тунда ёлғиз юришдан ҳам, одамлардан ҳам кўрқмасди.

Сена кўчасига қайрилиши билан ерда ётган кимсага кўзи тушди. Уни маст деб ўйлаб ёнидан ўтиб кетмоқчи эди, лекин танасининг ярми кўприкда, ярми йўлкада бўлган аёлнинг ётиши унга ғалати туюлди ва тўхтаб тикилди. Лилиан аёлни судраб бўлса-да, йўлакка ўтказиб қўйишга қарор қилди, чунки ҳар дақиқада муюлишдан машина отилиб чиқиши мумкин эди.

Аёл жонсиз эди. Лилиан хира чироқ нурида унинг қотиб қолган очик кўзларини кўрди. Ночорни бироз кўтарганди ҳамки, унинг боши орқага шилқ этиб тушди ва кўприкка урилди. Лилиан ўликка озор етказдим, деб ўйлаб, кичкириб юборди. Кейин аёлнинг жон асорати сезилмаётган юзига тикилди. Қандай ёрдам беришни билолмай атрофга аланглади. Баъзи деразаларда ҳали чироқ кўринарди, парда қопланган катта деразадан эса мусиқа овози эшитилиб турарди. Уйлар орасидан тунги осмон ҳам кўзга ташланарди. Кутилмаганда Лилианнинг кўзи яқинлашаётган одамга тушди. Бироз иккиланиб тургач, унга пешвоз чиқишга шошилди.

– Жерар! – ҳайратланиб хитоб қилди у ва бирдан енгил тортди. – Қаердан билдингиз?..

– Ортингиздан келдим. Шоирлар сўлим баҳор окшомлари бундай қилишга ҳақли...

Лилиан бош силкиди.

– У ерда бир аёл ўлиб ётибди. Юринг, тезроқ.

– Балки мастдир. Мен ўлиқлар қандай бўлишини яхши биламан.

Лилиан Жерар боргиси келмаётганини сезди.

– Нима бўлди?

– Бу муаммога ўралашишни истамайман, – деди ажал куйчиси.

– Аёлни кўприк устида қолдириб кетолмаймиз-ку.

– Нега энди? У ўлган-ку. Қолгани полициянинг иши. Мен аралашишни истамайман. Сизга ҳам маслаҳатим шу! Унинг ўлимида бизни айбашлари ҳам ҳеч гапмас. Кетдик!

Жерар Лилианни қўлидан тортди. Лекин қиз ўрнидан жилмади. У энди ҳеч нимани сезмайдиган, лекин Лилиан билмайдиган нарсани биладиган аёлнинг юзига тикилди. Аёл ҳамма томонлама тарк этилганди. Лилиан унинг пайпоғини, жигарранг туфлисини, яланғоч қўлларини, қоп-қора қалта кесилган сочларини ва бўйнидаги ингичка занжирини кўрди.

– Кетдик, – шивирлади Жерар. – Бу ерда муаммодан бошқа нарсага йўлиқмайсан. Полицияга дуч келсак, ёмон бўлади. Биз уларга қўнғироқ қилиб хабар беришимиз мумкин. Биздан талаб қилинадигани шу.

Лилиан унга эргашди. У Жерарнинг ҳам ҳақлигини, ҳам ноҳақлигини биларди. Шоир шунчалик тез юрардики Лилиан ортидан зўрға етиб борарди. Қирғоққа етиб боргач, Лилиан унинг юзига тикилди. Жерарнинг рангида-ранг қолмаганди.

– Ўлим билан юзма-юз келиш у ҳақда гапиришдан кўра оғирроқ. Нима дедингиз? – сўради киноя билан Лилиан. – Қаердан кўнғироқ қиламиз? Менинг отелимданми?

– Гапимизни портъе эшитиб қолиши мумкин.

– Унга иш буюриб бирор жойга жўнатиш мумкин.

– Яхши.

Портъе қувончдан ял-ял ёниб уларга пешвоз чиқди.

– У ўнинчи ўринда кетяпти. У...

Жерарга кўзи тушган протъе таънали нигоҳ ташлаб жим бўлди.

– Бу Клерфэнинг дўсти, – деди Лилиан. – Сиз ҳақсиз деган қарорга келдим, Клерфэнинг ютуғини нишонлаш керак. Бизга шампан виноси келтиринг. Телефон қаерда?

Портъе ўз столига ишора қилиб, кўздан йўқолди.

– Тезроқ, – деди Лилиан.

Жерар телефон китобидан рақам қидирарди.

– Эски китоб экан.

– Полиция телефон рақамларини ўзгартирмайди.

“Ўнинчи ўринда, – ўйлади Лилиан. – У ҳамон Брешиядан Брешияга қараб шошяпти, бу вақтда эса...”

Жерар телефонда гаплаша бошлади. Портъе кўлида бир шиша ва рюмка кўтариб қайтиб келди. Кутилмаганда шиша тикини пақиллади, портъе хурсанд бўлганидан винони қаттиқ силкитиб юборганди. Жерарнинг нафаси ичига тушди.

– Йўқ, ўк овози эмас, – деди у бироз кулоқ тутиб тургач ва гўшакни кўйди.

– Энди бирор нима ичиб олмасангиз бўлмайди, – деди Лилиан. – Портъега нима иш буюришни билмай шошиб қолдим. Чунки у бутун оқшом шу топширикни кутганди. Умид қиламанки, биз ҳеч кимни таҳқирламаймиз.

Жерар бош чайқаганча, ютоқиб ича бошлади. Вақти-вақти билан телефонга қараб-қараб кўярди. Лилиан у полиция кўнғироқ қаердан бўлганини билиб қолишдан чўчиётганини сизди.

– Улар бу ерда ўк узилди деб ўйлашди. Нега фожиавий воқеалар ўлгудек кулгили ҳам бўлади-я?

Лилиан Жерарга яна шампан узатди.

– Мен кетишим керак, – деди Жерар.

– Бу гал сиз кетяпсиз. Хайрли тун, Жерар.

Жерар шампан виносига тикилди.

– Агар бошқа ичмасангиз, винони ўзим билан олиб кетсам.

– Йўқ, Жерар. Иккаласидан биттасини танлашингизга тўғри келади.

Йигит бир зумда кўздан ғойиб бўлди. “Энди тун бошланади, ёлғизлик туни”, ўйлади Лилиан ва шампанни портъега берди.

– Ичинг. Приёмник тепадами?

– Албатта, хоним.

Лилиан зинадан кўтарилди. Қоронғида приёмникнинг темир қисмлари ялт-юлт этарди. У чироқни ўчириб анчагача дераза ёнида турди, кўчадан

полиция машинаси ўтиб қолармикан деб кутди. Лекин машина кўринмади. Кейин чирокни ёқиб, секин-аста ечина бошлади. Бир хаёлида кўйлаklarни хонага осиб чиқишни ҳам ўйлади. Лекин ундай қилмади. “Кўйлаklarим менга ёрдам бериши мумкин бўлган дамлар ўтиб кетди”, ўйлади Лилиан. У чирокни ўчирмай уйку дори ичди.

* * *

Лилиан уйкудан худди биров баланддан улоқтириб юборгандек туйғу ила уйғонди. Парда ортидан тушиб турган қуёш нурлари тунда ёниқ қолган чирок нурлари билан қўшилиб жилваланарди. Телефон бор овозда жирингларди. “Полиция!” ўйлади у гўшакни кўтараркан.

Кўнғироқ қилган Клерфэ эди.

– Биз хозиргина Брешияга етиб келдик!

– Ҳа, Брешиягами? – Лилиан бошини силтаб уйкусини ўчиришга уринди.

– Демак, етиб борибсан-да.

– Олтинчи бўлиб! – кулди Клерфэ.

– Олтинчи. Бу ажойиб-ку.

– Бу муҳиммас. Эртага қайтаман. Энди ухлашим керак. Торриани аллақачон стулнинг ўзидаёқ ухлаб қолди.

– Майли, ухла. Кўнғироқ қилганинг яхши бўлди.

– Мен билан Ривьерага борасанми?

– Албатта, севгилим.

– Мени кут.

– Хўп, азизим.

Кундузи Лилиан Сена бўйлаб кезди. Кейин газеталарга кўз ташлади. У ерда ҳам аёл ҳақида ҳеч қандай хабарга кўзи тушмади. Шаҳар учун бир одамнинг ўлими ўта аҳамиятли воқеа эмасди.

* * *

– Бу уйни урушдан анча олдин сотиб олгандим, – деди Клерфэ. – У пайтларда арзимаган пулга Ривьеранинг ярмини сотиб олиш мумкин эди. Лекин бу уйда сира яшамаганман. Шунчаки бир-икки жихоз сотиб олиб кўйганман, холос. Кўриб турганингдек иморат аянчли аҳволда. Лекин бу муаммо эмас, яхшилаб таъмирланса, ҳаммаси жойида бўлади.

Лилиан кулиб юборди.

– Нима кераги бор? Бу уйда яшамоқчимисан?

– Балки яшарман.

Ғира-шира хонадан Лилиана коронғилик чулғаган боққа, тош тўкилган йўлакка қаради. Бу ердан денгиз кўринмасди.

– Балки олтмиш бешларга кирганингда яшарсан, ундан олдинмас, – деди Лилиан. – Меҳнат фаолиятингга Тулузада барҳам берасан. Кейин бу ерда худди “Отел де Пари”да тушлик қиладиган, вақти-вақти билан казинога бориб турадиган бамаъни француз судхўридек кун кечирасан.

– Боғ каттагина, уйни қайта қуриш мумкин, – давом этди Клерфэ қайсарлик билан. – Пулим бўлса, бор. Пойга ташкилотчилари анчагина сахий экан. Монакодаги пойга бу маблағ устига яна қўшимча қўшади, деб

умид қиламан. Сен бу ерда яшаб бўлмайди, деб ҳисоблайсанми? Қаерда яшашни истардинг?

– Билмадим, Клерфэ.

– Лекин буни билишим керак. Ҳеч бўлмаса, тахминан.

– Мен эса билмайман, – деди Лилиан бироз довдираб. – Ҳеч қаерда. Агар сен қаердадир яшашни истасанг, демак, ўша ерда ўлишни истаган бўласан.

– Қишда бу ернинг об-ҳавоси Парижникидан юз чандон яхши.

– Қишда! – Лилиан буни шундай оҳангда айтдики, худди гап олисдаги юлдуз ёки абадий ҳаёт ҳақида кетаётгандек.

– Қиш яқин. Курилишни тезроқ бошлаш керак, агар қишгача тугатиш ниятимиз бўлса, албатта.

“Намунча тунд бўлмаса бу уй? Мени бу уйга қамаб қўйишларини истамайман”, ўйлади у, лекин тилига бошқа гапни чиқарди:

– Ахир, қишда Тулузада ишлашинг керак-ку?

– Биринчиси халақит бермайди. Қишда сен учун энг қулай бўлган иқлимда яшашингни истайман.

“Иқлим билан нима ишим бор”, – ўйлади Лилиан кайфияти тушиб. – Мен учун энг яхши иқлим санаторийда.

Клерфэ унга ялт этиб қаради.

– Санаторийга қайтишинг керакми?

Лилиан жавоб бермади.

– У ерга қайтишни истармидинг?

– Бу саволга нима деб жавоб берай. Ахир, шу ердан-ку!

– Врач билан маслаҳатлашдингми? Умуман бирор марта врачга учрадингми?

– Врач билан гаплашадиган гапим йўқ.

Деразадан аллақандай қушнинг қаттиқ сайрагани эшитилди.

– Кетдик бу ердан, – деди қутилмаганда Клерфэ. – Бу рангли қандилни ёқсанг, электр нури хира тортиб қолгандек туюлади. Лекин бу ердаги ҳамма нарсани ўзгартириш мумкин.

Тун девордаги ганч нақшларини бағрига ола бошлади. Лилиан енгил тин олди. У ўзини бир балодан қутулгандек ҳис қилди.

– Ҳамма гап сен мен билан бўлишни истасанг, Лилиан, – деди Клерфэ.

– Ахир, ёнингдан-ку, – чорасиз эътироз билдирди қиз.

– Лекин ўзингни худди ҳозир кетадигандек тутаяпсан-да.

– Ўзинг шуни хоҳламаганмидинг?

– Эҳтимол, лекин энди хоҳламаяпман. Ўзинг мен билан бошқача яшашни истармидинг?

– Йўқ, – шивирлади Лилиан. – Лекин бошқа билан ҳам яшашни истамасдим, Клерфэ.

– Нега?

Лилианнинг жаҳли чиқиб зўрға тилини тишлади. “Нега менга бунақа аҳмоқона саволларни берапти?”

– Бу ҳақда минг марта гаплашганмиз. Ҳаммасини бошидан бошлашнинг нима кераги бор? – деди у.

– Мухаббатга нафрат билан қараш шартми?

Лилиан бош чайқади.

Клерфэ унга қаттиқ тикилди:

– Ҳеч қачон ўзим учун бирор нарсани қаттиқ истамаганман. Лекин ҳозир эса истаяпман. Сен меники бўлишингни жуда-жуда истайман.

– Ёнингдаман-ку, ахир.

– Мен истаганимдек яқин эмас.

“У мени ўзига боғлаб қамаб қўймоқчи, – ўйлади Лилиан. – Кейин буни фахр билан оила, ғамхўрлик муҳаббат деб атайди. Лекин у фахрланадиган туйғулар мени ундан кўпроқ узоқлаштиришини тушунмайди”. У йўл бўйидаги кичик виллага нафрат билан тикилди. “Наҳотки умримни шу ерда яқунлаш учун санаторийдан қочган бўлсам?! – ўйлади. – Бу ердами, Тулузадами, Брешиядами фарқи йўқ. Саргузашт завқи қани? Қани олдинги Клерфэ? Нега у бу қадар ўзгариб кетди?”

– Кел, бир ҳаракат қилиб кўрайлик, – деди Клерфэ. – Агар бир иш чиқмаса, уйни сотамиз.

“Бунга менинг вақтим йўқ, – ўйлади Лилиан. – Менинг “оилавий бахт” деган тажриба ўтказиб кўришга вақтим йўқ, ахир! Мен кетишим керак. Бунақа суҳбатларга сарфлайдиган гапим ҳам йўқ. Бунақа суҳбатлар санаторийда кўп ва ҳўб бўларди, лекин мен у ердан шунинг учун ҳам қочиб кетганман”.

Лилиан кутилмаганда тинчланди. У ҳали нима қилиши мумкинлигини билмасди, лекин нимадир қилиш қўлидан келишини ҳис қилишнинг ўзи етарли эди унга. Энди ҳаммаси унчалик ёмон туюлмади қолди. Бахт ҳам кўркита олмасди уни. Лилиан фақат бир нарсадан – кундалик ташвишлар асирига айланишдан чўчирди.

* * *

Оқшом денгиз бўйида мушакбозлик бўлди, олов осмонга кўтарилар, кейин учкунлари ҳар тарафга сочиларди. Тун ойдин эди, осмон эса жуда узок туюларди. Денгиз осмон билан бирлашиб кетгани учун олов йўқликка қаратилгандек ва ер шаридан ташқарига, бўшлиққа қулаётгандек туюларди. Лилиан охириги марта мушакбозликни санаторийдан кетишидан олдинги оқшомда “Тоғдаги кулба”да кўрганини эслади. Энди яна кетишига тўғри келади. “Назаримда, мен қабул қилган қарорларнинг барчаси мушакбозлик билан қарши олинади шекилли, – алам билан ўйлади у. – Балки менинг бошимга тушаётган кунларнинг бари мушакбозликка, мана шу ғалати, бир зумда ўчиб, кулга айланадиган оловларга ўхшар?” У атрофга аланглади. “Фақат ҳозир эмас, – ўйлади у яна хавотирланиб, – ҳозир эмас. Наҳотки, сўнгги дақиқаларда афсуланмай ўзимни бағишлашга арзийдиган ёрқин чакнаш юз бермаса?”

– Иккаламиз ҳали ўйнамадик, – деди Клерфэ. – Ҳеч умрингда казинода ўйнаганмисан?

– Ҳеч қачон.

– Унда бир ўйнаб кўришинг керак. Агар илгари ўйнамаган бўлсанг, “Биринчи қўл бахтли бўлади”, дейишади, ютишинг мумкин. Юр, борамиз ёки чарчадингми? Ахир, соат тунги икки бўлди.

– Ҳали болалар вақти-ку. Шу пайтда чарчаб бўладими?

Улар шошилмай юриб кетишди, атроф оловларга чулганган тун эди.

– Хайрият кунлар исиди, – деди Лилиан ўзини ўриндиққа ташлаб. – Иссиқни жуда кутгандим. Бу ерга ҳам ниҳоят ёз келди.

– Парижда ҳам кунлар исигунча шу ерда қолишимиз мумкин.
 – Қандай илиқ окшом. Туз хиди, денгиз овози эшитиляпти, – у Клерфэнинг елкасига бошини кўйди. – Нега одамлар абадий яшамайди-а, Клерфэ? Ўлимни билмай яшашса бўлмайдимиз?

Клерфэ бир қўли билан унинг елкасидан кучди.

– Ростдан ҳам, нега шундай эмас? Нега қариймиз? Одам бир умр ўттиз ёш бўлиб яшаса бўлмайдимиз? Кейин бирдан саксон ёшга кирса-да, ўлиб қолса ҳам майли.

Лилиан кулди.

– Мен ҳали ўттизга кирмадим.

– Ҳа, тўғри айтасан, – Клерфэ хижолат тортди. – Доим унутиб қўяман. Менинг назаримда, шу ўтган уч ой ичида камида беш ёшга улғайгандексан. Жуда ўзгардинг. Беш йилга чиройлироқ бўлдинг ва ўн йилга хавфлироқ.

Улар аввалига катта залларда ўйнашди, кейин бу заллар бўшаб қолгач, кичикроқларига катта пул тикилганларига ўтишди.

Клерфэ юта бошлади. У аввалига қўлда ўйнади, кейин эса рулеткага ўтди, бу ерда нақд пул бошқа столларга қараганда кўпроқ эди.

– Доим ёнимда бўл, – деди у Лилианга. – Сен менга бахт келтирасан.

Клерфэ “ўн иккига”, “йигирма иккига” ва “тўққизга” тикди.

Оз-оздан Клерфэ барча жетонларини ютиб ола бошлади. Унда яна бир тикишга етадиган маблағ қолди. У “қизил”га тикди. “Қизил” иккинчи уринишда чиқди. У яна пул тикди. “Қизил” яна икки марта чиқди. Энди Клерфэнинг ёнида бир дунё жетон ётарди. Залдаги бошқа ўйинчилар ҳам унга қизиқиб қолишди. Клерфэ ўтирган стол атрофи одамга тўлди. Лилиан Фиоланинг рулеткага яқинлашганини кўрди, у жилмайганча “қора”га тикди. Яна қизил чиқди. Энди стол атрофини уч қатор одам ўраб олганди. Деярли ҳамма Клерфэга қарши ўйнарди. Фақат окшом кўйлаги кийган озғин кампиргина Клерфэга ўхшаб “қизил”га тикарди.

Залга сукунат чўкди. Шар тикирлай бошлаганда кампир аксириб юборди. Яна бир марта “қизил” чиқди.

Фиола Клерфэга эҳтиёт бўл дегандек ишора қилди. Чунки омад ҳадеб кулавермайди, ҳар қандай вазиятда юз ўгириши ҳам мумкин эди. Клерфэ бош чайқади ва яна “қизил”га борини тикди.

– Il est fou¹, – деди Лилиан унинг ортидан туриб.

Ютуғини бекитишга улгурган кампир охирги дақиқаларда яна ҳаммасини “қизил”га тикди. Сукунатда унинг нафас олгани ҳам эшитиларди. Кампирнинг чангадек қўллари яшил матода янада қабариб кўринарди. Унинг ёнида кичик тошбақаси ҳам бор эди. Бу унинг омад тумори эди.

Яна “қизил” чиқди. Кампир ақлдан озай деди.

– Formidable²! – деди Лилианнинг ортидаги аёллардан бири. – Ким бу ўзи?

Лекин энди ҳеч ким рақамларга тикмай кўйди. Бутун зал кўз кўриб қулоқ эшитмаган омад ҳақида гапирарди. Одамлар қатор бўлиб турганча жетон олишар ва катта-катта пулларни “қора”га тикишарди. Чунки “қизил” етти марта чиқди, энди ранг ўзгариши керак эди. Фақат Клерфэ ҳамон “қизил”га тикишда давом этарди. Сўнгги дақиқаларда кампир ҳаяжонланиб, тошбақасини қизил ранг устига қўйворди. У хатосини тўғрилашга улгурмасидан зални кулги тутди. Яна “қизил” чиққанди.

¹ Il est fou – (фр) у ақлдан озибди.

² Formidable – даҳшат

– Афсус, хоним, тошбақангизни кўпайтириб беролмаймиз, – деди киморхона хизматчиси стол устидан тошбақани олиб эгасига узатар экан.

– Қани, менинг ютуғим?! – чийиллади кампир.

– Кечирасиз, хоним, лекин сиз пул тикмадингиз ва бу ҳақда оғиз ҳам очмадингиз.

– Ахир, сиз пул тикмокчи бўлганимни кўрдингиз-ку! Шунинг ўзи етарли эмасми?

– Шарча тушгунча сиз ё пул тикишингиз ё у ҳақда маълум қилишингиз керак. “Rien ne va plus¹” дейилгандан кейин эса бунинг фойдаси йўқ.

Кампир жаҳл билан аланглади.

– “Faites vos jeux²”, – деди пинагини бузмай хизматчи.

Клерфэ яна “қизил”га тикди. Кампир хаёлан “қора”га тикди. Бошқалар ҳам “қора”га тикишди. Фиола эса “олти”га ва “қора”га тикди.

Яна “қизил” чиқди.

Клерфэ ютуғини олди. Кейин хизматчи томонга жетонларни суриб, ўрнидан турди.

– Сен ростдан ҳам менга омад олиб келдинг, – деди у Лилианга ва шарча тўхташини кутиб, стол олдидан узоклашмади. Бу гал “қора” чиқди.

– Кўрдингми? – деди у. – Баъзида одам ўз юрагига кулок солиши керак.

Лилиан жилмайди. “Қани эди муҳаббат борасида ҳам юрагинг тўғри маслаҳат берса”, – ўйлади у.

Фиола уларга яқинлашди.

– Табриклайман. Ўйинни вақтида тугатиш ҳам бир санъат. – Фиола Лилианга ўгирилди. – Сиз нима дейсиз?

– Билмадим. Мен сира бундай вазиятга дуч келмаганман.

Фиола кулди:

– Мен ундай демаган бўлардим. Сиз Сицилияда кўпларнинг бошини айлантириб, кейин кутилмаганда йўқолиб қолдингиз. Римда худди метеордек ярқ этиб порладингиз. Венецияда эса, дўстларнинг айтишича, сизни кидириб ҳеч қаердан топа олишмаган...

Улар Клерфэнинг омадли ўйинини нишонлаш учун бар томон юришди.

– Назаримда, ютуғимиз уй қуришга ҳам етади, – деди Клерфэ қувончдан ял-ял ёниб.

– Эртага ҳаммасини ютқазинг мумкин.

– Сен шуни истайсанми?

– Йўқ, албатта.

– Мен бошқа ўйнамайман, – деди Клерфэ. – Ҳамма пулни олиб қўямиз. Сен учун боғда ҳовуз қурдириб бераман.

– Менга ҳовузнинг кераги йўқ. Биласан-ку, сузмайман.

Клерфэ унга тезгина қараб олди.

– Биладан. Чарчадингми?

– Йўқ.

– “Қизил” кетма-кет тўққиз марта чиққани ғайриоддий ҳолат, – деди Фиола. – Бор-йўғи бир марта омад чизиги шу қадар узок чўзилганини кўрганман. Ушанда “қора” ўн икки марта чиққанди. Бу воқеа урушдан олдин бўлганди. У пайтда айрим столларда ҳозирги «cercle priva³»дан анча кўпроқ пул тикилганди. “Қора”га тиккан ўйинчи банкни ўмаргандек

¹ Rien ne va plus – Бошқа пул тикилмади.

² Faites vos jeux – Қани, пул тикинглар.

³ Cercle priva – Ёпиқ ўйин гуруҳи

бойиганди ўзиям. У “қора”га ва “ўн уч”га тикди, ўн икки марта шарча “ўн уч”га тушди. Бу ҳақиқий шов-шув бўлганди. Кейин ҳамма унга ўхшаб тика бошлаган. Адашмасам, у рус эди. Исми нима эди-я? Менимча, Волков эди. Ха-ха, Волков.

– Волков? – ишонқирамай такрорлади Лилиан. – Борис Волков эмасми, мабодо?

– Тўғри! Борис Волков. Сиз уни танирмидингиз?

Лилиан бош чайқади. “Омади чопган пайтлари танимаганман”, – ўйлади у. Клерфэ уни кузатиб турганини сезди.

– Қизиқ унга нима бўлган экан? – ўйланди Фиола. – У одам барчани ҳайратга солганди. Ҳақиқий киморбозларнинг сўнгиларидан бири эди. Қолаверса, у жуда моҳир ўкчи эди. Бу ерга Мария Андерсен билан бирга келганди. У ҳақда эшитган бўлсангиз керак. У мен билган аёлларнинг энг чиройлиси эди. Миланда ҳаво хужуми пайти ҳалок бўлганди, – Фиола Клерфэга ўгирилди. – Сиз сира Волков ҳақида эшитмаганмисиз?

– Йўқ, – гапни қисқа қилди Клерфэ.

– Қизиқ! Ахир, у ўша пайтлар бир неча пойгада ҳам иштирок этганди. Албатта, ҳаваскор сифатида. Умримда ундан кўпроқ ичадиган одамни кўрмаганман. Менимча, у ўзини-ўзи нобуд қилди. Унинг хатти-ҳаракатидан шунга интиладиган одам деган таассурот қолган.

Клерфэнинг юзи тундлашди. У официантга яна бир шиша вино олиб кел, деб имо қилди.

– Бугун яна ўйнайсизми? – сўради Фиола Клерфэдан.

– Йўқ.

– Нега? Омад омадни чақиради. Балки бугун ҳам “қора” ўн уч марта чиқар.

* * *

– У ўйинни давом эттирмаслиги керак эди, – деди Фиола Лилианга. – Айниқса бугун. Бу қоида дунё каби кўхна.

Лилиан Клерфэ томонга нигоҳ ташлади. Бу гал у кизга омад туморим бўлиб ёнимда тур, демади. Қиз негалигини биларди. “Худди ёш болага ўхшайди-я, – ўйлади у меҳри товланиб. – Аҳмоқона рашк. Наҳотки гап бошқа одамда эмас, ўз шахсий туйғусида эканини унутган бўлса?”

– Сиз ўйнашингиз керак эди, – деди Фиола. – Чунки бу ерга биринчи марта келишингиз. Мен учун ўйнашни истамайсизми? Юринг!

Улар бошқа стол ёнига боришди. Фиола пул тика бошлади. Бир неча дақиқадан кейин Лилиан ҳам бир неча жетон олди. У эҳтиёт бўлиб кам-камдан пул тика бошлади. Пул Лилиан учун муҳим, ҳаётининг бир қисми эди. У Гастон амакисининг қўлига қараб қолишни истамасди.

Лилиан биринчи қўлдаёқ юта бошлади.

– Мана буни бахтли қўл, деса бўлади, – деди ютқазётган Фиола. – Бугунги оқшом сизники экан. Мен ҳам сиз тиккан катакларга тиксам, қарши эмасмисиз? Сизнинг соянгиз бўламан.

– Бундан афсусланасиз.

– Ўйиндан афсусланмайман. Қаллангизга келган рақамга тикаверинг.

Лилиан бир муддат гоҳ “қизил”га, гоҳ “қора”га тикди, кейин эса турли сонларга тика бошлади. Икки марта ютди ҳам.

У ўйнаётган стол атрофида шу заҳоти тошбақа кўтарган кампир пайдо бўлди. Кампир Лирианнинг қаршисидан жой олди. Юзидан қаттиқ ғазабдалиги билиниб турарди. Пул тикар пайти кампир тошбақасига алланарсаларни шивирларди. Унинг сарғайган бармоқларида беҳад чиройли олмос кўзли узук лиқиллаб турарди. Кутилмаганда Лириан кампир кўлидаги тошбақасига ўхшаб кетишини сезиб қолди.

Энди Лириан навбати билан гоҳ “қора”га, гоҳ “ўн уч”га тикарди. Бироздан кейин бошини кўтариб, Клерфэ у ўйнаётган стол ёнида турганча ўйинини кузатаётганини кўрди. Ўзи сезмаган ҳолда у бир пайтлар Волков ўйнагандек ўйнади. Лириан буни Клерфэ ҳам сезганини тушунди. Исён тариқасида Лириан “ўн уч”га тикишда давом этди. Олтинчи марта “ўн уч” чикди.

– Етар, – деди Лириан ва столдаги жетонларни йиғиштириб, сумкасига солди, у ютганини биларди, лекин қанча ютганини билмасди.

– Кетяпсизми? – сўради Фиола. – Ахир, бу оқшом сизники-ку! Кўриб турибсиз, омад бу оқшом сиз томонда. Бунақаси бошқа қайтарилмайди.

– Оқшом ўтди. Пардаларни очиб кўринг, ғира-шира тонг ёришганини кўрасиз. Хайрли тун, Фиола. Ўйинни давом эттираверинг!

Лириан Клерфэ билан бирга кўчага чиққанида, кўз ўнгида Ривьера ўзининг қадимий шакл-шамойилида намоён бўлди, у ҳозир сайёҳлар ишғол қилишидан олдинги ҳолатида эди. Қирғоқ кимсасиз, кўчаларда машина кўринмасди. Шамол денгиздан лангуст хидини олиб келарди.

Лириан қачон жанжаллашиб улгуришганини тушунмади ҳам. Клерфэ нимадир деди, орадан бироз вақт ўтгач, Лириан унинг сўзлари маънисини тушуниб етди. Унинг юрагида сақланган Волковга нисбатан рашк туйғуси тўсатдан юзага чиққанди.

– Мен нима қилишим керак? – деди у. – Мен соя билан курашяпман, ёнимизда йўқ кўринмас одам билан. У ҳамма жойда ёнгинамда юрса-да, уни ўқ билан отиб бўлмайди. Чунки у йўқ. У мендан юз марта кучли, чунки у йўқ, у бегуноҳ, чунки у йўқ, у беками-кўст, чунки у йўқ, унинг энг зўр имкони бор – у йўқ! Айнан шу унинг кўлига менга қарши кучли қуролни тутқазган. Мен эса шу ердан ва сен мени қандай бўлсам, шундайлигимча кўриб турибсан, энди менинг жаҳлим чиққанини ҳам, баъзан қандай ноҳақ бўлишимни ҳам, баъзан майдакаш ва аҳмоқ бўлишимни ҳам биласан. Менга қарши эса унинг катта ва беками-кўст қиёфаси турибди. У хато қилмайди, гапирмагандан кейин қаердан ҳам хато қилсин?! У билан курашиш ҳам бефойда, худдики, мархумлар хотираси билан курашишдек бефойда!

Лириан чарчаб бошини орқага ташлади.

– Шундай эмасми? – сўради Клерфэ кафти билан рулга ураркан. – Агар нотўғри гапирётган бўлсам, айт. Нега мен билан гаплашишдан қочаётганингни дарҳол сездим? Айнан уни деб менга турмушга чиқишни истамаётганингни ҳам биламан. Сен ортга қайтмоқчисан! Мана гап қаерда?! Сен яна унинг олдига қайтмоқчисан!

Лириан бошини кўтарди. У нима ҳақида гапиряпти ўзи?

У нигоҳини Клерфэга қаратди:

– Нималар деяпсан ўзи?

– Гапларим ёлғонми? Ҳозиргина у ҳақда ўйлаганинг ёлғонми?

– Ҳозир мен энг ақлли одамлар ҳам кутилмаган даражада аҳмоқ бўлишлари мумкинлиги ҳақида ўйладим. Мени ёнингдан куч билан ҳайдама, илтимос.

– Мен? Сени-я? Ахир сени ёнимда олиб қолиш учун кўлимдан келганини қиляпман-ку!

– Нахотки, шу йўл билан мени ушлаб қолиш мумкин, деб ўйласанг?! Ё, Тангрим! – Лилианнинг боши яна эгилди. – Сен бекорга рашк қиляпсан, агар мен қайтиб боришни истасам ҳам, Борис мени қабул қилмайди.

– Бунинг нима аҳамияти бор? Асосийси, сен унинг ёнига қайтишни истаяпсан.

– Мени ортга ҳайдама! Нахотки, кўзингни буткул шира босган бўлса?!

– Ҳа, – деди Клерфэ. – Эҳтимол! Лекин бошқача ўйлай олмайман. Бу кўлимдан келмайди.

* * *

Икковлон машинада Корниш шоссеси бўйлаб Антибгача жим кетишди. Улар томон эшак арава келарди. Аравада ўтирган ўсмир қиз беғам-беташиш кўшиқ куйлаб борарди.

Ҳорғин “ух” тортган Лилиан қизга ҳавас билан тикилди. У қиморхонадаги кампирни эслади, у ҳали узоқ йиллар яшашини ҳис қилди, кейин кулиб турган қизга қараб, ўзи ҳақида ўйлади. У ҳозир ҳар замонда хаёлини чулғаб оладиган тушунарсиз аламли дақиқаларни бошидан ўтказаётганди: “Нега?” Нега айнан мен? Гуноҳим нима эдики, шундай аччиқ тақдир насиб этди менга?”

Кўзёшлари орасидан эртақмонанд табиат манзараларига тикилди. Атрофни гуллаган дарахтларнинг ифори тутганди.

– Нега йиғлаяпсан? – сўради Клерфэ гаши келиб. – Худо ҳақки, йиғлашга арзийдиган ҳеч қандай сабабинг йўк.

– Ҳа, арзирли сабабим йўк.

– Сен мени шарпага алмаштиряпсан, – захар сочишда давом этди Клерфэ, – яна камига кўзёш тўқяпсан!

“Ҳа, – ўйлади у, – лекин у соянинг исми Борис эмас. Клерфэга унинг исмини айтсаммикан? Айтсам, у мени касалхонага жойлаб, остонага қоровул ҳам қўйиб кўяди. Кейин ойнаси қорайтирилган хонада дезинфекция қилинган тўшаклар хидини хидлаб мени ўлгунимча даволашларини кутиб ётаман”.

У Клерфэга ўгирилди. “Йўк, – ўйлади у, – унинг муҳаббати билан яратилган қамоқхона керакмас менга. Бу ерда исён қилишдан ҳам наф йўк. Фақат битта йўл бор. Қочиш. Оташ сўнди, кулни титишга не ҳожат?”

Машина отел ҳовлисига кириб борди. Бир инглиз тонг саҳарлаб чўмилиш халатида денгизга қараб кетиб борарди. Клерфэ Лилианнинг кўзларига қарамай машинадан тушишга ёрдам берди.

– Энди мени кам кўрасан, – деди Клерфэ. – Эртага машғулотлар бошланади.

У бироз ошириб гапирарди, пойга шаҳарда ўтказилгани сабаб машғулот ўтказишнинг иложи йўк эди. Фақат пойга пайти шаҳар кўчалари ёпиларди, холос. Машғулот фақат белгиланган масофани босиб ўтиб, тезликни қаерда пасайтириш ва ошириш кераклигини билиб олишдан иборат эди.

Лилиан тўсатдан ўзи ва Клерфэ ўртасида рўй бериши мумкин бўлган воқеаларни тасаввур қилиб кўрди. Унинг кўзига узун йўлак кўринди. Йўлак борган сари торайиб борар ва чиқиш йўли кўринмасди. Улар бу йўлакдан

юра олишмасди. Муҳаббатда ортга йўл йўқ. Уни ҳеч қачон бошқатдан бошлаб бўлмайдди. Бўлиб ўтган нарсаларнинг бари қонда қолади. Клерфэ энди унга олдингидек муомала қилмайдди. Бошқа ҳар қандай аёлга шундай қилиши мумкин, лекин Лилианга эмас. Муҳаббат ҳам худди вақтга ўхшайдди, ортга қайтариб бўлмайдди. Қурбонлик ҳам, ҳар нарсага тайёрлик ҳам, қаттиқ истаса ҳам ҳеч нарса ёрдам бера олмайдди. Муҳаббатнинг кайғули, бешафкат қонуни шунақа. Лилиан буни биларди ва шунинг учун ҳам кетмоқчи эди. Улар иккаласи бирга яшаши керак бўлган муддат Лилиан учун бутун ҳаёти, Клерфэ учун эса умрининг бор-йўғи бир неча ойи эди. Шу сабаб у Клефрэ билан эмас фақат ўзи билан ҳисоблашиши керак. Уларнинг шароити тенг эмасди. Гарчи ҳозир бошқача ўйлаётган бўлса-да, Клерфэнинг ҳаёти учун уларнинг муҳаббати бор-йўғи кўриниш, Лилиан учун эса ҳаётининг адоғи эди. У энди ўзини қурбон қилишга ҳаққи йўқ эканини тушуниб етди. Лилиан афсусланиш учун вақти жуда камлигини англади. Лекин у муносабатларига аниқлик киритиб олди, кўнглида худди тонгдек мусаффоликни туйди. Туманнинг сўнгги хираликларилари тарқаб, тушунмовчиликлар йўқолди. У кичик, лекин ўткир бахт туйғусини туйди, бу – қарор қабул қилган одамнинг туйғуси эди. Қизиғи, қарор билан бирга Клерфэга нисбатан меҳри ҳам қайтди.

– Айтаётган гапларингда бир чимдим ҳам ҳақиқат йўқ, – деди Лилиан энди бутунлай бошқа товушда. – Бир чимдим ҳам! Унут буни! Бу бўлмаган гап! Сен ўйлагандек эмас!

У Клерфэнинг юзи ёришганини кўрди.

– Мен билан қоласанми? – тезда сўради у.

– Ҳа, – деди киз бу гапнинг ёлғонлигини била туриб. Лекин бу бир томондан рост ҳам эди. У билан ўтказадиган сўнгги кунларида баҳслашишни истамасди.

– Ниҳоят мени тушундингми?

– Ҳа, сени тушундим, – жавоб берди у жилмайиб.

– Менга турмушга чиқасанми?

Клерфэ унинг овозидаги иккиланишни сезмади.

– Ҳа, – деди киз.

Энди бунинг аҳамияти йўқ эди. У кизга синчков тикилди:

– Қачон?

– Қачон истасанг.

У бир лаҳза жим бўлди.

– Ва ниҳоят! – деди у. – Ва ниҳоят! Бу қарорингдан ҳеч қачон афсусланмайсан, Лилиан!

– Биламан.

Клерфэ буткул бошқа одамга айланиб қолди.

– Чарчадингми? Ўлгудек чарчаган бўлсанг керак? Нималар қилиб кўйдик? Сен ухлашинг, дам олишинг керак-ку. Юр, сени юқоригача кузатиб кўяман.

– Сен-чи?

– Мен ҳалиги инглиздан ўрнак оламан, кейин эса кўчада машиналар камлигидан фойдаланиб, масофани синаб кўраман. Шунчаки қоидага кўра, аслида бу масофани беш қўлимдек биламан. – Клерфэ унинг эшиги олдида тўхтади. – Қандай аҳмоқман-а? Ютганларимнинг ярмини бой бердим. Ҳаммаси аламдан.

– Мен эса ютдим, – Лилиан хонага кириб, жетонга тўла сумкасини стол устига ташлади. – Лекин қанчалигини санамади.

– Эртага яна ютамиз. Врачга учрашасанми?

– Ҳа. Энди ухлашим керак.

– Албатта. Кечгача ухла. Кейин овқатланамиз. Мен сени жуда яхши кўраман.

– Мен ҳам сени яхши кўраман, Клефрэ.

Клерфэ кета туриб эшикни эҳтиётлаб ёпди. “Худди касалнинг эшигини ёпгандек”, – ўйлади қиз ҳолсизланиб ўзини каравотга ташларкан.

Очиқ ойнадан Лилиан Клерфэнинг денгиз томон кетаётганини кўрди. “Пойгадан кейин, – хаёлидан ўтказди у. – Ҳамма нарсамни йиғиштириб кетишим керак, фақат пойгадан кейин”.

У кетиш ҳақида нега вақтлироқ ўйламаганини ва қаерга боришни ҳам билмасди. Умуман олганда унга фарқи йўқ эди. “Яна бир неча кун”. У кетиши шарт. “Ортга қайтасанми? – сўради Клерфэ. Лекин қаерда у “ортга” дегани? Қаерда?”

Ҳар бир айлана йўл салкам уч километр эди, трасса шаҳар марказидаги Монте-Карло кўчасидан ўтар, казино жойлашган тепалик ёнидан ўтиб орқага қайтарди. Бу айланадан яна юзтасини босиб ўтиш керак эди, бу – пойгачи ўн минг марта тезликни ошириши, тормозни босиши ва яна шуни қайта-қайта такрорлаши керак, дегани.

– Ҳақиқий чалкашлик, – кулганча Лилианга тушунтирди Клерфэ. – Худди акробатларнинг машқига ўхшайди. Тезликни бор кучинг билан оширолмайсан ҳам. Қаерда ўтирасан?

– Минбарда. Ўнг томондан ўнинчи қатор.

– Кун қизийдиганга ўхшайди. Бошингга шляпа олдингми?

– Ҳа.

Лилиан Клерфэга кўлидаги кичик сомон шляпасини кўрсатди.

– Яхши. Бугун кечкурун денгиз бўйига борамиз, у ерда лангуст еймиз. Эртага эса бир таниш архитектор билан учрашамиз, у бизга уйни қайта қуриш лойиҳасини чизиб беради. Уйимиз ёруғ бўлади, ойналари катта-катта, куёш нурлари ҳар томондан тушиб туради.

Мураббий Клерфэга итальянчалаб алланима деб кичқирди.

– Бошланыпти, – деди Клерфэ оқ комбензонининг бўйин тугмаларини қадаркан.

У чўнтагидан бир бўлак ёғочни олиб, олдин машинасига, кейин ўз кўлига урди.

– Тайёрмисан? – кичқирди мураббий.

– Тайёр.

Лилиан Клерфэни ўпиб қўйди, кейин пойгачиларнинг барча ирим-сиримларига амал қилиб, машина томонга қараб “туф-туф”, деди. Лилиан итальян механиклар ёнидан ўтиб, чиқиш эшиги томон юраркан, йигитлар унинг ортидан ҳавас билан қараб қолишди. Орқадан мураббийнинг дуолари кулоққа чалинди:

– Барча мазлумларга меҳрибон Тангрим, бизга раҳминг келсин, Клерфэдан, Фриджеридан марҳаматингни дариғ тутма...

Эшикка етиб борган Лилиан ортига ўгирилди. Маркетти ва бошқа иккита пойгачининг хотини ўз жойларини эгаллаб, секундомер ва қоғозларни шай қилиб туришарди. “Уни ёлғиз қолдириб кетмаслигим керак эди”, ўйлади

Лилина ва Клерфэга қараб қўлини кўтарди. Клерфэ ҳам хурсанд бўлиб унга қўл силтади. Негадир Клерфэ Лилианнинг кўзига жуда ёшдек кўринди.

– Авлиё-ю анбиёлар, шундай қилингики, рақибларимизнинг шиналари бизникиларникидан кўра икки баробар тезроқ едирилсин, – ибодат қилишда давом этди мураббий. Кейин тўсатдан дуодан тўхтаб хитоб қилди: – Стартга тайёрланинг! Бегоналар ташқарига чиқсин!

* * *

Йигирмата машина бирйўла старт олди. Бир давра айлангандан кейин Клерфэ саккизинчи бўлиб борарди, у старт олган жой унчалик қулай эмасди-ю, лекин бир лаҳза ҳам иккиланмади. У Микоттининг изидан қолмай борар, бу йигитнинг ғалабага иштиёқи баландлигини биларди.

Фриджеро, Монти ва Саккетти улардан олдинда борарди, Маркетти эса биринчилардан эди. Тўртинчи даврада йўл казино олдидан ўтаётганда Микотти моторнинг жонини суғуриб олгудек босди ва Саккеттидан ўзиб кетди.

Клерфэ унинг орқа ғилдирагига осилиб кетаётиб, кўкқисдан моторни гувиллатиб тоннелдан чиққунча уни қувиб етди. Тоннелдан чиққач, Микотти тезликни пасайтирди. Клерфэ ундан ўзиб, Монтини қува бошлади. У йўлнинг ҳар бир метрини беш қўлидек биларди. Монти уч давра айлангунча ундан ҳам ўзиб кетди.

“Яна тўксон давра ва ўн еттита рақиб қолди”, ўйлади Клерфэ трибуна ёнида Микоттининг машинаси билан ёнма-ён турган машинага қараркан.

Мураббий унга вақт-бевақт олдинга чиқаверма, дегандек ишора қилди.

Бир-бирини кўришга кўзи йўқ Фриджеро ва Саккетти фирманинг манфаати қолиб, ўзаро рақобатга киришиб кетганди. Бу жамоа қоидаларига тўғри келмасди. Агар лидерлар ўз машиналарининг бошига етадиган бўлса, мураббий Клерфэ ёки Мейер III ни ҳар эҳтимолга қарши захирада тутиб турмокчи эди.

Лилиан трибуна ёнидан ҳар икки дақиқада ўтиб турган машиналар галасига тикилди. Машиналарнинг ўкдек тез учиши унинг кўз ўнгида пойгани янада қадрсизланганди. Ҳозиргина машиналар шу ерда эди, бир лаҳзага чалғиб улгурмасдан улар яна пайдо бўлишарди. Фарқи ўрни ўзгарган ҳолда пайдо бўлишарди. Улар худди узоқлашмасдан, шиша калейдоскоп ичида у ёқдан-бу ёққа кимирлаб тургандек туюларди.

“Бу тезлик билан юз даврани қандай санаб улгуришаркан?” ўйлади Лилиан.

Қиркинчи даврадан кейин Лилиан кетишга қарор қилди. У ич-ичидан ҳозирок, ортиқ бир лаҳза ҳам кутмасдан, пойга тугамасдан кетишни истарди.

Яна олтмиш марта арзимаган ўзгаришлар билан машиналарнинг ўтиб-қайтишини санаб ўтириш унга бефойда ишдек туюларди.

Бу ҳол худди санаторийда яшаган пайтидаги каби вақтни беҳуда сарфлашга ўхшарди. Унинг сумкасида Цюрихга чипта бор эди.

Лилиан уни эрталаб Клерфэ охириги марта масофани чамалаб юриб кўрган пайтда сотиб олганди.

Чипта эртадан кейинга бўлиб, шу куни Клерфэ Римга учиши керак эди. У Римда икки кун бўлиб, яна қайтмокчи. Клерфэнинг самолёти эрта-

лаб учади, Лилианнинг поезди эса кечкурун йўлга чиқарди. “Мен худди ўғрига, хиёнаткорга ўхшаб яширинча қочиб кетяпман, – ўйлади у. – Худди шу тарзда санаторийдан ҳам қочмоқчи бўлгандим. Лекин Борис вақтида тўхтатиб қолганди. Лекин бу барибир ёрдам бермади. Бундай вазиятда одамлар фақат ёлғон гапиришади, чунки ҳақиқат аччиқ, бешафқат, кейин эса пушаймоннинг тахир таъмини туйишади, чунки бошқача хайрлашишни билишмайди. Уларнинг эсида қолган сўнги хотира жанжал, тортишув ва нафрат бўлади”.

Лилиан сумкасини кавлаб чипта жойидалигига амин бўлди. Негадир уни йўқотиб қўйдим, деб ўйлаганди. Айнан шу лаҳза унинг қарори янада қатъийлашди. Кун иссиқ бўлишига қарамай, уни ваража тутарди.

“Яна ҳароратим ошибди”, ўйлади у. Атрофдаги одамлар бор овозда бақириварди. Пастда ўйинчоқдек кичик кўм-кўк кўрфаз ва оппоқ яхталар кўриниб турган жойда одамлар тўпланишган бўлиб, шосседа ўйинчоқдек кўринаётган машина қўққисдан ён томонга қараб юрди ва бошқа бир машинага тақалиб бориб ундан ўзиб кетди.

– Клерфэ! – тантанавор тарзда қичқирди Лилианнинг ёнида турган семиз хоним.

* * *

Орадан бир соатча вақт ўтгач, Клерфэ иккинчи ўринда борарди. Энди у совуққонлик ва бешафқатларча Маркеттини қувиб борарди.

Клерфэ ундан ўзиб кетишни истамасди, буни саксонинчи ёки тўксонинчи давра учун қолдирса ҳам бўлади. Клерфэ токи Маркетти асабийлашмагунча унинг изидан бир неча метр ортда боришни хоҳларди.

У таваккал қилиб, моторга зўр беришни истамасди. Бу ишни изидан қувиб келаётганлардан қутулишни истаган Маркетти қилсин. Маркетти шундай қилди ҳам, лекин унинг машинасига бало ҳам урмади. Аммо Клерфэ Маркетти жуда безовталанаётганини сезди, чунки у мақсадига эришолмади, Клерфэдан қутулолмади. Энди Маркетти Клерфэни олдинга ўтказмаслик учун унинг йўлини тўса бошлади. Клерфэ ҳам айёрлик йўлига ўтди, ўзини Маркеттидан ўзиб кетмоқчидек тутди-ю, аслида бундай нияти йўқ эди. Натижада Маркетти ўзининг машинасидан кўра кўпроқ Клерфэ-никага эътибор бера бошлади ва эҳтиёткорликни йўқотди.

Шу тарзда улар яна бир даврани босиб ўтиб, бошқа пойгачилардан анча ошиб кетишди. Терга ботган мураббий тинмай Клерфэга ёзувли тахтачаларни кўрсатиб, байроқчалар билан ишора қиларди. У Клерфэдан Маркеттидан ўзиб ўтмасликни буюрарди. Улар иккаласи ҳам битта жамоадан бўлиб мураббийга Саккетти ва Фриджерининг ўзаро рақобати ҳам етиб ортарди. Шу сабаб Фриджерини “покришка”ларнинг бошига етиб, Клерфэдан нақ бир дақиқа орқада қолганди, улар ўртасига бешта пойгачи тушиб улгурганди. Клерфэнинг изига энди Монти тушди. Лекин у ҳали Клерфэнинг орқа ғилдирагига осилишга улгурмаганди. Клерфэ истаса, қалтис бурилишларда ундан осонгина қутулиши мумкин эди. У Монтидан кўра тезроқ хайдарди.

Улар яна старт ёнидан ўтиб кетишди. Клерфэ мураббий барча авлиё-ю анбиёларни ёрдамга чақириб унга мушт дўлайтириб пўписа қилганини кўрди. У Маркеттининг ортидан қолмаётгани мураббийга ёқмаётганди.

Маркетти ҳам жаҳл билан мураббийга Клерфэни тўхтатинг, дегандек ишора қилди. Клерфэ бош силкиб бироз ортда қолган бўлди.

Бу пойгада у ғолиб бўлиши керак, хоҳ мураббий ёрдамида, хоҳ унинг қарорига қарши чиқиб бўлса-да. У шунга аҳд қилганди.

Шундоқ ҳам нокулай старт уни бироз тўхтатиб қолди. Лекин Клерфэ барибир ғалаба қозонишини биларди.

У жуда хотиржам эди, каттиқ қизишган бўлса-да, совуққонликни сақлаб қолганди. Бу қарама-қарши туйғулар унга мувозанат сақлашга ёрдам берарди. Бундай ҳолатда одам ҳеч нима бўлмаслигига қаттиқ ишонади. Мувозанат кишини худди башоратчига айлантиради, уни барча иккиланишлардан, шубҳаланишлардан ҳимоя қилади. Илгари ҳам баъзида Клерфэда шунақа мувозанат туйғуси пайдо бўларди, лекин охириги йилларда унга айнан шу туйғу, ҳеч нарса хиралаштира олмайдиган мусаффо бахт етишмаётганди.

* * *

Клерфэнинг кўз ўнгида тўсатдан Маркеттининг машинаси чирпирак бўлиб айланиб кетди, атрофни темирнинг қарсиллаган совуқ товуши тутди. Қоп-қора мойли ирмоқ асфальт бўйлаб ёйилди. Шу лаҳзада Клерфэ иккита бошқа машина ҳам катта тезликда бир-бирига урилганини, Маркеттининг машинаси худди секинлаштирилган кинотасмасидек шошмай айланганини кўрди. Маркетти машина ичидан учиб чиқиб ерга кулади. Клерфэ минглаб нигоҳлар қадалган шоссегга ўгирилди ва машинасини буриш учун қилдек бўш жой ҳам тополмади. Шоссе қўққисдан кенгайиб, шу заҳоти яна микроскопдан кўринадиган даражада кичиклашди. Клерфэ кўркувни ҳис қилмади, у бошқа бир машинага тўғридан-тўғри эмас, ёнидан урилишни истарди. Охириги дақиқаларда рулдан ҳалос бўлишни ҳам ўйлади, аммо қўллари улгурмади, бутун танаси кўтарилгандек бўлди. У бирдан вазнсизлик ҳолатида туриб қолди, лекин шу билан бирга ҳали ҳам машина ичида эди. Кейин нимадир кўкраги ва юзига қаттиқ ботди, чор тарафдан унга чил-чил бўлган дунё синиқлари урилгандек бўлди. Сўнги лаҳзада унга кўркувдан ранги оқариб, афти буришган трасса навбатчиси кўринди. Кейин улкан мушт орқасидан зарба берди ва мавҳум шовур эшитилмай қолгач, ҳаммаси тинчиди.

Клерфэга келиб урилган машина автомобиллар уюми орасидаги бўшлиққа ўзини урди, унинг ортидан келаётган машиналар унинг устидан сакраб ўтиб кетишди. Пойгачилар бирин-кетин Клерфэнинг машинаси ёнидан ўтиб кетишди. Машиналар силтаниб, титраганча пачоқланган автомобилларнинг ёнгинасидан ўтиб борар, уларнинг бир-бирига ишқаланишидан чиққан товушидан абжағи чиққан машиналар қаттиқ нола қилаётгандек туюларди.

Навбатчи белкуракни олганча қум солинган қоплардаги қумларни ёғли кўлмакка сепа бошлади, мотор товуши яқинлашиши билан, у сакраб ўзини орқага ташларди. Зум ўтмай замбил кўтарган санитарлар пайдо бўлишди. Улар Маркеттини тезда хавфсиз жойга олиб ўтишди ва қоплардан ясалган тўсик ортида турган бошқа санитарларга узатишди. Бир неча хизмат кўрсатувчи автомобиль фирмалари ходимлари эса хавфли деган ёзувли белгиларни кўтариб, ҳалокат юз берган жойга қараб югуришди. Улар бошқа пойгачиларни огоҳлантириши керак эди. Пойга бошқа жойга кўчишга улгурди, барча машиналар шоссенинг шу қисмини айланиб ўтишар ва икки

дакика ўтмай, яна шу ерга қайтиб келишарди. Айрим пойгачилар тезда атрофга кўз ташлаб олар, айримларининг нигоҳи эса шосседаги лентага қаратилганди.

* * *

Клерфэнинг машинаси олдиндаги машиналар устига чиқиб кетгани етмагандек унинг устига Монтининг машинаси ҳам чиқиб қолганди. Монти деярли жароҳатланмади. У оксоклана-оксоклана четга ўтди. Клерфэ ҳамон ўз машинасида осилиб турарди, унинг машинаси салкам тикка кўтарилиб кумли қоплар устига ағанаганди. Клерфэнинг юзи мажакланган бўлиб, кўкрак қафасига руль ботиб кетганди. Оғзидан қон оқиб турган Клерфэ хушсиз эди. Оломон худди гўштга қўнган пашшадек шоссени эгаллаб олганди, хангоматалаблар машинани арралаб Клерфэни суғуриб олишга уринаётган санитарлар, механиклардан кўз узишмасди. Олдиндаги машиналарнинг бири гуриллаб ёнарди. Оловўчиргич кўтарган ишчилар уни нарироққа олиб ўтишга улгуришди, энди ҳамма уни ўчириш билан овора эди. Яхшиямки, бензин баки синган бўлиб, бу портлашнинг олдини олганди. Лекин бензин ёнар, унинг иссиғига чидаб бўлмасди, олов ҳар дақиқада бошқа машиналарга ҳам ўтиб кетиши мумкин эди. Ҳар икки дақиқада машиналар ҳалокат ёнидан учиб ўтишарди.

Шаҳарни қоплаган мотор товуши энди худди мотам кўшиғидек эшитилар ва сония сайин кучайиб борарди. Автомобиллар қонга беланган Клерфэ ёпишиб қолган пачоқ автомобиль ёнидан учиб ўтишаркан, бу товуш кўнгилларни янада ларзага солиб кучайгандек туюларди. Ҳалокат атрофидаги олов сабаб эса шоссе нақ дўзахга ўхшарди. Пойгани тўхтатишмади, автоқувлашма ҳамон давом этарди.

* * *

Лилиан нима бўлганини дарҳол англамади. Репродуктордан ноаниқ хириллаган овоз эшитилди. Хаяжонланган диктор микрофонни оғзига жуда яқин тутганди. Лилиан бир неча сўзнигина тушунди, холос: қандайдир машиналар автоҳалокатга учрабди. Улар бир-бирининг устига чиқиб кетибди, шосседа бошқа бир машинанинг мойи тўкилибди.

Бироздан сўнг Лилиан машиналар галаси трибуна ёнидан учиб ўтганини кўрди. “Демак ваҳима қиладиган ҳеч нима рўй бермаган, – ўйлади у. – Бўлмаса, пойгани тўхтатишарди”.

У зимдан Клерфэнинг автомобилини қидира бошлади, лекин у кўринмади. Клерфэ олдинроқ ўтиб кетган бўлиши ҳам мумкин, чунки қиз пойгани диққат билан кузатмаётганди. Энди радиодан бироз тушунарли тарзда хабар бера бошлашди: Авария Плезанс қирғокларида рўй берган бўлиб, бир неча машина тўқнашган, яраланганлар бор, ҳеч ким ўлмаган. Кейинги хабарлар бироздан сўнг маълум қилинади. Ўринлар қуйидагича – биринчи бўлиб Фриджеро кетяпти, ундан ўн беш сония фарқ билан Канти, Дюваль, Мейер III...

Лилиан диққат билан кулоқ тутди. Хабарда Клерфэ ҳақида сўз бормади, ахир у иккинчи бўлиб кетаётганди-ку. “Нега Клерфэ ҳақида бир сўз демади?” – ўйлади Лилиан ва яқинлашаётган машиналар овозини эшитиб, “12” рақамли кизил машинани кўриш учун эгилди.

Клерфэ кўринмади, кўрқувдан қотиб қолган Лилианнинг қулоғига дикторнинг узук-юлуқ гаплари оқиб кира бошлади: “Жабрланганлар орасида Клерфэ ҳам бор, уни шифохонага олиб кетишяпти. У ҳушсиз. Монтининг тиззаси ва товони жароҳатланган, Саккетти...”

“Бўлиши мумкинмас...” Лилианнинг ич-ичидан нимадир бу хабарга қаршилиқ қиларди. Бу ўйинчок пойгада, бу митти шаҳарчада, ўйинчок кўрфазда ҳеч қандай фалокат юз бериши мумкинмас. Англашилмовчилик рўй берган. Клерфэнинг машинаси ҳозир муюлишдан отилиб чиқади, худди “Тарго Флорио” пойгасида отилиб чиққани каби. У бироз орқада қолган бўлиши мумкин, балки лат егандир, у ёқ-бу ёғи шилингандир, лекин у соғ-омон! Ўзини-ўзи тинчлантиришга уринса-да, Лилианнинг умиди мустаҳкамланиш ўрнига эриб, парчаланиб борарди. “Клерфэ ҳушсиз! – ўйлади у хаёлан шу сўзга ёпишиб оларкан. – Бу нима дегани?”

Бу ҳар нарса бўлиши мумкин, дегани. Лилиан трибунадан тушаётганини сезди, у қачон ўрнидан турганини ҳам эслолмасди. У старт томон елиб борарди, балки Клерфэни ўша ерга олиб кетишгандир?!

“Клерфэ қутқарув замбилида ётганча елкаси ва қўли лат еганидан ва ўзининг бахтсизлигидан кулаётгандир”, ўйлади Лилиан.

– Уни шифохонага олиб кетишди, – деди мураббий пешонасидаги терни артаркан. – О, Муқаддас Мадонна, авлиё Христофор, нега бу фалокат бизнинг бошимизга тушди? Нега бошқа фирмага эмас ... Нима?! Бир дақиқа!

У оёғини қўлига олиб, пойгачиларга сигнал бергани югурди. Машиналар ёнгинасидан учиб ўтишди, яқиндан улар улкан ва хатарли кўринишар, гувиллаган товуши эса оламни тутарди.

– Нима бўлди?! – қичқирди Лилиан. – Жин урсин, шу лаънати пойгангизни, кимдир нима бўлганини айтадимиз менга?

У атрофга аланглади. Ҳамма кўзини олиб қочди. Механиклар унинг кўзларига қарамаслик учун захирадаги қисмлар ва покришкаларга ўзларини уришди. У кимга яқинлашмасин, ўзини олиб қочарди. Ҳамма Лилиандан худди вабодан қочгандек қочишарди. Ниҳоят, мураббий қайтди.

– Пойгани жинлар маконига йўллаганимдан Клерфэга наф йўқ. Унинг ўзи ҳам бунга истамаган бўларди. У истагандики...

Лилиан унинг гапини бўлди:

– Қани у? Мен пойгачиларнинг ахлоқ кодекси ҳақида маъруза тингламоқчимасман!

– Шифохонада! Уни зудлик билан олиб кетишди.

– Нега унга ёрдам бериш учун ҳеч ким бормади? Сиз нега бормадингиз? Сиз нега бу ердасиз?

Мураббий унинг гапларига тушунмай қаради.

– Мен нима ҳам қила олардим? Бизнинг қўлимиздан нима келарди? Ҳаммаси шифокорларга боғлиқ.

Лилиан титраб кетди.

– Унга нима бўлди ўзи? – сўради у шивирлаб.

– Билмадим. Мен уни кўрмадим. Биз ҳаммамиз шу ерда эдик. Ахир, биз иш жойимизда бўлишимиз керак-ку.

– Ҳа, – деди Лилиан. – Пойга давом этиши учун.

– Пешонага ёзилганини ўзгартиролмайсиз, – чорасиз эътироз билдирди мураббий. – Биз ҳаммамиз хизматдаги одамлармиз.

Механиклардан бири шошилиб яқинлашди. Шу маҳал моторнинг овози яна гувиллади.

– Хоним... – мураббий шоссега ишора қилиб, “иложим йўқ”, дегандек қўлларини икки ёнга ёйди. – Мен боришим керак...

– Йўқ, йўқ, шошманг!

– У хушсиз. Ҳаммаси врачларнинг қўлида... Хоним, афсуски мен ҳам боришим керак... – деди механик.

Мураббий кутидаги белгилардан бирини олганча сигнал бергани югуриб кетди. Лилиан унинг йўл-йўлакай: “Мадонна, Мадонна! Лаънати мой, нега бу фалокат айнан менинг бошимга тушди?! Шўрпешонам курсин-а!” – дея кичкирганини эшитди. У пойгачилардан бирига жадвал кўрсатди, кимгадир қўл силтади ва жойида қотди. Машиналар галаси узоқлашган бўлса-да, мураббий шосседан кўз узмас, унинг ортга қайтгиси йўқ эди.

Лилиан эшик томон юрди.

– Биз пойгадан кейин борамиз хоним, – шивирлади механик. – Тугаши билан етиб борамиз!

“Пойгадан кейин”, ўйлади Лилиан. У шифохонага етиб боргунча шаҳар осмонини шовқиннинг қоп-қора пардаси тутиб турди. Лилиан от-аравадан бошқа улов тополмади.

– Одатдагидан кўра узоқроқ юрамиз, – деди извошчи. – Катта масофани айланиб ўтишга тўғри келади. Кўчалар беркилган. Пойга, ўзингиз тушунасиз...

Лилиан бош силкиб қўйди. Унинг бутун танаси қаттиқ оғриқдан азоб чекаётгандек эди. Кўриш ва эшитишдан ташқари барча туйғулари фалажланган эди, у машиналарни кўриб турар, мотор гувиллашини ҳам аниқ эшитарди. Бунга чидаш қийин эди. Извошчи тинмай валдирар, у қизни пойга кўринадиган жойлардан олиб ўтишга уринарди. Лилиан уни эшитмасди, у мотор овозидан бошқа ҳеч нарсани эшитмасди. Бир йигит аравани шошилишга тўхтатишга ва у билан гаплашишга уринди. Қиз унинг гапларини тушунмай извошчига тўхташни буюрди. Лилиан йигит унга Клерфэ ҳақида бирор маълумот бермоқчи, деб ўйлаганди. Ингичка мўйловли, оппоқ костюм кийиб олган йигит уни бирга тушлик қилишга таклиф этди.

– Бўлдими? – сўради Лилиан ҳеч нимани тушунмай. – Кейин-чи?

– Кейин кўп нарса бўлиши мумкин, – жилмайди йигит. – Қолгани сизга боғлиқ.

Лилиан жавоб бермади. У энди бу одамни кўрмасди. Кўзлари узоқларга тикилганди. Демак, йигит Клерфэ ҳақида ҳеч нима билмайди.

– Кетдик, – деди киз извошчига. – Тезроқ!

– Бунақа йигитчаларнинг чўнтагида бир мири ҳам бўлмайди, – тушунтирди извошчи. – Уни силтаб ташлаб тўғри қилдингиз. Ким билсин, тушлик учун ўзингиз пул тўлашингизга тўғри келармиди?! Кекса ва семиз жаноблар булардан кўра ишончлироқ...

– Тезроқ! – бақирди Лилиан.

– Хўп бўлади!

Улар шифохонага етиб келгунча бир аср вақт ўтгандек бўлди. Бу вақт ичида Лилиан ўзига-ўзи минглаб ваъдалар берди. У уларнинг барчасини бажаришига ишончи комил эди. У кетмайди, қолади, Клерфэга турмушга чиқади, фақат Клерфэ тирик бўлса бўлгани!

– Жаноб Клерфэ операция хонасида, – деди қабулхонадаги ҳамшира.

- Унга нима бўлганини айтолмайсизми?
- Афсусдаман, хоним. Сиз Клерфэ хониммисиз?
- Йўқ.
- Қариндошимисиз?
- Унинг ахволига бунинг нима алоқаси бор?
- Алоқаси йўқ, хоним. Фақат операциядан кейин унинг ёнига бир дақиқага, фақат яқин қариндошларинигина кўйишларини биламан.
- Лилиан ҳамширага тикилиб қолди. Балки Клерфэ билан унаштирилганмиз, дегани маъкулдир. Лекин нега? Ахир, буларнинг бари ҳозир арзимас гап-ку!
- Уни операция қилишлари шартмиди? – сўради у.
- Шунақа шекилли. Бўлмаса операция хонасига юборишмасди.
- “Бунақалар менга ўхшаганларга тоқат қилолмайди”, – ўйлади Лилиан. У шифохона ҳамшираларини яхши биларди.
- Кутиб турсам бўладими? – сўради киз.
- Ҳамшира ўриндикни кўрсатди.
- Наҳотки сизларда кутиш хоналари бўлмаса?!
- Ҳамшира ён томондаги эшикка кўли билан ишора қилди.
- Лекин у фақат яқин қариндошлар учун.
- Лилиан ўзини босди, у “Баъзида шундай дамлар бўладики, ҳатто ҳамма касби сабаб раҳм-шафқатни йўқотган ҳамширалар ҳам бир-бирига қадрдондек бўлади”, дейишдан ўзини зўрға тийди.
- Лилиан кутиш хонасига йўл олди. Моторнинг гувиллаши шу ерга ҳам эшитиларди...

* * *

Вақт судралиб ўтарди. Лилиан столдаги эски журналларни кўлига олди, анчагача бир нуқтага тикилиб тургач, журнални жойига қўйди. Ўрнидан туриб, хонани айланди ва кейин яна жойига ўтирди. Хонада ҳадик ҳиди ўрнашиб қолганди, одамлар бу хонада қаттиқ қўрқувни ҳис қилишган ва у деворларга сингиб кетганди.

Лилиан деразани қия очди, лекин моторнинг товуши қаттиқроқ эшитила бошлагач, дарров ёпди.

Бироздан сўнг хонага бола кўтарган аёл кириб келди. Бола бақириб йиғлай бошлагач, аёл унга кўкрагини тутиб тинчитди. Кўп ўтмай бола ухлаб қолди, аёл Лилианга хижолатомуз жилмайиб қўйиб, тугмасини қадади.

Лилиан хона эшигини очган ҳамширани кўриб, ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин ҳамшира унга қайрилиб ҳам қарамай, болали аёлга мен билан юринг, дегандек ишора қилди. Лилиан яна жойига ўтирди. Унинг назарида нимадир ўзгаргандек бўлди, у атрофга диққат билан қулоқ солди. Нима ўзгарганини дарров тушунмади. Атрофга сукунат чўкканди, моторлар товуши тинганига қараганда, пойга тугаган.

Лилиан чорак соатдан кейин мураббий иккита механиги билан усти очиқ машинада шифохонага етиб келганини кўрди.

Ҳамшира уларнинг учаласини ҳам кутиш хонасига олиб кирди. Уларнинг барчаси хорғин кўринарди.

– Бирор янгилик борми? – сўради Лилиан. Мураббий ёшроқ механикка ишора қилди:

– Клерфэни машинадан олишаётганда бу ёнида бўлган экан.

- Унинг томоғидан қон отилди, – деди механик.
- Томоғидан?
- Ҳа, томоғидан қон кетди.
- Бундай бўлиши мумкинмас! Ахир, у соппа-соғ эди-ку!
- Лилиан механикка тикилиб қолди. Наҳотки тақдир уларга шундай қалтис ҳазил қилган бўлса?! Ахир, фақат сил касаллигида томоғидан қон кетади-ку!
- Нима сабаб қон кетган бўлиши мумкин? – сўради у шивирлаб.
- Руль кўкрак қафасини эзиб қўйган, шекилли.
- Лилиан бош чайқади: – Йўк! Йўк.
- Мураббий эшик томонга юрди.
- Қарай-чи, шифокор қаерда экан?
- Кўп ўтмай, эшик ортида мураббий билан ҳамшира ўртасида қизғин баҳс бошланди. Кейин атроф тинчиб қолди. Яна юракни сиқадиган сукунат чўкди. Хонада механикларнинг нафас олишидан тортиб чивиннинг гўнғиллашигача эшитиларди.
- Мураббий изига қайтиб, остонада туриб қолди. Унинг куёшда тобланган юзи мурданикидек оқариб кетганди. Гапиришдан олдин у бир неча марта лабини қимирлатиб олди.
- Клерфэ ўлибди... – деди у ва ниҳоят, тилга кириб. Механиклар унга қараб қотиб қолишди.
- Уни операция қилишдими ўзи? – сўради ёш механик. – Балки нотўғри қилишгандир...
- Уни операция қилишмаган. Улгуришмаган...
- Учаласи баравар Лилианга ўгирилишди. У қотиб қолганди.
- У... қаерда? – сўради у бироз сукутдан сўнг.
- Ҳозир у ёқ-бу ёғини тартибга келтиришяпти.
- Лилиан минг машаққат билан сўради: – Уни кўрдингизми?
- Мураббий тасдиқ ишорасини қилди.
- Қаерда у?
- Ҳозир у ерга бормаганингиз маъқул, – жавоб берди мураббий. – Эртага кўрсатишади.
- Ким айтди бу гапни? – Лилианнинг овози ҳиссиз эди. – Ким айтди деяпман? – қайтарди у.
- Шифокор. Уни кўрганингиз билан танимайсиз. Эртага келганингиз маъқул. Сизни отелга олиб бориб қўямиз.
- Лилиан жойидан жилмади.
- Нега уни танимас эканман?
- Мураббий жавоб беришга шошилмади:
- Унинг юзи... У юзи билан қаттиқ урилган. Руль эса кўкрак қафасини сиқиб қўйган. Шифокор у ҳеч нарсани сезмаган деяпти... Яъни оғрикни. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча рўй берган ва у ўша заҳоти хушини йўкотган. Шундан кейин қайтиб ўзига келмаган... – деди у. Кейин бирдан жаҳли чиқиб бақира кетди:
- Сиз бизга осон деб ўйлаяпсизми?! Биз уни сиздан олдинроқ танирдик.
- Ҳа, – деди Лилиан фаромуш охангда. – Сизлар уни мендан кўра кўпроқ билгансизлар.
- Мен ундай демоқчимасдим. Мен одам ўлганда доим бир нарса бўлади, яъни у бирдан йўк бўлади, демоқчийдим. У бошқа гапирмайди. У ҳали

шу ерда, ёнингизда тургандек туюлади-ю, лекин аслида бўлмайди. Буни фақат бошига тушган тушунади. Мен бизга ҳам осонмас, демоқчиман... Ҳаммасини билиб турасану ишонмайсан... Мени тушуняпсизми?

– Ҳа, тушуняпман...

– Юринг биз билан, – деди мураббий. – Сизни отелга элтиб кўямиз. Бугунга етарли. Эртага эса уни кўрсатишади.

– Отелда нима қиламан? – сўради Лилиан.

Мураббий елка кисди.

– Балки шифокор чақиртирарсиз. У сизга укол қилсин, кўпроқ миқдорда қилса, эрталабгача ухлайсиз. Юринг! Бу ерда ёрдамингиз тегмайди. У ўлди. Энди ҳеч биримиз унга ёрдам беролмаймиз. Одам ўлгандан кейин унга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайди, – у яқинлашиб Лилианнинг елкасига кўлини кўйди. – Юринг, ҳаммасини тушуниб турибман. Эй, Худо! Бунақасини биринчи марта кўрмаяпман. Лекин барибир ҳар гал биринчи мартадек...

Лилиан худди сувдан отилиб чикқандек ҳансираб уйқудан уйғонди. Бир лаҳза вақт ва маконни танимай қотиб турди, кейин бирдан айрилиқнинг аламли наштарлари бутун танасига санчилди. У ўрнидан туриб атрофга аланглади. Бу ерга қаердан келиб қолди? Секин-аста ҳаммасини эслади. Тушдан кейин ўтиши қийин бўлган вақт, ғира-шира уфқ, шифохона, Клерфэнинг бегона, мажақланган, бир томонга қийшайган юзи, унинг худди ибодат қилмоқчидек йиғилган кўллари, у билан бирга кирган шифокор... Буларнинг бари ишонарсиз, нотабий эди. Касалхона каравотида Клерфэ эмас, у ётиши керак эди. Фақат у. Қандайдир англашилмовчилик рўй берди, кимдир уларга шум ҳазил қилди.

Лилиан ўрнидан туриб, пардани сурди. Булутсиз осмон ва отел боғи гулзоридаги, пальмаларга кўзи тушиб, йўқотиш азобини янада чуқурроқ ҳис қилди.

“Мен ўлишим керак эди, мен! – ўйлади у алам билан. – Ажал уни эмас, аслида мени пойлаб юрганди”.

Унинг кўнгли алланечук бўлди, ўзини кимнидир алдагандек ҳис қиларди. Ҳаёт учун ортиқча бўлса-да, у яшашда давом этипти, унинг ўрнига бошқани ўлдиришди, у ўзини Клерфэнинг ўлимига айбдор ҳисобларди. Ўзини худди хориб-толиб, рулни буришга имкон тополмай, бировни босиб кетган ҳайдовчидек ҳис қиларди. Ҳаётнинг чалкаш ўйини олдида лол қолди...

Телефон жиринглади. Лилиан кўрка-писа гўшакни олди. Ницца дафн бюроси унга ўз таклифларини билдирди. Улар тобут, қабр ва дафннинг бошқа маросимларини арзон нархларда таклиф этишди. Агар марҳумни ватанига олиб кетиш зарур бўлса, махсус зирҳли тобут ҳам топиб беришга ваъда беришди.

“Қаерга олиб кетишади? Эльзас Лотарингами? У қаердалигини ҳам билмайман”, ўйлади Лилиан.

Яна телефон жиринглади. Бу гал касалхонадан кўнғироқ қилишди. “Марҳумни нима қиламиз? Уни олиб кетиш керак. Тушдан кейин келишингиз лозим. Тобут буюртириш керак”.

Лилиан соатига қаради, кун туш бўлганди. У кийинди. Дафн маросими унинг зиммасига тушди. “Қора кўйлак кийсам яхши бўларди”, ўйлади у. Шу маҳал гулчамбар етказиб берадиган фирмадан ҳам кўнғироқ қилишди.

Бошқа бир фирма Клерфэ қайси динга мансублигини сўради.

Кучли уйку дори ҳали Лилианни ўз исканжасидан чиқармаганди. Бўлаётган воқеалар тушдек туюларди. У портъе билан маслаҳатлашиш учун пастга тушди. Уни кўриб, портъе ўрнидан турди. Лилиан тескари қаради, у ходимнинг ачиниб қарашига тоқат қилолмасди.

– Тобут буюртма қилинг, – шивирлади Лилиан. – Дафн маросими учун нима талаб қилинса, ҳаммасини бажаринг.

Портъе унга расмий идораларга хабар бериб қўйиш керак деди.

– Балки мурдани ёриб кўришларини истарсиз? Баъзида бу ҳам керак бўлади, ўлим сабабини аниқлаш учун.

– Нега?

– Қонуний эътирозларни исботлаш учун. Автомобиль фирмаси ҳаммасини пойга ташкилотчиларига тўнкаши мумкин. Суғурта ҳақида ҳам ўйлаш керак, бу ишнинг оқибати нима бўлиши номаълум. Яхшиси, ҳаммасига тайёр туриш керак.

“Ўлик бўлган осонроқ экан”, ўйлади Лилиан.

– Клерфэни маҳаллий қабристонга кўмишга розимисиз?

– Ўз жонига қасд қилганлар қабристонигами? – сўради Лилиан.

– Йўғ-эй?

Портъе узр сўрагандек жилмайди.

– Жонига қасд қилганлар қабристони бўлмаган гап. Бу ерда шаҳар аҳолиси кўмиладиган бинойидек қабристон бор. Сизда Клерфэнинг хужжатлари борми?

– Хужжат? Энди унга хужжатнинг нима кераги бор?

Портъе расмиятчиликнинг барча қоидаларини биларди:

– Албатта керак. Бундан ташқари, полицияга ҳам хабар бераман.

– Полицияга?

– Ҳар қандай бахтсиз ҳодисада, албатта, полицияга хабар бериш керак. Табиийки, фирма ва пойга ташкилотчилари хабар беришган. Лекин полиция кўмишга рухсат бериши керак. Албатта бу шунчаки расмиятчилик, лекин амал қилиш шарт, – Портъе ҳаммасини ўзи ҳал қилишга ваъда берди.

Лилиан розилик билдирди. У тўсатдан тоза ҳавога чиққиси келди. Ҳушдан кетиб йиқилишдан чўчирди. Кейин бирдан кеча эрталабдан бери туз тотмаганини эслади. Лекин отелнинг ресторанига киргиси келмади. Холлни шошилиш тарк этиб, “Париж” қаҳвахонаси томон юрди. У ерда бир финжон қаҳва буюртириб анчагача унга қўл урмай, хаёлга чўмиб ўтирди.

Қаҳвахона ёнидан машиналар ғизиллаб ўтар, аксарияти казино эшиги тагида тўхтарди, сайёҳлар автобуслари ҳам ўша томонга юрарди ва ундан “тўкилган” саёҳатчилар галаси ўз йўлбошловчиларига сўзсиз бўйсуниб замонавий Вавилонни айланишарди.

Кимдир стол ёнига келиб ўтирганда Лилиан кўрққанидан сакраб тушди. Кейин қаҳвасини шошилиш ичиб чиқиб кетди. Энди нима қилиш кераклигини билмасди. У ўзини-ўзи Клерфэ билан бахтсиз ҳодиса рўй бермаганда ҳам барибир ёлғиз бўлардим-ку, Парижга ёки Швейцарияга кетмоқчи эдим, деб беҳудага тинчлантirmoқчи бўларди. Ҳеч қандай таскин унга ёрдам бермади, у ўзини тубсиз жар ёнида тургандек ҳис қиларди. Бу ҳақда бир лаҳза ҳам унутолмасди. Клерфэ энди йўқ, агар у шунчаки Лилиан билан бирга бўлмаганда, бошқа гап эди.

Лилиан денгиз кўриниб турадиган жойда ўриндик топиб ўтирди. Энди зиммасига зудлик билан бажариши лозим бўлган бир дунё иш тушганди,

лекин уларни бажариш учун сира хаёлларини жамлаб, ишга кириша олмасди. Нимани ўйламасин, охири Клерфэга бориб такалаверарди. “Нега Клерфэ, мен эмас?.. Нега бундай бўлди? Бу дунё ақлдан оздими? Мен ўлишим керак эди-ку. Бу қандай даҳшатли томоша бўлди?”

* * *

Отелга қайтган Лилиан дарров хонасига йўл олди. Лекин ичкарига кирмай тўхтади. Хонанинг дим ҳиди юзига урилди. Лилианнинг назарида хонадаги барча нарса Клерфэга қўшилиб ўлганди.

Портъе ундан Клерфэнинг хужжатларини сўраганини эслади. Лекин у хужжатлар қаердалигини билмасди. Санаторийда пайтидан биладика, баъзида мархумнинг буюмларига қараш унинг ўзига қарашдан кўра оғирроқ.

Эшикда калит осилиб турарди, Лилиан оқсочлар хонани тозалашяпти, деб ўйлади. У бир ўзи қолмаслигини ўйлаб, енгил тортиди ва хонага кирди.

Стол ёнида ўтирган кулранг костюмли озгин хотин бошини кўтарди.

– Сизга ким керак?

Лилиан адашдим, деб чекинмоқчи бўлди-ю, лекин шу дамда Клерфэнинг пальтосига кўзи тушди.

– Сиз кимсиз? – сўради у.

– Менимча, бу саволни мен беришим керак, – деди аёл. – Мен Клерфэнинг синглизиман. Сизга бу ерда нима керак? Кимсиз?

Лилиан индамади. Клерфэ бир пайтлар сингиси борлигини, лекин иккаласи ҳам бир-бирини кўришга кўзи йўқлигини айтганди.

Бу ўша Клерфэ анча йиллардан буён бирор хабар эшитмаган сингиси бўлса керак. У акасига умуман ўхшамасди.

– Келганингизни билмабман, – деди Лилиан. – Ўзингиз шу ерда экансиз, демак, менинг бу ерда қиладиган ишим қолмади.

– Албатта, – деди аёл совуққонлик билан. – Менга акам бу ерда қандайдир хоним билан яшаганини айтишганди. Ўша сиз бўлсангиз керак?

– Бунинг энди ахамияти йўқ, – деди Лилиан ва эшикка ўтирилди.

– Шошманг! – қичқирди ортидан аёл.

Лилиан хонасига қайтиб, кийим-кечакларини йиғиштира бошлади. Кўп ўтмай бу ишни тўхтатди. “У ҳали шу ерда экан, мен кета олмайман”, ўйлади у. Лилиан сўнгги бор Клерфэга муносабати яхши бўлганини кўрсатишни истар, лекин шу билан бирга, бу содиқлиги энди аламли ва беҳудалигини ҳам тушунарди.

У яна касалхонага борди. Қабулхонада ҳамшира энди Клерфэни кўриш мумкин эмаслигини айтди.

– Қариндошларидан бирининг талабига кўра мурда ёриб кўриляпти. Шундан сўнг уни рухли тобутга солишади ва шаҳардан олиб кетишади.

“Фикрини қанчалар тўғри изоҳлар экан бу ҳамшира, – ўйлади Лилиан. – Шу пайтгача Клерфэ эди, лекин ёриб кўрилгач, мурдага айланди”.

Касалхона ёнида мураббийни учратди.

– Биз бугун кечкурун кетяпмиз, – деди у. – Анави қоқсуяк, захар хонимни кўрдингизми? Синглизини айтаман. У Клерфэни ёриб кўришни буюрибди. Яна автомобиль фирмаси ва пойга ташкилотчилари дафн харажатларни тўласин, деб даъво қилмоқчи. Уларни масъулиятсизликда ҳам айблаган. Полицияга ҳам борибди. Директоримиз билан учрашишга ҳам улгурибди.

Биласиз, директоримиз унча-бунча нарсадан кўрқадиганлардан эмас, лекин бу аёл билан ярим соат гаплашгач, рангида-ранг қолмади шўрликнинг. Синглиси бир умрлик нафақа талаб қиляпти. Клерфэ ягона боқувчим эди, дейди... Биз ҳаммамиз кетяпмиз, сиз ҳам кетинг. Ҳаммаси тугади.

– Ҳа, – деди Лилиан. – Ҳаммаси тугади.

У кўчаларни бемақсад айланиб юарди. Ҳар замонда бирор жойда ўтирар, нимадир ичар, кейин яна боши оққан тарафга кетарди. Кеч бўлганда отелга қайтиб келди.

У қаттиқ чарчаганди, шифокор унга уйку дори қолдирди. Лекин дорини ичишига ҳам ҳожат қолмади, бошини кўйиши билан ухлаб қолди.

* * *

Телефон кўнғироғидан сесканиб уйғонди. Бу Клерфэнинг синглиси бўлиб, Лилиан билан зудлик билан гаплашиши керак экан.

– Бирор гапингиз бўлса, ҳозир айтақолинг, – жавоб берди Лилиан.

– Бу телефонда айтиладиган гап эмас.

– Унда соат ўн иккида холлда учрашамиз.

– Ўн икки жуда кеч.

– Мен учун кеч эмас, – деди Лилиан ва гўшакни кўйди.

У соатга қаради, соат эрталабки тўққиз эди. Демак, у ўн беш соат ухлабди, лекин шунда ҳам чарчоғи чиқмаган. Бу чарчоқ тўйиб ухламаганидан эмасди.

Лилиан ваннахонага кирди ва у ерда ҳам ухлаб қолишига бир баҳя қолди, агар эшик қаттиқ тақилламаганда ухлаб ҳам қоларди. У эгнига халатни ташлаб эшикни очди. Клерфэнинг синглиси уни итаргудек бўлиб отилиб кирди. Лилиан уни тўхтатиб қололмади.

– Сиз Дюнкерк хонимсиз? – сўради аёл.

– Соат ўн иккида холлда учрашамиз, деб келишгандик, – деди Лилиан. – Бу ерда гаплашишни истамайман.

– Фарқи нима? Мен шу ердаман-ку...

– Хонамга менинг розилигимсиз кирдингиз, – унинг гапини бўлди Лилиан. – Бу менинг хонам. Ёки маъмуриятга кўнғироқ қилишимни ва улардан ёрдам сўрашимни истайсизми?

– Мен ўн иккигача кутолмайман. Поездим вақтли кетади. Сиз токи мен билан гаплашишга вақт ажратгунингизча акамнинг тобути шу иссиқда перронда туришини истайсиз шекилли?

“Бу аёл мақсадига етиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди”, ўйлади Лилиан.

– Акамнинг қоғозлари ичидан бир ҳужжатнинг нусхасини топдим. Асли сизда бўлса керак. Ҳужжатда Ривьередаги уй сизнинг номингизга ўтказилгани ёзилган.

– Менинг номимга?!

– Буни билмасмидингиз?

Лилиан аёлниг озгин қўлларидаги ҳужжатга қаради. Унинг бармоқларида иккита никоҳ узугини кўриб, демак бева экан, деб ўйлади.

– Ҳужжатни кўрсатинг-чи, – деди Лилиан.

Клерфэнинг синглиси иккиланди.

– Илгари кўрмаганмидингиз?

Лилиан жавоб бермади. У ваннахонада ҳамон сув оқаётганини эшитиб, жўмакни ёпгани кетди.

– Айнан шуни айтиш учун мен билан шошилинч учрашмоқчимидингиз? – сўради у қайтиб.

– Мен Клерфэллар оиласи бунга шундай қараб турмайди, бу ҳужжатни бекор қилиш учун курашади, деб айтмоқчи эдим.

– Бемалол. Энди кетишингиз мумкин.

Аёл ўрнидан жилмади.

– Агар бу васиятнома кимнингдир таъсирида ёзилган, дея ариза ёзиб берсангиз иш ҳам осон ҳал бўларди ҳамда тарбия кўрган хонимлигингизни намоён этган бўлардингиз.

Лириан аёлга қаттиқ тикилди ва: – Худди шунақа аризани менинг номимдан ёзиб қўйгандирсиз? – деди.

– Албатта. Фақат имзо чексангиз бўлди. Мана у. Бунга дарров аклингиз етганидан хурсандман.

Лириан аёл узатган қоғозни олиб йиртиб ташлади.

– Энди кетинг, сизга шунча тоқат қилганим етар!

Аёл доврираб қолмади. У Лирианга еб қўйгудек тикилди.

– Ҳозиргина васиятнома ҳақида ҳеч нима билмайман, дегандингиз-ку!

Лириан эшикни очди.

– Бу муаммоларингизни ўзингиз ҳал қилинг. Қўлингизда ҳужжат нусхаси бор, қолаверса, мархумнинг ихтиёрини ҳам биласиз. Кўрамыз, очкўзлигингиз ва ахлоқингизни қандай бирлаштира оларкансиз?

– О, буни эплаймиз, ғам чекманг! Ҳақиқат биз тарафда. Бахтимизга ҳали одамлар қариндошлар ва аллақандай маккорани фарқлашни билишади...

Столда бинафшалар солинган кичик гулдон турарди. Лириан гулдонни олиб аёлнинг суякдор юзига сувини сепиб юборди. Сўлиб қолган гуллар унинг сочлари ва елкаларига ярашиқли ёпишиб қолди.

Аёл юзини артди.

– Бу ишингиздан ҳали қаттиқ афсусланасиз, – вишиллади у.

– Биламан, – деди Лириан. – Сиз менга бузилган соч турмагингиз, расво бўлган қўйлагингиз ва албатта мен қаттиқ кўрқитган чўян қалбингиз учун ҳақ талаб қилиб ҳисоб қоғози юборасиз. Истасангиз, ҳисоб қоғозига кўшиб васиятнома нусхасини ҳам юборинг. Энди эса кўзимдан йўқолинг, қари тулки!

Клерфэнинг сингиси кўздан йўқолди. Лириан ҳамон кўлида тутиб турган шиша гулдонга қаради. “Хайрият унга гулдонни отмабман!” ўйлади у.

Унинг кулгиси келди, кулгиси кўзёшларга айланди. Йиғлай-йиғлай, юрагини исқанжага олиб турган дарддан халос бўлди.

* * *

Холлда Лирианни портъе тўхтатди.

– Бир нохуш хабар бор, хоним.

– Нима бўлди?

– Сиз менга тобут ва қабристондан жой буюртиришни топширгандингиз. Лекин жаноб Клерфэнинг сингиси келиши биланоқ автомобиль фирмаси ҳисобидан тобут буюртирди. Тобутни олиб келишди. Энди сизники ортиқча.

– Уни ортга қайтариб юборишнинг иложи йўқми?

– Дафн маросимлари бюроси вакилининг айтишича, у тобут махсус буюртма асосида ясалган экан. Одамгарчилик юзасидан қайтариб олиши мумкин экан, лекин асл нарҳида эмас.

“Демак, бу дунёда чиябўрилар кўп экан-да”, ўйлади Лилиан. Тўсатдан кўз ўнгида ғалати манзара намоён бўлди: у ўзини бўш тобут билан тоғдаги санаторийга кўчиб ўтганини, Клерфэнинг синглиси эса бу пайтда Клерфэнинг жасади солинган тобутни ўз қариндошлари кўмилган қабристонга олиб кетаётганини кўргандек бўлди.

– Мен хонимга сиз буюртирган тобутни олишни таклиф қилдим, – давом этди портъе. – Лекин у хоҳламади. Хонимнинг жуда феъли тор экан. Бизнинг отелдаги харажатларини ҳам автомобиль фирмаси ҳисобига ёздирди. Унга пансион харажатлари ва 2 шиша 1929 йил ҳосилидан тайёрланган шато лафита виноси нархи ҳам киритилган. Хоним кеча оқшом буюртирган бу винолар отелимиздаги энг зўр вино эди. Дарвоқе, дафн маросимлари бюроси вакили эса тобутни ярим нархига қайтариб олишга рози.

– Яхши, – деди Лилиан. – Энди менга ҳам ҳисоб тайёрланг. Бугун кечкурун кетаман.

– Яхши. Фақат қабристондан буюртирилган жой масаласини ҳал қилсак бўлди. Унинг ҳам пулини тўлаб қўйгандим. Лекин бугун бирор ишни битириш қийин. Чунки бугун шанба. Душанбагача идорада ҳеч ким бўлмайди.

– Сизларда шанба, якшанба кунлари ҳеч ким ўлмайдами?

– Нега энди? Лекин қабристондан жойни барибир душанба куни сотиб олишади.

– Бу харажатларни ҳам менинг ҳисобимга ёзинг, – деди Лилиан сабри тугаб.

– Демак, қабристондаги жойни ўзингизга олиб қолмоқчисиз, мен тўғри тушундимми? – ишонқирамай қайта сўради портъе.

– Билмадим. Бу ҳақда ортиқ гаплашишни истамайман. Ҳисобимга ўзингиз тўлаган пулларни барини киритинг, бўлди. Ҳамма харажатларни менга ёзинг! Лекин бу ҳақда бошқа бир оғиз ҳам сўз эшитишни истамайман. Истамайман! Тушундингизми?

– Тушундим, хоним.

* * *

Лилиан ўз хонасига қайтди. Кириши билан телефон жиринглади. У гўшакни кўтармади. Хаёл сурганча ҳали йиғиштиришга улгурмаган кийимларини тахлаб жомадонга жойлай бошлади. Сумкасидан Цюрихга олинган чипта чиқди. Лилиан санасига қаради. Назарида, бу чиптани сотиб олганидан буён жуда кўп вақт ўтгандек эди. Поезди бугун кечкурун кетаркан.

Телефон яна жиринглади. Унинг уни ўчгач, Лилианни ваҳима босди. Қизнинг назарида, нафақат Клерфэ, балки барча у билган яқин одамлари ўлгандек туюларди. “Борис ҳам ўлган”, ўйлади у. Унга нима бўлганини Худо билади? Балки у ҳам аллақачон вафот этгандиру, бу ҳақда унга хабар бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмагандир, чунки манзилини билишмайди-ку.

Лилиан телефонга қўл чўзди. Лекин тезда фикридан қайтди. У Борисга бугун кўнғироқ қила олмайди. Борис Клерфэ ўлгани учун кўнғироқ қияпти, деб ўйлаши мумкин. У ҳеч қачон Лилиан Клерфэни ташлаб кетмоқчи бўлганига ишонмайди.

Лилиан кўчадаги қоронғи хонага судралиб киргунга қадар кимирламай ўтирди. Дераза ойналари очиқ эди.

Қулоғига чалинган пальма япроқларининг шивирини худди ғийбатчи

кўшнилари шивирига ўхшатилади. Йўлакдан эшитилган қадам товушлари диққатини тортди. Портъе Клерфэнинг синглиси кундузи кетганини айтганди. Лилианнинг ҳам кетадиган пайти бўлди.

У сира бир қарорга кела олмай ўрнидан турди. Аввал Бориснинг тириклигига амин бўлиши керак. Ўзи билан гаплашмаса ҳам, кўнғироқ қилиб, исмини ўзгартириб, Борисни сўраса бўлади-ку. Агар хизматкор уни чакиргани кетса, демак, у тирик бўлади.

Лилиан бир қарорга келиб, алоқачиларга рақамларни айтди. Анча вақт ўтгач, алоқачи қиз қайтиб кўнғироқ қилди. У рақамларга ҳеч ким жавоб бермабди. Лилиан ўша рақамларга яна бир бор ва зудлик билан боғланишни талаб қилди.

У сабр билан кута бошлади. Қулоғига боғдаги қумда юрган одамнинг қадам товушлари эшитилди. Бу унга Клерфэнинг уйини эслатилади. Юраги соғинчдан эзилди. У ўз уйини Лилианга васият қилиб кетган, бундан эса кизнинг хабари ҳам йўқ. Унга уйнинг кераги йўқ. У уй энди бўш туради ва секин-аста харобага айланади. Токи унга Клерфэнинг очкўз синглиси эга чикмагунча.

Телефон қаттиқ жиринглади. Лилиан ҳаяжонланганча французча гаплашаётган алоқачи кизларнинг овозини эшитди. У шу заҳоти барча қарорларини унутди.

– Борис! – қичкириб юборди у. – Бу сенмисан?

– Гапираётган ким? – сўради бегона аёл товуши.

Бироз иккиланиб тургач, Лилиан исмини айтди. Бирдан барча макрлар ва ёлғон режалар унга аҳмоқона бўлиб туюлди.

Икки соатдан кейин бу ердан кетади, шундан кейин қаергалигини ҳеч зоғ билмайди. Борис билан охириги марта гаплашиб олиши керак!

– Кимсиз? – такрорлади ўша овоз. У яна ўзини таништирди.

– Ким?

– Лилиан Дюнкерк.

– Жаноб Волков йўқ, – шовқин аралаш овоз эшитилди.

– Мен ким билан гаплашяпман? Фрау Эшер, сизмисиз?

– Йўқ, фрау Блиссман. Фрау Эшер бу ерда энди ишламайди. Жаноб Волков ҳам йўқ. Афсуски...

– Шошманг, – қичкириб юборди Лилиан. – У қаерда? – Гўшакдаги шовқин кучайди.

– ...кетди, – эшитилди узук-юлук овоз.

– Қаерга кетди?

– Бунисини билмадим.

Лилианнинг нафаси текилди.

– Унга бирор гап бўлдими? – сўради у.

– Билмадим, хоним. У кетган. Қаерга кетганини айтолмайман. Афсусдаман...

Уларнинг гапи узилди. Алоқачилар яна французчалаб шивирлашишди. Лилиан гўшакни қўйди.

“Кетган, – ўйлади у. – Тоғда бу сўз қандай маънони англатарди? Ҳа-я, кимдир ўлса, шундай дейишарди. Қолаверса, Борис қаерга ҳам кетиши мумкин? Уй бошқарувчиси ҳам йўқ”.

У бир муддат кимирламай ўтирди. Кейин эса ўрнидан туриб, пастга тушди. Отел билан ҳисоб-китоб қилди.

– Юкларимни вокзалга жўнатиб, – деди у.

– Кетяпсизми? – хайрон бўлди портъе. – Поезд кетишига ҳали икки соат вақт бор-ку. Вақтли эмасми?

– Йўқ, – деди Лилиан. – Сира вақтли эмас.

* * *

Лилиан кичик вокзалдаги ўриндикда ўтирарди. Атроф ғира-шира бўлиб, аллақаерларда ёқилган чироқлар ёруғида вокзалнинг яланғоч биноси ўта ғамбода кўринарди. Қуёшда қорайган сайёҳлар тинмай валдираганча Лилианнинг ёнидан ўтиб, Марселга кетадиган поезд томон юришарди. Унинг ёнидан жой олган америкалик Висконсиннинг гўзаллиги ва таомлари ҳақида узоқ гапирди. Лилианнинг мияси бўм-бўш эди, у шу қадар кучли рухий тушкунликка тушгандики, ғамданми, чорасизликданми ёки кўнгли бўшаб қолганиданми, нимаданлигини ўзи ҳам билмасди.

Тўсатдан Лилианнинг кўзи югуриб юрган итга тушди, лекин уни танимади. Ит гир айланиб югурар, гоҳ у аёлнинг, гоҳ бу аёлнинг этагини ҳидлаб кўрарди. Тўсатдан у такка тўхтади ва Лилиан томонга отилди. Америкалик сапчиб ўрнидан турди.

– Қутурган ит! – чинқирди у. – Полиция! Уни отиб ташланг!

Америкаликни айланиб ўтган овчарка Лилианга отилиб, уни ўриндикдан йиқитиб юборишига сал қолди. Ит кизнинг қўлларини ялар, қаттиқ-қаттиқ хургани сабаб Лилианнинг атрофини ҳангоматалаб одамлар ўраб олишди.

– Вольф, – каловланиб қолди Лилиан. – Бу ерда нима қиляпсан? Қаердан келиб қолдинг? Сени сотишдимми?

Ит Лилианни кўйиб, одамлар галаси томон югурди, одамлар дарҳол унга йўл бўшатишди. Овчарка вокзалга қараб тез-тез юриб келаётган қандайдир бир одамнинг ёнига югуриб борди, кейин эса яна Лилиан томонга отилди.

Лилиан ўрнидан турди.

– Борис! – хайратини яширолмади у. – Ўзингмисан?

– Сени Вольф топди, – деди Волков. – Отел портъеси сени вокзалга кетган, деди. Агар бироз кечиксак, сени йўқотардик. Кейин қаердан излаш мумкинлигини хаёлимга ҳам келтира олмайман.

– Тирикмисан? – шивирлади Лилиан. – Сенга кўнғирок қилгандим, сени кетган, дейишди. Мен ўйлабманки...

– Фрау Блисс бўлса керак, у менинг янги хизматчим. Фрау Эшер яна турмушга чиқди. – Волков Лилианга тикилди. – Рўй берган воқеа ҳақида газеталарда ўқидим, шунинг учун ҳам келдим. Қайси отелда яшаётганингни ҳам билмасдим. Лекин барибир сени кидириб топдим. Бундан ташқари, мени кўришни истар-истамаслигингни ҳам билмасдим.

– Мен ҳам мени кўришни истамайсан, деб ўйладим, – шивирлади Лилиан. – Лекин асосийси, тирик экансан! – такрорлади у яна.

– Мен ҳам худди шундай деб ўйладим. Асосийси, тирик экансан! Бошқа ҳаммаси бекор.

– Тўғри, колгани беҳуда, – шивирлади Лилиан.

– Поездинг қачон кетади?

– Бир соатдан кейин. Кетаверсин. Энди бунинг фарқи йўқ.

- Қаерга кетаётгандинг?
- Ўзим ҳам билмайман. Цюрихга. Энди бунинг фарки йўқ, Борис. Волков атрофга қаради.
- Унда, юр, бу ердан кетайлик. Юкларингга кейинрок одам жўнатамиз. Бошқа отелга кўчиб ўт. Антибеда битта хонани банд қилиб қўйганман. Бир пайтлар у ерда яшагандим. Ўша хонада яшашинг мумкин. Отел хўжайини дўстим, у менга бошқа хона ажратади. Нима дейсан, юкларингни ўша ерга юборайми?
- Лилиан бош чайқади.
- Йўқ, шу ерда қолаверсин, – деди у кутилмаганда бир қарорга келиб. – Поезд бир соатдан кейин кетади. Кетдик. Бу ерда қолишни истамайман. Сен эса ортингга қайтишинг керак.
- Қайтишим шартмас, – деди Волков. Лилиан хайрон бўлиб унга қаради.
- Нега?.. Соғайдингни?
- Йўқ. Лекин ортга қайтишим шартмас. Сен қаерга истасанг, ўша ерга боришим мумкин. Сен истаган муддатга. Истаган жойингга.
- Сенми?
- Ҳа, мен.
- Лекин...
- Ўшанда сени тушунгандим, – деди Волков. – У ердан қочиб кетишни истаганингни қанчалар тушунгандим-а...
- Унда нега мен билан кетмадинг?
- Волков жавоб бермади. У қизга ўша пайтда айтган гапини эслатгиси келмади.
- Сен мен билан кетган бўлармидинг? – сўради у бироздан сўнг.
- Йўқ. Сен ҳақсан, Борис. Ўша пайтда кетмаган бўлардим.
- Сен ўзинг билан дардни олиб кетишни истамагандинг. Сен ундан қочиб кетмоқчи эдинг.
- Ўша пайтда нималар бўлганини ҳатто эслай олмаяпман. Балки шундайди. Шундан буён қанча сувлар оқиб кетди.
- Ростдан ҳам бугун кетмоқчимисан?
- Ҳа.
- Бирор нима еб олишинг керак. Юр, қаҳвахонага кирамиз. Мен эса яна битта чипта топишга ҳаракат қиламан.
- Улар йўлнинг нариги бетига ўтишди. Волков унга таом ва қаҳва буюртирди.
- Мен тезда вокзалга бориб келаман, – деди у. – Сен шу ерда бўлиб тур, қочиб кетма.
- Энди қочиб кетмайман. Нега ҳамма мени қочиб кетади, деб ўйлайди? Борис жилмайди:
- Бу ҳақда ўйлашса, яхши-ку, азизам. Демак, сенинг қолишингни исташади.
- Лилиан унга тикилди.
- Бошқа бундай дема, йиғлаб юбораман, – деди у лаблари титраб.
- Сен шунчаки чарчагансан. Овқатланиб ол. Эрталабдан буён туз тотмаган бўлсанг керак.
- Лилиан бошини кўтарди.
- Наҳотки аҳволим шунчалар ёмон? – сўради у.

– Йўқ, азизам. Шунчаки бир неча соат ухлаб олишинг керак, шунда ҳаммаси яхши бўлади. Эсингдан чиқдимми?

– Ҳа, – деди Лилиан. – Кўп нарсани унутибман. Лекин шундай нарсалар борки, ҳеч қачон эсимдан чиқмайди.

У секин овқатлана бошлади. Кейин бирдан тўхтаб сумкасидан кўзгу олиб аксига тикилди. Кўзининг ости қорайиб қолганига эътибор берди. Ниццадаги шифокор нима деганди? Агар шу тарзда яшашда давом этса, ёз келмасидан бурун, балки ундан ҳам илгари, деганмиди? Ёз. Бу ерда ёз аллақачон бошланиб бўлган, лекин тоққа кечроқ етиб боради. У юзига яна бир бор қараб олиб, кейин упадони билан лаб бўёғини олди.

* * *

Волков қаҳвахонага қайтиб келди.

– Чипта топдим. Бу поездга ҳали чипталар бор экан.

– Ётадиган жой ҳам топдингми?

– Йўқ ҳали. Балки йўлда бирор жой бўшаб қолар, кўпинча шундай бўлади-ку. Аслида бу шарт ҳам эмас, бу ерга келгунча йўл бўйи ухлагандим.

Волков ҳали ҳам Лилианнинг ёнида ўтирган итнинг бошини силади.

– Вольф, сени вақтинча юк вагонига топширишимизга тўғри келади, лекин у ерда кўп қолмайсан, ишонавер, ошна.

– Менинг купемга оламиз.

Борис бош силкиди.

– Францияда йўл кузатувчилари ўта сермулозамат. Цюрихга борволайлик, кейин нима қилишингни ўйлаб кўрамиз.

– Мен ортга қайтмоқчиман.

– Ортга? Қаерга? – секин сўради Волков.

Лилиан индамади.

– Аслида қайтмоқчи бўлиб юргандим, – деди у бироздан сўнг. – Ишонсанг ҳам, ишонмасанг ҳам, ўзинг биласан.

– Нега энди ишонмаслигим керак?

– Нега ишонишинг керак?

– Бир пайтлар мен ҳам худди шундай қилгандим, азизам. Анча йиллар илгари. Кейин қайтгандим.

– Нега?

– Сен яшайдиган ернинг тасаввурингдаги ҳаёт билан ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқ, – деди у охиста. – Мен ҳаётимни сарфлашга арзийдиган муносиб яхши жой йўқлигини тушундим. Шунга муносиб одамлар ҳам деярли йўқ. Оддий ҳақиқатларни турли машаққатли йўлларни босиб ўтиб, кейин тушунамиз.

Лилиан нонни ушоқлаб ўтираверди.

– Лекин бу ҳақда биров гапиргани барибир ҳеч қандай ёрдам бермайди. Тўғрими?

– Ҳа, ёрдам бермайди. Ўз бошингдан ўтказсанггина тушунасан. Бўлмаса, доим ниманидир бой бергандек ҳис қилаверасан ўзингни.

Волков официантни чақириб, қахва ва сигара буюрди.

– Цюрихдан кейин қаерга боришни режалаштиринг?

– Бирор бир санаторийга. “Монтана”га мени энди қабул қилишмаса керак.

– Йўғ-ей, нега энди? Қабул қилишади. Лекин қайтиб боришни истаётганингга ишончинг комилми? Ҳозир қаттиқ чарчагансан, дам олишинг керак. Балки ҳали фикрингдан қайтиб қолишинг ҳам мумкин.

– Ортга қайтмоқчиман.

– Нега?

– Бунинг сабаблари кўп. Ҳозир ҳаммасини эслолмайман.

– Агар шу ерда қолишни истасанг ҳам, ёлғиз бўлмайсан. Мен ёнингда бўламан.

Лилиан унга қаради:

– Ҳаётингни сарфлашга муносиб одамлар бўлмаса ҳам қолаверасанми?

– Мен деярли йўқ дедим, азизам.

Лилиан бош чайқади:

– Йўқ, Борис. Етар. Сени билмадим, мен қайтаман. Чунки сен анчадан буён пастда, одамлар орасида бўлмагансан.

Волков жилмайди:

– Булар менинг ҳам бошимдан ўтган.

– Эшитганман, – деди Лилиан. – Энди менга ҳам кўп нарса маълум, Борис...

* * *

Волков Цюрихдан санаторийга қўнғирок қилди.

– У ҳали тирикми? – тўнғиллади Далай-Лама. – Нима ҳам дердим, майли, келаверсин, қарши эмасман.

Лилиан яна бир ҳафта Цюрихда қолди. Асосан ўрнидан турмай дам олди. У ўзини ўта ҳорғин ҳис қиларди. Ҳар кеча ҳарорати ошарди. Волков унга қараётган шифокор билан гаплашди.

– Унинг ҳали ҳам тириклиги мўъжиза, – деди профессор. – Ҳозирок шифохонага ётиши керак. Уни Цюрихда қолдириш.

– У қолишни истамаяпти. Ортга қайтаман, дейди.

Шифокор елка қисди: – Хоҳишингиз. Унда санитар машина буюртиринг.

Волков унинг маслаҳатига амал қилишга сўз берди. Лекин сўзида турмаслигини, ҳеч қачон санитар машина чақиртирмаслигини яхши биларди. Бу ҳаётда кўрмагани қолмади, беморга ҳаддан ортиқ ғамхўрлик қилиш умуман эътибор бермаслик билан баб-барабар зиён келтиришини яхши биларди. Лилианга худди ўладиган касалдек муносабатда бўлиш таваққал қилиб оддий машинада олиб кетишдан кўра хавфлироқ. Қолаверса, Лилиан ҳеч қачон касалхона извошида кетишга рози бўлмаслигини ҳам биларди.

Лилиан Борисни хушҳол қарши олди. Аҳволи оғирлашгани сайин кайфияти яхшиланиб борарди. Касаллиги Клерфэнинг ўлиmidан кейин кўнглини хира қилган айбдорлик ҳиссини ювгандек бўлди.

– Шўрлик Борис, у сенга йўлни кўтара олмаслигимни айтгандир?

– Ундай демади.

– Йўлни кўтара оламан, – деди Лилиан масҳара қилгандек қулиб. – Унинг гапи ёлғонлигини исботлаш учун ҳам чидайман. Қолаверса, мен ҳали узок яшайман.

Волков унга тикилди.

– Ҳақсан, азизам. Менга ҳам шундай туюляпти.

– Вақт тушунчаси ўлчамсиз, менимча. Буни пастда тушуниб етдим. Узоқ умр кўриши кутилаётган одам вақтга умуман эътибор бермайди. У олдинда бутун ҳаётим турибди, деб ўйлайди.

Кейин ҳаётини сарҳисоб қилар пайт келганда қараса, чин маънода яшаган кунлари бир неча кун ёки бир неча ҳафта бўлиб чиқади. Агар шуни англаган бўлсанг, икки-уч ҳафта ёки икки-уч ой сен учун бошқанинг бутун ҳаёти бўлиши мумкинлигини тушунасан. У ерда, яъни тоғда буни тушунишади.

Волков жилмайди.

– Нималар ҳақида ўйлаётганингни биламан, – деди Лилиан. – Яна олдинги қилиғимни қиламан, ўзим эплолмаган ишга шерик топаман.

– Ҳа, – кулди Борис. – Мен бир одамни билардим, у ўз ҳаётини шу қадар кадрлардики, лекин ёши саксонга етганда, бирдан қувноқ бўлиб қолди. Бу ўзгаришни қария куйидагича изоҳларди: энди ҳаёти учун кўркишга кам вақт қолибди. Чунки унинг артериосклерози бор, инфаркт бўлишга ҳам улгурган. Илгари у йигирма, ўттиз, ҳатто қирқ йил олдиндан башорат қилишига тўғри келгани учун қаттиқ кўркқан ва хотиржам яшай олмаган.

– Қандай ғамгин ҳикоя.

– Бир пайтлар у менинг ягона суянчиғим эди, – деди Волков. – Бир пайтлар мени шу ҳаёл қийнарди, соғлом одамлар умри поёнига етгунча тўлақонли, қизғин ҳаёт кечиришади, деб ўйлардим. Бу менга ўта адолатсиздек туюларди.

– Қариянинг воқеаси сенга биров таскин бердими?

– Чорасиз қолганда одам ҳар қандай жойдан таскин қидиради. Топади ҳам.

Лилиан кулиб юборди: – Қанчалар айёрмиз-а! Аслида одам чин маънода вақтга эътибор бермаганида ва кўрқувни ҳис қилмаганида бахтли бўлади. Лекин кўрқув изингдан қувиб юрса ҳам, кулиш мумкин. Қўлингдан бошқа нима ҳам келарди?

* * *

Илик, сокин кунларнинг бирида улар тоққа қайтишди. Қалтис довоннинг ярим йўлида уларнинг қаршисидан бир машина чикди. Ҳайдовчи уларни ўтказиб юбориш учун тўхтади.

– Хольман! – қичқириб юборди Лилиан. – Ахир, бу Хольман-ку!

Рулдаги одам йўлдан кўзини олди.

– Лилиан! Борис! Ахир...

Орқадан кичикроқ “Фиат” минган лекин ўзини абжир пойгачи чоғлаган бир италиялик бесабрланиб сигнал чаларди.

– Ҳозир машинамни четга оламан, – қичқирди Хольман. – Шошмай туринглар!

У машинасини биров олдинга ҳайдади ва сабрсиз италияликни ўтказиб юбориб, ўзи пиёда ортга қайтди.

– Нима бўлди, Хольман? – сўради Лилиан. – Қаерга кетяпсиз?

– Сизга айтганимдек, энди соппа-соғман.

– Машина-чи?

– Ижарага олдим. Поездда кетиш аҳмоқлик бўларди. Айникса энди менга яна шартнома таклиф қилишган бир пайтда.

– Шартнома дейсизми? Ким?

– Эски фирмамиз. Кеча менга кўнғироқ қилишди. Уларга Клерфэнинг ўрнига пойгачи керак экан. – Хольман сочларини орқага силтади. – Торриани билан битим тузишибди, энди мени ҳам пойгага туширишмоқчи. Агар ишларим ўнгидан келса, ҳадемай қичикроқ пойгаларда иштирок эта бошлайман. Кейинроқ сал катталарида. Менга омад тиланг! Сиз билан учрашганим яхши бўлди, Лилиан!

Лилиан унинг ортидан кўл силтаб қолди.

Довон бўйлаб яна бир давра айланишгач, тепадан Хольман ва машинаси унга тоғдан ўрмалаб кетаётган ҳашаротдек туюлди. У энди Клерфэнинг ўрнини эгаллайди, худдики бир пайтлар Клерфэ бошқа бир пойгачининг ўрнини эгаллагандек, навбати билан бошқаси Хольманнинг ўрнига эга чиқади. Лилиан кўм-кўк осмонга тикилди.

– Нима ҳақда ўйлаяпсан? – сўради Волков.

– Мен дунёдаги ҳар бир нарсада ўзига қарама-қарши бошқа бир нарса бўлиши ҳақида ўйлаяпман, – шивирлади Лилиан. – Ҳеч нима ўзининг аксисиз яшай олмайди, худди нур соясиз, ҳақиқат ёлғонсиз, сароб ва мавжудликсиз яшай олмагани каби. Булар шунчаки бир-бири билан боғлиқ тушунчалар эмас, балки бир-бирининг ажралмас бўлаги...

– Худди ҳаёт билан ўлимдекми?

– Ҳа, Борис. Худди ўлим ва ҳаётдек. Билмадим бунга ишонишим учун қанча вақтим бор. Бунга узоқ вақт ишонишни истардим.

* * *

Лилиан санаторийга келганидан сўнг орадан олти ҳафта ўтгач, худди табиат нафас олишдан тўхтагандек сокин ва ёруғ ёз кунларининг бирида вафот этди. У тез, тўсатдан ва ёлғизликда ўлим топди. Борис уни ёлғиз қолдириб, қиска вақтга қишлоққа кетганди. У қайтиб келганида Лилиан дунёдан кўз юмганди. Унинг юзи буришган, кўллари томоғи томонга кўтарилганди. Лилиан бўғзидан отилган қондан бўғилиб оламни тарк этганди. Лекин кўп ўтмай, унинг юзига сокинлик энди. Борис уни бу қадар хушрўйлигини сира кўрмаганди. Одамзод қай даражада бахтли бўлиши мумкин бўлса, Лилиан ҳам шу қадар бахтли ҳаёт кечирди, деган ўй ўтди Бориснинг кўнглидан.

ТАМОМ





МАХТУМҚУЛИНИНГ ОТАСИ

Дунё тамаддунига улкан маънавий-маърифий улуш қўшган муаззам шахсиятлар шунчаки, ўз-ўзидан дунёга келмайди. Илдизлари, анъаналари, гени, истеъдоди, ўзларининг меҳнат-машаққатлари ортидан орттирган билим ва тажрибалари уларни ер юзида башариятнинг бамисоли зулматни ёритувчи порлоқ юлдузларига айлантиради. Яратгувчининг қисмат қалами бундай инсонлар манглайини чин маънодаги зиёлилик имзоси билан зийнатлайди.

Кўпчилик Махтумкули Фироғийни ҳикматгўй шоир сифатида жуда яхши билади; дунё ўқувчиси уни танийди, севиб ўқийди. Созга тушган сўзлари – кўшиқ бўлган шеърлари тингловчи қалбини ларзага солади; ҳикмати ўйга толдиради. Шоирнинг шеърлари жаҳон халқларининг ўнлаб тилларига таржима қилинган. Аммо баъзилар Махтумкулининг отаси кимлигини, дунёга машҳур шоир ортида тоғдек таянчи борлигини, ўша отанинг улкан уламо бўлганини, қалбидаги туйғуларини шеърга солгани ҳамда “Ваъзи Озод”, “Беҳиштнома”, “Маснавий” каби катта ҳажмли маърифий асарлар ёзганини балки эшитмагандир.

Туркман адабиёти тарихида Махтумкулининг отаси – Давлатмамнат Озодий (1700–1760) ҳақида маълумотлар кўп эмас. Замоनावий туркман адиби Ораз Яғмурнинг “Махтумкулинома” китобида отасининг исми Махтумкули бўлиб, биров шоирликдан бохабарлиги, қирқ ёшида ўғил кўриб, унга Давлатмамнат деб исм қўйгани ёзилган. Ун икки ёшида отасидан етим қолган Давлатмамнат ҳаёт мактабида таҳсил олди, тажриба орттирди; Хивада ўқиди. Кейин дехқончилик, заргарлик, мударрислик билан шуғулланади. Отасининг ҳурмати учун ўғлига Махтумкули исмини қўяди. Давлатмамнат Озодий ўз даврининг билимдон олими, таниқли зиёлиси бўлган. Икки минг байтдан кўпроқ ҳажмли маснавий усулида ёзилган “Ваъзи Озод” асарининг мазмуни Озодийнинг Куръони Каримни, ислом дини тарихи, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадислари, шариат аҳкомларини жуда яхши билганини кўрсатади. Ривоятларга кўра, ўзига “Озодий” деб тахаллус танлашини Давлатмамнатнинг туши билан боғлашади. “Тушига Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кириб: “Сен дўзахдан озодсан” деган эмишлар”¹. Озодий асарлари мустабид шўро замонида – 80-йилларда туркман ўқувчиларига тақдим этилади, аммо нашрдан чиққан китоб давр мафқурасига мос келмагани учун дарҳол кутубхона ва китоб дўконлари тоқчаларидан йиғиб олинади; йўқ қилинади.

Давлатмамнат Озодийнинг кимлигидан дарак берадиган энг яхши манба – бу шуҳбасиз Махтумкулининг шеърларидир. Шоирнинг адабий мероси таркибида отасига эҳтироми балкиб турган “Мулла Озодим”, “Отамнинг”, “Озодим қани?” ва бошқа бир қанча шеърлари бор.

¹ Ораз Яғмур. Махтумкулинома (Туркман тилидан Музаффар Аҳмад ва Рустам Жаббор таржимаси). “Ўзбекистон” нашриёти. 2016 йил, 13-14-бетлар.



“Мулла Озодим” шеърида ота шуҳратини “Овози жумла жаҳонга тўлди”, деб ёзади. Махтумкули бошқа бир “Ўғлим – Озодим” айтишув шеърида отаси билан савол-жавоб қилади. Отасидан рухсат олиб сафарга кетишни сўрайди, отаси ўз ёнида қолишга ундайди. Шунда Махтумкули кетишининг сабаби “Қалбимга кирибдир ислом ҳаваси”, деб изоҳлайди. Буни эшитган Озодий, “Қуръон ўқиб кезгин, яхши каломдир” дегач, те-варак-атрофдаги душманлар, қолаверса, қийинчиликлар бор ва қаерда ўлиш-қолишинг маълум эмас, мазмунида сўзлайди. Бунга жавобан Махтумкули айтадики:

*“Синайин, кўрайин бу кун иқболим,
Яхши кун, хуш сўҳат келибми солим,
Қасд этиб жонима, етса ажалим,
Бу ерда ҳам бўлса, топар, Озодим!”*

Махтумкули эслатадики, қаерда бўлмасин – тоғдами ё жарда, чўлдами ёки уммонда, ватанидами ёхуд мусофирчиликда – қатъи назар, ризки узилган банда ажал шарбатини тотати. Шундан Озодий дуо бериб, ок йўл тилайди. “Ҳақ йўлдошинг бўлсин, майли, бор, ўғлим!” Отанинг ризолиги ҳар нарсадан улуғ. Ота-бола ўртасидаги бундай муносабатларда ораста ислом одоб-ахлоқи, эътиқодий мезонларга амалнинг намунаси яққол кўринади.

Махтумкулининг “Одам ота билан тушди” деган савол-жавобли яна бир шеъри бор. Бунда отаси Махтумкулидан ислом тарихидан – Қобил ва Ҳобил ҳоли, Нух (а.с.), Юсуф (а.с.)лар, шариат амаллари, Пайғамбаримиз ҳаёти хусусида сўрайди. Дейлик, “Ҳақнинг Расули Пайғамбар Ҳайбарда канча урушди”, саволига Махтумкули “Ҳайбар тоғида Пайғамбар (с.а.в.), чун етти ойлаб урушди”, дея жавоб беради. Отасининг маърифат булоғидан сув ичган шоир “Куйган жонима” шеърининг туганчида, отасига ҳурмат кўрсатиб: “Дуо айлаб ўтарман, ул Озодий устозима”, дейди. Энг муҳими, устоз сифатида отасининг номи ва мартабасини тарихда яшаб ўтган, эл-юртга эзгулик улашган улуғ инсонлар каторига кўяди. Тириклигида эъзозлайди, вафот этганида яна ёзади:

*“Олтмиш ёшда, Наврўз куни, лув йили,
Турди ажал, йўлин тўсди отамнинг.
Бу дунёнинг иши бундайин, белли,
Умрининг танопин кесди отамнинг”.*

“Отамнинг” шеъри қайсидир маънода Озодийнинг охират учун озуқа тўплаш ғамида яшаб ўтганидан, ўзини абдоллар каторига қўшганидан дарак беради. Махтумкули ота дўстларининг жаннатга дохил бўлишидан умид этади.

Тасаввур қилинг, Махтумкули сафарга кетар маҳали отасидан рухсат сўраб, дуо олиб йўлга чиқади. Таълим олгандан кейин отасининг имтиҳонидан ўтади. Вафот этганида марсия ёзади. Махтумкули “кўзининг нури” бўлмиш отасини соғинганда ёзган хиссиётли мисралари ҳар қандай одамнинг юрагини титроққа салади:

“Имомсиз қолгандир масжид-меҳробим,
Туғмади сочиб нур ул моҳитобим¹,
Ёмон қолдим – сел олибдир атрофим,
Кўнглимнинг уммони – Озодим қани?!”

Бошқа бандларда шоир отасига “шаҳримнинг султони”, “минбарим азони”, “элимнинг забони”, “юрагим ороми”, “Тўқлангнинг полвони”, “боғимнинг райҳони”, “номусим иймони” каби ажойиб сифатлар беради. Махтумқулининг ушбу шеърдан “Озодим қани?” деган хайбатли нола, эзгин афғон, чўнг дард эшитилади. Отасини излаётган шоирнинг аламига ўқувчи шерик бўлади; кўнгли бўшаб, кўзларига ёш келади.

Умуман, Махтумқули шеърлари ичидан отаси – Давлатмамнат Озодийга бағишланган бундай шеърлардан чин мусулмон бир инсоннинг тарбиячи, олим, абдол, маълум бир комиллик мартабаларига эришган отанинг мухташам, салобатли сиймосини тасаввур қилиш мумкин.

Шу билан бирга Озодийнинг ижоди намуналари билан танишган ўқувчи унинг оддий бир инсон, оддий бир ота эмаслигини англаб етади.

“Ваъзи Озод”ни ўқиган киши унга бутун вужуди билан киришиб кетади, Озодийнинг панд-ўғитларидан, кўркам маънавий олами сирларидан баҳра олади; у зотнинг ислом аҳкомларини, тасаввуф илми ва тарикат одобларини қанчалар чуқур билишидан хайратга тушади, тўғриси.

Бизларда ғариб бир фикр шаклланган. Бугунги куннинг кўпгина одамлари ўзидан нисбатан узок мозийда ўтганларни гоҳида камсавдо, кўп нарсани билмайдиган, дейлик, ўша ўтган замонлар ҳаётида ҳали кашф қилинмаган бугуннинг учоклари, темир-терсақлари, нанотехнологияларини кўрмаганлари учун қандайдир дунёқараши чеклангандек тасаввур қилишади. Дунё илм-фанига ўз хиссасини қўшган саноклигина алло-маларнинг номларини тўтидек санашади, бошқаларини билмай туриб камситишади. Ҳолбуки, инсониятнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бир даврда яшаганлари, бир дастурхондан озиқланганлари, у зоти шарифни кўриб иймонга келганлари, саҳобалар, тобеинлар, табатобеинлар – буларнинг барча-барчаси биздан кўра Расулulloҳга (с.а.в.) ва унинг қалб тафтига бугунги, эрта келадиган авлодга нисбатан яқин эди. Асил булоқнинг суви тоза, тотли бўлади. Бу фикр қачонлардир ҳаёлимда кезиб юрган, миямнинг қайсидир пучмоқларида мудраб ётган экан. Аммо уни катъий фикр тарзига келишда, Расулulloҳнинг (с.а.в.) шу хусусдаги ҳадисларини эслашимга Махтумқулининг отаси ва унинг асари сабабчи бўлди.

Нима демоқчиман, Махтумқулининг отаси Давлатмамнат Озодий ўз замонасининг олими, уламози, одамларни яхшиликка чақириб ёмонликдан қайтарган бир донишманди эди. Бу қарашни катъийлаштирган омил унинг “Ваъзи Озод” асаридир.

“Ваъзи Озод” мазмун-моҳиятига кўра шарқ мумтоз адабиётидаги ахлоқий-дидактик услубда ёзилган асарлар сирасига киради. Китоб ҳамд, ўтганлар руҳига дуо билан бошланган бўлиб, унда талқин этилган адолат, саҳоват, маърифат, эзгулик, ота-онани ризо қилиш, саҳийлик, олимнинг жамиятдаги ўрни ва бошқа қатор масалалар негизига Куръони Карим оятлари, ҳадиси шариф мазмуни сингдирилган. Дейлик, бир ўринда одамларни ғафлат уйқусидан уйғонишга чақиради; “дам бу дамдир”, дея

¹ Моҳитоб – ой, ойдин;

вакт кадрилини эсга солади. Хайру саховат эгаси билан бахил одамни зид кўяди. Бахилнинг шериги иблисдир, дейди. Бошқа бир саҳифада:

*“Ким жаҳонда халққа эҳсон айлағай,
Ҳақ унинг ишларин осон айлағай”, –*

деб эҳсонни улуғлайди.

Озодий чин олимни амали билан ёнма-ён кўради. Амалсиз олим нодондан багтар. Бундай кимсани ипсиз нинага, иш қуроли йўқ устага, кўлида қалам-сиёҳи бўлмаган котибга менгзайди. Зеро, унинг таъкидлашича:

*“Илмдан мақсад – бу амал этмоқ турур,
У билим билан Ҳаққа етмоқ зарур.
Гар илмда мақсад бўлмаса амал,
Юз берар даъво, такаббур, юз жадал”.*

Оқибатда амалсиз олим залолат денгизига фарқ бўлиши мумкин. Озодий ўзгага насиҳат қилади, аммо ўз нафсини тергаб туришни ҳеч унутмайди. Шунинг учун гоҳида: “Жону дилдан Ҳаққа хизмат этмадим, Яхшилар етган мақомга етмадим”, деб ўзига-ўзи маломатлар қилади, танбеҳлар беради.

Озодий “Беҳиштнома” асарида ҳам Яратгувчининг қудратидан хайратланиб сўз очади:

*Ажаб қудрат билан қудратли Қодир,
Ки тиргаксиз тикибдир турфа чодир.*

*Тўшамши ерни, миҳ этмиши жабаллар¹,
Ки кўрки жумла бўстону асаллар.*

*Қилибдир бу жаҳонни кони неъмат,
Назар қил, борми ҳеч поёни неъмат.*

Ора-орада ўқувчига юзланади, “Эй, Одам фарзанди” деб, унга умрининг ўткинчилигидан, огоҳ бўлишдан сабоқ беради. Асар номига мос равишда жаннат васфини келтирар экан, унинг даражалари ва “Дорул жинон”², “Дорул салом”, “Маъво”, “Хулд”³, “Наим”, “Фирдавс”, “Адн” каби номланишларини келтириб, уларга гўзал шоирона таърифлар беради. Жаннат аҳли, ундаги оғочлари, дарё ва оқиб турган сувлар – барча-барча бетакрор жиҳатларни ўқувчи шуурига етиб борадиган содда йўсинда тушунтиради.

Ҳақ ризосини, сабр-қаноатни кадрлайди:

*“Киши Ҳақ ёдини севмак тиласа,
Эгасин жсон билан ўгмак⁴ тиласа.*

*Тутуб суннатни нафси монёъ бўлсин,
Худойи ҳар на берса қонёъ бўлсин.*

¹ Жабал – тоғ.

² Дорул жинон – жаннат уйи.

³ Хулд – 1. Адабийлик 2. Жаннат.

⁴ Ўгмак – билмоқ.

*Тамаъ бирла йиртмасинлар юракни,
Ки узсин бўғзидан бу нафси сакни!*¹

Яратгувчига мухаббати бўлган одам, албатта, Расулulloх (с.а.в.) суннатлари – ҳадисларни ўзига дастур қилиб олади, нафсини жиловлайди, тамаъдан узоқ бўлади. Зеро, озодийларга устоз мақомидаги Ҳазрат Алишер Навоий ёзганларки:

*“Хорликлар боши тамаъ билгил,
Доимо азза ман қанаъ билгил”.*

Яъни, тамаъгирлик одамга хорлик келтиради, каноат қилган одам эса ҳамиша азиздир. Шу маънода Озодий, тамаъдан узоқ бўлишга, нафс итини ўлдириш лозимлигига урғу беради.

Инсон зоти бу дунёда ҳеч нарсага тўймаслиги мумкин. Аммо жаннатда, абадий ҳаёт оламида инсон учун хузур-ҳаловатли бошқа бир дунё бор. Дейлик, ундаги озуқа ҳам асло тамом бўлмайди:

*“Бу учмохнинг таоми фоний бўлмас,
Еб-ичарлар ҳаргиз поёни бўлмас”.*

Бизнинг тасаввуримизга сиғмайдиган бундай жаннат маконни англаш учун Қуръони Каримни, Ҳадиси шарифни, шу баробарда, албатта, “Беҳиштнома”ни ўқиш лозим. Муҳими, беҳиштномага доир таъриф ва тавсифлар Озодийнинг маънавий хазинасининг калити бўлган ислом дини аҳкомлари мазмунига тўла мос келади. Мусулмон олами шоирлари, ўзларини комил мусулмон санаган қалам эгалари сўзга хиёнат қилган эмас; сўз водийларида адашган эмас, ўзлари амал қилган ва амал қиладиган сўзларни ёзишган, албатта. Бугунга келибгина айтилаётган, ҳар қандай ижодкор дунёкараши ва қаламининг сиёҳига тегишли бўлган ушбу улкан ҳақиқатни ҳамиша эсда тутмоқ керак.

Озодийнинг “Маснавий”сининг моҳияти ҳам “Ваъзи Озод”, “Беҳиштнома” каби асарларига мазмунан уйғун келади. Асар анъанавий Аллоҳга ҳамд, Расулulloҳга (саллоллоҳу алайҳи васаллам) саловат айтиш билан бошланади.

Тавбага оид Озодий тавсифининг бир қисми бу. Аслида Қуръони Карим оятларида холис тавба қилган мўминларнинг нажот топишига доир хитоблар келади. Холис Аллоҳ учун тавба қилган киши қайтиб гуноҳларга қўл урмайди. Тавбадан мақсад поклик. Тавбадан мақсад Аллоҳнинг ризолиги. “Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади” (Бақара, 222). Айни мавзуда Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадис ривоят қилинган: “Тавба қилгувчи киши Аллоҳнинг суйган қулидир. Гуноҳдан тавба қилар экан, гўё у гуноҳи йўқ киши кабидир” (Ибн Можа ривояти). Ўзини англаган киши учун тавбанинг аҳамияти катта.

Озодий “Маснавий”сидаги биргина мавзу муносабати билан бир дунё мулоҳазалар пайдо бўлади. Бунга ўхшаш тилга олинган ҳар бир мавзу юзасида анча чуқур фикр юритиш мумкин. “Маснавий” дунё ва охират,

¹ Нафси-сак – нафс ити.

савол-жавоб, дунё молининг ўткинчилиги каби қатор масалалар юзасидан фикрлашга ундайди. Одамни бу дунё ташвишларидан бир муддат ажралиб, охират озуқаси томон йўллайди. “Маснавий” шарқ мумтоз дидактик адабиётига ҳамоҳанг бўлиб, инсон қалбини маърифат суви билан тўйинтириш услубида ёзилган асарлар жумласига киради...

Умуман олганда, Давлатмамнат Озодийнинг ижодий мероси, комил қарашлари, асарларининг умумбашарий моҳияти Махтумқули сув ичган зилол булоқларни, дунёкарашини шакллантирган ва унга маънавий озуқа берган муҳитни тасаввур қилишга ёрдам беради. Иккинчидан, Махтумқулидек бир даҳо исломий маърифат билан бутун вужуди лиммолим тўлган шоирнинг дунёга келиши сабабларини ўйлайди одам. Ҳалол лўқма, теран таълим-тарбия, ҳақгўй устозлар, жиддий мушоҳада, юксак одамийлик – буларнинг барча-барчаси жамулжам бўлган бир вазият Махтумқули даҳосини тарих саҳнасига олиб чиқди. Бу даҳонинг таянчи, бу адибнинг илҳомчиси, бу шоирнинг тарбиячиси, албатта, отаси Давлатмамнат Озодий эди.

Баҳодир КАРИМ
филология фанлари доктори,
профессор

Давлатмамнат ОЗОДИЙ

БЕҲИШТНОМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

*Санойи беадад шоҳи жалила,
Яратди жаҳонни қудрати ила.*

*Устунсиз осмонларни қолдирибдир,
Ўзининг қудратини билдирибдир.*

*Фалакни доимо гардон¹ қилибдир,
Ўн икки буржсини сарсон қилибдир.*

*Жаҳон ичра қўйибдир кеча-кундуз,
Кун ила ойни қилди жами афрўз.*

*Жаҳонни бу икковдан равшан этмиш,
Жаҳон аҳли мадорина шундан этмиш.*

*Ажаб қудрат билан қудратли Қодир,
Ки тирғаксиз тикибдир турфа чодир.*

*Тўшамии ерни, мих этмиш жабаллар²,
Ки кўрки жумла бўстону асаллар.*

¹ Гардон – айланадиган, айланма.

² Жабал – тоғ.

Қилибдир бу жаҳонни кони неъмат,
Назар қил, борми ҳеч поёни неъмат.

Ёғар ёмғир, булут ўйнар, эсар ел,
Оқар сувлар, чиқар ўт тегмаган эл.

Ҳайвоноту набототу жамодат,
Узалур сўз тутсам бирин-бирин от.

Барини биз учун тинчсиз этибдир,
Бани Одам нечукки тинч ётибдир.

Кел, инсоф айла, эй фарзанди Одам,
Ўтар умринг ҳам, огоҳ бўл дамо-дам.

Бошингдан ҳар на ўтса, кеча-эртир,
Умринг ўтишида бордир турли сир.

Назар қил дунёга насиба тўлди,
Янги нарса кун-кундан кўҳна бўлди.

Тамом бўлгай бинойи умринг, эй жон,
Билар давлат бу банда амри субҳон.

Бўлар хизматда жони бирла бедор,
Ки ишиқда ёнар кўнгли, қилар зор.

Нечук зор этмасин ким банда бўлса,
Қўлидан келмас иш дармонда бўлса.

Таваккални дуруст қилсин Худога,
Бўйинсунсинки, таслими – ризога.

Илоҳи, рўзи қил тавфиқи тоат,
Ки орттир хизматни соат-басоат.

Дуруд бирла эслайлик Мустафони,
Бизим учун чекибдир кўп жафони.

Ҳамма авлоди азвож бари бирла,
Барча ёрон, хусусан, тўрт ёри бирла.

Улар кимлар учун кўп жаҳд этибдир,
Бизим учун бу йўлда иш битибдир.

Тамомики анбиёю авлиёга,
Ки жумла пешвою анбиёга.

Хусусан, ҳазрати Нўъмон бу йўлда,
Қаттиқ жоҳид бўлиб бу тоғу чўлда.

Алар руҳин, илоҳи шодимон эт,
Улуғ маҳшарда қўрқувдан омон эт.

Оёғи тупроқларин бизга даво қил,
У тупроқдин кўзимга тўтиё қил.

Дами охирда иймон бер, илоҳим,
Кечиргин сен ҳамма журму гуноҳим.

Улуғ маҳшарда, эй саттори олам,
Алар бирлаки, қилгил ёри-ҳамдам.

Воҳиб¹ отлиғ расул ёронларидан,
Ки дурлар очди сўз боронларидан².

Расулдан нақл этибдир ушбу сўзни,
Эшитар очса ким жон ичра кўзни.

Яратган кун жаҳонни жаннати ҳам,
Яратди тингла сўз, эй ёри ҳамдам.

Эни ҳар жаннатининг ер бирла кўкдак,
Узунин билмади ҳеч кимса бешак.

Магар Аллоҳ билар, олимдир ўзи,
Анинг илмига тенгмас кимса сўзи.

Қиёмат кун еру кўкларнинг, эй ёр,
Тортиб кенгайтар Аллоҳим ул миқдор.

Кенгаяр бу жаҳон ҳадди бепоён,
Сигар сакиз беҳишт аҳли ҳам аён.

Кучлидир қудрати Парвардигорнинг,
Не қилса жондан бўлсин эътиборинг.

Етти ер, етти осмон, ариши, курсин,
Сигдирса бир ҳовучга, нелар дерсен?

Кенгайтиб бу жаҳонни юз бу миқдор,
Саккиз жаннат сигса гар, не сўзинг бор?

Сакиз жаннат тамом юз даража ул,
Эшикдан эшикка беш юз сана йўл.

¹ Воҳиб – ҳадя (совға) қилувчи.

² Борон – ёмғир

Оқар доим бу дарёлар ичинда,
Туганмас, фоний бўлмас мева анда.

Яна нозик аёллар нури ийндан¹,
Яратмиш аларни нури мубиндан.

Мисоли ҳаммаси ёқуту маржон,
Эмас аларни гайри кимса кўргон.

Ва гайри назар этган эмасдир,
На инсу жин ани тутган эмасдир.

Ки етмиш ҳулла киймиш ҳар бириси,
Тамоман бошқа-бошқа ранг бариси.

Кўтармакда энгил бир неча сочдан,
Тамом нозик ипакдан, хуш қумошдан².

Сумақлар, ҳуллалар, этлар тошиндан,
Қарасанг мағзи-инчикни³ кўрарсан.

Қизил шарбат бу як шиша ичинда,
Аниқ кўрарсан сен мағизни анда.

Лачак бўйнузлари дур бирла, эй жон,
Безамишлар ҳамма ёқуту маржон.

Очиб жон қулогинг, кел, тингла эй ёр,
Беҳиш ичра ажойиб нисбалар бор.

Илоҳи, рўзи қилгил қулларингга,
Ҳамма мўъмин муслмон элларингга.

Сакиз жаннатни нуридан яратмиш,
Тамоман бир-биридан айри этмиш.

Мисоли айри бўлгандек самолар,
Биза айтмиш бу сўзни раҳнамолар.

Еттинчи кўк узра мавжуддир алҳол,
Ки йўқдир ушбу сўзда қийл ила қол.

Юқори бир-биридан, тингла хало,
Баридан юқори фирдавси аъло.

¹ Воқеъа сураси, 22-оятга ишора.

² Қумош – тўқима, матоъ.

³ Инчик - нозик, ингичка.

Бўлур пора ўшал кун етти осмон,
Ки жумла аҳли маҳшар анда фазон¹.

Кун ила Ой тутилар анда бари,
Юзида қолмагай юлдуз асари.

Йитар осмону етти ер йиқилар,
Томуғнинг устига кўприк чекилар.

Етти дўзах назарга келгай анда,
Не борин осий қуллар билгай анда.

Бўлур жаннатга мўъмин аҳли нозир,
Самолар кетиб, жаннат бўлар ҳозир.

Бўлурлар жаннат аҳли шоду хуррам,
Башоратлар бўлур, емас алар гам.

Илоҳи, кўнглимни шодимон қил,
Мусулмон қил, токи аҳли иймон қил.

Ки жаннат васфин истар, келсин эмди,
Жон қулогин сўзимга солсин эмди.

Айтайин билганимча васфин, эй ёр,
Харидори керак, очилди бозор.

Ҳақойиқ аҳли сўз бозорин очди,
Ки тинмас қатраким бу шарбат ичди.

Эшитиб бовар этган ушбу сўзи,
Севар ани икки дунёда Ўзи.

Бу жаннат эшигин саккиз демишидир,
Бири тикка, бирин қумга қўймишидир.

Ки олтин мурассаъ² жавҳар ила,
Ясамиш Тангри қудрат анвар ила.

Авалги эшик узра ёзмиш ани,
Калимаи тоййиба аз жон бихони.

Бу эшик анбиёи мурсалиндир,
Тагин олам аҳлин жўмардлариндир.

Икинчи эшик намозхонлар учундир,
Вузӯ³, амал келтирганлар учундир.

¹ Фазаъ – кўрқинч, ваҳм.

² Мурассаъ – қийматли тошлар билан безатилган.

³ Вузӯ – таҳорат.

Учинчи эшик берибдир ким закотин,
Ишониб англамиш сакиз сифотин.

Бу тўртинчи эшикни кимларга бермиш,
Аларким амри маъруфга буюрмиш.

Даги наҳй айламиш мункар ишидан,
Тамаъ қилмай Ҳақ учун бир кишидан.

Бу бешинчи эшикни Ҳақ аларга берди,
Ки ҳар нафс орзусидан қўлин кўтарди.

Бу олтинчи эшик – алар ҳажж этмиш,
Тўзон, тупроқ узра умрага етмиш.

Бу еттинчи бобни¹ гозиларга берди,
Аларки кофирлар ила жангда эрди.

Саккизинчи эшикни сўрсанг айтайин,
Ки жаннат васфини халққа ёйин.

Аларким истамишдир Тангрини ул,
Кўзин юммиш ҳаромдан ҳам тортиб қўл.

Ота-онасига хайр этмиш алар,
Мусулмон қардошин хуш тутмиш алар.

Ҳар нени хайр айламиш жаҳру ниҳони,
Қўлингдан келса қўлла жондин они.

Илоҳи, бизни хайрга роғиб айла,
Ки яхшилар сўзига толиб айла.

Ёмон ишдан, ёмондан айлагил дур²,
Икки оламда қил фазл ила маъмур.

Бу жаннат саккиз демишлар тамом ул,
Бирига от берур “Дорул жинон”³ ул.

Ясамишдир ани оқ дурдан Аллоҳ,
Бани Одам учун валлоҳи – биллоҳ.

Иккинчи жаннати “Дорул салом” дур,
Хабар берган бизга бу Ҳақ каломдур.

Ясамишдир қизил ёқутдан ани,
Олар бир донаси юз минг жаҳони.

¹ Боб – эшик.

² Дур – узок, йирок.

³ Дорул жинон – жаннат уйи.

Учинчиси жаннати “Маъво” турур от,
Каламуллоҳ ичида бўлмиш ишбот.

Ани яшил забаржаддан тузатмиш,
Ажойиб қудрат ила шундай этмиш.

Тўртинчи жаннатига “Хулд”¹ эрур от,
Калом ичра ани ҳам айламиш ёд.

Бино этмиш анга бу сари маржон,
Ки қудрат бирла тузди ани Субҳон.

“Наим” демиш бешинчи жаннат отин,
Берар Тангрим ўзи қуллар меърожсин.

Биноси жумла мунинг оқ кумушидир,
Калом ичра Худо Ўзи демишидир.

Олтинчи жаннатнинг “Фирдавс” отидур,
Севар қуллари учун жойлар аталур.

Тузатмишидир қизил олтиндан ани,
Худонинг лутфидир, тўъма² гумони.

Еттинчи жаннатни “Адн” атамиш Ҳақ,
Десинлар жумла мўъмин аҳли садақ.

Тузатмишидир ани оқ дурдан, яъни,
Тамом жаннат бошидир, тингла бун.

Бу жаннат жумласидан илгаридир,
Шунинг-чун барча жаннатлар саридир.³

Ажаб эрмас уй уйдан яхши бўлса,
Ки зебу зевар ила нақши бўлса.

Бу жаннатда икки эшик мубаййан⁴,
Тузалмиш қудрати Ҳақдан муайян.

Ки ҳар эшикда икки тахта қопи,
Бу тиллодан тузалмиш йўқ хилофи.

Икки тахта орасин сўрсанг, эй жон,
Худди орасидек ер билан осмон.

Ҳамма жаннат биносин ҳам демишидир,
Бу кирпичлар бари олтин-кумушидир.

¹ Хулд – 1. Адабийлик 2. Жаннат.

² Тўъма – озиқ, лўқма.

³ Сари – боши.

⁴ Мубаййан – баён қилинган, тушунтирилган.

Сувоғидир тамоман мушки азфар,¹
Ки хоки заъфарон бирла анбар.

Ки кўшлар бордир дурдан тузалмиш,
Анинг панжараси ёқутдан бўлмиш.

Эшиклари тамом жавҳар тутур бу,
Юзига тутдирилмиш маълул-инжу².

Ки васфи кўп эрурким, тилга келмас,
Ноқис ақл ила анга етмак бўлмас.

Бу жаннатларда тўрт дарё оқар ул,
Ким ичса, қатраси жонга ёқар ул.

Бириси баҳри раҳматдир, оқар бу,
Сакиз жаннат узра, эй ёри неку³.

Бу суфтнинг⁴ тошлари ёқуту луълу,
Жавоҳирлар бўлур ҳам анда луълу.

Ки гарддан оқдир, анинг сувлари соф,
Ширинроқдир асалдан демасман лоф.

Яна бириси кавсар ариқ бўлгай,
Бир ичган сувсамоқдан фориғ бўлгай.

Муҳаммад ариғи дерлар анга бу,
Борур ушбу ариқдан умматга сув.

Оғочлари анинг ёқут ила дур,
Канори чаноқ бўлгай жумла пур-пур⁵.

Бу юлдузлар ҳисобидан ўқушироқ⁶,
Ки жумласи эрур покизадан пок.

Ичар умматлари ушбудан ул он,
Бўлур ул сув, эй жон, умматга дармон.

Бу жаннатда булоқ кофур эрурлар,
Дағи ариқ ки “Тасним”⁷ деюрлар.

Дағи бир ариқ анда салсабилдир,
Бириси дағи анда занжабилдир.

¹ Азфар – ўткир ҳидли, тоза.

² Маълул - асосланган.

³ Неку – яхши, гўзал.

⁴ Суфт – тешик.

⁵ Пур – тўла.

⁶ Ўқуш – кўп, анча, талай.

⁷ Тасним – жаннатда оқадиган сув номи.

“Роҳиқ-ул-махтум” атарлар бири бор,
Мухрликдир, очилмас кимса, эй ёр.

Ки андан ўзга сувлар сони йўқдир,
Агар бир-бир десам, поёни йўқдир.

Ҳисобга келмагай бас Тангри кони,
Ишонмасанг бир қара бу жаҳони.

Эрур ушбу жаҳон бир жойи фони,
Яна йўқ сувларнинг ҳадди-сони.

Илоҳи, боғу бўстон гулларингни,
Насиб эти орзулаб булбулларингни.

Илоҳи, яшиларнинг севгисин сол,
Тавозеъ жойини қил мисли бир дол.

Пайгамбар деди, меърож кечасинда,
Ҳамма осмонларни сайр этдим анда.

Тамом жаннат ичра барин бор кўрдим,
Анда оқадиган чор анҳор кўрдим.

Бири сувдир анинг ҳам бириси сут,
Ишонгил ушбу сўзга, бўлма мардуд.

Яна бир ариққа “Хамр” от берурлар,
Ки лаззатли шарбатдир, ичирурлар.

Бири ушбу ариқнинг, бил, асалдир,
Шакардан ҳам ширинроқ оти болдир.

Бу дарёлар оқар жаннат ичинда,
Ажаб ҳайрон бўлур бир кўрган анда.

Тамоман ҳавз ичига кирар алар,
Бир-бирига қатишмай оқар алар.

Бу ҳавз ичра асал, сут ҳамда сувлар,
Кирар бўлсанг тўпиққа етмагайлар.

Улугликда бу ҳавзнинг ҳадди бўлмас,
Ноқис ақли, дер эсам ани бўлмас.

Худоё, ақлимни афзунтар¹ этгил,
Тилим зикринг билан доим тебратгил.

¹ Афзунтар – ортиқ тоза.

Хавас бергил халойиқ сўзларига,
Кўзимизни нозир этгил юзларига.

Алар сари учун болу паримни,
Келар йўлларига фош эт сиримни.

Қабул айла тилакларимни, ё, Раб,
Равон эт кўзларим ёшини ҳар шаб¹.

Худонинг қудратидан очди кўзни,
Пайгамбар дер Жабройилга бу сўзни.

Бу дарёлар келар қайдан, қаерга
Кетар энди, хабар бер шуни бизга.

Деди Жабройил ҳавз ичра елгай алар,
Ки билмас қайси йўлдан келгай алар.

Дуо қилгин агар кўрмак тиласанг,
Буларнинг аслини билмак истасанг.

Дуо қилди у дам Расул Худога,
Малак юборди Худо у Мустафога.

Саломдан сўнг фаришта айтди бу сўз,
Аё Аҳмад, бу дам юмгил икки кўз.

Яна очгин деди, мен юмдим-очдим,
Ўшал ҳолат бир оғочга саташдим.²

Оғоч устида оппоқ қуббаси бор,
Яшил ёқутдин эшик-қопқаси бор.

Қизил тиллодан ҳам қопи қилинди,
Очилмас айладим у боғли, банди.

Етти ер, етти осмон, инс ила жин,
Қубба узра қўйса барини бирдан.

Бўлар мисли тоғ узра қуш қўнгандек,
Ҳамон Қоф тоғига чумчуқ мингандек.

Оқар тўрт ариқни кўрдим тагинда,
Дедим, энди қайтсам ушбу еринда.

Малак деди, нега кирмадинг эй жон,
Ки “Индааллоҳ”да сен азиз меҳмон.

¹ Шаб – кеча, тун.

² Саташдим – дуч келдим, учрашдим.

Дедим, йўқдир калит менда, очилмас,
Калитсиз бу эшикдан кириб бўлмас.

Деди, калит қўлингдир, очибон кир,
Ажойиб, хуш гаройиб, кўргил, эй мир.

Десам, қани, деди, “бисмил” дир, эй шоҳ,
Дегил қопу очилсин, бўлгил огоҳ.

Дедим, “бисмил” ки, бу қопу очилди,
Худонинг нури устимга сочилди.

Ки кирдим қуббага, кўрдимки тўрт наҳр,
Оқар тўрт рукун қуббадан саросар.

Дедим, энди чиқайин қуббадан бас,
Малак “Кўрдингми?” деб қилди менга сас.

Дедим, кўрдим, бале истагимни мен,
Деди: “Қилгил назар икки бор ҳам сен”.

Назар қилдим, бу тўрт рукнга ёзилмиш,
Бу “бисмиллоҳ” нақши ила тузилмиш.

Чиқар сув аригин кўрдим ўшал дам,
Бу “бисмил” мимидан, эй чашми пурнам.

Яна сут ариги, Аллоҳ-о, сендан
Чиқар, кўрдим ажойиб қудратингдан.

Ки хамр ариги Раҳмони мимдан бу,
Асал мими Раҳимдан, эй моҳирў.

Ки мен билдим бу тўрт ариқнинг асли,
Бисмилдан эрур, эй марди-усулли¹.

Деди Аллоҳ ўшалга, ё Муҳаммад,
Бу исм ила мени ким айласа ёд.

Сенинг умматларингдан бўлса ўзи,
Ки холисона деса гар бу сўз(н)и.

Сугорайин мен бу тўрт ариқдан ани,
Ичса гар, лаззат олгай кайфи жони.

Киши Ҳақ ёдини севмак тиласа,
Эгасин жон билан ўгмак² тиласа.

¹ Марди усул, марди усулли – эҳтиёткор одам маъносида.

² Ўгмак – билмоқ.

Тутуб суннатни нафси монёъ бўлсин,
Худойи ҳар на берса қонёъ бўлсин.

Тамаъ бирла йиртмасинлар юракни,
Ки узсин бўғзидан бу нафси сакни¹.

Мужоҳидда жафога тутсин ани,
Бериб ким ул итга сув бирла нонни.

Гар куч олса семириб ушбу маккор,
Қилур аъзоларинг қулликда бемор.

Хабардор эт Худо-ё, мен қулни сен,
Ки кўрсатгил менга тўғри йўлни сен.

Дариго, етмаса фазлингдан имдод,
Дағи кимга қилурмен доду фарёд.

Васфи учмоқдан² сизга зикр айлаюм,
Тинглайиб жондан инонса, сўйлаюм.

Учмоқ ичра кирса, вақти хуш кечар,
Шанба кун учмоқ сувин мўъмин ичар.

Яна якшанба асал ичгай дағи,
Душанба кун ичар сут, эй ахи³.

Хамр ичарлар ул дағи сешанба кун,
Маст ўлуб, сархуш ўлурлар ушбу кун.

Маст бўлганда учарлар тикка мудом,
Бир улуг тоққа етишигунча тамом.

Ул улуг тоғ мушки холисдан бўлар,
Салсабилнинг сувлари андин келар.

Салсабилдан сув ичарлар баъдазон,
Ушбу чоршанба кун ичгай ҳамон.

Баъдазон учгай алар минг йил ўнга,
Етгунча қасри мунифнинг⁴ жойига.

Ул муниф бир кўшк эрур нурдан тамом,
Этмак бўлмас васфига ҳосил калом.

Тахтлари бордир баланд поёни йўқ,
Ҳам қўйилмишидир чаноқлар сони йўқ.

¹ Нафси-сак – нафс ити.

² Учмоқ – жаннат.

³ Ахи – ошна, биродар.

⁴ Қасри муниф – баланд қаср.

Баъзи жавҳар, баъзи зар нуқра эмиш,
Тузли шарбатдан ичи тўлиқ эмиш.

Ўлтирур ҳар бириси бир тахт узра,
Жумла Куръондир, инонгил бу сўз(г)а.

Ёстиқу зебо тўшаклар ҳам ҳарир,
Уст-устига ҳадди-баёндин касир.

Яъни қалину бисотлар зил ипак,
Қудрати Ҳақдан тўшалмиш, қилма шак.

Ул қадар бўлгай баланд тахтлар ҳамон,
Ер билан кўкдан бўлур мобайни – он.

Ўлтирурлар тахт узра тоқи қилиб,
Ҳар бириси хурраму шодмон бўлиб.

Буларга ингай шароби занжабил,
Хуш ичарлар ушбунни беқолу қил.

Хуш ажаб айшу фароғатлар қилар,
Ул кунни пайшанба деб атар алар.

Айни боқий чаимасидан оқ булут,
Булар узра ҳулла тўккай қут-қут.

Яъни минг йилга қадар ҳулла ёғар,
Зил ипакдан жумла хуш нақшу нигор.

Мўъмини адноси етмиш ҳуллани,
Ушбу ҳулладан кияр, билгил буни.

Ҳар бирининг бўлгай ул ранги дигар,
Жомайи зери бўлар зебо магар.

Юпқа бўлгай ҳулланинг ҳар бириси,
Барги гулдек тингла, эй дин тийриси.

Сўнгра учгайлар бу мўъминлар яна,
Минг йилга етгунча мақсад жойина.

Мақсадга етган кунни жума бўлур,
Ул абад суфраси¹ узра ўлтирур.

Ариқ ингай аларга, оти роҳиқ,
Ким баҳралик кўпик мушкдир, эй рафиқ.

¹ Суфра – дастурхон.

Ундан ичгайлар булар лаззат била,
Турли шарбат айни ила, ишират била.

Турли мева, турли ош, турли таом,
Хуш ичар, айлар навозиш хосу ом.

Розиман деб келгай ул Ҳақдин салом,
Дийдалар бергай буларга ихтимом¹.

Кўз кўрган, қулоқ эшитган бўлмагай,
Хотирига кимсанинг ҳеч келмагай.

Нозир бўлгай Ҳақнинг дийдорига,
Кирдилар чун жаннат аҳли дорига².

Ҳасрату гамдан асар йўқ баъдазон,
Ишират ичра қоларлар ки жовидон³.

Деди бу сўзни Расули раҳбарон,
Тангрига ҳар кимса келтирса иймон.

Тутса амрин, қилса ул солиҳ амал,
Ижтиноб⁴ этса гуноҳдан бажадал.

Бу каромат, бу шарофатдир анга,
Ҳам насиб этгай Худо дийдорина.

Эй Худоё, рўзи қил дийдори ёр,
Мўминга даркор аввал, сўнгра жар⁵.

Бу жаннат аҳлидан бир кимса, эй эсон,
Қилса гар орзу дийдори Раҳмон.

Малойик келтирур ул дам буроқлар,
Югани тилло мурассаъ, зийн⁶ жавоҳир.

Башорат бирла дерлар ин доди Ҳақ⁷,
Тутарлар шод бўлиб, аларга саддақ⁸.

Бу меҳмонхонага тушгайлар ул дам,
Егайлар турли неъмат шоду ҳуррам.

Салом келгай Худойи беназирдан,
Раҳимлик, меҳрибон Ҳаййул Каримдан.

¹ Ихтимом – тамом бўлиш.

² Дорига – уйига.

³ Жовидон – адабий, мангу.

⁴ Ижтиноб – сақланиш, узоқланиш.

⁵ Жар – жар солиш, билдириш.

⁶ Зийн – эгар.

⁷ Ин доди Ҳақ – бу Ҳақнинг адолати.

⁸ Саддақа – рост, тўғри.

Эшитурлар қулоқ бирла саломи,
Бу меҳмонхонада бўлгай тамоми.

Яъни кўз бирла кўргайлар Худони,
Жиҳатсиз ўхшаши йўқ, ломакони.

Жаҳонаро жамолин Тангри қодир,
Тўлин ойдек кўрурлар аҳли нозир.

Бизга вожиб қилибдир битмакни ул,
Ўзи билур ўзин кўрсатмакни ул.

Илоҳи, фазл ила дийдорингни бер,
Юракда завқу шавқдин зорингни бер.

Савол этди Расулдан Каъбул ахбор,
Нечук эркан бу жаннат ичра ашжор¹.

Наби айтмиш оғочлар шундай битмиш,
Ажойиб ҳолат ичра анда тутмиш.

Қуримас, бирор япроғи тўкилмас,
Тугамас меваси ҳеч фоний бўлмас.

Ки Тубодир² оғочларнинг баланди,
Барча жаннат ичра аржуманди.

Анинг аслики оқ дурдан тузилган,
Миёни³ ҳам дағи кумушдан бўлган.

Бутоқлари забаржаддан эмишдир,
Унинг япроғи олтиндур, кумушдир.

Ки етмиш минг бутоқ бор ул оғочда,
Ёпишмиш ҳар бутоғи, соқи⁴ аршда.

Ки анинг бутоғи осмонга етмиш,
Худо қудрат бирла шундай тузатмиш.

Бутун жаннат ичра соя солгай,
Ки жаннат аҳли андин баҳра олгай.

Бутун бутоқ самардан шундай пурбар⁵,
Бу жаннат аҳли айшу шират айлар.

¹ Ашжор – дарахтлар, оғочлар.

² Тубо – жаннат дарахти.

³ Миёни – ўртаси.

⁴ Соқи – дарахт танаси.

⁵ Пурбар – серҳосил маъносида.

Ки ҳар бутуқда бор етмиш минг вароқ,
Бирида бор: “ла илаҳа иллааллоҳ...”

Агар сўзга инонсанг, бу турур сўз,
Инонмасанг, унда қара очиб кўз.

Бу тўртинчи самода сайр этадир,
Ёруғи бутун оламни тутадир.

Яна жаннат ичра кўндир оғочлар,
Кумуш бирла тамоман олтин алар.

Бутуқлари анинг баъзиси олтин,
Кумушдир баъзи, сўздан англа мазмун.

Оғочларким бу дунё ичра битмиш,
Туби ерда, бутуқ осмонда эрмиш.

Шунинг чун дунё эрмиш жойи таклиф,
Инонмади шунинг чун аҳли ташириф.

Бу жаннат тупроғидир мушки анбар,
Дағи кофуру¹ хушбўй ила азфар².

Ариқлар суву сут ва асалдир,
Дағи ҳамр оти шарбат бехалалдир.

Эсар ел ҳам у ерда хуш мулойим,
Тегар япроқлар бир-бирига дойим.

Чиқар анда алардин турфа овоз,
Қурилгандек бўлур хуш минг турли соз.

Эшитган бор эмасдир инсу жиндан,
Анға менгзаиш бу дунёда хуш алхон³.

Бу созларнинг овозин тинглаюрлар,
Олиб лаззат уларки суст бўлурлар.

Улар ҳуррам ўшал турли овоздан,
Эшитдим ушбу сўзни дилнавоздан.

Худоё раҳматингдан қилма маҳрум,
Бизни қўйма икки оламда мазмум.⁴

Алидан фатҳи боб бўлди бу иқбол,
Расулдан нақл этиб ул соҳиби ҳол.

¹ Кофур – оппок.

² Азфар – ўткир ҳидли.

³ Алхон – ёқимли овозлар.

⁴ Мазмум – ёмонланган, нафратланган, ёмон.

Деди жаннат ичра бир оғоч бор,
Бошида ҳулла пайдо мисли асмар.

Ҳақиқатда от чиқар, қанотли бўлғай,
Эгарли ҳам юган зийнатли бўлғай.

Безаги дур билан ёқут эрур ул,
Тезак солмас, даги айламас бавл.

Худонинг дўстлари мингайлар анда,
Бас ул отлар учар жаннат ичинда.

Оёқ узра юрган халқдир, илоҳий,
Кийдиргансан бошига давлат кулоҳи.

Бу қулларга қилиб сен турфа инъом,
Сабаб недур, бизга бир айла илҳом.

Худо дер қулларига бу аъбони,
Бўлар ёғиш саволларнинг жавоби.

Намоз аларда пеша, сизда уйқу,
Аларда рўза, сизда емак-ичқу.

Алар жоҳид бўлиб Ҳақ хизматида,
Ҳамон сиз бевафонинг зийнатида.

Тану жон Тангрига сарф этди алар,
Меним буйруқларим хуш тутди алар.

Итоби хуш аларга етди Рабдан,
Каромат рўзи қилдим шу сабабдан.

Алар отин вали қилмиш қатинда,
Азалда севмиш ани ҳазратинда.

Насиҳатдир бу сўзлар хуш билана,
Билиб жони билан рағбат қилана.

Илоҳи, қулларинга ёри бергил,
Қилиб эҳсон беҳишт гулзори бергил.

Насиб эт хайр қучмоқни қулинга,
Миниб от анда учмоқни қулинга.

Расулдан очилди бу сўз бардавом,
Севар умматларга бу сўздир инъом.

Даги бор жаннат ичра бир шажар ҳам,
Анинг меваси кўп эй ёри ҳамдам.

Сучукдир болдан ҳам юшиоқ кўпукдан,
Даги покизадир тоза муш(у)кдан.

Едирмас мевасин қуллар барига,
Магар едирар намозхон қулларига.

Намозхон бўл, намозхон бўл, намозхон,
Намозхонларга бўлгай шундай эҳсон.

Барча ишлар боши билгил намози,
Намоз очгай сакиз жаннатга изи.

Намозсиз қулларга ул кун зимистон,
Иши душвор, очилмас банди зиндон.

Худовандо мусулмон айла бизни,
Муваҳҳид аҳли иймон айла бизни.

Ёмон йўлдан, ёмон йўлдошдан, эй Ҳақ,
Ўзинг самара бер ишимга мутлақ.

Тортарман ҳар замон дард ила оҳи,
Бу оҳим қилма беҳуда Илоҳи.

Хабар ичра Расулдан дур сочилди,
Уйгонди жон, кўнгилдан занг очилди.

Деди, халқ этди Ҳақ ҳур қизларни,
Ки тўрт рангдан, аё одам, негизи.

Бири оқ, бири яшил, бири сари,
Бириси сурҳининг¹ лайлу наҳори.

Баданин заъфарон мушкдан этмиши,
Даги кофури анбардан тузатмиши.

Сочи ҳурнинг қаранфул деб айтайин,
Бу асли хуш исли фар² эрур тайин.

Оёқ бармогидан тизига тегру,
Хуш исли заъфарондир, эй моҳирў.

Тизидан то баданга мушки азфар,
Бадандан то бўйинга мушки анбар.

Бўйиндан то боши кофурдан ўлмиши,
Ажойиб қудрат ила хуш тузалмиши.

¹ Сурх – қизил.

² Фар – шукуҳ.

Кўрганлар кўз ололмагай асло,
Нечук васф этса ҳам ундан адно.

Хур тегинса дунёга бир марта агар,
Жумла жаҳонни олар мушки анбар.

Ёзилмиш сийнасига ҳар бирин ёди,
Худонинг отларидан бирор-бир оти.

Икки гардан ораси тўрт ёғоч йўл,
Бу сўздан маъни англа, аҳли маъқул.

Улугликда ажаб зебо моҳирў,
Кўрган кўзга аларнинг жони дилжў.

Ки ҳар қўлида ўн тилла билазук,
Даги ҳар бармогида шунча узук.

Ҳар оёқда яна ўн бурмаси бор,
Барчаси луълуи жавҳардан, эй ёр.

Ҳар не истар бўлсанг анда муҳайё,
Бўлур ўлмагу қучмоқ тамошо.

Дема, эй кимсаким – аҳли маънони,
Кўнгилдан тутса дўст ушбу жаҳони.

Худоё маъни кўзларин ўзинг шод эт,
Ки кўнглим хонасин анда обод эт.

Умид мендан, карам сенда Худойим,
Баҳра ҳол узра қилгил лутфни доим.

Ривоят Ибни Аббосдан қилинмиш,
Ажаб сўздир Расулдан нақл ўлмиш.

Деди, жаннатда кўрдим бир ажиб ҳур,
Дедилар, оти анинг Ленитадур.

Яратмиш Тангри тўрт нарсадан ани,
Ки анбар, мушк, кофури заъфарони.

Ки ҳайвон сувидан балчиқ сувалмиш,
Ажойиб зебу зевардан тузалмиш.

Ҳама ҳурлар анинг ишиқида вола,
Ки кўрсак деб қиларлар зори нола.

Тупурса гар бир бора баҳрга ул пок,
Суви бўлгай шакардан ҳам ширинроқ.

Кўрган ажралса, кундузи бўлар тун,
Бўлар бехос алар жигар-бағри хун.

Ёзувли синасида ушбу хат бор,
Менга ҳар бир кимса жуфт бўлмак истар.

Ки унинг тоқати Раб бирла бўлсин,
Ҳаво бирла ҳавосин ортга сурсин.

Саҳар хуш уйқуда қил барча зори,
Худодан истагил тавфиқи ёри.

Ки ул лутф эгаси кони карамдир,
Ки баҳри қатида олам адамдир.

Ки йўқдир асилларга ўзга чора,
Анинг бир зарраси, бил сад ҳазаро.

Узилмас қўлларидан даст умиди,
Ўзи дерки бўлма ҳеч ноумиди.

Хабардир Ибни Маъсуддан бу ақвол¹,
Расулдан қилди нақл соҳиби жамол.

Адан жаннатини Ҳақ ул дам яратди,
Ки Жабройилга қудрат амрин этди.

Деди, бу жаннатни сайр эт бу соат,
Кўргин, қулларга бўлмиш не шафоат.

Ки Жабройил бориб тавоф этди борин,
Ажойиб кўрди бўстон лолазорин.

Ки васф айларга булбуллар тили лол,
Эшитганлар бўлур васф этса, беҳол.

Кезарди сайр этиб ул ҳақи амини,
Кўрарди, тингларди зебу зийни².

Йўлиқди жория ул ҳин³, эй ёр,
Табассум қилди Жабройилга як бор.

Ки тиши оқидан жаннат бутунлай,
Ишиқланди⁴ тамом, эй марди шундай.

¹ Ақвол – сўзлар.

² Зебу зийн – зебу зийнат маъносида.

³ Ҳин – вақт, пайт.

⁴ Ишиқланди – ёруғ бўлди.

Йиқилди Жабройил, ким сажда қилди,
Гумон аввал юз обдон жилва қилди.

“Кўртар бош” деб нидо қилди ул чўри,
Нега сажда қилурсан, кел менга тўғри.

Кўриб ул дам ани танг этди бисёр,
Ажаб зийнатламиш қудратли жаббор.

Деди ул жория ул дам, менга боқ,
Кимлар учун яратибдир мени Ҳақ.

Билурмисен, менга бир қилгил изҳор,
Нечук банда экан бўлгай менга ёр.

Жавоб бермишки Жабройил ўшал дам,
Бу ишларга менинг ҳам донишим кам.

Магар ўзинг билурсан деб сўзлади,
Эшитсам деб жавобин ҳам кўзлади.

Яратмишидир анинг учун мени Ҳақ,
Ризо бўлса Худо ҳар ҳолда мутлақ.

Ҳаво бирла ҳавасдан бўлса ул дур,
Изо емаса андин кимса то мўр.

Баҳар ҳолда ризо жўянда бўлса,
Ризосин истаса, ҳар қайда бўлса.

Мен анинг жсуфти деб берди жавоб ул,
Қилур жаннат учун багрин кабоб ул.

Қаттиқ ҳолдир ризо бир қулга тутмоқ,
Изи ҳар кимсадан ким тек ювитмоқ.

Писанд айлар кўрар на бўлса ҳарчанд,
Ичирса захри заққумни билур панд.

Жаҳон ичра ҳамма ноҳуш анга хуш,
Бўлур ўзгаларга ҳар ҳол қилиб бўш.

Худонинг қаҳри, лутфи ёнида тенг,
Баробар кўринур анга ҳамма ранг.

Баробардур анга севмагу ўгмак,
Тагин бир эр ишидир юкни чекмак.

Бу ҳолни қил насиб хос қулларга сен,
Шариат бер мусулмон элларга сен.

Хабардор эт тариқат йўлларидан,
Мададхоҳ қил ҳақиқат элларидан.

Ҳақойиқ аҳлини дуч эт гарибга,
Кўнгил дунёни тутмасин ҳабибга.

Етар эшонига жондан кечганлар,
Ўзини йўқ айлаб сондан кечганлар.

Хабардур ул Расулдан тингла, эй жон,
Эшитса бовар айлар аҳли иймон.

Деди, кўрдим сакиз жаннат ичинда,
Бино айлар малойиқ кўшлар анда.

Бири кумуш, биринж¹, бири тилло,
Тузатурлар биносини зийнат ила.

Қараб турдим, бинодан чиқдилар эл,
Қарадилар бу ҳолатда ўнгу сўл.

Савол этдим нега фориг турарсиз,
Гоҳи фориг бўлиб, гоҳ қўл урарсиз.

Дедилар, зикрга турса қаср эгаси,
Қўл урармиз туриб, битгай биноси.

Қачон ул зикридан фориг бўлганда,
Бинодан қўл тортармиз биз ҳам анда.

Давоми Ҳақ зикрин эт, эй бахти хуш ёр,
Сенинг ишинг доим қилсин малаклар.

Ишинг битмас агар зофил ётурсан,
Хайф гафлат бирла умринг ўтирсанг.

Худога бандалиқ қил, эй хирадманд,
Зикридан лаззат ол мисли шакар, қанд.

Хабарда келди, тинглагин сўзимни
Агар чандики хайр билсанг ўзимни.

Кишиким рўза тутса рўза оий,
Анга неъмат берур тонгла Худойи.

¹ Биринж – бронза.

Қунига ҳури ийндан қизи зебо,
Худо бергай, эшит, эй жони шайдо.

Толибдирлар анга дур ила хайма¹,
Ўзингдан ўзга кўрмабдур, гам ема.

Ки ҳар ҳурга қурилмиш тахти – этмиш,
Қизил ёқут эрур, эй бахти битмиш.

Ҳар тахт устида етмиш тўшак бор,
Муҳаббат бирла сойим² анда ёйлар.

Яна минг чўриси ҳар ҳурнинг анда,
Ки олтиндан варақ алар алинда.

Алар зийнат билан олдинда тургай,
Бўлур пайдо уларни кимса кўргай.

Киши ким бўлса сойим рўза ойи,
Бу шавкатлар анга бергай Худойи.

Гар Ҳақ бандаси бўлсанг, рўзани қўйма,
Ки шайтони лаъиннинг изидан юрма.

Эргашиб айрилмагил, кел, бундай ҳурдан,
Бошқа иш топилмас ушбу ҳузурдан.

Вафосиз дунёнинг камдир ҳузури,
Битган иш йўқ, жафодир қури-қури.

Хабардир Мустафодан бу сўз, эй ёр,
Иймон шами бўлган кас баробар айлар.

Ажаб саҳро сиротнинг энгсасинда,
Ки покиза оғочлар бордир анда.

Тубидан ҳар оғочнинг икки дарё,
Оқар кетар бари жаннат сария.

Бири жаннат ўнгидан, бири чапдан,
Тузатмиш лутф ила Ҳақ бўйла чўлдан.

Сиротдин мўминелар³ чун кечарлар,
Қаттиқ сувсаб ўша сувдан ичарлар.

Ҳисобгоҳда бўлур кунки турибдир,
Чангу тупроқ, машаққатлар кўрибдир.

¹ Хайма – чодир.

² Сойим – рўза тутувчи.

³ Мўминелар – ҳар бир мўмин.

Ичгандан сўнг етиб ҳол синоатга сув,
Хаёлот, гиллу гаши битгай иймон ху.

Бу сувлар ким қачон қорнига боргай,
Нажосат, бавлу қон андан айрилгай.

Ки ичу ташингни поклагай ул сув,
Изи йўқ ёмон ҳужайрада бир мў.

Келгай алар, яна бир ҳовзи дигар,
Тушар ҳовуза, бўлар нозик баданлар.

Териси юмшоқ аларнинг ипакдек,
Юзи бўлгай тамоман тўлин ойдек.

Жасад покиза мисли мушки анбар,
Ки хушбўйликда алар то саросар.

Тамоман боби жаннатга келурлар,
Кўриб андин тафарружлар қилурлар.


Қизил ёқут биноси бўйла хуш ой,
Бўлиб хушвақт гоҳи дерлар ки ҳай-ҳай.

Қоқар ҳар бири ул дам боби жаннат,
Очар боб, келди деб асҳоби жаннат.

Чиқар ҳурлар севиниб ул дам, эй ёр,
Ки ҳар бириси ўз эрин қучоқлар.

Айтар ул ҳур: севарим сен эурсан,
Худойим розидир, мен рози сендан.

Туркман тилидан
Баҳодир КАРИМ ўғирмаси



Ҳерман ХЕССЕ

БИР ИШ ТУНИ¹

Рус тилидан
ҲУМОЮН
таржимаси

Бу шанба оқшоми мен² учун жуда муҳим, чунки ҳафта давомида бир неча кечаларни бой бердим: икки оқшомни мусиқага бағишладим, биттасини – жўраларга, бир куни кечқурун тобим кочиб қолди. Мен учун тунни бой бериш бутун бошли кундузни бенаф ўтказишдай гап, чунки кечаси ижод қилишни бошқа ҳар қандай ишлардан афзал биламан. Шу кунларда икки йилдан буён фикримни банд этиб келаётган кенг кўламли асарим³ устидаги ижодий ишларим ҳал қилувчи паллага чикди. Икки йил аввал (ўшанда ҳам қишнинг бошлари эди) “Чўл бўриси”нинг ёзилиши мана шундай кескин, авж нуктага чикқанини икир-чикирларигача эслайман. Янги асар устида ишларканман, моҳиятан, мен учун ақлга тобе, зўрма-зўраки ғайрат, эркинлик ёки меҳнатсеварликка боғлиқ ҳолатларнинг аҳамияти йўқ. Янги асарнинг қаҳрамони ички кечинмаларим, фикр-ўйларим, муаммоларим тимсоли ҳамда эгаси бўлиб, Петер Каменцинд, Кнульп, Демиан, Сиддхартх, Гарри Галлерда бўлгани сингари тасаввуримда пухта, шахс қиёфасида қуйилиб кела бошлайди. Деярли барча насрий асарларим – маънан таржимаи ҳолим бўлиб, ҳаётий воқеалар, зиддият ва қарама-қаршиликлар қиссаси эмас, балки, моҳиятан, ягона бир шахс монологи, айнан ўша шахснинг Мени ва унинг дунёга бўлган муносабатлари мундарижаси ҳисобланади. Бу каби асарларни “роман” дейишади. Аслида, менга ёшлигимдан қадрли бўлган Новалиснинг “Генрих фон Офтердинген” ёки, масалан, Гёльдерлиннинг “Гиперион” асарларини роман деб аташ камлик қилади.

Мана, яна мен қисқа, ажойиб, машаққатли ва завқли лаҳзаларни бошдан кечирмоқдаман, ёзувчи “тўқима” қаҳрамони билан боғлиқ инқирозларни енгиб ўтганда, калбда ҳис-туйғулар кучайиб, фикрлар ўткирлик, ёркинлик ва самимийлик касб этади. Туғилаётган китобдаги бирталай материаллар, бир қатор таассурот ва мушоҳадалар ягона қиёфада жам бўладиган (жуда узоқ давом этмайдиган) лаҳзалар ўткинчи ва ўзгарувчандир – қиёфани ўша лаҳзада тутиб қолиш ва тавсифлаш лозим, йўқса, бу иш ҳеч қачон амалга ошмайди, кейин кеч бўлади. Барча китобларим, ҳатто якунига етмаган ва нашр қилинмаган асарларимнинг

¹ Эссе Ҳерман Хессенинг “Китоб сеҳри”(“Магия книги” Москва, “Книга” 1990 г.) номли тўппламидан олинган.

² Ҳерман Хессе (1977-1962) – олмон адиби, философ, рассом. XX аср модернизм оқими вакили.

³ Эссе 1928 йил 2 декабрда ёзувчи “Наргис ва Нотиқ” романи устида ишлаётганда ёзилган.

туғилишида ҳам худди шундай лаҳзалар кечган. Агар ўз вақтида улгурмасам, пишиб етилган ҳосилни йиғиб олиш мавсумини ўтказиб юбораман ва кутилмаганда шундай онлар келадики, асар қаҳрамони мендан узоклашиб, долзарблиги ва аҳамиятини йўқотади; масалан, ҳозирга келиб, мен учун Каменцинд, Кнульп, Демиан ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолган. Меҳнатларим неча бор шу тариқа чиппакка чиққан, охир-оқибат, ойлар давомида қилган ишларим самарасиз қолиб кетган.

Шундай қилиб, бу шанба окшомини ўзимга, ўз ишларимга бағишладим ва кундузнинг катта қисмини эса тунги тараддудга бағишладим. Соат саккизда қўшни хонадан кечки овқатимни олиб чиқиб қўйдим, – кичкина ликопчадаги бўтқа билан банан, – сўнгра стол чироғи қаршисига ўтириб, қўлимга қалам олдим.

Зарур бўлишига қарамай, бу юмушларни истаб-истамай бажараман. Кечадан буён олдимда турган ишнинг бошида қувонч эмас, кўркувни ҳис этипман. Чунки романим (Нотиқ ҳақидаги) шундай қалтис жойига келдики, китобда деярли ягона бўлган бу нуктада, воқеалар ўз-ўзидан ривожланиб боради ва асарнинг давомига қизиқиш уйғотилади. “Қизиқарли” ўринларга сира тоқатим йўқ, айниқса, ўзимнинг китобимда ва ҳамиша, имкон қадар уларни айланиб ўтишга ҳаракат қиламан. Аммо бу сафар ундан қочиб қутулиб бўлмайдиган вазият келди, шекилли: Нотиқнинг ҳаётдан ҳикоя қилиш лозим бўлган воқеалар ўйлаб топилмаган, яъни уларни шунчаки ташлаб юбориб бўлмайди, чунки Нотиқ сиймосини, унинг моҳиятини очувчи дастлабки, муҳим ғоялардан бири айнан мана шу.

Иш столимда биргина “қизиқарли” саҳифа устида уч соат бош қотириб, имкон қадар холис, қисқа, иложи борица қизиқарсиз ҳикоя ёзишга ҳаракат қилдим, аммо ниятимга етдимми-йўқми, билмадим. Бундай ишлар кейинроқ аниқ-тиниқ кўринади. Ҳолдан тойиб, нохуш кайфиятда қоғозга туширганларимга узок термилдим ва ўзимга яхши таниш бўлган ёқимсиз фикрларни ўқиб, асабийлашдим. Икки йилдан буён ҳаёлимда шарпадай кўринган қаҳрамонимни шунчалик синчиклаб тасвирлаш, бахт келтирувчи умидсизлик, – ҳолдан толдирувчи машғулот, – яна ярим тунда бедор ўтириб ёзиш шартмиди? Каменцинд, Кнульп, Верагут, Клигзор, Чўл бўриси ортидан яна бир қалб, яна бир ўзгача мураккаб, сўзга сингган моҳиятим, яна бир қаҳрамон яратиш керакмиди?

Бу тунда мени банд этган юмуш, – бутун умр машғул бўлганим, – бир замонлар ёзувчилик деб аталган ва ҳозиргача ҳеч ким уни Африка бўйлаб саёҳат ёки теннис ўйинчалик қизиқарли ҳамда маънили эмаслигига шубҳа қилмаган. Бугунга келиб уни “романтизм” деб аташмоқда, устига-устак, ўта эътиборсиз оҳангда талаффуз қилишади. Наҳотки, романтизм бирон-бир қимматга эга бўлмаса? Наҳотки, Германиянинг ўткир ақл эгалари – Новалис, Гёльдерлин, Брентано, Мёрике ёки Бетховен ва Шубертдан тортиб Хуго Вольфга қадар немис композиторлари яратган дурдоналар романтизмга алоқадор бўлмаса? Айрим танқидчилар авваллари адабиёт ва романтизм деб аталмиш тушунчани ифодалаш учун одамнинг тили қовушмайдиган, беўхшов, бунинг устига кинояли

оҳангда эшитиладиган “бидермайеровчилик”¹ атамасини таомилга киритишган. Улар бу атама замирида қандайдир “бюргерона”, эскича, чучмал эсипастликни англашарди, бу эса, бизнинг ажойиб, жўшқин замонамизда аҳмоқона эрмакдай маъно касб этади. Улар ақл ва қалб кучи билан даврнинг муҳим вазифалари доирасидан ташқарига чиқишга уринган барча нарсалар ҳақида шундай фикрлашади. Гўё улар учун Шлегель, Шопенгауэр ва Ницшенинг дардли туйғулари, Шуман ва Вебер орзулари, Эйхендорф ва Штифтер асарлари ўткинчи ҳамда кулгилидир, ва омадни қарангки, уларнинг барчаси боболар сулуқати билан ўтмишда қолгандай! Аммо бу орзу-хаёллар на ўткинчи сукунат, на хузур-халоват, на усти ялтироқ этиб яратилмаган, улар икки минг йиллик насронийлик, минг йиллик олмонийлик, абадий инсонийлик анъаналарининг мужас-самидир. Нега энди уларга етарлича ҳурмат кўрсатилмаяпти, нега энди уларга жамиятимиз қатламлари ва ҳокимият тегишлича аҳамият бермаяпти? Нега танамизни “чиниқтириш”га миллионлаб, онгимизни машиналаштиришга ундан кам бўлмаган миқдорда маблағ сарфланади-ю, қалбимизни маърифат нури билан ёритишга эса, нафрат, истехзодан бошқа ҳеч вако йўқ?

Аслини олганда, “Инсон бутун дунёни тасарруф этиб, ўз қалбини жароҳатлашдан қандай наф топади?”² деган Рух бормиди – у романтизм эдими ёки “бидермайеровчилик”, у бекор қилиндими ёки тутатилдими, ёки унинг ўрнини бирон бошқа яхшироқ ғоя эгалладими? Наҳотки, унга бошқача ишлов бериб, кулгили аҳволга солиб қўйишган бўлса? Наҳотки, катта шаҳарларнинг завод, биржа, стадион, аукцион, қаҳвахона, рақс майдончаларидаги “замонавий ҳаёт” готик услубда ибодатхоналар бунёд этган ва “Бахавадгита”ни яратган одамлар ҳаётидан нимаси биландир тўқисроқ, яхшироқ, жозибалироқ, оқилроқ бўлса?

Шубҳасиз, бугунги ҳаёт, замонавий “мода”лар ёмон эмас, яшашга ҳақли, улар ўзгариш ҳамда янгиликларга ўч, аммо бутун ўтмишни – Исо Масихдан тортиб Шуберт ёки Корогача бўлган ўтмишни ажодларнинг онгсиз, кулгили ўтган даври деб қараш мумкинми? Чинданам, янги даврнинг ўтган замонга нисбатан жазавали, ёввойи, дунёни барбод қилувчи нафрати янги даврнинг қудратли эканини исботлайдими? Бундай ҳимояга эҳтиёж сезганлар кучсиз эмасмикин, руҳан тушқун эмасмикин?

Ярим тунда, қўнглимда шундай саволлар пайдо қилдим, уларга жавоб топиш учун эмас, албатта, чунки мен дунёга келганда бу саволларга жавоб берилган эди, аммо уларнинг қайғу-ташвишини ҳис этиш, уларнинг аламини босиш учун яна қаршимда Кнульп, Сиддхартх, Чўл бўриси ва Нотикни, – барча оғайниларни, ўхшашларини эмас, – барча мунгли посбонларни, яъни ҳаёт менга ҳадя этган эзгуликларни кўраман. Уларга ўзимнинг қайсарлигим ва эҳтиросларимни бағишлайман, уларни қутлайман, уларнинг яшашга ҳақли эканини яна бир бор тасдиқлайман, яна бир бор барча бахтлиларнинг бахти, спортчиларнинг кучи ва

¹ Бидермайер – 1815-1848 йилларда герман ва австрия санъатида пайдо бўлган услубий оқим бўлиб, Л. Эйхродт шеърларига сарлавҳа учун ўйлаб топган, тирикчиликдан бошқани билмайдиган соддадил немис кишиси исми-шарифидан олинган. Бидермайерда шаҳарликлар ва деҳқонлар ҳаётини бирлаштириш, кузатиш ва идеаллаштириш, айрим кишиларга қизиқишнинг ортиши, оилавий шинамлик билан романтизмга бўлган қизиқиш доираси торайиб борган; йирик немис буржуа идеологлари тасаввурида капитал ва саноат ривожини сусайтирилиши бидермайерга тенглаштирилган.

² Инжил, Матфей 16, 26.



натижалари, молиячи корчалонларнинг бор бисоти ва боксчиларнинг шон-шуҳрати менинг машгулотим олдида аҳамиятсиз, майда бўлиб кўринади. Яна шуни англайманки, “романтикклигим”нинг маъниси унинг тарихий-фалсафий жиҳатдан юксак аҳамиятида эмас, балки оламдаги барча ақл, ахлоқ ва ҳикматлар курол кўтариб қарши чиққанда ҳам ўз ишимни давом эттириш, ўз қаҳрамонларимни яратишга бўлган ишончимдadir.

Мана шундай ишонч билан ўзимни пахлавондай қудратли ҳис этганимдан сўнг ухлашга чоғланаман.

1928



Қайсин ҚУЛИЕВ

ЗУЛФИЯ ВА УНИНГ ШЕЪРИЯТИ

*Рус тилидан
Асрор МЎМИН
таржимаси*

Таниқли болқор шоири Қайсин Қулиев: “Алишер Навоийдай буюк шоири бор адабиётни аслиятидан ўқишим керак”, дея ўзбек тилини мустақил равишда ўрганганди. У севимли шоирамиз Зулфиянинг шеърларини ўзбек тилида ўқиганда ҳайратга тушганди. Шу боис 1975 йилда Зулфиянинг Москвада чиқаётган рус тилидаги китобига сўзбоши ёзиб беришни сўрашганда, мамнуният билан бу ишни бажарганди. Меҳр ва муҳаббат билан ёзилган бу мақолада Зулфия шеърляти теран таҳлил этилгани учун ўша вақтда адабиёт аҳлида катта қизиқиш уйғотганди. Бу мақола унинг муаллифи ва севимли шоирамиз ижоди каби ҳамон ўқилмоқда ва бундай кейин ҳам ўқилаверади.

Биз ушбу мақолани биринчи марта она тилимизда эътиборингизга ҳавола этаямиз.

Зулфия ва унинг шеърляти ҳақида мақола ёзишга қарор қилгач, ўз-ўзимга савол бердим: нима учун айнан мен ёзишим керак? Ўз-ўзимга жавоб бердим: чунки, мен уни кўпдан бери биламан ва шеърларини севиб мутолаа қиламан. У мамлакатимизда ва жаҳонда таниқли шоира бўлиши баробарида жуда самимий ва ёқимли инсон. Бундан ташқари, мен унинг китобларини аслиятидан ўқийман. Бу менга ўзим ижодини ёктирадиган санъаткор ҳақида фикр билдиришимга асос беради.

Барибир, Зулфиянинг юртдошлари – ўзбек шоирлари ва адабиётшунослари уни мендан кўра яхшироқ билишади. Бунга иқрорман. Бирок, унинг китобига сўзбоши ёзишга қарор қилдим. Ўйлашимча, бу тўғри қарор. Баъзан санъаткор ҳақида ёнидагиларнинг эмас, четроқдаги – дарё ёки тоғ ортидаги одамнинг синчковлик билан билдирган фикри қизиқарлироқ бўлади. Бундан ташқари, яна шундай жиддий сабаб борки, бундай вазиятда мен кўлимга қалам олмаслигим мумкин эмас. Биз адабиёт аҳли учун халқлар дўстлиги ва маданиятлари бирдамлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда фақат тантанали мажлисларда ёки давравий суҳбатларда гапириш билан кифояланмасдан ҳар доим бошқа халқлар санъати, маданияти ва шеърляти ҳақида ёзишимиз, уларнинг намояндаларини эътироф этишимиз керак. Куч ва имкониятимдан келиб чиққан ҳолда шу вазифани бажаришга уринаман. Ҳар гал шундай вазифани бажариш менга катта

мамнуният бағишлайди. Мен адабиётда ёнма-ён ижод қилаётган сафдошларим, дўстларим ҳақида ёзишни яхши кўраман. Тўғри, мен учун она тилимда ёзаётган халқимнинг маданияти қадрли. Бу шунчаки айтилган сўз эмас, қон-қонимга сингиб кетган туйғу, яшаш тамойилим. Мен шундай туйғулар билан тоғларимга қараяпман, ҳозир мана шундай туйғулар мени Зулфия ва унинг шеърляти ҳақида ёзишга ундаяпти.

Қачондир Зулфия таржимаи ҳолида менинг ҳаётимда ҳеч қандай қахрамонлик бўлмаган дея ёзганди. Санъатнинг ички қонуниятларини ва ижод Зулфия ҳаётининг мазмуни эканини билганим учун унинг бу фикрига кўшила олмайман. Истеъдоди мамлакатимизда, Осиё ва Европада тан олингунга қадар бу гўзал ва оқила аёл қандай машаққатларни бошдан кечирмасин қанча ишларни бажарди, қанча йўлларни босиб ўтди. Агар Александр Блокнинг таржимаи ҳолига назар ташласангиз, унинг ҳаётида ҳам ҳеч қандай қахрамонлик рўй бермагандай туйилади. Ҳолбуки, у йигирманчи асрнинг, умуман рус ва жаҳон шеърлятининг энг фожиавий шоири ҳисобланади. Шунинг учун мен уни қахрамон шоир дея атайман. Бундай дейишимга унинг бажарган ишлари асос беради. Ижодкорнинг қахрамонлиги – унинг соф виждони, истеъдодига, санъатнинг юксак ғоя ва мақсадларига, ўз даврининг ёрқин ғояларига садоқати, ўзини вояга етказган халқига бор кучи билан хизмат қилишидир.

Зулфия Октябрь инқилобидан икки йил илгари туғилган. Унинг тақдирига эски дунёда кам яшаш ёзилган экан. Аммо эски урф-одат ва анъаналар яшовчан. Ҳеч нарса ҳаётдан осонгина кетмайди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида туғилган Зулфия янгилик сари кадам ташлаши учун катта қийинчиликлар билан қадимий Шарқ урф-одати ва анъаналари кўйган мушкулларни енгиб ўтишига тўғри келди. Худди шундай интильсагина янги дунё ижодкорига, шеърлари нафақат ўз она тилида, бошқа тилларда ҳам севиб ўқиладиган таниқли шоирага айланарди. Унинг феъл-атворидаги камтарликни билганим учун яхши тушуниб турибман. Зулфия Ўзбекистон халқ шоираси бўлиши учун ноёб истеъдодидан ташқари метин иродасига суяниши, ҳаётни севиши ва мақсад сари собитқадамлик билан интилиши керак эди. Шунинг учун ишонч билан айтаман, унинг ҳаёт йўлини қахрамонликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Назаримда, ҳар бир йирик ижодкорнинг юксалиш йўли қахрамонликдан бошланади. Менимча, ҳаётдаги жиддий вазиятларни бадий ифодалашда ижодкор ҳаяжонга тушишини, қалбида туйғулар туғён солишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Зулфия онаси ҳақида гапирганда, уни қаноти қирқилган қушга ўхшатганди. Худди шундай қисмат қизининг ҳам бошига тушиши мумкин эди. Аммо Зулфиянинг бахтига ҳаёт унга толели тақдирни битган экан. Бутун мамлакатда янги ҳаётнинг бошланиши унинг ўқиши, маълумотли бўлиши, ижодий ишларини қилиши учун шароит яратди. Шу тариқа меҳнатларининг шарафланиши учун замин ҳозирлади. Тоғлик авар ўғли Расул Ҳамзатов, қирғиз чорвадори невараси Чингиз Айтматов, оддий қалмоқ ўқитувчиси фарзанди Давид Қуғултинов каби ўзбек меҳнаткашининг қизи ҳам шараф топди.

Зулфия таржимаи ҳолида онаси остона ҳатлаб кўчага чиқмагани тўғрисида ёзган. Ҳайратланарлиси шуки, унинг қизи дунёни кезди ва дунёда таниқли инсон. Атоқли грузин шоири Тициан Табидзе ёзганди:

“Шеърят ҳижоб ичида шу қадар гўзал бўладики, уни севиб қолмаслик мумкин эмас”. Бу тўғри. Бироқ, Зулфия шеърятти ҳижобсиз ҳам, паранжисиз ҳам гўзал. Шоиранинг бахти шундаки, унинг юзи аввалбошдан қуёшга, осмонга, юлдузларга, қорга, ёмғирга, тонгга, пешинга, салқин намозшомга, ой нурига очик бўлди, бу шоиранинг чехрасидай гўзал ҳолатдир. Шу боис менга мазкур мисраларни ёзиш мамнуният бағишлайди. Мен Ўзбекистонда чиройли юзини оғир, қора паранжи бекитган аёлларни кўп бор учратганман. Уларнинг юзини кўришни қанчалар истаганман. Афсуски, паранжининг ёвуз кучи менинг холис истагимдан кучлироқ бўлган.

Шундайликка шундай, лекин мен юкорида таъкидлаганимдай катта шоир ҳақида ёзишга чоғланганман. Зулфия сўзларининг кучи нимада? Ундан йироқда яшайдиган мени нега шеърятти ҳақида сўз айтишга ундамоқда? Айнан шу саволга мақолам орқали жавоб беришим керак. Мухтасар айтсам, муҳтарама аёл – шоирамиз ижодининг табиийлиги, шеърятининг халқчиллиги, ундаги шодлик ва аламларнинг ортиқча тавсифларсиз асл ҳолида берилиши мени мафтун этади. Бу сўзлар истеъдод деб аталган ижодкорларга нисбатангина айтилади. Буни Борис Пастернак ажойиб тарзда ифодалаган:

*Истеъдод – ҳамшиша янги,
Ва бўлмас дунёда тенги.*



Айримлар шеърятдаги янгилик деганда, ҳар хил ребусларни тузишни, она тили қоидаларини бузишни ва тумтароқ сўзларни тизишни тушунишади. Менимча, шеърятдаги янгилик – мазмунидаги маънодорлик, шоирнинг ўзига хос ташбеҳлар билан тасвирлаши, услубидаги беназирлик. Бизнинг давримизда бу ишни Александр Твардовский ажойиб тарзда уйдалаган. Агар рус эмас шоирлар ҳақида гапирсак, бу вазифани моҳир сўз усталари Аркадий Кулешов, Расул Ҳамзатов, Давид Қуғултинов, Мустай Карим қабилар шараф билан бажаришган. Улар қаторида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳам бор. Айтгандай, менинг билишимча, у шундай юксак унвонга сазовор бўлган минтақадаги биринчи аёл!

Шу ўринда Зулфиянинг менга ёзган мактубидан иктибос келтирмоқчиман, менимча, унда шоиранинг шеърятга муносабати аниқ ва самимий ифодаланган: “Умр ўтмоқда, ўзи билан йилларимизни олиб кетмоқда, ўрнига шеърлар туҳфа этмоқда, уларда ҳаяжонли кўнгил кечинмаларимиз мужассам – турмуш қувончларидан оғриқларгача, эски дардларимиз изларидан қон оқиб турган янги яраларимизгача бор. Афсуски, ҳаёт бизга уларни аямасдан берган. Аммо бу ҳаёт, шуниси билан қадрли ва азиз”. Бу сўзларни ҳақиқий ижодкоргина ёзиши мумкин. Ҳар бир шоир ўзини ўқувчиларидан кўра кўпроқ билади. Шу боис Зулфия шеърига мурожаат қиламиз, унда ижодкор сифатидаги вазифасини белгилаб олган:

*Шеъринг мурзак, лекин дилинг соз,
Нафасингда, дедингиз, ўт бор.
Ёниб куйлаш шоирликка хос,
Ўсгин, совши билмагин зинҳор.*

*Бу оташни бағримдан олиб,
Водийларга, гулларга бердим.
Тўқувчини қўшиққа солиб,
Қўриқ ерлар бағрига кирдим.*

*Ишқ ҳақиқат қудрати гўё,
Менинг билан тебратди қалам.
Қўшиқларим билмай гап, риё,
Ошкор кулдим, ошкор чекдим гам.*

*Дили шоир ҳассос бир элга,
Фарзандлигим нақл этар бурчим.
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга,
Этармикин ҳеч қачон кучим...*

Шеърдаги энг муҳим ва тўғри хулосани таъкидлашни истайман, чунки у ижодкор учун мангу даъват ҳисобланади. Чиндан ижодкор ғамли дамда ҳам, шодлик дамларида ҳам фақат ҳақ гапни айтиши керак. Бусиз ўзини шоир атаган одам Андерсен эртагидаги яланғоч қиролга ўхшайди. Зулфия ўзининг юқоридаги дастурий шеърида айнан ижодкор учун энг муҳим шу фазилат тўғрисида фикр юритган. Бу фазилатсиз ижодкор ишида салбий жиҳатлар кўзга ташланади. Ишончим комил, келтирган мисраларимдаги сўзлар самимий ва ҳаққоний. Сабаби, муаллифининг феъл-атворини жуда яхши биламан. Шуни фахр билан таъкидлашни истайман, бугунги кунда таниқли ва буюк шоирага айланган Зулфия ўз халқига нурли сўзларни айта олган. Бунинг учун унга ноёб истеъдодидан ташқари донишмандлик, собитлик ва ижодкорга хос қаҳрамонлик керак бўлган.

Мен Зулфияни биринчи марта йигирма саккиз ёшга кирган вақтида кўриш бахтига муяссар бўлганман. Ўша даврда уруш йилларининг оғир асоратлари ҳар қадамда сезилиб турса-да, у бахтдан порларди. Чунки у севимли турмуш ўртоғи, истеъдодли шоир, гўзал инсон Ҳамид Олимжон билан бирга эди. Узи эса ёш, чиройли, истеъдоди барқ ураётганди. Мен уларга ҳайратланиб қараб, ўйлагандим: “Ҳамид Олимжон нақадар бахтли!” Мен ҳасад қилмадим, бу бахтиёр жуфтликка қараб ҳавас қилдим. Эсимда, ўшанда Зулфиянинг ота ховлисидаги узумзорда тонгда юргани, кокиллари қуёш нурида товлангани хаёлимга келганди. Ўшандан буён кўп йиллар ўтди, лекин ҳар гал Зулфияга қараган вақтда ҳамон у гўзал ва ёқимли эканини кўраман.

Олимжоннинг бахти қисқа экан. Зулфияни учратганимдан кейин бир йил ўтиб, унинг бошига оғир кулфат тушди. Ҳамид автохалокатда ҳалок бўлди. Юқорида шоиранинг қаҳрамонлиги ҳақида гапиргандим. Зулфиянинг бошига катта кулфат тушганда, у қанотини йиғмади, синиб қолмади. Бу жуда муҳим. Катта ижодкорларгина шундай қилишга кодирлар. Шунинг учун биз уларнинг бадий маҳоратларидангина эмас, ҳаётий сабр-

бардошидан, донишмандлигидан ҳам ибрат олишимиз керак. Бетховенни эслайлик, ўзининг оғир аламлари ва кулфатларига қарамасдан қудратли мусикаларини яратган. Таъбир жоиз бўлса, бу Прометейга хос қудрат! Ҳа, ҳар бир ижодкор Бетховен бўла олмайди, лекин ҳар бир ижодкор истеъдоди даражасидан қатъи назар ҳаётни ёритадиган Прометей оловини кўтариши керак. Бетховендан ва унга ўхшаш ижодкорлардан ибрат олсак арзийди. Айнан шу ишни Зулфия ҳам бажара олди. Оғир кулфат ҳовлисига, ҳаётига қўланка солган, юрагидаги дарди янги бўлган кунларда ёзган шеъри фикримизни тасдиқлайди.

*Ўтди ойлар ғам билан оқиб,
Дил топмади зарра тасалло.
Фироқингда қолдим тутоқиб,
Не балога этдинг мубтало?*

*Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.
Юпатоғмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар нолиш.*

*Наҳот шунча маъсум, шундай пок,
Севишмоқда алам бор шунча?
Бардош бермас ирода, идрок,
Тамоман лол ақл, тушунча.*

*Тоздай бор деб билган юрагим
Қуш бошича қолмади чоғи.
Ғамни енгарман деган сарим,
Яна ортар алами, доғи.*

*Эриб кетмагандим севгиндан,
Бўлмаслик-чун бахтиндан жудо.
Бирга қолиш учун сен билан
Қуяману, бўлмайман адо.*

Шеърдаги икки фикрни алоҳида таъкидлашни истайман. Одамнинг бошига қайтариб бўлмас кулфат тушганда, у икки карра бардошли бўлиши ва аламни шодлик кунларини қарши олгандай мардона қарши олиши керак. Унинг ҳаётида шодлик кунлари бўлганди. Зулфия ўзи ёзганидай, бахтсизликка қарши жангга чикди. Менда шеърдаги охирги икки сатр унутилмас таассурот қолдирган:

*Бирга қолиш учун сен билан
Қуяману, бўлмайман адо.*

Бу жуда тўғри, ҳаққоний, ибратли.

Муҳими, шеърда Зулфиянинг дониш, ҳақиқатгўй ва олий мақсадлар сари интилувчан киёфаси тўлалигича гавдаланади. Унинг китобини ўқир эканман, Ўқувчилар ўзини қандай одам ва ижодкор бўлса, шундай ҳолда

кўришларини иштадини, ўзлигидан ортиқроқ даражада тасаввур этишларини хоҳламаслигини сездим. Зулфия шеърларини ўзи қандай бўлса, шундай ёзган – оддий, самимий, камтарона. У шеърни савлат тўкиб, тантанавор ўқишни тан олмайди. Шунинг учун унинг шеърлари жозибали. Шоира ҳақ, у беназир хазина – тилни берган, ўзини вояга етказган халқининг шоири бўлиб қолишни истади. Берилган меҳр ва неъматларга жавобан у ўзининг бор истеъдодини, илҳомини, кучини халқига бағишлади. Хизматларига яраша берилган Халқ шоири унвонига муносиб равишда ижод қилди. Зулфия ўзининг ярим асрлик умри давомида қадрдон республикаси билан бирга қадам ташлади, янги Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданияти тикланишига гувоҳ бўлди. Бу ўзгаришларни кўриш унга қувонч бағишлади, ўсиб-улғайишига ёрдам берди ва тикланган Ватанининг етук шоираси сифатида эъзозланди. Чиндан ҳам бу катта шараф ва ифтихор. Буни Зулфия шеърида мендан кўра яхшироқ ифодалаган:

*Фақат сени дедим, қалб кўшигини,
Эй азиз Ватаним, атадим сенга!
Сен ҳур бўлганинг-чун нафасим ҳурдир,
Ҳаётим лаззатли, бахт ёрдир менга.*

*Мана шунинг учун тупроғинг азиз,
Кўзим қорасидай кўраман яқин.
Сенинг меҳринг, ишиқинг кезар қонимда,
Мисоли баҳорги ҳаётбахш оқин.*

Биз ижодкорларга фақат миллий ва маҳаллий мавзулар билан чекланиб қолиши зарарли эканини кўп гапирамиз ва ёзамиз. Бу тўғри. Айниқса, бизнинг давримизда ўз уйига бекиниб олиш ижодни ўлдиради. Масалан, мен ота ҳовлисидан нарини кўришни истамайдиган, бошқа жойларни севмайдиган ва тан олмайдиган ижодкорларни ҳурмат қила олмайман. Дунёга шундай муносабатда бўлиш ижодкор учун кечириб бўлмас ҳолат, кўрликдан бошқа нарса эмас. Холисанлилло айтинг, биз Пушкин ёки Гётеннинг шундай ижодкор бўлишини тасаввур этишимиз мумкинми? Албатта, йўқ. Шу нуктаи назардан қараганда Зулфия шеърляти юксак мавқеда, унга ўзга халқлар ва уларнинг маданияти, одамзотга ер юзида қувонч ва яхшилик улашадиган ҳамма нарса азиз. Зулфия – дунё тинчлиги, халқлар дўстлиги ва маданиятлар бирдамлиги фидойиси. Бу эзгу мавзуда ёзилган шеърлари ижодининг катта қисмини ташкил этади. Ўзбекистон халқ шоираси бўлган Зулфиянинг Россия, Кавказ, Қозоғистон, Ҳиндистон, Миср, Вьетнамга бағишланган туркум шеърлари унинг ижоди кўлами кенглигини ва ўзбек кизининг буюк байналмилалчилик ғоясига садоқатини кўрсатади. Унинг “Мушоира” дostonидаги мисралар халқлар дўстлиги, маданиятлар ва санъатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда шоирларнинг вазифаси, бурчи нималардан иборат эканлигини аниқ ифодалайди.

*Янги куй, янги ўй олиб шоирлар,
Даврага келарди, келарди ҳамон.
Дилларни пайвандлар эди сатрлар
Дўстлик, қардошликнинг кўпригисимон.*

Барча халқларнинг мумтоз шеърляти ҳар доим одамлар юракларини бир-бирига яқинлаштиришга, халқлар дўстлигига хизмат қилган, бундан кейин ҳам хизмат қилаверади ва миллатлар ўртасига нифоқ солмоқчи бўлганларни қоралайверади. Бу – шеърлятнинг эзгу бурчи, улуғвор вази-фаси, қудратли кучи. Мен қувонч билан таъкидлайман, Зулфия шоирлик бурчига ва шеърлят вазифасига ҳамиша содик.

Унинг “Салом сизга, эрксевар эллар!” шеъри шу ҳақда. Шоир шеърида одамларни, болаларни, барча меҳнаткашларни севиш ва ҳурмат қилишдай, дунёдаги барча тирикликни авайлаб-асрашдай мушкул вазифа зиммасида эканини очиқ-ойдин айтади. Аслида, бу бизга устозлардан мерос. Қирғин ва вайронкорлик қуроллари катта кучга эга бўлган ҳозирги даврда бундай вазифани бажариш ҳаммамизга, айниқса, ижодкорлар учун жудаям керак. Бундай даврда ижодкор тинчлик, халқлар дўстлиги ва бирдамлиги кураш-чиси бўлмаслиги мумкин эмас. Зеро, унинг ижоди одамларни севишга, эзгуликни улуғлашга қаратилган. Чунки шеърлят нурдан яралган, зулмат ва ёвузликка, адолатсизлик ва қотилликка қарши туриши керак. Шоир юрагида ҳар доим Пушкиннинг нурга бағишланган умрбоқий мадҳияси янграйди ва ундаги сўзлар жанговар шиори:

Салом, Қуёш! Йўқолсин зулмат!

Энди Зулфиянинг “Салом сизга, эрксевар эллар!” шеърига қулоқ тутамиз.

*Мириқиб ухлайди ширин гўдақлар,
Шу гўзал осойиш оқшомги пайтлар.*

*Яна ҳам ёрқинроқ ёниб чирогим,
Дўстлар-ла тўлади менинг ҳар ёғим.*

*Буюк қурилишлар тушган ерлардан,
Оппоқ далаларга тўлган қирлардан.*

*Бир-бир келиб кирар қаҳрамонларим,
Сухбатда ўтади ширин онларим.*

*Бари қўшигимда куй бўлмоқ истар,
Меҳнатим, шонимдан ёзгин деб қистар.*

*Мен шулар номидан юришиб қалам,
Тонгни қўриқлайман посбондай маҳкам!*

Шоир учун одамлар тақдирига таъсир этадиган, уларнинг меҳнат кунини бошлайдиган тонгни посбондай қўриқлашдан, бир биродаридай улар номидан ва улар ҳақида гапиришдан ортиқроқ бахт борми?! Зулфия ўзига шундай бахт, шундай ҳуқуқ берилганини тўла ҳис қилади. У ўз боғида юрган боғбондай чин юракдан ва хотиржам айтади: “Хайрли тонг, ер юзидаги барча одамлар!”

Зулфия барча катта ижодлар каби ҳамма халқларни, уларнинг маданияти ва намояндаларини хурмат қилади, у чинакам ва юксак мақомдаги байналмилал шоир. Шу боис унинг Ҳиндистон туркумига кирган шеърляри 1968 йилда Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотга муносиб кўрилди, 1970 йилда “Нилуфар” мукофоти билан тақдирланди. Унинг шеърлятигина эмас, жамоат ишларидаги фаоляти ҳам таҳсинга лойик. У республика журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати. Ҳа, шеърляти ва жамоат ишидаги фаоляти уйғун. Шоира шеърлятнинг ижтимоий ҳаётдаги қудратли кучини билади, жамоатчилик фаолятида шеърлятдан куч олади. Зулфия – ер юзидаги барча яхши ва эзгу нарсаларга бағрини очган, пок ниятли, иродали, ақлли, юраги нурли инсон. Таржимаи ҳолида ёзган куйидаги сўзлари нурга ва нафосатга йўғрилган: “Юрагимни олинг одамлар! Мен сиз учун куйлайман фақат!”

У ҳаётда ҳам, шеърлятида ҳам шундай шоир ва шундай бўлиб қолади. Зулфия барча ёрдамга муҳтожларга кўмак беришни, меҳнат аҳлини руҳлантиришни истаиди. Азалда шоирларга шундай вазифа буюрилган. Шу боис Зулфия шеърляти нурга, меҳрга, самимийликка, ички қувватга, неқбинликка ва ҳаётни севиш руҳига йўғрилган.

Мен-ку тушунаман, Зулфияни китобхонларга таништиришга ҳожат йўқ, чунки улар шоирани шундай ҳам яхши билишади. Фақат унинг шеърлярини севган кардоши сифатида дил сўзларимни ёзгим, миллий заминда яралган одамларни ҳаётни севишга чорлайдиган оддий, халқчил, нур ва меҳрга йўғрилган, ҳикмат ва ҳаяжонларга тўла мисралари ҳақида фикр юритгим келди. Ҳозир яна Есениннинг грузин шоирларига йўллаган ажойиб мисралари ёдимга тушди.

*Эзгу сўз янграйди ҳамон,
Шоир шоирга меҳмон.*

Бу жудаям тўғри. Мен ҳам кадрдонларимга, замондош шоирларимизга шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан. Албатта, улар қаторида ёқимли, ақлли ва пок кўнгилли Зулфия ҳам бор. У менинг ҳамкасб дўстим. Мен унга меҳмонман. Бу мисралар дўстнинг дўстга айтар дил сўзлари. Ҳозир соқин тонгда юзимга оппоқ қорли Кавказ тизмаси ойдин нури, Эльбрус ва Казбек чўккилари оша қуёш ёғдуси тушаётган пайтда секин шивирлайман:

Ассалом, Зулфия, опажонгинам!

Кейин яна унинг ажойиб мисраларини дилда такрорлайман:

*Энг нодир қўшигинг зар баридан тут,
У менда! – деб чорлар олда қанча йил.*

1973 йили ноябрь ойида Москвада бўлган тинчликсевар инсонларнинг халқаро конгрессида Зулфия билан бирга қатнашгандик. Ўшанда унга атаб шеър ёзишимни айтгандим. Эҳтимол, у ҳазиллашяпти деб ўйлагандир. Аммо мен кадрдон Чегем дарасига қайтгач, тоғларнинг оппоқ қорларига караб, Жилға ирмоғининг жилдираши ва чинор япроқларининг шивирла-

шини тинглаб, унга айтган шеъримни ёздим. Зулфияга ҳавас қилиб ёзган мақоламни унга аталган шу шеърим билан яқунламоқчиман. Тоғлик шоирларнинг садоқатли дўсти Наум Гребневдан уни рус тилига ўгиришни илтимос қилдим. Шоирлар ҳамиша бир-бирини кўллаб-қувватлайди. Биз ҳеч қачон Жуковский ва Пушкиннинг ибратли муносабатини унутмаслигимиз керак. У бизга мангу намуна.

ЗУЛФИЯГА

*Тоғнинг тепасида ялтирайди қор,
Пастида куз тафти забтига олар.
Бағрида бўй чўзган оқ-сарғиш чинор,
Мағрурлиги сизни ёдимга солар.*

*Опажон, ҳамиша яшанг тинч-омон,
Сира писанд қилманг ташвиш-аламни.
Очиқ чеҳрангизга қараган замон,
Беихтиёр эслай яна ўлкамни.*

*Биз касбдош, сафдош ва қардошимиз ахир,
Доим ҳайрат билан қараймиз сизга.
Бизни жамолингиз этгандир асир,
Тоза виждонингиз ибратдир бизга.*

*Менга кенг борлиқни ёритган талъат,
Ҳаёт йўлингизни айлар намоён.
Афсус, сизни эрта йўқлади қулфат,
Сиз гамни енгдингиз мисли қаҳрамон.*

*Бу тақдир, илож йўқ узилса япроқ,
Аслида, кузда бор биз билмас ҳикмат.
Чунки оқ қозоғга тўкилди шу чоқ,
Сизга, юртингизга бахшида раҳмат.*

*Бари тугал, неки келса фалакдан,
Менга бирдай азиз қиш, баҳор, ёз, куз.
Опажон, изн беринг, мақтай юракдан
Юртингиз, ўзингиз, шеърятингиз!..*



ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА ШАРҚОНА МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ

Хар қандай халқ азал-азалдан бир-бири билан алоқа қилиб келган ва бу мулоқотлар маданият, ҳунармандчилик, савдо-сотикнинг кенг ривожланишига олиб келди. Узоқ ўтмишдан – энг қадимий даврларда ҳам ғарбликлар шарқ билан қизиққанлар, аждодларимиз эса Миср, Бобил, Юнонистон, Андалузия каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Бунга яққол далил Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтганидир.

Шарқ мавзуси Ғарб адабиётига қадимдан кириб борган, бунинг аксини қадимий византия кўлёмаларида, хагиографик¹ ёзувларда, хикоя ва эртақларда, маталларда кўришимиз мумкин. Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанимиз вакиллари ялб этганлар².

Ватанимизнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги асосий маълумотларни археология топилмалари, Яқин Шарқ мамлакатларида қадимда яшаган халқлардан қолган ёзма ёдгорликлар, Юнонистон ва Рим муаллифларининг асарларидан топамиз. Шу ўринда бу алоқалар илдизини қадим юнон ёдномаларидан, Зардўштнинг “Авесто” ва Ҳомернинг “Илиада” китобларидан, “Алпомиш” ва “Одиссея” дostonлари мазмунидан, улардаги бир-бирига муштарак воқеалар тасвирида кўраимиз.

Милоддан аввалги IV асрда дунёни забт этган юнон саркардаси Александр Македонский ўзининг Шарққа қилган юриши чоғида Зардўштнинг “Авесто” китобини мутолаа қилгани, Марказий Осиё ва Ҳиндистонда яшаган халқлар маданияти билан яқиндан танишиб, улардаги ўзига маъқул жиҳатларни давлат бошқарувида жорий этгани манбалардан бизга маълум. Ҳукмдорларнинг бу каби олийжаноб фазилатлари кейинчалик Ғарб ва Шарқ адабиётида битилган “Искандар ҳақидаги романлар” да ҳамда “Хамса” дostonларда маърифатли подшо образининг яратилишига туртки бўлган. Ўрта асрлар Ғарб адабиётида юзага келган “Роланд ҳақида кўшик”, “Тристан ва Изольда”, “Окассен ва Николетт”, “Флуар ва Бланшфлўр” каби қахрамонлик дostonларида ҳам Шарқ мавзуси Ғарб воқелиги билан муштарак мазмун касб этганлигини кузатамиз³.

Хўш, Шарқ мавзуси Европага қачон кириб келган? Бу саволга жавоб топиш мақсадида бир неча манбаларга мурожаат қилинди. Бу масаланинг асосий иккита омилини аниқлашга мушарраф бўлдик:

– **биринчиси**, диний китоблар ва қадимий кўлёмаларни таржима қилиш орқали;

¹ Хагиография – юнон. Hagios- авлиё, илоҳий; grapho – ёзув) илоҳий ёки диний ҳаётни, тарихни ўргануви фан.

² Фозила Сулаймонова “Шарқ ва Ғарб” Тошкент “Ўзбекистон” 1997. 314–332-бетлар.

³ Очилова Д., Холбеков М. Жон Драйден ва унинг “Аврангзеб” фожиаси, Самарқанд, “Хорижий филология” 3(52) /2014. 26–35-бетлар.

– **иккинчиси**, XV – XVI асрларда денгиз йўллари очилиши орқали Ҳиндистон ва Эронни кашф қилинганлиги, ва шарқ эртақлари, халқ оғзаки ижоди ва фалсафасига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши орқали.

Ислом дини вакиллари ғарбликларни доим хавотирга солиб турди. Испанияни (715 – 1492) мусулмонлар томонидан босиб олиниши тобора кенгайиб, кун сайин кудратлироқ бўлиб бораётган мусулмонларни христианлар доим ўзларига “рақиб” деб билганлар ва шу сабабли Шарқ мутаффакирлари қўлёмалари, Шарқ фалсафаси ва Ислом динини муқаддас китоби Куръони Каримни ўрганишга киришганлар, бироқ бу асарлар кўп ҳолларда нотўғри талқин қилинган.

Куръони Каримни дастлаб кеттонлик Роберт томонидан Европа давлатларида урф бўлган лотин тилига таржима қилинганлиги ва 500 йил мобайнида Европа олимлари томонидан синчиклаб ўрганилганлиги, кейинчалик эса аввал француз тилига Андре дю Риер томонидан, икки йилдан сўнг Англия қироли Карл I буйруғи билан сарой руҳонийси Александр Росс томонидан 1647 йилда инглиз тилига таржима қилинган¹.

XI асрда Испания Шарқни ўрганиш марказига айланди, шарқ маданияти, ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва фалсафаси ғарб илмининг диққат марказига айланди. X–XII асрларда яшаб, ўз ихтиролари билан дунё цивилизацияга, қолаверса, илм-фанни, хусусан, тиббиёт, математика, фалакиёт, тиббиёт, ҳуқуқ ва адабиёт илмларининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган, дунё таниган бобокалонларимиз Шарқ ренессанси маданияти намояндалари ал-Фарғоний, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Рушд қаламига мансуб буюк тадқиқотлар қадим юнон-рим донишмандлари Аристотель, Платон, Сукрот, Пифагор, Эпикур, Гиппократ ва Плутарх асарлари билан бир вақтда лотин тили орқали Ғарбий Европага кириб борди.

XIII асрда Шарқ ҳақидаги фикрлар анча ижобий томонга ўзгарди, Италиянинг илғор жамоатчилиги, буюк шоир, комедия жанрининг асосчиси Данте Алигъери Фаробий, Фарғоний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Сигер каби файласуфларга юқори баҳо беради. Каталониялик файласуф Раймунд Луллий, кейинчалик “Инглиз адабиёти отаси” Чосер Шарқ адабиёти ҳақида ўз асарларида илиқ муносабат билдирди, айниқса, Чосер Абдул-Азиз, Ибн ал-Ҳайом, Ал-Зарқали, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ал-Хоразмий кабилар қўлёмаларини қайта-қайта муталаа қилган².

XIII аср ўрталарига келиб Ибн Рушд асарларининг ҳаммаси лотин тилига таржима этилиб, европа илмий жамоатчилигида кенг тарқалди ва лотин аверроизмига³ замин ҳозирлади. Черков ҳукмронлигига қарши кураш, Шарқдан келган янги ғояларни тарғиб этиш асосида янги таълимотларнинг кенг тарқалиши натижасида “дин илмга аралашмасин, диндорлар ўз иши билан, олимлар ҳам ўз иши билан шуғуллансин”, деган талаб қўйилади ва натижада Ғарб мамлакатларида янги давр – ренессанс маданиятига ижобий ҳиссасини қўшди. Уйғониш даврида гуманизм номи остидаги ҳаракат мафкуравий тарғиботга айланади. Шарқ фалсафаси

¹ A history of translations for qur'ans in english Wisconsin Muslim Journal | Mar 30, 2018 <https://wisconsinmuslimjournal.org/a-history-of-translations-for-qurans-in-english/>

² Ўша манба.

³ Аверроизм – XIII асрда Ибн Рушднинг, фалсафа олдидagi энг катта хизмати Аристотель таълимотини неоплатончилар томонидан сохталаштиришлардан мусаффо этиб, қайта кашф қилинган янги фалсафий оқим. Бу кашфиёт Уйғониш даврида Оврупо мамлакатларида фалсафанинг тез суръатда ривожланишига олиб келди.

Францияда шунчалик мавқега эришадики, натижада черков чекинишга мажбур бўлади. Ҳатто XIII аср ўрталаридан бошлаб қайта очилган Париж университетига араб тили ўрганила бошлайди¹.

Ҳозирги даврда Ибн Рушд асарларининг Михаил Скотт таржимасидаги икки мингдан ортиқ лотинча қўлёзмалари Оврупо кутубхоналарида сақланмоқда. 1245 йил инглиз олими Рожер Бэкон Сарбонна университетига Аристотель, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушд таълимотлари ҳақида маърузалар ўқийди. Кейинчалик, Бэкон Аристотель, Ибн Сино ва Ибн Рушд таълимотларини маданиятда анча орқада бўлган Англияда ҳам таркатади.

Дастлаб Англияда Уйғониш даври инглиз адабиёти тарихида драматург Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” фожиаси катта ўрин тутган бўлса, кўп ўтмай Шарқнинг асл кўринишини ўзида мужассам этган инглиз ёзувчиси Уильям Пойнтернинг “Роҳатлар қасри”, Ж. Шарденнинг “Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат” сингари китоблари дунё юзини кўрди. Сабаби, XVI–XVII асрларда денгиз йўллари орқали Ҳиндистон ва Эронни кашф қилган Испания, Англия, Голландия, шунингдек, португалиялик сайёҳ ва мубашширлар, бу ҳудудлардан икки қудратли мусулмон давлати бўлмиш форсий сосонийлар ва туркий бобурийлар салтанатига дуч келдилар. Уларни, айниқса, Ҳиндистонда ҳукм сураётган “Буюк мўғуллар империяси”нинг куч-қудрати, бой сарҳадлари европаликларнинг диққатини тортган эди. Фукарлар урушидан фориг бўлиб, Реставрация даврига қадам қўйган Англия, энг аввало, Ҳиндистон билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, имкон қадар мустамлакачилик юришларини олиб боришга шошилди. Фарбий Европада иккинчи қудратли давлат саналмиш Франция ва унинг кироли Людовик XIV ҳам Эрон ва Ҳиндистонни “кашф” этиш учун ўз сайёҳ ва элчиларини бу ўлкалар сари йўллади. Улар орасида заргар Жюль Шарден ва шифокор Франсуа Бернье ҳам бор эди. Эрон ва Ҳиндистон сафарида бўлган бу сайёҳлар кўп ўтмай ўз таассуротларини китоб ҳолида нашр эттирдилар².

Айниқса, Франсуа Берньенинг “Буюк Мўғул салтанатидаги сўнги давлат тўнтарилиши тарихи” ва “Буюк мўғуллар салтанатига саёҳат” (1669) китоблари кенг жамоатчиликка, жумладан, қирол Людовик XIV га ҳам манзур бўлган эди. Китоб бир неча бор француз тилида қайта нашр қилинди, 1671 йилга келиб, у инглиз тилига таржима этилди.

Франсуа Бернье фалсафа ва тиббиёт доктори, таниқли шифокор бўлиб, умрининг кўп қисмини жаҳонгашталиқда ўтказди. Шарқнинг Шом, Миср ва Саудия Арабистони мамлакатларига сафар қилган Бернье, 1659 йилда Ҳиндистонга келади. Даставвал, бобурий шахзода Доро Шукуҳ саройида уч йил, сўнгра Аврангзеб салтанатида тўққиз йил шох табиби лавозимида хизмат қилади. Жами ўн икки йил мўғуллар салтанатида яшаган Франсуа Бернье саройдаги ҳаёт, сиёсий воқеалар, тожтахт учун шахзодалар ўртасидаги уруш-жанжалларни ва ниҳоят, Аврангзеб Оламгир (1618–1707)нинг тахтни эгаллаб, салтанатда осойишталик ўрнатгани, боболари шох Бобур ва Ҳумоюн давридаги қудратли давлатни тикламоққа бел боғлаганининг шохиди бўлиб, таассуротларини ўз китобида бадиий акс эттиради.

¹ Сулаймонова Фозила “Шарқ ва Фарб”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997. 314–332-бетлар.

² Қаранг: Холбеков М. Буюк мўғуллар салтанати ёхуд Жон Драйденнинг “Аврангзеб” фожиаси ҳақида//“Жаҳон адабиёти” 2007, 6-сон, 1901–195-бетлар.

Аврангзеб саройида унга “Донишмандхон” мақомини беришиб, сарой аҳли унга шундай мурожаат қилади. Бернъенинг “Саёҳатнома”сида шарқона маданият ва менталитетга нисбатан юксак эҳтиромни кузатамиз¹.

Муаллиф асарда ҳар бир темурий шахзода ва сарой амалдорига алоҳида таъриф бериб ўтади. Асарда ҳар бир элат тарихи, худудий жойлашуви ва унинг жуғрофий муҳитини атрофлича ёритиб беради. Асар матни билан танишар эканмиз, муаллиф туркийда ёзилган “Бобурнома” ёхуд унинг таржимаси билан таниш бўлган, деган фикрга борамиз. Сабаби саёҳатноманинг услуги ва тасвирланаётган воқеалар “Бобурнома”га бирмунча ўхшаб кетади. Масалан, муаллиф Бухорога таъриф берар экан, бундай деб ёзади: “Бухоро мевалари олтинга тенг, ёзда қовун, олхўри, нок каби меваларни ҳиндистонликлар дастурхонига етказиб беришар, қишда эса қуритилган мевалар, сара кишмиш майизлари Ҳиндистонга юбориларди. Кишмишнинг данаксиз оқ ва қора навлари жуда мазалидир”².

Асарда темурий шахзодалардан Аврангзеб образига алоҳида урғу берилган, унинг ота-боболари удумларига содиқлиги, саройида ўзбек элатларини иззат-икром билан кутиб олинади. Асарда ёзилишича, бир куни Аврангзеб турли давлатлардан келган элчиларни қабул қилади. Сухбат давомида у элчиларга бир неча савол билан мурожаат этаркан, Самарқанд мадрасаларини ўз кўзи билан кўриш истаги борлигини баён этади. Бернъе китобида Самарқанд ҳақида шундай дейди: “Самарқанд Темур давлатининг пойтахти бўлган муқаддас шаҳар. Уйғониш даври айнан шу ердан бошланган бўлиши мумкин. Самарқанд мадрасалари алоҳида эътиборга лойиқдир. Шаҳарнинг марказий қисми Регистон ҳисобланади, бу майдон учта мадраса: Улуғбек, Шердор ва Тиллақори билан чегараланган. Унинг меъморий шакллари, нафислиги ва гўзаллигига фақат Италия шаҳарлари рақиб бўла олиши мумкин.

Муаллиф Самарқанд таърифини давом эттириб, ёзади: “Шердор мадрасанинг номи (1601 йилда қурилган) кириш жойи тепа қисмида яшил, қизил, кўк, оқ рангларда сирланган ғиштлар билан шоҳона безатилган иккита шер шаклидан олинган. Бу уч мадрасанинг энг каттаси бўлиб, унда 128 та мулла унинг 64 та хужрасида истикомат қилган. Тиллақори мадрасаси тилла билан безатилган ва 1618 йилда қурилган бўлиб, 56 та хужрадан иборат. Мадрасалардан энг машҳури Улуғбек мадрасаси бўлиб, 1420 ёки 1434 йилларда Темурнинг невараси томонидан қурилган. Бу мадраса бошқаларига нисбатан кичикроқ бўлса-да, XV асрда Самарқандга катта шуҳрат келтирган ва бу ерда илмий мактабда математика ва астрономия фанига асос солинган”³.

Хуллас, Ж. Бернъе китобининг инглизча таржимасини ўқиган инглиз адиби Жон Драйден ундан илҳомланиб, ўзининг “Аврангзеб” фожиасини ёзади.

Жон Драйденнинг “Аврангзеб фожиаси” замонасида кўплаб шовшувларга сабаб бўлгани каби, ўз даврининг йирик романнависи Вальтер Скотт томонидан катта эҳтиром билан тилга олинади. Бу нодир асар ҳақида кейинчалик инглиз олимлари томонидан, хусусан, Брюс Кинг,

¹ Очилова Д., Холбеков М. Жон Драйден ва унинг “Аврангзеб” фожиаси, Самарқанд, “Хорижий филология” 3(52)/2014. 26–35-бетлар.

² François Bernier “Travels in the Mogol Empire” 1656-1668, Edinburgh p.218

³ François Bernier “Travels in the Mogol Empire” 1656-1668, Edinburgh p.218-223

Майкл Ослид (1965) ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган ва бир қатор илмий мақолалар чоп эттиришган. Аврангзеб драмасы Л.А.Берлайн ва Фредсон Бауэр томонидан қайта таҳрир қилиниб, кейинчалик Драйденнинг “Тўрт трагедия” тўпламига киритилди¹.

Шарқ ва Ғарб адабий алоқаларининг раванқ топишига уларнинг ўзаро диний-фалсафий ғоялари эмас, балки ғарбликларнинг ўзга юрт маданияти, Шарқда анча илгарилаб кетган илм-фан ва географик кашфиётлар бунга туртки бўлган, ўз ўрнида инглиз драмасини ривожланишининг кейинги босқичига таъсир кўрсатган десак, муболаға бўлмайди. Академик Н.И.Конраднинг ёзишича: “Жаҳон адабиёти ривожланишида нафақат ғарб адабиёти, балки ғарб адабиётининг ривожланишида шарқ адабиёти ҳам катта ўрин эгаллайди. Фақат 1660 йилдан 1740 йилга қадар Европада 200 дан ортиқ шарқ мавзусидаги асарлар ва таржималар нашр қилинди”.² Бирок, таржимонлар ва адиблар кўпроқ шарқ адабиётисидаги дидактик томонга асосий эътибор бериб, асарлар ўша давр сиёсатида мослаштирилиб ўтирилган, бу эса таржимонларни аслиятдан анча йироқлаштириб юборган. Бунга сабаб ўша давр сиёсатида Испаниянинг Англияга хавф солиб турган бир вақт эди, шу сабабли Англияда маърифатчилик ва ватанпарварлик туйғуларини тарғиб қилиш мақсадида яна бир драма жанри – тарихий хроника жанри пайдо бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, мазкур даврнинг илм аҳли тарихий воқеаларни эркин равишда ўзгартириб, ўз даври сиёсий воқеаларига мослаштирганликларида кўринади. Қатор асарларда, жумладан, Д. Бейлнинг “Қирол Иоанн” (1536), К. Марлонинг “Эдуард II” фожиалари бунга мисол бўла олади. Айниқса, Шекспирнинг “Ричард II”, “Генри IV” драмалари европа оммасида катта эътирозларга сабаб бўлди. Қадим юнон адабиёти ҳам четда қолмади, эрамиздан олдинги IV асрда яшаб ўтган Сенека асарларидаги персонажлар ўзгартирилиб, драма узундан-узок монологлардан иборат бўлиб, томошабиндан кўра кўпроқ китобхонга мослаштирилган эди.

Шу ўринда инглиз драмасы ҳақида сўзлаганимизда, унинг ривожланиш тарихида муҳим роль уйнаган К. Марло, В.Шекспир, Ж. Драйден каби етук адибларнинг қўшган ҳиссаси ҳақида гапириш лозим. Айниқса К.Марлонинг “Буюк Темур” фожиаси, инглиз драмасига кескин бурилиш ясайди, адиб бошқаларга ўхшамайдиган, ўзига хос драма тилини, биринчи бўлиб усталик билан ўз асарларида оқ шеърни (blank verse) қўллайди. Унинг ёзиш услуби кейинги давр драматургларига, яъни Жон Дей, Б.Жонсон, Ж.Драйден кабиларга кенг йўл очиб берди.

Хуллас, юқоридаги манбалар XVI–XVII асрларда Ғарбий Европа маданиятига сингиб борди ва Ғарб ренессанс (уйғониш) даври адабиётисида соҳибқирон Темур образининг яратилишига замин ҳозирлади. Масалан, инглиз Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили Кристофер Марло (1564–1593) яратган икки қисм, ўн кўринишдан иборат “Буюк Темур” фожиаси нафақат инглиз театри, балки бутун Ғарб қиролликлари театрлари сахнасида классик трагедия жанрига асос солди³.

¹ Очилова Д., Холбеков М. Жон Драйден ва унинг “Аврангзеб” фожеаси, Самарқанд, “Хорижий филология” 3(52) /2014. 26–35-бетлар.

² Конрад Н.И. Проблемы сравнительного литературоведения. В кн.: Запад и Восток. М.: Изд-во восточной литературы, 1972, 290–303.

³ Қаранг: Холбеков М. Ҳайрат уйғотган сиймо// “Тафаккур”, 2008. 3-сон, 26–31-бетлар

Кристофер Марло ижодидан баҳра олган XVII аср Ғарб классицизм адабиёти намояндалари Корнел “Сид”, Расин “Боязид”, Тассо “Озод қилинган Қуддус”, М. де Сюдери “Артамена ёки Буюк Кир”, Жон Драйден “Аврангзеб” каби Шарқ мавзусидаги трагедияларини яратди. Шарқ мавзусида тарихий драма анъаналарини кейинчалик яна уч муаллиф, Жон Дей, Уильят Раули, Жорж Уилькинслар давом эттирдилар.

Лондонда “Уч ака-укаларнинг саёҳатлари, сэр Томас, сэр Энтони ва мистер Роберт Шерли” (1607) пьесаси саҳналаштирилди. Асар воқеаларига кўра, ака-ука Шерлилар шоҳ Аббос хизматига ёлланиб, доим ҳам муваффақиятли бўлмаса-да, дипломатик топшириқларни бажариб келишади. Бироқ бу асар шошма-шошарлик билан ёзилгани боис унда бадий маҳорат унча сезилмаган, пьеса томошабинларни фақат уч ака-укаларнинг саргузаштлари орқали жалб қилган, холос. Яна бир драматик эпизод, Томас Герберт ҳикояларида шоҳ Аббос ҳукмронлиги таърифланиб, шоҳ ўз ўғилларини унга нисбатан фитна уюштираётганликда гумон қилади, катта ўғлини қатл этишга ва учинчи ўғлини кўзларини кўр қилишга буюради. Бу асар кейинчалик яна иккита оқ шеър билан ёзилган пьеса – Жон Дерхемнинг “Софи” ва Роберт Бэроннинг “Мирзо” нинг яратилишига сабаб бўлган. Реставрация даврида Томас Саутерн яна ўша образлардан фойдаланиб, асар воқеаларини анча мураккаблаштириб, ишқий саргузаштлар, рашк ва хиёнатни аралаштирган ҳолда “Содиқ ука ёки Эрон шахзодаси” асарини яратди.

Инглиз олими Марта Конант Шарқ адабиётини тўрт турга бўлиб ўрганган: улар фалсафий, сатирик, маънавий-ахлоқий ва хаёлий асарлар¹. Маънавий-ахлоқий ва фалсафий мавзудаги асарлар Эддисон ва Жонсонс чоп этиладиган даврий журналларда тез-тез нашр этилган. “Минг бир кеча”, “Араб эртаклари” Ғарб китобхонлар томонидан шунчалик қизиқиш уйғотдики, Англияда бу жанрга таклид қилинган ҳолда бир неча асарлар яратилди. Бунга мисол қилиб, Уильям Бекфордни “Ватек” асари, Уильям Коллинзни “Форс эртаклари”, кейинчалик “Шарқ эртаклари” бунда мисол қила оламиз.

Ғарбликларнинг шарқ адабиётига асрлар мобайнида бўлган ва бўлаётган қизиқишлари ва изланишлари кейин ҳам давом этди. Шарқ фалсафий, фалсафий-сатирик публицистика, шарқона дидактизм инглиз ва бошқа ғарбликларнинг эҳтиёжида кўринади. Эҳтимол, XVII–XVIII асрларда сайёҳлар, тилшунослар ва олимлар одамзод ва тафаккур ҳақидаги саволларга айнан Шарқ адабиётида жавоб топганларидадир.

Шу ўринда хулоса XVIII асрда анча илгарилаб кетган Шарқ адабиёти ғарбга “тоза ҳаво”дек кириб келиб, Европа адабиётини янада бойитди, янги сюжетлар, услуб, ҳатто янги лексика манбаи сифатида хизмат қилди. Шарқ ва Ғарб адабий алоқаларининг раванқ топишида бадий асарлар, хусусан, драматургия ҳам сўзсиз хизмат қилган десак, муболаға бўлмайди.

Дилафрўз ОЧИЛОВА,
ҚарДУ катта ўқитувчиси

¹ Martha Pike Conant, The Orient Tale in England in the Eighteen Century (New York:Columbia University Press,1908) 29-31p.



НОБЕЛЬ ЛУИЗАГА НАСИБ ЭТДИ

Хар йили куз ойларида нуфузли Нобель мукофотига сазовор бўлганларни тақдирлаш мавсуми бошланади. Жорий йилда бу мукофот адабиёт йўналишида америкалик шоира Луиза Глюкка насиб этди. Глюкнинг исми hozirgacha адабиёт бўйича букмекерлар эътиборини тортган, номзоди даъвогарлар рўйхатининг сўнггида бўлса-да, тақдир унга кулиб боқди.

2016 йили бу мукофот АҚШ фуқароси ҳофиз шоир Боб Диланга берилган эди. Эндиликда бу шарафга яна бир таниқли шоира мушарраф бўлди. Луиза Глюк эллик йиллик ижодий фаолияти давомида ўнлаб адабий мукофотларга сазовор бўлган. Бироқ уларнинг энг чўққиси, албатта – Нобель мукофоти ҳисобланади. Нобель кўмитаси ҳайъати мукофотни “Ўзига хос раван шеърий оҳанги билан борлиқдаги мутаносиб гўзалликни мужассамлаштиргани учун” деб белгилади.

Луиза Элизабет Глюк 1943 йили Нью-Йорк шаҳрида таваллуд топган. Унинг ота-боболари венгер яҳудийлари бўлиб, АҚШга кўчиб келишган. Бобоси сабзавот тижорати билан шуғулланиб, шаҳар марказида катта дўконига эга бўлган. Шоиранинг отаси ҳам шу соҳани давом эттирган. Баъзи манбаларда уларнинг фамилияси Глик деб ҳам юритилади.

Ота оилага бош бўлиб, болалари тўқис яшаши учун ўзининг ёзувчи бўлиш орзусидан воз кечади. Бироқ отанинг армонлари катта қизи истакларида ўз аксини топди.

Бўлғуси Нобель мукофоти соҳибаси ота-онаси таъсирида адабиётга меҳр кўйди. Улар фарзандига юнон афсоналари ва антик мумтоз маданиятини сингдиришга муваффақ бўлишди. Айниқса, Глюкнинг онаси, гарчи уй бекаси бўлса-да, АҚШнинг машҳур Уэллсли аёллар коллежини битирувчиси бўлиб, қизи учун ажойиб суҳбатдош ҳамда унинг барча саволларига аниқ жавоб бера оладиган адабиёт билимдони ҳисобланган.

Бундай оилавий муҳит Луизани эрта ёшдан шеър ёзишга илҳомлантиради. Бироқ тўла таълим олишга соғлиги халакит берар, Глюк ўсмирлик ёшида асаб касаллигига чалинади. Бу хасталик қизга тенгдошлари қатори таълим олишга қўймас, аксарият вақти муолажа олишга кетарди. Шунинг учун ҳам қиз бутун кучини ва ботиний оламини Сара Лоуренс коллежидаги шеърийат машғулотларига сарфлашни афзал билди.

Айни чоғда, Колумбия университетидаги шеърят семинарларига боришни канда қилмади. Бу ҳаракатлари ва тиришқоқлиги туфайли Луиза шеърятсеварларнинг нуфузли Лигасига аъзо бўлиб, мухлисларга танила бошлайди. Шундан кейин ҳам соғлиги ва руҳияти билан боғлиқ муаммолар бўлиб турар, ижодий бўҳронлар чоғи касаллиги хуруж қилиб турарди. Бироқ шифокор ёрдами билан руҳий мувозанатини Глюк ўз ички “мени”га нисбатан қўллаб, ўзига хос шеърӣ услубига эга бўла бошлайди. Ёзган шеърларини тўплаб, рамзий маънода “Тўнғич” деб номлайди. Бу китоб 1968 йилда нашр қилинади. Луизанинг мазкур илк китоби тезда оғизга тушади, танқидчиларнинг ижобий фикр-мулоҳазалари билан даврий нашрларда эътироф қилинади. Аммо касаллиги яна хуруж қила бошлайди.

Луиза тўла маълумотга эга эмаслигига қарамасдан, Годдарт коллежида шеърятдан дарс беради. Бир неча таълим муассасаларида инглиз тили ва адабиёти муаллими бўлиб ишлаб, ниҳоят, ҳозиргача фаолият олиб бораётган Йель университетининг профессори даражасигача бўлган мураккаб ижодий йўлни босиб ўтади. Ҳаётида юзма-юз берган бахтсизликлар ижодига кучли таъсир этса ҳам танлаган йўлидан қайтмади. 1980 йилда уйи батамом ёниб кул бўлиши “Ахиллес тантанаси” (1985) шеърӣ китобининг дунёга келишига сабаб бўлади. Бу китоб мухлислар ва шеърят ихлосмандларининг олқишларига сабаб бўлган пайт отаси оламдан ўтади. Бу мусибат таъсирида “Арарат” (1990) китоби ёзилади. 2001 йил 11 сентябрь фожиалари “Октябрь” (2004) поэмасида ўз аксини топади.

1992 йилда нашр этилган “Ёввойи гулсапсар” тўплами шоира ижодининг гултожи ҳисобланади. Бу китобдаги шеърларда гулзордаги гуллар ўзига хос илоҳӣ олам орқали боғбон билан табиат гўзаллиги ҳақида суҳбат куради. Бинафшабарг гулсапсарнинг турфа рангларда товланиши ранглар орқали боғбон эътиборини тартади. Гулнинг шивирлашлари таралаётган нур каби наботот оламини бир мўъжиза эканини истеъфода этади.

Унинг шеърлари шахсий автобиографик руҳда ёзилган номалардек туюлса-да, бошқа томондан, антик юнон афсоналари ва Европа ривоятларидан илҳомланиб битилганини сезиш қийин эмас. Америкалик адабиётшунослар шоирани ботиний кучли оҳанг, соф ва чуқур мажозга эврилган сатрлари орқали шеърдан-шеърга ўсиб бораётганини эътироф этишади. Албатта, бир қарашда, бу туйғулар ички боқимсиз ҳолатларни эсга солади ёхуд қандайдир арзимас умумий сўзлардай туюлади.

Шоиранинг беҳад нафис шеърлари мавжуд. Унинг сатрлари муҳаббатини нома шаклида ёрига изҳор қилаётган содда туйғулардек туюлади:

“Субҳидам. Ёмғир ҳам тинди.

Эдим қуш каби озод,

Аммо ҳаёлимда беҳуда юмуш,

Уйқусизман ойпараст каби.

Сен эса доим ўзга шаҳарда

Гўё йўқсан ботинимда.

Мана, ечиб қўйдим гуноҳ узугин.

Бари тугади. Қара, қаршингдаман!”

Шоиранинг “Сарпо” шеърида инсоннинг ботиний оламида кечаётган туйғулар моддийлаштирилгандай, қалб ҳам, хаёл шаклига кирган тафаккур ҳам суратга олингандай:

*“Қақшаб қолди қалбим.
Гўёки оловга тушгану, ёниб-ёнмаган,
Йўқ бўлиб ҳам кетмаган, қўмирга айлангану,
Аммо ҳамон мавжуд. Заифнок.*

*Гап ёлғизликдамас, ишончсизликда.
Доим шундай тажовуздан сўнг.*

*Тандан айро этилган руҳ
солинган кўз-кўзлаб жоду.
Титрайди Яратган қошида –
ёлғизликдан суғурилган руҳ,
ваъда қилинган ҳузур –
яна ишонурмисан
кимларнингдир ишқига?*

*Бужмайди ва тор бўлди бу қалбим
Жисм унга кенг келди, қилди катталик.*

*Умид мен учун қайтганди яна
Бироқ у кўнглимга бегона бўлди.*

“Ёввойи гулсапсар” китоби учун Луиза Глюк АҚШда таъсис этилган Пулитцер мукофотига сазовор бўлади. Бу рағбат шоирани Американинг таниқли шоирларидан бири эканини исботлади.

Луиза Глюк 12 та шеърий китоб ва бир неча жилд шеърият ҳақида эсселар чоп эттирган. Нобель ва Пулитцер мукофотидан ташқари шоира шеърий Боллинген мукофотини, ҳамда АҚШдаги кўплаб мукофотларни қўлга киритган. АҚШ президенти кўлидан ҳам мукофот олган.

*Даврон РАЖАБ
тайёрлади*





ЯРАДОР ҚАЛБ СУРАТИ

Тақдир ўз даврида Франциядаги таниқли оқсуяклар оиласида туғилган Анри Мари Раймон де Тулуз-Лотрек-Монфаани шоҳона ҳаётдан бирданига турмушнинг орқа тарафидаги жарликка ирғитган. Бундай аччиқ тақдирни рассом учун нажот дейишни ҳам, ўлим дейишни ҳам, зафар дейишни ҳам, бой берилган умр дейишни ҳам билмайсан. XIX асрда яшаб, ижод қилган даҳо француз рассомининг драматик тақдири, унинг рекламани юқори санъат даражасига кўтарган рассом сифатидаги ғайриоддий истеъдоди, метин характери ва ҳаётга бўлган чексиз мухаббати, афсуски, у яшаган жамиятда қадрланмаган.

Тасвирий санъат тарихида Анри де Тулуз-Лотрек француз рангтасвирчиси, реклама ва тошбосма (литография) ривожига катта ҳисса қўшган намоянда сифатида ёрқин из қолдирган. У 1864 йилнинг 24 ноябрида Франциянинг Альби шаҳрида, обрўли зодагонлар оиласи туғилган.

Ўн уч ёшида Анри отдан йиқилиб, чап оёғи, бир йилдан сўнг эса яна шу тасодиф туфайли ўнг оёғи синади. Боланинг оёқ суякларининг тос қисми қаттиқ шикастланиб, охир-оқибат ўсишдан тўхтаб қолади. Ота-онаси яқин қариндош бўлганликлари сабабли Анрида айрим ирсий касалликлар ҳам бўлган. Бу кўргиликларнинг ҳаммаси бир бўлиб, ўн уч ёшигача соғсаломат бўлган боланинг боши касалликдан чиқмай қолади, заиф ва мўрт бўлиб улғаяди. Оёқларининг суяғи ўсишдан тўхтаб, Анри қолган умри давомида 150 сантиметрлик бўй-баст билан яшашга, атрофдагиларнинг пичинг ва масхаралашларига чидаб яшайди. Боланинг қалбидаги айнан шу жароҳат уни рассом бўлишга ундайди. У қўлига қалам олгандагина ҳаётнинг жабр-ситамларидан таскин топади. Чунки, энди у бой оиладан чиққан тенгқурлари қатори меҳмондорчиликларга боролмас эди.

Р.Пренсто қўлидаги икки йиллик таълимдан сўнг, Анри 1882 йилда Парижга кўчиб келади ва бошқа устозга – академик тасвирий санъат намояндаси Леон Боннага шогирд тушади. Бу устоз ҳам Анрининг қўлга киритаётган ютуқларидан хурсанд эди. Чунки, Анри ижодга бутун қалбини бағишлаган эди.

Якка ўғлининг бундай аянчли қисмати Анрининг отасини қаттиқ изтиробга солади. Чунки унинг режаларига кўра ўғли ҳарбий бўлиши керак эди. Улар елкама-елка ов қилишлари, шоҳона зиёфатларда аслзода хоним-

лар билан рақс тушишлари керак эди. Зодагонларнинг ўғиллари учун бу фарз эди. Ўғил отасининг руҳан изтироб чекаётганини зимдан билар ва ўз уйида ўзини кундан-кунга бегонадек ҳис қила бошлайди.

Лотрекнинг бош чаноғи ва қўллари номутаносиб равишда катта, оёқлари қисқа бўлиб, гавда нисбатлари тўлақонли бўлмаган. Танадаги бундай камчиликни рассом ўзи тушган барча фотосуратларда қора рангли шляпа остига, кўпол жағини эса қалин соқол ортига яширишга уринган. Ҳаттоки, кийим танлашда ҳам узун пальто ва кенг бичимли шимларни афзал кўрган. Кўчага чиққанида доим кўлида бамбук қамишли ҳассаси бўлган.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Бу давр орасида Лотрек ҳаётни кузатди. Картиналарида реал ҳаётни ҳеч ерини таҳрир қилмаган ҳолда тасвирлашни ўрганди. Унинг ҳар бир ишида шахсий изтиробларининг изи бор. У шу алфозда тақдирнинг ақл бовар қилмайдиган сўқмоқларидан юришга мажбур бўлди. Уни бир томондан танасидаги заифлик кийнаса, бошқа томондан тенгқурларидан ақл борасида асло кам эмаслигини, ҳамма қатори бахтли бўлишга ҳақли эканини қайта-қайта исботлаши керак эди. Лекин унинг барча уринишлари атрофдагиларга, ҳатто оила аъзоларига ҳам керак эмасдек эди. Гарчи бутун умри давомида уни ҳар тарафлама тушунган ва қўллаб-қувватлаган инсон – онаси графиня Адель ёнида бўлса ҳам.

Лотрек 1885 йилда йигирма ёшида уйдан бош олиб чиқиб кетади ва Монмартрда танишининг уйига кўчиб ўтади. Шу вақтдан эътиборан, унинг ҳаётида янги давр бошланади. Чунки, айнан шу ерда кафелар, хиёбонлар жойлашган бўлиб, Парижнинг ижод аҳли тўпланадиган маскан бўлган. Монмартрдаги “Ша нуар”, “Мулен де ла Галетт”, “Элизе-Монмартр”, кейинчалик “Мулен Руж” тунги клубларида Лотрекни ҳамма танирди. Уни рассомлигини билишарди. Лекин аслзода хонадоннинг фарзандилигидан кўпчиликнинг хабари йўқ эди.

Бу кезлари Лотрек тиним билмай ижод қилади. Ичади-чизади, чизади-ичади. Айнан Монмартрда у ҳақиқий рассом бўлиб шаклланади. Литография ва плакатда илгари маълум бўлмаган қирралари очилади.

Йил ўтган сари Анрининг ёлғизлиги билина бошлаган. Жуда кўп аёллар билан жиддий танишиб, оила қурмоқчи ҳам бўлган. Масалан, Алина исмли қиз билан. Лекин қизнинг ота-онаси бундан хабар топиб, қизларини монастирга олиб бориб беришади. Ваҳоланки, Анри бу вақтда тартибсиз ҳаётига чек қўйиб, ичиш-чекишни ташлаган эди. Жисмоний камчилиги туфайли оила бобида ҳам омади чопмайди.

Бундан у тушкунликка тушади. Бора-бора Анри жиддий, одамови, ёлғиз бўлиб қолади. Натижада у яна спиртли ичимликларга берилиб, Парижнинг энгилтак ҳаётига ғарқ бўлади. Оиласидан, яқинларидан топмаган меҳрни ўша масканлардан пулга сотиб олишни ўрганади. Энг ёмони – бора-бора у шундай ҳаёт тарзига тўла мослашади.

Санъатдан баҳра олган Анри замонасининг кўплаб таниқли рассомлари билан таниш бўлган. Масалан Ван Гог (1853–1890) билан дўстлашган. Уларнинг иккиси ҳам ажойиб постимпрессионист рассом бўлишган. Иккисида метин характер ва тўфон мисоли ижодий қувват бор эди. Бирок, уларнинг дунёга бўлган назарлари бошқа-бошқа эди: Винсент севишга ва ҳамдард бўлишга интиларди, Анри эса, аксинча, ҳаётдан безиган, умиди сўнган, ёлғиз, атрофидаги воқеа-ҳодисаларни фақат зимдан кузатувчи шарпага айланган эди.

Тулуз-Лотрекнинг асарлари орасида Ван Гогнинг ўлимидан олдин чишига улгурган портрети сақланиб қолган. Асарда Винсент кафед якка ўзи ўтирган ҳолда, фикрлари билан ёлғиз қолган пайтда тасвирланган. Худди дўстининг киефасида ўзининг ёлғизлигини кўргандек...

Кишиларнинг рухий ҳолатларини кўрсатиш Тулуз-Лотрек ижодининг ёркин томони десак бўлади. Бу хислатлар унинг бошқа асарларида – жамиятда ўз ўрнини топа олмаган, ҳар хил хулқли одамлар орасида яшашга маҳкум, тақдири аянчли, енгилтак, серташвиш ёки ҳаётга бефарқ аёлларнинг чехраларини яратишда яққол кўзга ташланади. У сиймоларни яратишда танаси ва руҳи ёш ёки аллақачон қариб, юзларига ажин тушган, қовоқлари осилган, нигоҳлари синиқ кишиларни кузатиб, йиғган бой материалларига таянади.

Анри ҳеч қачон моделларига ортиқча зеб бермаган. Аксинча, уларни баъзан жуда кўпол қилиб, гоҳида ҳатто таниб бўлмас даражада тасвирлайди. Рассомдан ажабланиб нега бундай қилганини сўрашганида, у: “Чунки, улар жуда хунук” – деб, енгил табиатли модель аёлларнинг ички дунёларига шаъма қилади. Шу сабабли рассом моделларини гротеск тарзида, кинояли тасвирлаб, ижоди орқали кўнгли таскин топмаган жамиятидан қасос олмоқчи бўлади. Гарчи рассом ҳар доим турли йиғилишларнинг диққат марказида бўлса-да, ўзи учун буни шарафли он деб эмас, аксинча, ҳақоратли лаҳзалар деб биларди. Гўё, барча уни мазах қилаётгандек эди.

Унинг асарлари орасида Париждаги фоҳишахоналар, у ерга келадиган мижозлар, мижозларга хизмат кўрсатадиган аёлларнинг ҳаётига бағишланган расмлар серияси бор. Бу серия рассомнинг ижодида катта ўринга эга.

Тулуз-Лотрек биринчилардан бўлиб плакат яратишга жиддий ёндашиб, реклама афишасини юкори санъат даражасига олиб чиқишга эришган.

Бир марта Мулен Руж қаҳвахонасининг эгаси касод бўлиш арафасида Анрига мурожаат қилиб, муассасаси рекламасини тайёрлаб беришини сўрайди. Реклама тайёр бўлгач, уни кўриб, тасвирий санъатни (графикани) яхши тушунмаганидан даҳшатга тушади. Лекин плакат қутилганидан ҳам яхши натижа беради. Кўринишдан ғайритабиий, бошқа рассомларнинг ҳаёлига ҳам келмаган услубда чизилган реклама ўша кезлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Аксинча, Мулен Руж қаҳвахонаси аввалги йилларда ҳам мисли кўрилмаган даражада машҳур бўлиб кетиб, мижозларининг кети узилмайди. Реклама муаллифи – Анри ҳам бир кечада машҳур рассом бўлиб кетади. Ўшанда унинг ижодига паст назар билан қарайдиган ғанимлар Мулен Ружнинг рекламасини “Санъатни йўқ қилувчи шайтоннинг иши”, деб аташганди. Бир кечада машҳурлик ва шон-шарафга бурканган рассомга, санъат юлдузлари ва таниқли шахслар тинимсиз мурожаат қилиб, ширкатлари учун худди шундай реклама афишасини чизиб беришни буюртма қила бошлайдилар.

Эндиликда Анри шу даражада машҳур бўлиб кетадики, рекламалар яратиш билан бирга унга нашриётлар ҳам мурожаат қилиб, китобларга иллюстрациялар чизиб беришни буюртма қиладилар. Рассом ҳатто дўконларнинг витриналарини ҳам лойиҳалаша оқибатида 1888 ва 1890 йилларда Лондон ва Брюссель шаҳарларидаги “Йигирматаликлар

гурухи” номли кўргазмаларга таклиф қилинади ва болаликдаги кўмири Эдгар Деганинг (1834–1917) олқишига сазовор бўлади.

Лекин 1893 йилда Парижда очилган биринчи шахсий кўргазмаси яқиндагина эришган шон-шухратини чилпарчин қилади. Айниқса, кенг жамоатчиликнинг кўргазма юзасидан: “Санъатга ҳеч қанақа алоқаси бўлмаган пакананинг жирканч асарлари”, дея берган хулосалари рассомни бир лаҳзанинг ўзидаёқ жаҳаннамга улоқтириб юборади. Анри бундай бўлишини кутмаганди. Фақат ҳимояси учун: “Мен чизган расмлар жирканч эмас, улар ҳақиқатдир! Ҳақиқат эса ҳамма вақт ҳам чиройли бўлавермайди”, дея аламини ичига ютади, холос.

Аммо Анри учун энг даҳшатлиси, ота-онаси ва яқинлари ҳам мазкур кўргазмани оилалари шаъни учун иснод деб билганликларида бўлган. Ҳатто кунларнинг бирида онасидан унинг энг севимли рассоми ким – деб сўрашганида, графиня: “Ҳар ҳолда ўғлим эмас...” – деб жавоб берган экан. Ҳатто онаси ҳам Анрини қанчалар севмасин, лекин уни рассом деб тан олмаган экан.

“Мен одамга уларни майна қилиш орқали пародия қиламан”, – деганди Лотрек. Шу кўргиликлардан сўнг рассомда ҳеч қанақа муқаддас инсоний туйғулар қолмайди. Қалби бўшликка ғарқ бўлиб, жамиятга, маънавий кадриятларга тупуради. Энди у ҳеч кимсадан ёрдам сўрамайди. Агар шундай қилса, бу ўз мағлубиятини тан олиши демак. Энди хаёллар, ўз уйи, оилавий бахт, севган аёли, фарзандлар, орзу-умидлар йўқ. Аксинча, қалбини алам, ёлғон, умидсизлик, тубанлик эгаллайди. Бу эса охиروқибат Анрини ижоддан совушига, расм чизишни батамом тўхтатишига сабаб бўлади.

Миттигина бўй-басти билан замонасига ҳамла қила олган, ўзининг ғайритабиий асарлари билан санъат ихлосмандларини ҳайратга солган Анри де Тулуз-Лотрек бор-йўғи 37 йил умр кўрган. Сурункали ичкилик туфайли рассом 1901 йилнинг 8 сентябрида оиласининг Мальромдаги қасрида онасининг кўлида жон беради. Ота-онаси оилалари шаънини сақлаб қолиш мақсадида ўзларича ўғиллари чизган барча расмларни ажодлари яшаган чекка қалъага тўплаб, яшириб қўйишади.

Лекин тақдир ўйинини қарангки, бугунги кунда Анрининг илгари кўплар нафратланган, мазах қилган плакат ва картиналари жаҳондаги кимошди савдоларида миллионлаб долларга сотилмоқда. Масалан, рассомнинг 1886-1887 йилларда чизган “Кир ювувчи оксоч” картинаси Нью-Йоркдаги “Christie’s” кимошди савдосида 22,4 миллион долларга сотилган. Бу Анри де Тулуз-Лотрекнинг расмлари учун рекорд нархдир. Бутун ижоди давомида рассомдан 737 та картина, 275 та акварель, 363 та гравюра ва плакат, 5084 та қаламтасвирлар, бир неча керамика ва витраж асарлари қолган.

*Равшан ФАТХУЛЛАЕВ,
санъатшунос*



РЕЗЮМЕ



●● Шарль Бодлер – классик французской и мировой литературы, основоположник эстетики декаденса и символизма, повлиявший на развитие всей последовавшей европейской поэзии. Наиболее известным и значительным в его творчестве признан цикл стихотворений «Цветы зла», изданный в 1857 году. Цикл публикуется в переводе Абдувахита Хайита.

●● В какой литературной и социальной среде достиг зрелости Махтумкули – любимый поэт туркменского и узбекского народов? Как формировались личность, творчество классического восточного поэта, и где же искать источники его глубокого мышления и таланта? Ответы на эти вопросы можно найти в статье доктора филологических наук, профессора Бахадира Каримова «Отец Махтумкули» и в стихотворении-маснави самого поэта, опубликованном в данном номере.

●● «Новое в поэзии – это содержательность, выраженная своеобразными аллегориями, бесподобность стиля поэта. В наше время этим блестяще отличился Александр Твардовский. Если говорить о нерусских поэтах, то с этой задачей замечательно справились такие поэты, как Аркадий Кулешов, Разул Гамзатов, Давид Кунултинов, Мустай Карим. Среди них есть и Народный поэт Узбекистана Зульфия» – это цитата из статьи знаменитого балкарского поэта Кайсина Кулиева «Зульфия и ее поэзия». Статья публикуется в переводе Асрора Мумина.

●● Международный комитет Нобелевской премии присудил высшую награду по литературе за 2020 год поэтессе из США Луизе Элизабет Глюк «за меткую поэтическую интонацию и умение трансформировать индивидуальный опыт в универсальный». О жизненном пути, своеобразии ее творчества можно прочитать в статье Даврона Раджаба «Нобелевская премия присуждена Луизе».


**RESUME**

●● A talented poet of modern French poetry Charles Baudelaire had a difficult fate. A hard adversities and miseries in childhood were described in his poetry when the poet matured. “The Flowers of Evil”, a poetry collection which was written with pain and grief was translated into Uzbek by talented poet Abduvohit Hayit.

●● Makhtumquli is a son and great poet not only for Turkmen, but Uzbek nation too. In what literary and social environment did he grow up? How did the poet’s personality develop, who conquered millions of readers? Where did he find inspiration for his original poems? Doctor of philology, professor Bahodir Karim tried to give answers for this questions in his article “Makhtumquli’s Father”, also you can read some works written by the poet.

●● “Some people think that making different rebuses, changing the rules of the native language, composing incomprehensible words is something new in poetry. I think that novelty in poetry is ambiguity of meaning, original poetic style and world view of the author. Aleksandr Tvardovsky did it very well in our time. Among non-Russian poets Arkadiy Kulishov, Rasul Gamzatov, David Kugultinov, Mustay Karim and others did it with honor. The People’s Poetess of Uzbekistan Zulfiya was one of them”. It was a quote from the article “Zulfiya and Her Poetry” by famous Balkarian poet Kaysin Kuliev. In this article translated by well-known poet Asror Mumin you can find love and respect of compatriots to poetry and personality of Zulfiya.

●● International Nobel Prize committee presented the Nobel Prize for literary to well-known American poetess Louise Elisabeth Gluck. The prize was given to the author “for her unmistakable poetic voice that with austere beauty makes individual existence universal”. You can read about her biography and original style of poetry in article named “Nobel Went to Louise”.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА

Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ

Мусаххих: Д.МАҲМУДОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиғи олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ худудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 12.11.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 1554 нусха. 26 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб,

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани. Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Anri de Tuluz-Lotrek.
"Ingliz xonandasi (Dolli xonim) "

19016
Тоғраққун

Жаҳон
АДАБИЁТИ
Индекс 828, 829



Anri de Tuluz-Lotrek.
“Ot bilan sayr”

OBUNACHILAR DIQQATIGA!

Jurnalning obunachilarga yetkazilishida muammo paydo bo'lsa, quyidagi manzilga murojaat qiling:

Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor o'chasi,
2-uy. Tel.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Muqovamizda:

Anri de Tuluz-Lotrek.

“Yvette Guibert kuylamoqda”